

«ЭТИҚОД САБОҚЛАРИ»

**АВЛИЁЛАР
СУЛТОНИ**



**ТУРОНЛИК
ВАЛИЙЛАР**

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2004

Ушбу китоб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Авлиёлар султони» деб номланади. Унда ўқувчилар Фавсул Аъзам — Абдулқодир Гилоний маноқибни билан батафсил танишиши имконига эга бўладилар.

Тўпламнинг иккинчи қисми «Валийлар таъкираси» деб номланиб, (профессор Ҳамиджон Ҳомидий билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган) унда Рушдий таъкирасидан ўрин олган Мансур Ҳаллож, Ат-Термизий, Абу Бакр Воситий, Абу Туроб Нахшабий зикрлари ҳозирги адабий тилимизда баён этилган.

Китобнинг учинчи қисми «Туронлик валийлар» дея номланган бўлиб, Занги ота Ҳимматий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжаназар Ҳувайдо, Мажзуб Намангоний, Зиёуддин Ҳазиний, Рожий Маргилоний, Сафохонтўра Ҳўқандий, Эшони Ҳўқандий ҳақида нақл ва ҳикоятлар берилган, уларнинг айрим асарлари шарҳланган. Шунингдек, илк марта Салоҳиддин Соҳибийнинг «Маъмулоти соҳибий» рисоласидан танланган ланд-насиҳатлар келтириб ўтилган.

«Авлиёлар султони», «Туронлик валийлар» деб аталган мазкур китоб тасаввуф ва тасаввуф адабиёти, миллий маънавият ва диншунослик илми билан шуғулланувчи барча зиёлилар ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи филология фанлари номзоди Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ

Муҳаррирлар — Нажмиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори, Сайфиддин РАФЪИДДИНОВ, филология фанлари номзоди.

Таҳрирчилар — Шайх Абдулазиз МАНСУР, профессор Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ.


Масъул муҳаррир — Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Халқ шокри.

HO 30459
285

Ушбу китоб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита рухсати билан чоп этилди.

ISBN 5-633-01589-4

© Тўплам. «Авлиёлар султони», «Туронлик валийлар», «Янги аср авлоди», 2004 й.



ЎҚАДДИМА

Муҳт
юраг
мон дин
мизга
ни та
етган
била
Абд
Ба
ми
не

Ислом Каримов «Оллоҳ қалбимиз-
да шундай ёзган эдилар: «Биз мусул-
ла аввало Оллоҳ ва унинг расулони, ўзи-
улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимиз-
Мана шу қутлуғ заминда тугилиб вояга
эрилган бутун Ислом дунёси чексиз эҳтиром
ан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий,
Имом Ибн Ҳажр, Имом Ибн Қасбий,
Имом Ибн Қасбий, Замахишарий, Аҳмад Яссавий, хожя
Имом Ибн Қасбий каби тўрт комилларимизни назарда тута-
тилган бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса ди-
навият саввур эта олмаймиз.

Мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун ха-
лқимиздан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, улар-
да шундай маънавий муҳитда камол топишига, Ислом
да инсонпарварлик фалсафаси, буюк гоёлари ёш авлод юра-
сига олинишига шароит яратмоқдамиз».

Ҳақиқатли даъватлар ўтмиш меросимизни ўрганиб, халқи-
да янги-янги маънавият манбаларини тақдим этишига жазм
қилган зиёлилар қалбига ишонч ва гайрат туйғуларини солади,
шунда меҳр-муҳаббат билан ишлаб-изланишига ундайди.

Миллий маънавиятимиз тарихи теран илдизларга эга. Бу
ҳақиқатни шу кунгача халқ мулкига айланиб қолган, яқин ўтми-
шимизда нашрга тайёрланган, босилиб чиққан юзлаб тарихий,
маънавий, диний, тасаввуфий илмий-оммавий китобларимиз тас-
диқлаб турибди. Аммо буюк маънавий меросимизнинг халқимиз
воқиф бўлганидан кўра, воқиф бўлмаганлари кўпроқдир. Шу са-
бабли уларни излаб топиш, тадқиқ этиш, сайқал бериш бир дақиқа
ҳам тўхтатиб бўлмайдиган савобли ишларимиздандир.

Нақибандия ва Қодирия сулуқлари бир неча юз йиллардан бери
она-Туркистонимиз маънавий дунёсида катта тарбиявий мак-
таб сифатида яшаб келмоқда. Бу сулуқларнинг машҳур намоян-
далари ақлиё зотлар бўлиб, азалдан эл-юртимизнинг маънавий
даргаларидир.

Уларнинг ибратли ҳаёти, ёзган асарлари, улар ҳақида
рисолалар ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитади, ду
шини кенгайтиради. Ахлоқ китобларида пир-устозлар инсо
сини ислоҳга келтирувчи зотлар, деб таърифланган. Биз ан
дай нафс тарбиялагувчиларидан бўлмиш авлиёларимиз ту
да тазкира тузиб, китобхон ҳукмига ҳавола этишни лозим
дик.

Бу хайрли ишда Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Рисо
Қодирия», «Тазкиратул авлиёи туркий» асарларидан фойдал
дик. Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Авлиёлар
султони» деб номланади. Унда ўқувчилар Фавсул Аъзам — Абду
лқодир Гилоний манокби билан батафсил танишиши имк
нига
эга бўладилар.

Тўпلامнинг иккинчи қисми «Валийлар тазкираси» деб номла
ниб, унда Рушдий тазкирасидан урин олган Мансур Халлож, Ат
Термизий, Абу Бакр Воситий, Абу Туроб Нахшабий зикрлари
ҳозирги адабий тилимизда баён этилган.

Китобнинг учинчи қисми «Туронлик валийлар» дея номланган
бўлиб, Занги ота Ҳимматиий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжаназар
Ҳувайдо, Мажзуб Намангоний, Зиёвуддин Ҳазиний, Рожий Мар
гилоний, Сафохонтўра Ҳўқандий, Эшонӣ Ҳўқандий ҳақида нақл
ва ҳикоятлар берилган, уларнинг айрим асарлари шарҳланган.
Шунингдек, илк марта Салоҳиддин Соқибийнинг «Маъмулотӣ
соқибий» рисоласидан танланган панд-насиҳатлар келтириб
ўтилган. «Авлиёлар султони» «Туронлик валийлар» деб аталган
мазкур китоб тасаввуф ва тасаввуф адабиёти, миллий маънави
ят ва динишунослик илми билан шуғулланувчи барча зиёлилар ва
кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Дарвоқе, бундан бир неча йиллар муқаддам «Сирли олам ку
тубхонаси» рукнида таниқли адиб Ҳожиакбар Шайхов ташаб
буси билан ушбу китобнинг илк нашри чоп этилган эди. Кенг ки
тобхонлар томонидан самимий кутиб олинган мазкур китоб
тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилар экан, покиза тийратли
адибимизнинг руҳлари ҳам шод бўлади, деган умиддамиз.

I қисм

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий



АВЛИЁЛАР СУЛТОНИ
Ғавсул Аъзам Абдулқодир Гилоний



*Зиҳи маҳбуби субҳоний, сифоти жонга марҳамдир,
Валоят тахтига зебанда, султони мукаррамдир.
Бўлиб фарзанди хоси Мустафо, дурри муаззамдир.
Ҳақиқат баҳрига гаввосу асрорига маҳрамдир,
Тилим васфига ожиз, исми поки Ғавсул Аъзамдир.*

Мир маҳмуд ҚОРИЙ

«АВЛИЁЛАР СУЛТОНИ» РИСОЛАСИ ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА СЎЗ

Сўнгги илмий изланишлар натижасида ўзбек адабиёти намояндалари сафига яна бир улкан сўз санъаткорининг номи келиб қўшилди. Бу зот — XVIII аср (1706 йилда туғилган)да Шарқий Туркистоннинг Ёркент диёрида яшаб ўтган шоир ва таржимон, мутасаввиф олим ва тилшунос Муҳаммад Сиддиқ Рухдидир.

Ҳозирча унинг туғилган йили аниқ бўлса-да, вафоти санаси тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Адибнинг 95 нафар улуғ файласуф олим, азиз-авлиё тўғрисида битилган «Тазкиратул авлиёи туркий» қўлёзма асари маълум эди. Яқинда улкан носир қаламига мансуб яна бир қўлёзмани топдик. Қўлёзма XII асрда яшаган улуғ инсон, бутун мусулмон оламида «Ғавсул Аъзам», «Қутби вақт» номи билан машҳур бўлган Саййид Муҳйиддин Абдулқодир Гилоний ҳаёти, хавориқ одоти ва кароматлари ҳақидаги қимматли рисоладир. Гарчи қўлёзмада рисолага ном қўйилмаган, номаълум ўқувчилар томонидан бир четига оддий дастхат билан «Рисолаи Қодирия» деб ёзиб қўйилган бўлса-да, биз уни шартли равишда «Авлиёлар султони» деб аташга журъат этдик.

Рисола ниҳоятда берилган қуйидаги шеърини таърих асарнинг қачон ёзиб тугатилганидан ёки оққа кўчирилган вақтидан далолатдир:

Ғавсус сақалайн маноқибни нури сафо,
Юз шукрки, топти туркий луғатида адо.
Одина кунни, моҳи зулҳижжа учи,
«Мурғ» ўлғувсидир соли таърихи расо.

«Мурғ» сўзининг абжад ҳисобидаги адади 1240 бўлиб, милоний 1815 йилга тўғри келди.

«Авлиёлар султони» мазмун-мақсад жиҳатидан «Тазкира»га ҳамоҳанг бўлса-да, мундарижа қурилиши жиҳатидан бутунлай фарқ қилади. «Тазкира»да аввал шайхнинг зикри, сўнг унинг фалсафий фикрларидан намуналар келтирилади. Рисола эса муқаддимадан ташқари икки қисмдан иборат: ҳар бир қисм боб-

ларга, боблар фаслларга бўлинади. Фасллар эса бир неча нақл ва ривоятлардан ташкил топган.

Рисола 1079-1166 йилларда Бағдодда яшаган авлиё, тариқатда «Қодирия» сулукининг асосчиси, буюк мударрис Ҳазрати Ғавсул Аъзам Муҳйиддин Саййид Абдулқодир Гилоний ҳаёти тўғрисидадир. Насл-насаблари ўн авлод орқали Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотимаи Заҳро ва унинг ўғиллари имом Ҳасан ва имом Ҳусайнга бориб уланадиган Саййид Абдулқодир разияллоҳу анҳу ҳижрий 471 йилда Эроннинг Гилон вилоятида туғилади. Ўн олти ёшида Бағдодга бориб, илм таҳсилига берилади. Ўз даврининг улуғ олимларида таҳсил кўриб, ислом дини асослари ва тасаввуф таълимотини пухта эгаллайди. Бағдод шаҳрида мадраса барпо этиб, ўттиз уч йил давомида толиби илмларга сабоқ беради. «Нақл қилибдурларким, Шариф Абдуллодин эшиттимки: падари бузрукворим Муҳаммад Хизр Ҳусайний Мувсийдинки, айтур эрдилар, пирим Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу ўз мадрасаларида ўн уч қисм илмга дарс айтур эрдилар. Чунончи, илми тафсир, илми ҳадис, илми мазҳаб, илми усул, илми ахлоқ, илми фикҳ... Ва намози пешиндан кейин тиловати Қуръон қилур эрдилар, разияллоҳу анҳу».

Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу кароматда, башоратда ва фиросатда тенгсиз бир зот бўлиб, ўз замондошлари орасида «Султонул авлиё» деб эъзозланар, унинг бир умрлик мақсади кишиларни яхшилик йўлида тарбиялаш, ёмон йўлдан қайтариш, ожиз ва йўлдан адашганларга ёрдам бериш, ҳалоллик ва эзгулик учун курашиш эди. Шунчалик шон-шавкат, обрў-эътиборга эга бўлишига қарамай ул муборак комил инсон, «Кишиларга ва ожиз нотавонларга шафқат ва навозиш қилур эрдилар. Улуғ ва қарияларга иззат ва ҳурматлар қилур эрдилар ва кичикларга илгари салом қилур эрдилар. Фақир ва мискинлар билан нашасту хаст қилмоқ одатлари эрди». Аммо барча сўфилар сингари «Ул Ҳазрат разияллоҳу анҳу умаро ва ақобири замонларнинг ҳеч бирларига тавозе қилмоқ учун ўринларидан қўпмас эрдилар. Доҳили ҳукумат ва ҳашаматларнинг қошига бормас эрдилар. Ва улар таомини емас эрдилар. Ва подшоҳлар мажлисида бўлмоқ ва уларнинг бисотида бўлмоқни аз жумлан азоб ва уқубат тасаввур қилур эрдилар».

Ғавсул Аъзамни Оллоҳ таоло ҳар жиҳатдан сийлаган. Ул зотнинг 42 фарзанди бўлиб, уларнинг 11 нафари оталари тариқатида кириб, ўз даврининг етук кишиларига айланган эдилар.

«Қодирия» сиксиласининг рамзи — япил ранг эди. Бу рамз Бағдод шаҳрида Абдулқодир Гилоний қабрида ҳам ўз аксини топган.

Гарчи хосу ом Ғавсул Аъзам Ҳазратларини юқори даражада ҳурматласалар-да, у киши шароит аҳкомларидан заррача четга чиқмай «Аҳли суннат вал Жамса» мазҳабида ҳукм юритганлар, «Шариат ҳукмин этмай истиқомат, Таажжуб ишлари бўлмас каромат»лигини, албатта, ул буюк зот теран англаганлар. Зеро, агар киши башорат ва каромат кўрсатаркан, шариатдан четга чиқса, унинг амали эзгуликка эмас, ёмонликка хизмат қилиши мумкин.

«Қодирия» сулуки бутун Шарқ мусулмон дунёсида, хусусан Фарғона водийсида ҳам кенг ёйилган. Мавлоно Ҳазиний бир ғазалида:

Сулуким — «Қодирия», раҳбаримдир пири пироним,
Саҳарлар зарби «Оллоҳу»ни энди одат қилмасам бўлмас, —
деб ёзади.

Бир мураббасида эса:

Ғавсул Аъзам — авлиёлар сарвари,
Ул Муҳаммад умматининг ғамхори,
Масиходек жон бағишлар гуфтори, —
деган сатрларни ўқиймиз.

Айни кунларда Қўқон ва Марғилон шаҳарларида Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу авлодлари яшайди. Аҳли меҳнат уларга доим ҳурмат бажо келтиради. Бу ҳурматнинг илдишлари уларнинг бобоқалони Саййид Абдулқодир Ҳазратларининг порлоқ руҳига бориб уланиши, шубҳасиздир.

«Қодирия» сулукининг шиори дунёдан фориг бўлиб, охираат ишига машғул бўлиш эмас, балки машғуллик билан форигланишдир. Бунинг маъноси шуки, инсон моддий ноз-неъмат яратиши керак, бусиз ҳаёт тўхтаб қолади. Аммо инсон ўзи яратган мол-дунёга меҳр қўймаслиги, яъни дунё ҳирсидан форигланган ҳолда дунё ишига машғул бўлиши керак. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам «Дил ба ёру даст ба қор» шиорини тарғиб қилишда Ҳазрати Ғавсул Аъзам сулукига суянгандир.

Мен ушбу рисоланинг туркий услубдаги Муҳаммад Сиддиқ қаламига мансуб нусхасини алоҳида нашрга тайёрладим. Аммо бу билан қаноатлангим келмади. Замондош ўқувчиларга тушунарлироқ бўлиши учун ҳозирги адабий тилимизга қайтадан ўгириб чиқдим.

Кўплаб форсий, арабий сўз ва ибораларни таржима қилиб, туркона гал қурилишига мослаштирдим.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг ушбу рисоласи ўзбек мумтоз адабиётини яна бир насрий асар билан бойитган адабий-тарихий ёдгорликдир. Унинг топилиши ва нашр этилиши адабиёт мухлислари ва тасаввуф фани билан қизиқувчилар учун муҳим армуғондир. Рисола келажакда турли йўналишдаги илмий изланишларга манба бўлиб хизмат қилади.

Табдил қилиш маҳалида тажрибасизлик важҳидан катта-кичик нуқсонларга йўл қўйган бўлсам, ўқувчилардан, синчков мутахассислардан узр сўрайман.

Мазкур китобнинг ёзилиши ва нашр қилинишига рағбат ва кўмак берган адибимиз Ҳожиакбар Шайхов, шарқшунос олим Ботирбек Ҳасановдек (жойлари жаннатда бўлсин) устозлар номини миннатдорчилик билан эсга оламан.

Тўпламга муҳаррирлик қилган Шайх Абдулазиз Мансурга, профессор Ҳамиджон Ҳомидийга, филология фанлари номзоди Сайфиддин Рафъаддиновга, ёзувчи Урфон Отажонга раҳматлар айтишни шогирдлик бурчим деб биламан.

Ҳар соҳада менга ҳамдард бўлган Муҳаммаджон Тошканбой ўғли ҳамда Насибахон Турсунбой қизи каби муруватли ва бағридарё инсонларга қуллуқ қиламан.

Мусанниф

АВЛИЁЛАР СУЛТОНИ

Мақтов бўлсин ул Оллоҳгаки, зоти ва сифоти жамоли нури билан орифларнинг — маърифат соҳиблари, нозик дилларнинг юраklarини нурафшон этмиш, азаматининг буюк зуҳури ва аломатлари билан восилларнинг — Ҳаққа етишганларнинг қалбини очмиш, мушоҳада чақини ва эътибори билан муштоқларнинг кўнгилларига ўт ёқмиш, муҳаббат бодасининг томчилари ва тажаллиси билан севгувчиларнинг дилларини маст қилмиш.

Набий ва мурсалларнинг султони, авлиёю муттақинлар бурҳони (ҳужжат)нинг санади-суянчиғи, гуноҳқору итоатгўйларининг шафоат қилғувчиси, мавжудлиги оламлар учун раҳмат кони бўлган унинг (Оллоҳнинг) элчиси Муҳаммадга, ул зотнинг покиза оилаларига ҳамда Қиёмат кунига қадар тўғри йўл қуёшлари ва йўлчи юлдузлари бўлмиш саҳобаларига раҳмат ва саломлар бўлсин.

Аммо баъд, бу муқаддимадин мақсуд ва бу нусхадан муддао улдурки, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бу гўзал олам гулистонини ўз дўстлари, яъни валийлар вужуди сабабидан серсабз ва хурсандчилик макони қилди. Уларнинг баракот ва шарофатидан жами махлуқотни ризқ-рўз, эҳсон дастурхони билан сарафроз ва сероб айлади.

Жаҳон забитасини — жаҳон тузилиши ва тартибини уларнинг иқтидорли қуввати тасарруфи билан интизом берди. Ул олий тоифа инсонлардан содир бўладиган одатдан ташқари ишлар ва кашф-кароматларини пайғамбарлар мўъжизаларига таттима қилди, яъни мўъжизаларга имон келтиришимиз учун авлиёлар кароматини кўрсатиб қўйди.

Киши агар авлиёи Оллоҳнинг кароматларини инкор этса, пайғамбарлар мўъжизаларини инкор этгандек бўлади (Бундай шаклдан Худонинг ўзи асрасин).

Шак йўққи, каромати авлиё ҳақдир. Унга эътиқод қилиб, ҳақ билмаклик аҳли суннат вал жамоат эътиқоди жумласидан ҳисобланади. Чунончи ҳазрати мавлоно Абдураҳмон Жомий (Оллоҳ

унинг сирини муқаддас қилсин) «Нафоҳотул унс» муқаддимасида авлиёи оллоҳнинг кароматлари ҳақ ва собитлигига (доим бўлиб туришига) Имом Мустаффарий раҳматуллоҳу алайҳнинг «Далойил ул Нубувва» (Пайғамбарлик далиллари) китобларидан нақл келтирибдурларки, Мустаффарий айтибдурлар: «Каломуллоҳ ва ҳадиси саҳиҳлар, хабар ва асари сариҳлар, аҳли суннат вал жамоат уламолари ижмоси ва иттифоқлари билан қатъий ҳужжатлар ва рад қилиб бўлмас далиллар бўлгани учун авлиёлар каромати ҳақдир. Чунончи, аҳли тафсирлар тафсир қиладиларки, «Зикриё алайҳиссалом ҳар вақт Биби Мариям ҳузурларига кирсалар Байтул мақдусдаги Биби Мариям тоат ва ибодат қиладиган меҳробда ёзда пишадиган мевани қишда кўрар эдилар, аксинча қишда эса ёзда пишадиган мевани кўрар эдилар». Ваҳоланки, Биби Мариям разияллоҳу анҳумо мужтахид уламолар ижмоъ қилиб чиқарган фатвога кўра пайғамбар эмас эдилар. Бу оят ҳужжати қатъийдир.

Авлиёуллоҳнинг кароматларига инкор қилувчиларга далил сифатида «Кашфул маҳжуб» (Ҳужвирий асари) китобида Ҳазрати Осаф ибн Бархиё кароматидан воқеа баён қилибдирлар: Ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломга Билқис тахтини у келмасдан ҳозир қилиш лозим бўлиб қолди. Вақт эса оз қолган эди. Шу аснода Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Ҳазрати Осафнинг ҳурмат ва шарофатини халқ кўзига кўрсатиш ва илм аҳлига билдириб қўйиш учун унинг кароматини зоҳир қилишни ирода қилди. Сулаймон алайҳиссалом қавмларига шундай деб амр қилдилар:

— Ораларингда ким Билқис келмасдан илгари тахтини ҳозир қила олади?

Ифрит отлиғ жин деди:

— Мен Билқис тахтини ўрнингиздан тургунингизча ҳозир қиламан.

Сулаймон алайҳиссалом айттилар:

— Ундан ҳам эртароқ келтирилишини хоҳлайман.

Осаф айтти:

— Мен кўз очиб юмгунингизгача ул тахтни ҳозир қилгумдир.

Сулаймон алайҳиссалом Осафнинг бу сўзини англаган замон тасдиқладилар, истиҳола қилмадилар.

Бу воқеа ҳеч ҳолда мўъжиза эмас, чунки Осаф пайғамбар эмас, авлиё зумрасидан эдилар. Бу воқеанинг каромат экани ҳақ ва муқаррардир.

Яна Асҳоби қаҳфнинг аҳволлари, ит билан сўзлашганлари, узоқ вақт уйқуга кетганлари, ўнг тараф ва чап тарафларига ағдарилиб олганлари расми одатдан хориждир, кўриниб турибдики, бу воқеалар ҳам мўъжиза эмас, балки кароматдир.

Каромати авлиёнинг ҳадис билан собит бўлгани шуки, «Ҳадиси саҳиҳ»да ворид бўлган экан, бир куни Он Ҳазрат саллаллоҳи алайҳи ва салломдан саҳоба разияллоҳу анҳум сўрадилар:

— Ё расулаллоҳ, илгари ўтган вақтдаги умматлар ажойиб ва фаройибларидан бизларга баён қилсалар.

Сайиди олам саллаллоҳи алайҳи ва саллам айтдилар:

— Илгари замонда уч киши бир жойга борур эканлар. Баногоҳ кеча бўлиб, форга кириб тунамоқчи бўлдилар. Бир қанча вақт ўтиб ёмғир ёға бошлади. Бир катта тош юқоридан юмаланиб тушиб, фор оғзига келиб тўхтади. Фор оғзи беркилиб қолди. Уч мусофир паришонҳол бўлиб, ташвишга тушдилар. Улардан бири айттики, «Бу балодан қутила олмаймиз чоғи. Ҳақ таолога қилган бериё ва холис феъл ва кирдоримизни шафеъ келтириб дуо қилайлик, зора халос бўлиб, чиқиб кетсак».

Бу таклиф барчаларига маъқул бўлди.

Бирлари айттики:

— Ота-онамнинг нафақалари менинг зиммамда эди. Менда эса дунёликдан биргина эчким бор эди, сутини соғиб уларга берар эдим. Ўзим эса тўқайдан ўтин келтириб бозорда сотиб, унинг пулига таом олиб ер эдим. Бир кун оқшом ҳар навбатдан кечроқ уйга келдим. Дарҳол эчкини соғиб сутини қўшиб, таом пишириб, қарасам ота-онам уйқулаб қолишибди. Косадаги таомни қўлимада тутиб, ҳеч нарса демай, тик туриб уларнинг бедор бўлишларини кутдим. Тонг отиб, улар уйғондилар, ул таомни едилар. Шундан кейин ўлтириб дам олдим. Эй Бор Худоё, агар мен ушбу сўзни рост сўзлаган бўлсам, мунинг туфайлидан менинг фарёдимга етгил.

Он Ҳазрат саллаллоҳи алайҳи ва саллам айтдилар:

— Ул тош тебраниб андак шикоф (очиқлик, дарча) пайдо бўлди.

Яна бирлари айттики:

— Амакимнинг бир соҳибжамол қизи бор эди. Кўнглим унга ҳамиша ошуфта ва шайдо эди. Аммо ул нозанин баҳоналар қилиб, ҳолимга раҳм этмас эди. Бир вақтда юз динор зар —

ашрафий унга юбордим, токи мен билан бир кеча хилват қилгай. Хуллас иккимизга хилват муяссар бўлди. Ул вақтда Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан қўрқинч кўнглимда пайдо бўлди. Азбарои Худо ул қиздан қўлимни тортдим. Эй Бор Худоё, агар мен ушбу сўзни рост айтган бўлсам, бизларга кушойиш бергил.

Он Ҳазрат саллаллоҳи алайҳи ва саллам айтдилар:

— Ул тош яна тебраниб, шикоф зиёдароқ бўлди, лекин ҳануз чиққани бўлмайд.

Учинчи киши айтти:

— Бир иш қилдирмоқ учун мардикорлар жамоасининг муздини (иш ҳақини) бериб, ишлатдим. Ул жамоа ишини битириб, ҳақларини олиб кетдилар, фақат бир киши ҳақини олмай туриб кетиб қолди.

Мен музд баҳосига бир қўй олдим. Бир-икки йилда ҳам келмади, орадан қирқ йил ўтди ҳам келмади, ё кўча-кўйда учратмадим. Мен ул қўйдан туғилган қўй-қўзиларни боқиб турдим.

Иттифоқо, бир кун ул киши уйимга келди:

— Илгари замонда мен сизнинг ишингизни қилиб, муздимни олмаган эдим, эсингизда борми, ўша пулга ҳозир муҳтож бўлиб қолдим, — деди.

Мен унга сурув қўйларни ҳавола қилдим. У ишонмай қолди. Сўнг хурсанд бўлиб, ул қўйларни олиб кетди. Эй Бор Худоё, агар ушбу ишим даргоҳингда мақбул бўлган бўлса, унинг боисидан бизларга халослик бағишлагил.

Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

— Ул тош яна сурилди, гор очилиб, учала киши ташқари чиқиб, йўлларига равона бўлдилар («Қисас ур Рабғузий»да келтирилишича мазкур горнинг номи Роқим бўлган).

Бу феъл расм — одатдан ташқари каромат жумласидандир.

* * *

Яна бир каромат роҳиб Журайжнинг борасида айтилган ҳадисдир. Бу ҳадиснинг ровийси Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудурки, Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

— Бани Исроил замонасида Журайж отпағ бир зоҳид бор эди. Аҳли тақво, мутаввароғ ва мужтаҳид эди. Волидаси ҳам афифа

ва мастура аёл эди. Бир куни ўғлини кўрмак орзусида келди. Журайж намозга машғул эди, эшикни очмади. Иккинчи, учинчи навбат ушбу тариқалик онасига мулоқот бўлмади. Атай қилинмаган бу хатоликдан онанинг кўнгли маътул ва маъюс бўлди. «Парвардигоро, ўғлимни расво қилгил, менинг учун унга жазо бергил», деб дуои бад қилди.

Ул замонда фоҳиша ва бадкирдор бир хотин бор эди. Ўзига ўзи дедикки, «Журайж зоҳидни йўлдин озғузгайман». Шу ниятда Журайжнинг савмасига (капасига) келди. Журайж унга боқмади. Йўлда, Шаббоний номли молбоқар билан жимоъ қилиб, ҳомилали бўлди. Бир неча мuddатдан сўнг шаҳар халқига «Бу бола Журайж зоҳиддан» деб гап тарқатди.

Туққач, халойиқ Журайжни маломат қилиб ўша вақт султонни қошига тутиб келтирдилар. Ул хотинни ҳам боласи билан ҳозир қилдилар. Журайж бўйнига олмади. Одамлар ишонмади. Шунда у боладан сўради:

— Эй гўдак бола, сенинг отанг кимдир?

Ҳали тили чиқмаган бола деди:

— Менинг отам Шаббоний молбоқар, онам сенга туҳмат қилаётир.

Хавориқи одатларнинг ҳақ ва ростлиқ билан собит бўлганига ушбу саҳиҳ ҳадис ҳужжатдир.

* * *

Имом Мустаффарий разияллоҳу анҳу саҳоба, таъсир ва салафлардан тўла кароматлар воқе бўлганини хабар ва асар сариҳлардан келтириб ўтганлар. Жумладан, Ҳазрати амирал мўминин Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу ўғли Абдуллоҳга шундай васият қилган эканлар: «Эй фарзанд, бир кун келиб араб халқи орасида муҳолифат ва мунозаат (хусумат қилиш) воқеъ бўлғувсидир. Ул ҳолда сенга ҳам ихонат етказишлари мумкин. Уша вақтда Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва мен кириб жон сақлаган горга киргил ва у ерда истиқомат қилгил, эрта-шом ризқинг етиб тургай». Ҳазрати Али ва Муовия муносабатлари туфайли юзага келган ихтилоф пайдо бўлганида Абдуллоҳ ушбу васиятни эслаб, отаси айтгандек қилган эканлар. Бу амр ҳам расм — одатдан ташқари, кароматдандир.

* * *

Ва яна имом Мустаффарий разияллоҳу анҳу Жобир бинни Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилибдурларки, Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ шундай амр этган эканларки, «Мен оламдан рихлат қилганимдан сўнг жасадимни Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг равзаи мутаҳҳаралари остоналарига олиб боринглар ва эшикни тақиллатинглар, агар ул эшик очилса, жасадимни киритиб у ерга дафн этинглар».

Жобир разияллоҳу анҳу айтган эканлар: — Муборак жасадини олиб бориб, эшикни чертдик. «Бу Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳудир, сарвари олам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пойи қадамларига дафн қилинмоқни орзу қилдилар». Бас, эшик очилди, аммо эшик очувчини кўрмадик. Равзаи мутаҳҳарадан овоз чиқди: — «киринг, кириглар ва дафн этинглар». Дафн этмоқ учун кирдик, аммо ҳеч кимса ва ҳеч нарсани кўрмадик.

Бу воқеа ҳам каромат жумласидандир.

* * *

Имом Мустаффарий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилибдур, Нофъе ибн Умардин разияллоҳу анҳу жума намози олдида хутба ўқир эдилар. Хутба асносида «Эй Сораййа, тоғнинг паноҳига киргил, кимки бўрини ошлатса, аннқки ўз нафсига зулм қилибдир» дедилар.

Буни эшитган айрим жамоа кўнглига шубҳа ва инкор орнз бўлиб, Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳу жанобларига келиб арз этдиларки, «Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу хутба асносида Сораййага мурожаат қилдилар. Сораййа эси Ироқ заминда-ку! Воқеадан хориж сўз сўзладилар».

Ҳазрати Али Муртазо «Зинҳор Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу ҳақида фосид хаёлни ўзларингга йўл берманглар, бу сўз бир ҳикматдан холий эмасдур», деб жавоб бердилар.

Аён воқеа буки, Сораййани лашкарга сардор қилиб Ироқзаминга юборган эдилар. Булар душманга шикаст бериб, зафар топиб тасаллихотир бўлиб эдилар, душманлар тоғнинг орқасидан уларга қасд қилиб қолди. Ҳазрати Умар Форӯҳ разияллоҳу анҳу валийлик нури билан бу ҳолни мушоҳада қилиб, минбар узра хутба ўқиб туриб «Ё Сораййа ибн Зинним, ал-жабил, ал-жа-

бал», деб лашкари Исломни огоҳ қилиб эдилар. Орадан бир қанча вақт ўтиб Сораййа Ироқзаминда зафар топиб келди. Шундай ҳикоя қилиб берди: «Душманни енгиб, ғанимат молни олиб, эмин бўлиб турган эдик, баногоҳ ғайбдин бир овоз эшитилди, гумони голиб шуки, бу овоз амирал мўминин Умар разияллоҳу анҳунинг овозлари эдиким, биз ҳамма лашкар эшитиб, душманнинг қасдидан қутилиб, жанг қилиб фатҳ топиб, ортга қайтдик». Бу амри ажиб — Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳунинг кароматлари.

* * *

Имом Мустаффарий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилибдурлар:

Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳунинг халифалик замонларида Миср шаҳри (диёри) фатҳ бўлиб, Амр ибн Ос разияллоҳу анҳуни амир қилиб юборган эдилар.

Иттифоқо Миср халқи Амр ибн Осга шундай арз қилдилар.

— Нил дарёсининг бир қадимий одати борки суви неча йил озайиб кетади. Шунда бизлар бир соҳибжамол қизни яхши кийинтириб дарёга ташлаймиз, бу қурбонлик сабабидан дарё сувни яна кўпаяди.

Бу воқеани англаб Амр ибн Ос «Исломда бу янглиғ ношоиста феъл ва ботил одат ҳаргиз лойиқ эмас», деб бу одатни ман қилдилар. Уч ой кутиб турдилар. Дарёда ҳеч сув жорий бўлмади. Миср халқи сувсизликдан ўз юртларини ташлаб кета бошлади. Бу ҳолни кўриб Амр ибн Ос Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу жанобларига дарёни Нил борасидаги аянчли одат сабабларини баён қилиб нома юборди.

Умар разияллоҳу анҳу бу номага жавоб йўллаб шундай дедилар:

«Ори, рост, бу ношоиста феъл куффорнинг иши, аҳли Ислом бундай қилмағайлар», деб бир парча қоғозга хат қилиб юбордилар. Ва амр қилдиларки, «Эй Амр ибн Ос, бу мактубни сен ўнг қўлинг билан Нил дарёсига ташлагил».

Вақтики, бу китобат Амр ибн Осга келди, уни ўқидилар. Нома мазмуни ушбу эди: «Эй дарёни Нил, агар сен ўзинг ихтиёринг билан жорий бўладиган бўлсанг, жорий бўлмагил ва аммо агар Воҳиду Қаҳҳор Қақ таоло ҳукми билан жорий бўлур бўлсанг, тилайман Оллоҳу Воҳиду Қаҳҳорданки, сени жорий қилгай».

Ҳазрати Умар Форухнинг амри билан Амр ибн Ос мазкур китобатни Нил дарёсига ташладилар.

Тонгласи кўрсалар дарёи Нилнинг суви лаболаб (лиммо-лим) жорий бўлибдур. Ул вақтдан бери Миср халқидан бу мазкур забун одат кутарилди. Бу феъллар Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳунинг кароматларидир.

* * *

Ривоят қилибдурлар, Имом Мустаффарий раҳматуллоҳи алайҳи Нофеъдан ва Нофеъ ибн Умарданки, айтиб ўтган эканларки, Ҳазрати амирал мўминин Усмон разияллоҳу анҳу зртаси шаҳодат топадирган кечаси Ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни воқеада (тушда) кўрдилар. Амр қиладилар эканки, «Эй, Усмон, тонгласи менинг бирла гизо егунгдир». Ҳазрати Усмон разияллоҳу анҳуни шу кунини шаҳид этдилар. Ўз шаҳодатларидан хабар берганлари Ҳазрати зуннурайн (икки нур згаси)нинг кароматларидир.

* * *

Яна Имом Мустаффарий раҳматуллоҳи алайҳи айтибдурларки, Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳуни бир кимарса Раҳба деган жойда саволга тутти. Али Муртазони ёлғончига нисбат берди.

Али Муртазо дедилар:

— Сен мени ёлғонга нисбат бердинг.

Ул кимарса мункир бўлди.

Али Муртазо дедилар:

— Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолога сенинг ҳақингда дуо қиламан, агар сен ёлғончи бўлсанг, кўзинг кўр бўлур.

Ул кимарса деди:

— Дуо қил.

Ҳазрати Али дуо қилдилар. Шул соат ул кимарсанинг кўзи кўрмас бўлди.

Шу тариқалик саҳоба ва тобеъин ва тобан тобеъин ва салафи солиҳинлардан асрлар оша кароматлар ва хавориқи одатлар зоҳир бўлиб келибдурки, тил билан тақдир ва қалам билан таҳрир қилмоқ билан тугамайди.

Ва бу оят, ҳадис ва ахборлардан маълум бўлдики, авлиёлар қаромати ҳақдир. Ҳамма замонларда авлиёи Оллоҳнинг валийлик нурларидан олам холи бўлмайди. Бас, бу муқаддимадан билиндики, бу зоти олий даражатларнинг суҳбатлари, таъсирилари кимёи саодат ва атои ғайбийдир! Ҳар қандай мўмин азал бахти мададкор бўлиб, ғафлат ва гуноҳ туфайли пажмурда бўлган дилларига сафо етмоғини истаса, кўзига қоронғу кўринган бу олам авлиёларнинг суҳбати, таважжуҳи туфайли нурли ва фарахбахш бўлиб кўринади. Билимсизлик зулматида ғамгин бўлган кўзини уларнинг пок хокларига суртиб, ҳожатларини Оллоҳдан тиласа саодати абадий топмоғи муқаррардир, иншоаллоҳ.

Байт:

Кишкики бир нафас мардони Ҳақнинг суҳбатин топқай,

Эрур беҳроққи юз йиллик ибодат бериё топқай!

Ва агар бу давлати азалий муяссар бўлмаса, бу олий тоифанинг ихлос ва муҳаббатлари ипига мақсад ипини боғлаб, эртаю кеч ул баракотли зотларнинг сурат ва сийрат, ифёол ва аҳволлари зикр этилган китобларни мутолаа қилсалар ёки ўқитиб тингласалар файзу футуҳ топсалар ажаб эмас, байт (Навоийдан):

Орашик нақшин кўнгиш давҳига тасвир эткамен,

Бўлмаса тақдир ани кўрмак, не тадбир эткамен?!

Хабарда шундай ривоят келтирилди:

«Бир куни Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилган эдилар: «Қиёмат куни гуноҳкор банда ўзининг феълидан хижил ва шарманда бўлиб, жаннатдан умидини узган маҳалда Ҳақ таолодан шундай хитоб келади: «Эй бандам, ёруғ дунёда фалон олим ва ё фалон орифни танирмишинг?»

Банда: «Ҳа, танир эдим», — деб жавоб беради. Шунда Ҳақ таоло: «Жаннатга борғил, сени унга бағишладим», — дейди.

Бас, Худонинг дўстлари — орифлар, азиз-авлиёларни таниш, уларга эргашмоқ, улардан баҳра олиб яшамоқ қиёматда нажот топиш учун сабаб бўлар экан.

Худонинг дўстларига кўнгишда меҳр-муҳаббат сақлаш, уларнинг қилиқларини ўзлаштирмоқ, уларнинг феълу тутумларига тақлид қилмоқ жуда фазилатли ва фойдалидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бу соҳада ҳам асҳоблар сўраган бўлиб, савол-жавоб қуйидагича эди:

— Агар бирор киши бу тоифани дўст тутса-ю, уларнинг феъл-атворини удалай олмаса, унинг ҳоли не кечади?

Расули Худо жавоб бердилар:

— Киши бу оламда қайси тоифани дўст тутса, қиёмат куни ул тоифа билан бўлади.

Шайхулислом Ҳазрати Хожа Абдуллоҳ Ансорий васият қилиб: «Авлиён Оллоҳнинг ҳар қайсиларидан бир сўзини ёд қилинлар ва агар сўзларидан ёд билмасангизлар уларнинг табаррук исмларини ёд олинлар, мунинг бирла баҳра топурсизлар», — деган эканлар. Бас, шундай экан, уларнинг зикрларини, хавориқ одат, кароматларини ихлос билан ўқиб-ўрганиш қанчалар фойдали эканини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади.

Хусусан, Ҳазрати Қутби Раббоний, Ғавсус Самадоний, Маҳ-буби Субҳоний, Шайх Абу Муҳаммад Саййид Абдулқодир ал-Ҳасаний ал-Ҳусайний Гилоний (Оллоҳ таоло ул кишидан рози бўлсин)нинг маноқиблари, куниятлари, лақаб ва насаблари, сурат ва сийратлари, ҳавориқ одат ва кароматлари тўғрисида улуғ бузруклар арабий ва форсий тилда билимдонлик ила маноқиб ва тазкиралар тасниф қилган эканлар. Ундан ому хос Туркистон элининг баҳра олмақлиғи қийин бўлгани сабабидан, гарчи бу олий мартабали китобларни чуқур таржима қилиш имконсиз бўлса ҳам, гарчи нозик воқеалари ва латиф ишоратларини тўлиқ англаб, баён этиш мендек қосирфаҳм кишининг идрокидан юқори бўлса ҳам, ожизлик ва нодонликни бўйинга олиб, бу зоти бобаракотларнинг пок арвоқларига сиғиниб, арабий ва форсий нусхалардан хўшачинлик қилиб, туркий тилга келтирилди. Мақсади-миз ундан хосу ом баҳра олсинлар.

Умидимиз шулки, бу туркий алфоз билан жамъ қилинган нусхага назар солган ҳар киши Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳи анҳу)нинг олий даражали зикрлари, ҳавориқ одат ва кашфу кароматларини эътиқод ва ихлос билан мутолаа қилиб, ул Ҳазратнинг пурфутуҳ руҳларини васила қилиб, ҳар ҳожат ва мақсади бўлса, камтаринлик ила уларнинг жаноби жаннат-маобларига илтижо қилса, ҳамма муродлари ҳосил бўлғай.

Бу ҳақир рўйи сиёҳ ва гуноҳ дарёсига ботган ҳар хато ва нуқсонга йўл қўйган бўлса ва номуносиб сўзларни ишлатган бўлса узр қаламтароши билан ростлаб, ислоҳ ҳомаси билан тузатгайлар, деб илтимос қилади. Шояд Ҳақ таоло ўз эҳсони хазинасидан гўзал савоб ато қилса.

Ҳазрати Ғавсус сақалайн (Оллоҳ ундан рози бўлсин) манокиблари кўп бўлиб, улардан бири «Тухфатул Қодирия» китобидир. Бу китоб икки қисмдан иборатдир. Аввалги қисмда Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг аҳвол ва кайфиятлари зикр қилинган бўлиб, унинг ўзи беш бобга бўлингандир. Аввалги боб эса тўрт фаслдир.

Аввалги фасл — Он Ҳазратнинг куният ва лақаблари ҳамда исми шарифлари баёнидадир.

Иккинчи фасл — ул Ҳазратнинг насаби шарифлари зикридир.

Учинчи фасл — ул Ҳазратнинг сурат ва сийратлари баёнидан иборатдир.

Тўртинчи фасл — ул Ҳазрат вужудга келишларидан илгари аҳли кашфлар уларнинг олий шонларидан, баланд мартабаларидан хабар берганларининг баёнидан иборат.

Бу мухтасар китобда ҳам ушбу тариқа йўл тutilди.

АВВАЛГИ ФАСЛ

Ул Ҳазратнинг муборак куниятлари Абу Муҳаммаддир, лақаблари Муҳйиддин ва исмлари Абдулқодирдирлар.

Асқоблардан биров ул Ҳазратдан: «Ҳазратларини Муҳйиддин лақаби билан чақиришларининг боиси нечукдир?» — деб сўради.

Ул Ҳазрат жавоб тариқасида бир воқеани сўзлаб бердилар:

— Бир маротаба сайру саёҳат қилиб Бағдод тарафига борур эрдим. Тарих беш юз ўн бир, жума куни эди. Ногоҳ бир кимарсага назарим тушди. Ёрдамга зор, касал ётибдур. Менга: «Ассалому алайкум, ё Абдулқодир!» — деди. Мен жавоби салом айтдим. Сўнгра у: «Менга яқинроқ келгин», — деди. Яқин бордим.

Мени ўз олдида ўлтурғузди ва унга бир нафас дамида қилдим. Шул соат у гул-гул очилиб, соғ, навраста мисллик тару тоза бўлди. Кейин деди:

— Мени тонурмисан?

Дедим:

— Мен сени танимадим.

Ул кимарса деди:

— Мен сенинг бобонг Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг танлаган дўстлариданман. Бу ҳолатга тушиб эдим, Худованди таоло мени сенинг баракотингдин аввалги мартабадек тирилгизди. Анат Масҳиддин — сен не тирилгизгувчидурсан!

*Жон берур эрди нафас бирла Масиҳ аҳли жисмга,
Не Масиҳ тариқаадурсанким, берурсан динга жон.*

Андин ўтиб Бағдоднинг Жомесиға юз келтирдим. Ялангоёқ эдим. Шу маҳалда бир кимарса ковуш келтирди. Ва деди:

— Ё саййиди анат Муҳйиддин!

Мен масжидга кириб, якки ракаат намоз ўтаб, салом берган замон халқ атрофимга ёпирилиб келдилар ва қўлларимни суюб «Ё Муҳйиддин!» дер эдилар.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Билингизларким, ул Ҳазратнинг оталари тарафидан нисбатлари Ҳазрати имом Ҳасан разияллоҳу анҳуға бориб уланадир. Оналари тарафидан нисбатлари Ҳазрати Имом Ҳусайн разияллоҳу анҳуға бориб туташадир.

Оталари тарафидан нисбати шарифлари силсиласи бу тариқадур: Шайх Саййид Муҳйиддин Абдулқодир Ҳазрати Саййид Абу Солиҳ Мусонинг ўғлонларидур. Булар Саййид Абдуллоҳ Жайлий фарзандларидур. Булар Саййид Яҳъё Зоҳиднинг болаларидир. Булар Саййид Довуднинг ўғилларидур. Булар Саййид Абдуллоҳнинг фарзандларидир. Булар Саййид Абдуллоҳ Муҳаснинг фарзандларидур. Булар Ҳасан ал-Муншийнинг фарзандларидир. Булар Ҳазрати амирал мўминин Али ал-Муртазонинг фарзандларидир (Уларнинг барчаларидан Оллоҳ рози бўлган бўлсин). Ва Шарифа оналари тарафидан насаблари силсиласи бу тариқалиқдир: Ул Ҳазратнинг волидалари исми шарифлари Фотима ва куниялари Умми Хайр. Ва лақаблари Аманту ал-Жаббордур. Ҳазрати шайх Абу Абдуллоҳ Савмаънинг фарзандларидур. Булар Абу Жамол Саййид Муҳаммаднинг фарзандларидур. Булар Абу Муҳаммад Тоҳирнинг фарзандларидур. Булар Саййид Абу ал-Атонинг фарзандларидур. Булар Саййид Абдуллоҳнинг фарзандларидур. Булар Саййид Абу Камол Алининг

фарзандларидур. Булар Саййид Алоуддин Муҳаммаднинг фарзандларидур. Булар Саййид Али Аризийнинг фарзандларидур. Булар Ҳазрати Имом Жаъфар Содиқнинг фарзандлари. Булар Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқирнинг фарзандларидир. Булар Ҳазрати имом Зайнулобиддиннинг фарзандларидир. Булар Ҳазрати имом Ҳусайннинг фарзандларидир. Булар ҳазрати Али ал-Муртазонинг фарзандларидир (Уларнинг ҳаммалари Оллоҳ таоло раҳматига мушарраф бўлсин).

Бу хосиятдан ул Ҳазрат ҳам Ҳасаний, ҳам Ҳусайний аталадурлар.

УЧИНЧИ ФАСЛ

(Ул Ҳазратнинг ташқи кўринишлари баёни)

Бадани латифлари нозик, сийналари очиқ, ўрта бўйлик, бугдой рангли, пайваста қош, муборак соқоллари узун ҳаддида эдилар. Уламо либоси кияр эдилар. Ва ҳачир минур эдилар.

Бирор кимарса хизмати шарифларига ҳадя ва назр келтирган вақтда мажлисда ҳозир бўлган ёронларига тақсим қилиб, ўзлари ҳам танаввул қилур эдилар. Шунчалик жоҳи жалолат ва баланд мартаба эгаси бўла туриб, фақирларга дуо-хайрлар бирлан ҳамнишинлик этиб, уларни эъзоз ва икром қилур эдилар. Бадавлат ва ағниёларга ўринларидан қўпмас, уларга тавозе қилиб, ҳурмат бажо келтирмас эдилар. Ва фақир ёронлардан ҳар қайсиларини хафа, ғамгин кўрсалар, ширин латифалар била кўнглини хуш қилур эдилар. Нафис ва қимматбаҳо матоҳлардан либос кюр эдиларки, бир газининг баҳоси ўн тиллога арзир эди.

Кунлардан бир кун шундай воқеа содир бўлди: ходимлари ул Ҳазратнинг либослари учун пурбаҳо матоҳ олганда баззознинг хотирига: «Бу тариқалик пурбаҳо матоҳ бу замоннинг халифасига лозимдир, дарвишларга бу матоҳнинг нечук муносабати бор экан» — деган ўй келди. Бу ҳолатда ул баззоз ўз маконига борди. Баногоҳ оёғига бир миҳ қадалди. Унинг дардидан беқарор ва бетоқатликда қолди. Ҳеч важҳ била ором топмади. У кимарса ўз аҳли аёлига: «Мени дармаҳал Ҳазрати Фавсул Аъзамнинг даргоҳларига еткуринглар» — деди. Ўшал соат ул Ҳазратнинг олий остоналарига келтирдилар. Ул Ҳазрат муборак қўлларини ул дарднок ерга қўйдилар. Дарҳол дарднинг шуъласи таскин топди.

Ондин кейин ул Ҳазрат: «Бизнинг кийган либосимиз жиҳати-ни кўнглинг да кечириб эдинг, бу дард сенга ул эътирознинг сабабидан етди», — дедилар.

Назм:

*Ул гадоким эшиги туфроғида хор ўлгай,
Эътироз этса киши жонига мисмор ўлгай!*

ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

(Аҳли кашфлар ул Ҳазрат зуҳурға келурдин илғари олий шонлари ва пайдарпай юксалишлари, азамат ва баланд мартабаларидан хабар берганларининг баёни.)

Ироқ машойихларининг улуғларидан соҳибкаромат зот шайх Абу Бакр Ҳавозга тушларида Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмлари била хирқа кийдирган эдилар. Уйқудан бедор бўлиб боқсалар, ул хирқани ўзларида кийиклик кўрдилар. Ва ўша тушларида жаноб пайғамбаримиз шундай амр қилдилар: «Эй Ибн Ҳавоз, сенинг била менинг умматимдин Ироқ заминида бир зот пайдо бўлур. Ул шайхнинг шайхлик маснади Ироқзаминда то қиёмат боқий бўлур».

* * *

Шайх Муҳаммад Шунагий Шайх Абу Бакр Ҳавоздан шундай нақл қиладилар:

Пирим бир кун бундай дедилар:

— Ироқ устунлари етти тандурлар — Маъруф Кархий, Аҳмад Ханбал, Бишр Ҳофий, Мансур бинни Аммор, Жунайд, Суҳайл Тустарий ва Абдулқодир Гилоний.

Мен: «Абдулқодир кимдир?» — деб сўрадим.

Ҳазрати Шайх: «Бу зоти шариф ажамийдур, аммо Бағдодда ватан тутганлар. Уларнинг пайдо бўлишлари ҳижрийнинг бешинчи асридадир. Ва улар сиддиқларнинг ва қутбларнинг улуғроғи бўлурлар ва Ҳазрати пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳий саҳобаларидан бўлурлар», — деб айтдилар.

* * *

«Рисолаи Қодирия»да шундай нақл келтирадилар:

Бир куни Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи ва саллам саййидано Фотиман Заҳро (разияллоҳу анҳа) нинг уйларига қадам

қўйдилар. Бир кимарса бир мунча бағдодий унни Ҳазрати Фоти-
маи Заҳронинг хизматларига ниёз тариқасида келтирган эди.
Ҳазрати Рисолатпаноҳнинг муборақ қадам келтирганларига ни-
ҳоятда хушвақт бўлиб, Ҳазрати Фотимаи Заҳро ул унни хамир
қилиб, нон пиширомоққа машғул бўлдилар. Шу маҳалда Ҳазра-
ти имом Ҳасан ва Ҳазрати имом Ҳусайн (разияллоҳу анҳумо),
ҳануз кичиклик вақтлари эди, ўйнаб юрур эдилар. Ҳазрати пай-
ғамбаримиз Ҳазрати имом Ҳусайнни муборақ кучоқларига олиб,
шафқат ва навозишлар айлар эдилар. Ҳазрати имом Ҳасан эса
йироқдан кузатиб турур эдилар. Ул маҳалда Фотимаи Заҳронинг
кўнгилларидан: «Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи ва саллам-
нинг шафқат ва илтифотлари кичикларига ортиқ, чўнгларига ил-
тифот қилмайдулар, боиси не бўлғай экан?» — деган ўй кечди.
Ҳазрати султонул анбиё Фотимаи Заҳронинг кўнгилларидан кеч-
ган бу ўйни нубувват нури — пайғамбарлик салоҳиятлари билан
идрок этиб, бундай дедилар:

— Ё Фотима, буларнинг ҳар иккалалари ҳам менинг жигар-
гўшаларим ва кўз нурларимдулар. Ҳар иккалаларини бир-бир-
ларидан дўстроқ тутарман. Аммо бу ҳолатда менга маълум-маш-
ҳур бўлдимки, Ҳазрати имом Ҳусайннинг авлодларидан тўққиз
имомни мукамал вужудга келгусидир. Ҳар бирлари мўминлар-
нинг ва дини исломнинг ҳимоясига ва истеҳкомига боис бўлғай-
лар ва Ҳазрати имом Ҳасаннинг авлодларидан бир имом зуҳур-
га келмиш бўлғай.

Ҳазрати Фотима Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам-
нинг Ҳақ тили билан айтган бу сўзларини эшитгач, кўнгиллари-
да ушбу ўй кечди: «Ҳазрати имом Ҳасан менинг бош фарзандим
бўлсалар, кошки бу тўққиз имом булардан зуҳур қилсалар эди».
Ҳазрати саййиди аябиё Ҳазрати Фотимаи Заҳронинг бу воқса
дилларида кечганидан воқиф бўлиб, шундай амр қилдилар:

— Ё Фотима, хотирингизни жамъ қилингиз, Ҳазрати имом
Ҳасаннинг авлодларидан бир миллат имоми ва умиат чироғи
зуҳурга келғайким, ул тўққиз имомнинг баробарида машҳур ва
маъруф бўлғай. Уларнинг исми шарифлари Абдулқодир ва ла-
қаблари Муҳйиддин, яъни дин ва миллатимни тирилгизгувчи ва
ғавсус сақалайн — инс ва жинлар ғавси, Худонинг мужуби ва
менинг ноибим, жами валиюллоҳнинг сардорларидулар.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро бу хушхабарни англаб ўлчовсиз се-
виндилар (разияллоҳу анҳумо).

Яна «Рисолаи Қодирия»да шундай зикрни ҳам келтирадилар:

Бир куни Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тушларида уш мундоқ воқеани кўрдилар: Ҳазрати Шоҳимардон Али Муртазо, Фотимаи Заҳро ва саййидларимиз имом Ҳасан ва имом Ҳусайн Карбало (разияллоҳу таоло анҳум) бир қалъанинг узасида ўлтирган эмишлар. Буларнинг орасида чароғлар шуъла уриб турадур. Ул чароғлар адади ўн бўлинибдур. Ул жумладан тўққиз чароғ бир тараф ва яна бир чароғ бир тараф бўлиб турибдур. Ҳаммалари ул тўққиз чароққа ишорат қилиб эдилар, шу маҳалда ҳар бир чароғдан нурлар айрилиб, бир чароққа уланиб ҳаммалари бир бўлди. Ва ул чароғ тўлин ойдек бўлиб, жамъи оламни равшан ва нурли қилди. Ҳазрати рисолатпаноҳ бедор бўлиб: «Бу нечук илоҳий ҳикматдур» — деган ўйни хотирларида кечирдилар. Дарҳол Раббил иззатининг фармони келди: «Эй Муҳаммад, воқеада кўрганинг бу ўн машъаладан тўққиз машъала Ҳазрати имом Ҳусайннинг фарзандларидур. Бир машъала эса Ҳазрати имом Ҳасаннинг фарзанди бўлиб, исми — Саййид Абдулқодир, лақаби — Муҳйиддин ва хитоби — Фавсул Аъзам. Туғиладурғон жойлари Гилон ва турадурғон ери Бағдод ва унинг силсиласи ва иршоди (нафли йўли) қиёмат кунигача боқийдур. Ҳар кишики, унга нисбат топса бахтли ва нажот топгувчилардан бўлади. Унинг машъаласи абадул абад равшан бўлғай (разияллоҳу анҳу)!»

* * *

Шайх Муҳаммад Содиқ Шаҳобий ва шайх Сайид Қодирий (алайҳур раҳма) нақл қилган ривоят ҳам «Рисолаи Қодирия»да келтирилади.

Рўзи мийсоқда Ҳазрати Одами Софий (саловатуллоҳу алайҳи) барча авлодларининг арвоҳларини Жаноби кибриён илоҳий бо-якбора ҳозир қилдилар. «Жами арвоҳларни уч саф тартиб бериб турғузинглар», — деган фармон бўлди.

Авалги саф анбиё алайҳиссаломлар арвоҳи таййибаларининг сафи, иккинчи саф авлиёи Оллоҳлар пок арвоҳлари сафи, учинчи саф мўминлар ва ғайри мўминларнинг сафи эди.

Ҳазрати Фавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)нинг арвоҳлари иккинчи сафнинг бошида эди. Лекин тақдир тақозоси билан ўз жой-

ларидан биринчи сафга ўтиб қолар эди. То уч навбат ушбу тариқалик иш қилдилар. Бу воқеани Он Ҳазратга арз қилдилар, яъни Саййид Абдулқодирнинг руҳи авлиёлар руҳи сафидан жой олмай, анбиёларнинг сафларига доҳил бўладур.

Ҳазрати сарвари олам бу сўзни эшитгач, табассум қилиб, навозишлар бирла Саййид Абдулқодирнинг илкидан туриб: «Эй фарзанд, бу кун сенинг қароргоҳинг Ҳақ таолонинг амри бирла бу ердадир», — деб иккинчи сафга — сиддиқлар ва маҳбублар сафининг бошига турғаздилар. Ва яна дедилар:

— Эй фарзанд, қиёмат кунда сенинг мақоминг менинг ёнимда — мақоми маҳмуддадур. Бу илтифотдин сўнгра Ҳазрати Ғавсул Аъзам руҳи ўз жойларида қарор олди (разияллоҳу анҳу).

МЕЪРОЖ КЕЧАСИ ОН ҲАЗРАТ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА ҒАВСУЛ АЪЗАМ АРВОҲЛАРИНИНГ МУЛОҚОТ БЎЛҒОНЛАРИ

Бу нақл «Маноқиби Қодирия»да мазкурдур.

Меърож кечаси Ҳазрати Султонул анбиё етти қават осмонни босиб ўтиб, Аршга ёвуқ бўлдилар. Кўрсалар Арш ниҳоятда улуғ ва баланд экан.

Ҳазрати Раббил иззати даргоҳидан нидо келди: «Эй маҳбубим, Арш уза чиқғил!». Муборак хотирларида: «Арш бениҳоя баланддур. Нечук юқорилагайман? — деган ўй кечди. Шу аснода бир ўспирин пайдо бўлди. Суратлари худди Ҳазрати имом Ҳасаннинг суратларидек, жамолининг нуридан Арш мунаввар бўлди. Ҳурмат-адаб билан Он Ҳазратнинг олдиларида ўлтириб, ички тил билан: «Менинг гарданимга муборак қадамларини қўйсалар», — деб арз қилдилар.

Он Ҳазрат икки қадамларини ул жавоннинг гарданларига қўйдилар. Ул жавон қўпиб эди, гардани Аршга етди. Расули Худо Арш уза чиқиб, ул ўспиринга юз келтириб сўрдилар: «Эй бахтли ўсмир, отинг недур?». Бул одоб-тавозе бирла иликларини сийналарига қўйиб, асло жавоб айтмадилар. Он Ҳазратнинг хотирларидан яна бир ўй кечди: «Бу жавонга рутбаи аъзамий Оллоҳдиндур». Оллоҳдан нидо келди: «Эй Муҳаммад, бу навқирон зот сенинг фарзандинг, нуридийдангдур, оти Абдулқодир. Сенинг дининг аҳли бидъатлардан паст мартабада бўлганда бу жавон тургизур, Муҳйиддин деб чақирадилар».

Саййидан мурсалин бу нидони эшитиб севиндилар, уларга дуою хайрлар қилиб, шундай дедилар: «Эй фарзанди нуридидам, менинг қадамим сенинг гарданингта етди, сенинг икки қадаминг жами валиюллоҳларнинг гарданига етгусидур. Ҳар кишики, икки қадамингни ўз гарданига қўймоққа таслим қилса, ул киши олий даража топқусидир. Ҳар киши саркашлик қилса, давлат мартабасидан бебаҳра қолғусидур».

Байт:

*Сенинг мақбулинг ўлса ҳар неку рой,
Мағас бўлсун қўяр Симури узра пой.*

(Ҳар яхши-ёмон сенинг мақбулинг бўлса, пашша эса-да Симуриг устига оёғини қўя олади). Аммо, эй ўқувчи, Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг пурфутуҳ арвоҳлари жасадлари бирла пайғамбаримиз Аршга чиқмоқлари учун Арш остида ҳозир бўлиб, гарданларига муборақ қадамларини қўйдирганларига зинҳор ва зинҳор шак ва инкорни қўнглингизга келтирмагайсиз. Нега десангиз, Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло учун ўз дўстларини ҳар тариқалик хоҳиш қилса, андоғ қилмоқ қудрати олдида осондир. Ул барокотли зотнинг руҳоний суратлари жисмоний шакли бирла сурат боғланлар.

Худди шундай ҳолни исботловчи яна бир ривоятни келтирайлик. Меърож кечаси Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрати Мусо алайҳиссалом бирла мулоқот қилганларида, Мусо алайҳиссалом шундай деб сўраб қолдилар:

— Эй Худонинг ҳабиби, ўзлари: «Менинг уламо-умматларим Бани Исроиил пайғамбарларига ўхшайдур», — дебдурлар, тўғри-ми?! Он Ҳазрат жавоб бердилар:

— Ори, шундоқ.

Ҳазрати Мусо алайҳиссалом савол бердилар:

— Шундоғ бўлса, бу фурсатда уламо-умматлардан бирортаси ҳозир бўлғайми, мен сўзлашсам?

Он Ҳазрат саллаллоҳи алайҳи ва саллам шу соат ҳужжатул-ислом имом Муҳаммад Ғаззалий (раҳматуллоҳи алайҳи)нинг руҳларини жисмоний суратлари бирла ҳозир қилдилар.

Ҳазрати Мусо сўрдилар:

— Отинг нима?

Жавоб айтдилар:

— Муҳаммад ал-Ғаззолий ал-Тусий.

Ҳазрати Мусо дедилар:

— Мен сенинг ўз отингни сўрдим, ота-бобонгдин савол қилмадим.

Имом жавоб айттилар:

— Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўзларидин: «Сенинг қўлингдаги нима, эй Мусо?» — деб хитоб қилган вақтда (...) деб айтдилар. Агар жавобда «Бу асо» десалар кифоя қилур эди.

Ҳазрати Мусо сукут қилдилар.

Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз асолари бирла имом Муҳаммадга ишорат қилиб: «Ё Муҳаммад Ғаззолий, Ҳазрати Мусога беадаблик қилдинг», — дедилар.

Ҳазрати Муҳаммад Ғаззолий вужудга келганларида ул муборак ҳассанинг изи кифтларида бор эди.

Набилар ва авлиёларнинг арвоҳлари жисмоний суратда намоён бўлишига шак-шубҳа йўқ. Масалан, Меърож кечаси Он Ҳазрат саллаллоҳи алайҳи ва саллам Маккаи муаззамадан Байтул Мақдусга ташриф этдилар. Масжиди Ақсода жами пайғамбарларга имом бўлиб намоз ўқидилар, ҳаммалари Он Ҳазратга иқтидо қилдилар. Бу воқеа ҳам сурати жисмоний таҳқиқ топди. Мунингдан маълум бўлмоқдаки, Ҳақ таоло бу тоифаи алайҳини ҳар суратда бўлмоқликқа қодир қилибдур. Зинҳор шак келтирмагайсизларки, катта хатарга қолган бўлурсизлар, валлоҳи аълам.

ИККИНЧИ БОБ

Иккинчи боб уч фаслдир. Аввалги фасл Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)нинг туғилишлари зикридир.

«Рисолаи Қодирия»да шундай зикр қилинган.

Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) оталарининг сулбаларидан (белларидан) оналарининг раҳмларига ўтган вақтда, уларнинг риоятлари учун ул маҳалда тўла авлиёи Оллоҳлар ўз оналарининг қорнида ҳомила ҳолида қарор олдилар, токи ул Ҳазратнинг вақт-сўхбатларига лойиқ ва муносиб бўлсинлар.

Ул вақтда ул Ҳазратнинг волидалари Фотима (Шайх Абу Абдуллоҳ Савмаънинг қизлари эдилар) олтамиш ёшқа етиб эрдилар. Ул Ҳазратга шу ёшда ҳомиладор бўлмоқлари ҳам Ҳазратнинг ҳаворик одат ва кароматлари жумласидандир. Тарихқа тўрт

юз етмишинчи йили, Рамазон ойининг аввали, душанба куни ул
Ҳазрат ёруғ дунёга келиб, оламни мунаввар қилдилар.

Байт:

*Жамоли дилбар хайлики, ошиқларни шод этмиш,
Ғаму андуҳлар хаёли жаҳондан бир йўли кетмиш.
Валодат вақти ул шоҳи жаҳонга истасанг таърих
Муқаррар ушбудурким, деб айтмишлар «тўрт юзу етмиш».*

БАЙТ

*Ул малак сиймога бўлмиш ноз ишиқ
Оллоҳ, Оллоҳ, не бало шаҳбоз ишиқ.
Ғар валодат таърихин истар эсанг
Бўлмиш ул асроға ҳамроз «ишиқ»!*

(«Ишиқ» сузининг абжод ҳисобидаги адади тўрт юз етмиш бўлади.)

Ул кечада тўла ажойиб ва ғаройиблар юз берди. Ул ғаройиблардан бири ушбудир. Ўшал кеча Ҳазрати қутби замон Саййид Абусолиҳ Мусо ал-Ҳасаний — ал-Ҳусайний разияллоҳу анҳу (Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг падари бузрукворларидурлар) воқеада ушмундоқ ҳолатни кўрдилар.

Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда асҳоби изом (ризвоналлоҳу анҳумо ажмаъин) ва авлиёи киром ул Ҳазратнинг шарафли туғилиш онларининг муборақбодлиғи учун ташриф буюриб, шундай амр қилдилар: «Эй Абусолиҳ, сенга башорат қилиб айтай: Ҳақ таоло сенга бир фарзанди аржуманд ато қилди, у менинг фарзандим ва маҳбубим ва Худонинг маҳбубидур. Ул фарзандга улуғ шон муяссар бўлмоғи яқиндур. Унинг ғавслар ва қутблар орасидаги ҳурмати худди менинг анбиёлар ва мурсалинлар орасидаги шону ҳурматимга ўхшайдур.

* * *

Яна бир ғаройиб воқеа ушбудур:

«У Ҳазратнинг кифти ҳумоюнларида Меърож кечаси Ҳазра»

ти рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг муборак қадамлар қўйгандаги нишонаси худди пайғамбарлик муҳридек зоҳир ва ҳувайдо эди!»

* * *

Ул Ҳазратнинг оналари айтган воқеа ҳам нақл қилинган. У муборак аёл шундай деган эканлар:

«Фарзандим Саййид Абдулқодир Рамазон ойида асло эммадилар. Фақат ифтор маҳали бўлса сут эмишни истаб қолар эдилар. Бир марта Рамазоннинг бошида осмонда булут пайдо бўлиб, ой кўринмади. Халқ ҳайрон бўлиб, ул Ҳазратнинг оналари хизматларига келиб сўрдилар:

— Эй афифай замон, эй солиҳан даврон, бу кун Саййид Абдулқодир сут эммакни ихтиёр қилдиларми экан?

Ҳазрати Фотима жавоб бердилар:

— Бу кун кўзим нури сут эммакни ихтиёр қилмади.

Охир маълум бўлди — ул кун Рамазон кунидан экан. Ва яна ул Ҳазратнинг волидалари айтибдурлар:

— Ҳазрати Саййид Абдулқодир таваллуд топган маҳалда муборак юзлари андоғ тобон эдики, гўзаллиги ҳайбатидан кўп термилмакка истиҳола қилур эдим. Ҳар киши Парвардигорнинг бу мўъжаз санъатига бир бор назар ташласа, жаҳонга оро бергувчи жамолдан кўзлари хира бўлиб, тоб келтиролмасди.

Ҳазрати Юсуф Сиддиқаллоҳнинг ҳусни ва малоҳатлари, Ҳазрати Сиддиқи Акбар (Абу Бакр)нинг сидқи ҳасёлари, Ҳазрати Умар Форукнинг хайрат² ва адолатлари, Ҳазрати Усмон зуннурайннинг ҳукму иффатлари, Ҳазрати Али Муртазонинг илму шижоатлари Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг фитратларида мавжуд эди.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Иккинчи фасл ул Ҳазратнинг кичиклик ҳолатларидаги ҳолат ва кайфиятлари зикридир.

НАҚЛ

Ул Ҳазрат дебдурлар:

— Кичиклик вақтларимда болалар билан ўйнаб юрур эдим. Файб олаמידан бир нидони эшитдим: яъни «Менинг тарафимга келгил, эй муборак». Мен бу нидонинг ҳайбатидан кўрқдим. Волидамнинг қучоқларига ўзимни ташладим. Ҳозир ҳам бу нидони хилватда эшитурман.

НАҚЛ

Ул Ҳазрат деб эрмишлар:

— Ўн ёшга етганимда мактабга кириб борур эдим. Фаришталарни кўрдим, менинг атрофимда ҳалқа уриб, юрийдурлар. Мактабга етган вақтимда фаришталарнинг овозини англадим.

Айтадилар: «Кушода қилинглар ва жой беринглар валиюллоҳга».

Ва яна ул Ҳазрат дер эмишлар:

— Бир кимарсани кўрдим, уни мен танимас эдим. Ул кимарса фаришталардан: «Кушода қилинглар ва жой беринглар валиюллоҳга», — деган овозни англаб, мактаб болаларидан сўрабдилар: «Бу зот кимнинг фарзандидур, билурмисизлар?»

Болалар билмасликларини айтишди.

Ул кимарса: «Бу фарзандга буюк шон насиб бўладир. Ҳеч бир ҳижобсиз, текин, ҳажрсиз висол насиб бўлғувсидур», — дебдилар. Орадани қирқ йил ўтгандан кейин танидим, ул кимарса шу замоннинг абдолларидан эрмишдир (Абдоллар Худога энг яқин кишилар бўлиб, ҳар бир замонда 70 киши бўлар экан. Бир абдол оламдан ўтса, яна бир абдол унинг ўрнини эгаллар экан — И.О.).

УЧИНЧИ ФАСЛ

Учинчи фасл ул Ҳазратнинг Гилондан сафар қилмоғининг баёнидир.

Он Ҳазрат Мавлоно Абдурахмон Жомий қаддасаллоҳу сирраҳу «Нафаҳот ул-унс»да келтирибдурлар: «Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳу кичикликларида арафа куни саҳрога чи-

қиб эрдилар. Бир Каллани томоша қилиш учун кейинидан борур эдилар.³ Ногоҳ ул Калла ул Ҳазратга юз келтириб равон тил билан шундай деди: «Эй Абдулқодир, сени булар учун дўст тутиб эдикми, ҳануз бу ишга юз бурмадинг?»

Бу сўзни эшитмак била қўрқтилар ва уйларига ёниб келиб, томларига чиқдилар. Кўрсалар ҳожилар Арофатда тўпланиб турибдилар. Ўгзадан тушдилар. Волидаи шарифалари ҳузурига кириб:

— Эй меҳрибон онам, мени Худои таолонинг бандачилигига қўйғил, ижозат берғил, Бағдодга бориб илмга машғул бўлғумдир, солиҳларни зиёрат қилғумдир, — дедилар.

Оналари бу ишнинг боисини сўрадилар. Ул Ҳазрат бўлиб ўтган воқеаларни баён қилдилар. Оналари йиғлаб, ўринларидан туриб саксон динор чиқардилар, бу пул оталаридан мерос қолиб эди. Мундан қирқ динорни биродарлари учун қўйиб, қолган қирқ динорни либосларининг бағалига (қўлтиқ остига) тикиб қўйиб, сафарга ижозат бердилар. «Жами аҳволда ростлиқ пеша қилғай-сиз», — деб аҳд-паймон бердилар.

Ул Ҳазрат била хайрлашмоқ учун чиққанларида шундай дедилар:

«Эй фарзанди аржуманд, майли борғил, бир йўли сендан узилдим ва сени Худога топширдим, қиёматгача сенинг дийдорингни кўролмасман (Ул маҳалда оналари етмиш олти ёшда эдилар).

Ул Ҳазрат волидаларидан рухсат олиб, кичикроқ карвонга қўшилиб, Бағдод тарафга жўнадилар. Йўлда олтмиш отлиқ қароқчи пайдо бўлиб, карвонни талон-тарож қилди. Ҳеч киши ул Ҳазратга қўл кўтармади. Бир неча вақтдан сўнг қароқчилардан бири ул Ҳазратнинг ёнига келиб сўради:

— Эй фарзанд, сенинг била нима бор?!

Айтдилар:

— Қирқ динорим бор.

Қароқчи деди:

— Ул қирқ динор қаерингда?

Жавоб бердилар:

— Менинг бағалимга тикикликдур.

Ул кимарса мени масҳара қилмоқда, деб ўтиб кетди. Яна бирлари Ҳазрат қошларига келиб сўради. Илгариги жавобни эшитиб, ул ҳам қайтиб кетди. Ул икки кимарса ўз сардори қошига бориб, ул Ҳазратдан эшитган сўзларини баён қилди. Қароқчи-

лар сардори: «Ул кишини менинг олдимга келтиринглар», — деб буюрди.

Ул Ҳазратни сардорнинг қошига олиб бордилар. Бир талл, яъни тепаликнинг устига ўтиргиздилар. Бу тепаликка карвондан тортиб олинган молларни бўлиб-бўлиб қўйишган эдилар.

Ул Ҳазратдан сардор:

— Сенинг била нима бор? — деб сўради.

Дедилар:

— Қирқ динорим бор.

Сардор сўради:

— На ерда?

Жавоб бердилар:

— Бағалимга тикикликдур.

Сардор: «Либосини сўкиб, текшириб кўринглар», — деб буйруқ берди. Боқиб кўрсалар ул Ҳазрат деганча пул бор экан. Бас, сардор деди:

— Ўзингда бор динорга нима боис бўлдики, сен иқрор қилдинг?

Ул Ҳазрат:

— Менинг волидам ҳамма ҳолда рост сўзлашни одат қилишни буюрган эдилар. Мен ул қасамёдга ҳаргиз хиёнат қила олмағайман, — дедилар.

Қароқчилар бошлиғи ул Ҳазратнинг бундай ҳайратомуз сўзларини эшитгач, йиғлаб юборди. Кўз ёшини тўкиб:

— Бир неча йил бўлдики, ўз Парвардигоримнинг аҳдига хиёнат қилибман ва унинг фармонидан юз ўгириб, нопок ишларга қадам қўймишман. Менинг аҳволимга вой, — деди ва ул Ҳазратнинг ҳузурларида тавба қилиб, инобат давлатига эришди. Бу ҳолатдан шу ердаги бошқа қароқчилар таъсирланиб: «Эй сардор, эй давлатимизга мадакдор, ўғирлиқ ва қароқчиликда сен бизнинг йўлбошчимиз эдинг, энди тавба қилмоқда ҳам бизларга сардор ва пешво бўлғайсан», — деб ҳаммалари тавба қилишга мушарраф бўлдилар. Карвондан тортиб олган мол-мулкларни эгаларига қайтариб бердилар. Ул Ҳазратнинг муборақ қўлларида илк бора тавба давлатига эришганлар ушбу жамоадур.

УЧИНЧИ БОБ

Учинчи боб икки фаслдир.

Аввалги фасл — ул Ҳазратнинг Бағдодга бориб, илм ҳосил қилмоқлари тўғрисидаги зикрдир.

Ул Ҳазрат ҳижрий тўрт юз саксонинчи йили Бағдодга ташриф буюрганларини ровийлар билгил ва огоҳ бўлгин, деб алоҳида уқтирадилар. Ул замонда Саййид Абдулқодир ўн олти ёшда эдилар. Ҳаддан ташқари тиришқоқлик ва буюк меҳр-эътиқод билан билим олишга берилиб, ўз вақтининг устодлари, уламо ва фузалоларидан аввал Каломуллоҳ илмини, ундан кейин ҳадис илмини, фикҳ илмини, илми наҳв ва илми сарфни оз фурсатда ўзлаштирдилар ҳамда ўз тенг дошлари пешқадами бўлиб шуҳрат топдилар. Ул замонда ҳамма уламои фозиллардан имтиёз топдилар. Тарихқа беш юз йигирма бир эдики, Ҳазрати султонул анбиё саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ишоратлари билан мажлис бунёд қилиб, ваъз айтмоққа маъмур бўлдилар.

* * *

Иккинчи фасл — ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)-нинг улкан авлиёлар ва ҳурматли шайхларни зиёрат қилиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлмоқлари тўғрисидаги зикрdir.

«Нафаҳот ул-унс»да шундай келтирадилар.

Ул Ҳазрат ўзлари айтган эканлар:

— Ўн бир йил бир гўшада ўлтирдим. Ҳақ таолога аҳд қилдим — смагайман то едирмагунча ва ҳеч нарса ичмагайман то ичирмагунча. Бир мартаба қирқ кунгача ҳеч нарса емадим, қирқ кундан кейин бир кимарса бир мунча таом келтириб олдимга кўйиб кетди. Жуда очликдан нафсим овқат устига йиқилишига яқин қолди. Ўзимга айтдим: «Худого қасам ичиб айтаман, Ҳақ таолога берган сўзимдан ёнмагайман».

Ул ҳолатда ичимдан бир овоз келди, англадим: «Алжув-алжув» — очдим, очдим, деб нола-фиғон қиладир.

Шул аснода шайх Абу Саид Маҳзумий раҳматуллоҳ менинг тарафимга келди. Ул овозни эшитти.

— Эй Саййид Абдулқодир, бу нима овоздир? — деб сўради.

Дедим:

— Бу нафсимнинг изтиробидир, аммо руҳим Ҳақ таолонинг мушоҳадасида барқарордир.

Ҳазрат Абу Саид Маҳзумий: «Менинг уйимга келгил», — деб қайтиб кетдилар. Мен ўз нафсимга айтдим: «Бормагайман».

Ногоҳ Абул Аббос Хизр алайҳиссалом ҳозир бўлиб дедилар:

— Эй Саййид Абдулқодир, кўпгил, Абу Саиднинг қошига боргил.

Мен улар қошларига бордим. Курсам Шайх Абу Саид ўз уйларининг эшикларида менга мунтазир турибдурлар. Менга ундай дедилар:

— Эй Сайид Абдулқодир, менинг таклиф қилғоним кифоя қилмағайму, Хизр алайҳиссаломни ҳам лозим туттилар?

Бу сўзларни айтиб тугатмай мени уйларига олиб кирдилар. Таом муҳайё қилиб экан, лудма-лудма менинг оғзимга солдилар, ундан кейин менга хирқа кийдирдилар. Сўнг уларнинг суҳбатини ўзимга лозим туттум. Бу табаррук хирқанинг нисбати бу тариқа эди — Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳу бу хирқани Шайх Абу Саид Маҳзумийнинг қўлларидан кийдилар. Ул киши Абул Ҳасан Алининг иликларидан кийдилар. Булар эса хирқани Шайх Абул Фарруҳ Гарсусийнинг иликларидан кийдилар. Булар ул хирқани Шайх Абул Фазл Абдулвоҳиднинг иликларидан кийдилар. Булар Шайх Абу Бакр Шиблийнинг иликларидан кийдилар.

* * *

«Нафаҳот ул-унс»да Шайх Ҳаммоднинг зикрида шундай келтирилади: Ҳазрати Фавсул Аъзам навжувонлик вақтларида Шайх Ҳаммод (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг суҳбатларида бўлган эдилар. Бир куни ул Ҳазрат адаб-тавозе билан суҳбатда ўтирган эдилар, бир неча вақтдан сўнг ташқари чиқдилар. Ул Ҳазрат ташқари чиққач, Шайх Ҳаммод ўзга ҳамсуҳбатларига шундай дедилар:

— Бу ёш ажамий бир кун ўз вақтидаги ҳамма авлиёи Оллоҳнинг гарданларига қадамини қўйғувсидир. Бу навжувоннинг тилидан «Қаддама ҳазаҳ ало рақбата кулли валлиоллоҳ» калимаси жорий бўлганда ҳамма авлиёи Оллоҳ гарданларини паст қилиб турғайлар.

Яна «Нафаҳотул-унс»да шундай зикр қилинади.

Шом уламоларидан Абдуллоҳ отлиқ бир киши шундай деб айтган экан:

— Илм ҳосил қилиш учун Бағдодга борган эдим. Менинг билан Ибн Сақо «Низомия» мадрасасида ҳамсабоқ эди. Иккимиз тоат-ибодат билан машғул эдик, солиҳларни зиёрат қилур эдик.

Ўша вақтда Бағдодда бир азиз ғавс киши бор деб эшитдик. Агар хоҳиш қилса киши ёнида пайдо бўлар, агар хоҳламасалар ғойиб бўлар эканлар. Бу хабарни эшитиб, ул азизни зиёрат қилмоқлик орзуси кўнглимизга тушди. Мен, Ибн Сақо ва навқирон Шайх Абдулқодир бирга турардик, ул Ҳавсининг зиёратига бордик.

Йўл юриб борар эканмиз, Ибн Сақо шундай деди:

— Ул Ғавсдан бир масалани сўрайман, кўрғаймиз, қандай жавоб бергай.

Шайх Абдулқодир айтдилар:

— Маозаллоҳ — Худо шоҳид, ул зотдан савол сўрашга қандай ҳаддингиз сиғаркан? Мен эсам уларнинг ҳузурларига бораман, муборак дийдорларига тўйиб боқиб тураман, холос.

Ул Ғавсининг хизмати шарифларига борган вақтимизда, ул зотни жойларида топмадик. Бир неча дақиқадан сўнг ўз жойларида ўтуруғлиқ кўрдик. Ғазаб ва ҳайбат билан Ибн Сақо тарафига қараб айтдилар:

— Эй Ибн Сақо, сенин ҳолингга вой, сен мендан бир масъала сўрайсану мен унинг жавобини билмагайманми? Эшит, ул масъаланг будур ва унинг жавоби бу тариқалиқдур.

Қарасам оғзидан олов — шуъла уриб турибдур. Ундан кейин менин тарафимга назар ташлаб:

— Эй Абдуллоҳ, сен мендан бир масъалани сўрарсан, ҳозир кўрасан: унинг жавобида нима дейман. Ул масъала будур ва анинг жавоби бу тариқалиқдир. Бу қилган беадаблик ва густоҳлигингдан сени дунё ўзига қаратиб олгай, икки қулоғинггача дунёга ғарқ бўлғайсан, аниқ кўриб турибман.

Шундан кейин Шайх Абдулқодир тарафларига боқиб, икром ва эъзоз билан ўлтиргиздилар ва дедилар:

— Эй Абдулқодир, менин ҳақимда адаб ва ҳурматни сақламоқ бирла Худо ва унинг расулини хушнуд қилдинг. Сени кўриб турибман, Бағдодда минбарга чиқиб айтасан: «Менин қадамим жами авлиёи Оллоҳ гарданларигадур». Шундай деб бўлгач, кўздан ғойиб бўлдилар. Ундан кейин ул зотни ҳаргиз кўрмадик. Ул Ғавс Шайх Абдулқодир тўғрисида нима башорат қилган бўлсалар, бари рўёбга чиқди. Ибн Сақо илм ҳосил қилишда қаттиқ тиришиб, ўз ҳамтенглири орасида ғолиб бўлди. Иттифоқо, ул вақт халифаси Ибн Сақони Рум подшоҳлигига элчиликка юборди. Рум подшоҳи насроний уламоларнинг барчасини Ибн Сақо билан мунозара қилишга буюрди. Ибн Сақо насроний уламоларнинг ҳаммасини енгди ва мот қилди. Бари тан берди. Подшоҳнинг Ибн Сақога ҳурмати ошиб кетди. Шоҳнинг бир соҳибжамол қизи бор эди. Ногоҳ Ибн Сақонинг назари ул қизга тушди. Ошиқ бўлиб, ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Подшоҳдан қизнинг қўлини сўради. Подшоҳ деди:

— Майли, агар насроний бўлиш шартини бажарсанг, ул хоҳишинг муяссар бўлғувсидир.

Ибн Сақо шартни қабул қилиб, насроний динига кирди. Подшоҳ ул қизни Ибн Сақога бағишлади. Кейинроқ Ибн Сақо ўзида бу ҳолатни мулоҳаза қилиб, ул Ғавснинг айтган сўзларини ёдга олди. Юз бермиш ҳар ҳодиса ул Ғавснинг нафрати сабабидан эканини билди.

Абдуллоҳ айтади:

— Мен Дамашққа бордим. Мени мажбурлик билан вақфларга мутавалли қилдилар. Дунё менга юз келтирди. Бу ҳолни ўзумда мушоҳада қилиб, ул Ғавснинг менинг ҳақимда деган сўзларини ёд қилур эдим.

* * *

«Рисолаи Қодирия» да зикр қилинишича, Ҳазрати Ғавсус сақалайн разияллоҳу анҳу «увайсий» дурлар. Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳониятларидан тарбият топиб эдилар. Ҳазрати имом Зайнулоби ддин разияллоҳу анҳу амирал мўминин Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳунинг ишоратлари била ўз халифалик хирқаларини Абул Аббос Хизр алайҳиссаломга ҳавола қилиб, айтган эканлар: «Фалон вақтда Бағдодда бизнинг фарзандимиз имом Ҳасан (разияллоҳу анҳу) авлодларидан Саййид Абдулқодир зуҳур қилиб, Ғавсус сақалайнлиги билан шуҳрат топқувсидир. Бу хирқани ул зотга ҳавола қилғайсиз, биздан салом ва хушхабар еткурғайсиз, деб амр қилдилар. Ҳазрати Хизр алайҳиссалом ул табаррук хирқани Ҳазрати Ғавсул Аъзам ўн икки ёшга етганларида топшириб, Ҳазрати имом Зайнулобиддиннинг салому пайғомларини еткурдилар, деб айтишади.

* * *

Қуйидаги ривоят ҳам «Нафаҳот ул-унс» да мазкур ва мастур. Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) кичиклик пайтларида сайру саёҳатда эдилар. Кимарса ёнларига келди. Ул кимарсани мундан илгари асло кўрмаган эдилар.

Ул Ҳазратга айттилар:

— Суҳбат хоҳиш қилурмисиз?

Ул Ҳазрат айттилар:

— Ҳа, албатта хоҳиш қилурман.

Ул кимарса деди:

— Агар суҳбат ноҳиш қилсангиз, шарти бор — ҳеч ишда му-
холиф қилмағайсиз.

Ул Ҳазрат айттилар:

— Албатта, хилоф қилмагайман.

— Ул кямарса: «То мен қайтиб келгунча бу ерда ўлтуринг», —
деб кетиб, бир йилдан кейин келди. Яна бир соат ўлтуриб: «Бу ердан
мен келгунча кетмағайсиз», — деб яна бир йил ўтгандан кейин нон-
сут келтирди ва «Мен Хизрдурман, сизнинг бирлан таом сйдурман»,
— деб ул нон-сутни Ҳазрат билан сб-ичиб Бағдодга бирга кирдилар.

* * *

Биров ул Ҳазратдан сўради:

— Бу уч йилнинг орасида нима едилар ва на ердан физо қилди-
лар? Ул Ҳазрат жавоб бердилар:

— Заминга тушган нарсадан физо қилдим.

Ул вақтда нафсим суратга келиб, менга япиниб нола қилур эди.
Ул вақтда Ҳақ таоло куч-қувват бериб, ёварлик қилур эди. Ундан
кейин шайтонлар турли рангда намоён бўлиб, гоҳ пиёда, гоҳ отда
жанг асбобу олотлари бирла сафланиб, мен тарафга ўтлар отиб,
жанг қилур эдилар. Ундан кейин кўнглим таскин топиб, сабот пай-
до бўлур эди ва овоз эшитур эдим: «Турғил ва собитқадам бўлғил,
эй Абдулқодир, сенга нусрат ва ёварлик бери билан сени қавий (куч-
ли) қилдим». Ул ҳолатда шайтонлар, ўнг ва чап тарафга қочар эди-
лар. Улардан бири мени кўрқитиб: «Бу ердан кетгил ва агар мундан
кетмасанг мундоғ-мундоғ ишлар қилғумиздир», — деб сиёсатлар
қилур эдилар. Мен унинг юзига шаппати уриб: «Ло ҳавла вало қув-
вата илло биллоҳ алиюл аъзим»ни ўқир эдим ва қочар эдим. Шай-
тон алайҳиллаънани кўрдим, мандан йироқроқ ерга ўтириб олиб
ийғлаб, бошларига тупроқлар сочиб, дейди:

— Эй Абдулқодир, сендан узил-кесил умид уздим!

Мен шайтонга айттим:

— Кетгил, эй лаъин, мен сендан кўрқарман!

Шайтон деди:

— Сенинг бу жавобинг ҳаммадан қаттиқроқдир.

Ул Ҳазрат яна шул хусусда айтмишлар:

— Дунёнинг тузоқлари ва ҳаслотларидан ҳадсиз-ҳисобсиз иш-
лар менга зоҳир ва кашф бўлур эди. То бир йилғача унинг дафъи-

га шай бўлиб яшадим. Охири ҳаммаси мендан бартараф бўлди. Иккинчи йил бутун диққатимни ишга солдим, дунёнинг хоҳиш ва ихтиёрлари мендан нари бўлди. Учинчи йилда нафсимнинг дард-кулфатлари бор эди, улардан тамом йироқ бўлдим. Охири нафсимни тамом ўлдирдим ва шайтон мендан ноумид бўлиб, қочди. Ва мен танҳо қолдим. Менинг вужудим боқий қолди. Бас, ундан кейин Шукрнинг эшигига келдим. Ундан кейин Таслим мартабасига юзландим. Ондин кейин Фано мартабасига уландим. Ундан кейин Қурб остонасига юз қўйдим. Ондин кейин Мушоҳада боргоҳида заҳматлар чекдим. Ундан кейин мени Фақир хилватхонасига еткурдилар. Ҳар нимарсани тарк қилган бўлсам, барини у ердан топдим. Ундан кейин Ганжи Акбарнинг эшиги очилди. Менга иззат ва навозишлар қилдилар, алҳамдулиллоҳ ало золика.

* * *

«Баҳжатул-асрор»да шундай зикр қилинади:

«Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) ибтидои ҳолларида саёҳат қилиб юрур эдилар. Биёбонда ҳавонинг жуда иссиқлиғидан ташна бўлиб, неча кун сув топмадилар. Ташналик ғалаба қилди. Ногоҳ ҳавода булут пайдо бўлди ва ул Ҳазратнинг чанқоғи босилди. Кўрсалар осмон тарафдан нур пайдо бўлиб, тамом биёбон равшанлашди. Ул нурнинг орасида бир сурат кўринди. Ул сурат Ҳазрат тарафларига боқиб шундай нидо қилди: «Эй Абдулқодир, мен сенинг Парвардигорингман. Сўзсиз жами ҳаром нарсаларни сенга ҳалол қилдим!» Ул Ҳазрат «Аузу биллоҳи минашайтонир ражим»ни муборақ забонларида жорий қилдилар. Ҳалиги нур қоронғулик қўйнига кириб, кўздан йўқолди. Ул нур ичидаги сурат тутун сингари юқорилади, юқорилаб бораркан бундай деди: «Эй Абдулқодир, Худойингнинг ҳикмати бирла ва ўз илмингнинг сабаби бирла мендан қутулдинг, бу тарнқалик воқеа билан сендан илгари етмиш кишини гумроҳ қилган эдим».

Воқеани эшитганлар ул Ҳазратдан:

— Қайси аломатга кўра ул суратнинг шайтон эканини билдингиз? — деб сўрадилар.

Ул Ҳазрат:

— Жами ҳаромларни сенга ҳалол қилдим, деганидан шайтон эканлигини билдим, — дедилар.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Тўртинчи боб уч фаслдир.

Аввалги фасл Он Ҳазратнинг хулқлари баёнидир. Бу нақл Шайх Абул Музаффар Мансур (раҳматуллоҳи алайҳи)дан қолган. Ул киши шундай деган эканлар:

— Ҳеч кишини Ҳазрати Фавсус сақалайн (разияллоҳу анҳу)-дан хушрўйроқ топмадим. Ҳеч кишида уларнинг шаънларидан улугроқ шаън кўрмадим. Аҳду паймонга содиқликда, дўстларга вафодорликда, жоҳи жалолат, азимат ва манзалатда ул кишига тенг келадиган сиймони учратмадим, ўхшашини тополмадим. Ожиз-нотавонларга шафқат ва навозишлар қилур эдилар. Улуғ ва қариларни иззат қилиб, ҳурматлар эдилар. Кичикларга илгари салом қилур эдилар. Фақир ва мискинлар билан бирга ўтириб суҳбатлашардилар. Уларга раҳмдиллик изҳор қилмоқ, тавозеда бўлмоқ одатлари эди.

Шайх Абдулқосим Баззоздан эса ушбу нақл ёдгор қолган. Ул киши дер эмишлар:

— Мен Ҳазрати Фавсул Аъзамнинг хизмати шарифларида эдим. Гўё ул суҳбатларни ўнгимда эмас, тушимда кўргандекман. Ҳар кун: «Неъматни фаровон қилгайсизлар», — деб амр этардилар. Ҳар вақт таом есалар меҳмонлар билан таом ер эдилар. Ожиз ва заифлар билан ўлгурур эдилар. Толибул илмнинг бадхўйликларига сабр қилур эдилар ва уларга сиёсат қилмоқни раво кўрмас эдилар. Асҳоблардан бирортаси ҳозир бўлмаса, илҳақ бўлиб, ҳолидан хабар олур эдилар. Асҳобларнинг суҳбатларини бўлмас, илми донишларини махфий тутиб, уларни пастга урмас эдилар. Бирга ўтирганларнинг ҳар қайсилари ул Ҳазрат ҳузурларида мендан азизроқ киши йўқ, деб гумон қилар, ул Ҳазратнинг менга қилган меҳрибонлиги ўзгаларга меникичалик эмас, деб ўйлар эдилар.

* * *

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бинни Хизр Ҳусайний раҳматуллоҳи алайҳи ул Ҳазратнинг фарзандларидан биридурлар. Ўз падари бузрукворлари ҳақида шундай дебдурлар:

— Бир вақтда Ҳазрати Фавсул Аъзам бир фақирни дилшикаста, ғамгин кўрдилар ва дедилар:

— Эй фақир, нимага маҳзун бўлдинг?

Ул фақир арз қилиб:

— Дарёдан ўтиб олмоқ учун кемачига илтимослар қилдим, қабул этмади, шу сабабдан ғамдаман, — деди.

Шу аснода эдилар, бир кимарса келиб, бир ҳамён тилло келтириб ул Ҳазратга назр қилди. Ул фақирга ишорат қилиб:

— Бу зарни олиб бориб кемачига бергил ва айтгил, минбаъд ҳеч фақирни рад қилмай ўтқарсин, — деб амр қилдилар.

Бу ҳам ул Ҳазратнинг мақтовга лойиқ хулқларидандир.

Яна шул киши нақл қилибдурлар:

— Отамиз тирик вақтида бир маротаба масжиди Жомеъда бирга эдим. Жума куни бир сотиғчи келиб, шундай деб қолди:

— Эй султони олам, бир мунча назр қилгон молим бордур. Фақир ва мискинларга бермакни хоҳиш қиладирман, аммо молимга муҳтож фақир ва мискин тополмайман. Ҳазратлари кимга амр қилсалар, ўшанга берсам.

Ул Ҳазрат дедилар:

— Хоҳ муҳтож бўлсин, хоҳ муҳтож бўлмасин, бир бора бергил.

* * *

Абу Муҳаммад Талҳа бинни Музаффардан шундай нақл эс-далиқ қолган.

Ҳазрати Ғавсул Аъзам айтгур эдилар:

— Ибтидои ҳолимда Бағдодда бир марта йигирма кунгача егани ҳеч нимарса тополмадим. Айвони Кисрой харобаси сари чиқдим, токи бир керакли пок нарса топгайман. Олтмиш авлиёи Аллоҳни кўрдим, улар ҳам мен каби бир нима истаб юрган эканлар. Ичимда: «Бу азизларга халал ва заҳмат етқурмагим мурувватдан эмас ва мунда бўлмоғим ярашмайди», — деб қайтиб Бағдодга кирдим, ошноларимдан биров менга бир неча пора нуқралар (кумуш тангалар) бериб, сабабини айтди — оназорим бериб юборибдилар. Бир мунча нуқрани олиб бориб, ул олтмиш тан азизларга бўлиштириб бердим.

Улар сўрадилар:

— Бу нуқрани қайдин топдингиз?

Айтгим:

— Волидан меҳрибоним менга юбориб эканлар. Ёлғиз ўзимга сарфлашни хўб кўрмадим, ўзлари учун олиб келдим.

Яна ёниб Бағдодга кирдим. Ўзимда қолган нуқраларга таом сотиб олиб, фақирларни чорлаб, улар бирла тановул қилдик. То кечгача ул нуқралардин менда ҳеч нимарса қолмади.

Хайрда шоҳи жаҳондир, саховат қони,
Барча ахлоқу жамолда топилмас сони.
Дину дил горат этиб, хулқи малоҳат бирла
Бори дилсўхталар жони ҳам жонони.

ИККИ ФАСЛ

Иккинчи фасл Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)нинг машаққатлари зикридир.

Абу Муҳаммад Ражаб бу нақлни Абу Солиҳ Наср Абдулҳасан Али Ҳаббоз ва Абу Солиҳ Умар Баззоз хотираларига суяниб ривоят қилгандир. Ҳазрати шайх Муҳйиддин Абдулқодир (разияллоҳу анҳу) уламо либоси кияр эдилар. Елкаларига ридо солиб юрар эдилар. Хачир минар эдилар. Олдиларида зайншўш кўтариб юрур эдилар. Баланд минбар уза ваъз айтур эдилар. Сўзлари маъноли, равон эди. Баланд овозлик эдилар. Сўзлари таъсирли ва қабул қилишлик бўлиб, ул Ҳазрат ваъз айтганларида мажлисида ҳозир бўлганлар хомуш ва таслим бўлиб ўлтурур эдилар. Жума кунни Жомеъ масжидига борурларида халқ бозорларда туриб, ул Ҳазратни шафъе келтириб, Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан ўз ҳожатларини тилар эдилар.

* * *

Ул Ҳазрат ҳақларида Шариф Абдуллоҳ Муҳаммад хотирасини нақл қиладилар. Ул Ҳазрат (разияллоҳу анҳу) амирлар ва замона катталарининг ҳеч бирига тавозе қилмоқ учун ўринларидан қўпмас эдилар, ҳукуматга дахлдор кишилар қошига бормас, улар таомини емас эдилар. Подшоҳлар мажлисида ва уларнинг бисотида бўлмоқни азоб ва уқубат жумласидан, деб тасаввур қилур эдилар. Подшоҳ ё вазир, ё умаролардан ҳузурларига келсалар, ул Ҳазрат ичкари ҳарамхоналарига кириб, меҳмон ўлтургандан сўнг чиқиб мулоқот қилур эдилар. Акс ҳолда ҳукуматлар иззати учун ўрнимдан турган бўламан, дер эдилар. Улар-

га жиддий сўзлар айтар ва насиҳатлар қилар эдилар. Улар Он Ҳазратнинг муборак қўлларини ўпиб: «Нени амр қилган бўлсан-гиз бари ростдир», — дер эдилар.

Ул Ҳазратнинг ходимларидан Аҳмад Бағдодий шундай ривоят қилади:

— Биз бандаларнинг ул Ҳазратда меҳмон зиёфати учун қарз қилган юз эллик динари бор эди. Бир кимарса келди. Мен ул кимарсани танимас эдим. Ул Ҳазратнинг даргоҳларига келиб ўтирди, суҳбатлашди. Бу аснода ул кимарса: «Бир мунча зар келтирдим, бу олтинни Ҳазратларининг қарзини адо қилмоқ учун келтирибдурман», — деб топшириб, ёниб кетди. Ул Ҳазрат: «Бу олтинларни қарзларга тақсим қилиб бергил», — деб менга амр қилдилар. Сўнг: «Бу кимарса Хайр фил-қадардир», — деб айтдилар.

Мен савол қилдим:

— Хайр фил-қадар деган кимдир?

Ҳазрат дедилар:

— У бир фариштадир, Ҳақ таоло ўз дўстларига қарзи тўпланиб қолганда адо қилмоқ учун юборур.

УЧИНЧИ ФАСЛ

Бу фасл ул Ҳазратнинг дарс ва фатво илмлари баёнидан иборат. Шайх Абдулваҳҳоб (раҳматуллоҳи алайҳи) ул Ҳазратнинг фарзандларидан биридир, шундай деган эканлар:

— Падари бузрукворим Фавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)нинг дарс айтиш ва фатво бермақларининг бошланиши ҳижрий беш юз йигирма саккиз ва охири беш юз олтмиш бир эди. Бу ўттиз уч йилда дарс ва фатвога машғул бўлганлар. Шариф Абдулло ўз отаси Муҳаммад Хизр Ҳусайний Мусулийдан шундай ривоят эшитган эканлар:

— Пирим Фавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) ўз мадрасаларида ўн учта илмга доир дарс айтар эдилар. Уларнинг асосийлари тафсир илми, ҳадис илми, мазҳаб илми, ахлоқ илми, фикҳ илми, усул илми (фикҳнинг ҳар тўрт қисмидан баҳс юритиб, биринчи Қуръон, иккинчи суннат, учинчи саҳобалар иттифоқи, тўртинчи қиёс, яъни ҳалол ва ҳаром тўғрисида ҳукм чиқариш амалидан иборат илм — И.О.) ва наҳв илмидир (синтаксис). Ҳар куни пешин намозидан кейин Қуръон тиловат қилур эдилар.

Шайх Абдулваҳҳоб шундай деган эканлар: — Ҳар қачон ул Ҳазрат ҳузурларига Ироқ шаҳарлари ва ўзга тарафлардан фатволар келса, шу фатвонинг жавоби эртага қолдирилгани ёки китоб кўриб ҳал қилинганини ҳеч вақт кўрмаганмиз. Ҳар фатвони назарларидан ўтказган соатда жавоб битилур эди. Ул Ҳазрат фатвони Ҳазрати имом Шофъий ва Ҳазрати имом Аҳмад Ҳанбал қавллари билан ҳукм қилур эдилар (Ҳазрати имом Шофъий ва Ҳазрати имом Аҳмад Ҳанбал ислом оламидаги мақбул тўрт мазҳабнинг асосчиларидан бўлиб, имом Шофъий ҳижрий 150 йилда Ғазза шаҳрида туғилганлар, ҳижрий 204 йили Мисрда вафот этганлар. Ҳазрати имом Аҳмад Ҳанбал ҳижрий 164 йилда Бағдод шаҳрида туғилганлар, 241 йилда мазкур шаҳарда вафот этганлар — И.О.).

Ироқ уламолари ул Ҳазратнинг берган фатволарини кўриб, таажуб қилур эдилар.

Агар бирор толиби илм ул Ҳазратнинг ҳузурларида шарият илмини ўрганишга машғул бўлса, оз фурсатда бошқа мударрида ўқиган ўз ҳамтенгларида ўзиб кетар эди.

Иккинчи қисм беш фаслдир.

Аввалги фасл Ҳазрати Ғавсул Аъзам ас-сақалайн разияллоҳу анҳунинг каромат ва ҳавориқ одатлари зикридир.

«Маноқиби Қодирия»да шундай нақл қиладилар: Ул Ҳазрат (разияллоҳу анҳу) ҳақталаб кишиларни ҳидоят қилмоққа маъмур бўлганларидан сўнг халқ атрофдан, шаҳар-қишлоқлардан келиб, ул Ҳазратнинг остонасини ўпдилар, файзларидан баҳраманд бўлдилар. Ул Ҳазратнинг шуҳрат ва овозалари ҳамма тарафда маълум бўлди. Ўшал вақтда бир зуҳд ва тақво билан ораста дарвиш бор эди. Қаттиқ риёзатлар чекиб, йўл босиб, ул Ҳазратнинг суҳбатларига мушарраф бўлмоқ орзусида Бағдодга келди. Иттифоқо ул дарвишнинг назари ул Ҳазратнинг отлари турадиган ерга тушди. Кўрсалар, отларга заррин эгар-тўқумлар тақиклиқ ва тиллодан қилинган занжирлар ва кумушдан қилинган миҳлар билан боғлиқ. Бу ҳолни мушоҳада қилиб, ул дарвишнинг

этиқод ва ихлосига халал ва футур юзланди. «Ул Ҳазрат бу тариқалик дунёнинг қиммат-гаров матоҳларига майл қилган бўлсалар, Ҳақ таолонинг ёдидан нечук файз топқайлар экан», — деган ўй кўнглидан кечиб, қайтиб Бағдоднинг маҳаллаларидан бирига кирди. Ул кеча касал бўлиб, ўрнидан туролмай қолди. Ул маҳалла халқи бу аҳволни кўриб, табиб келтирдилар. Табиб беморни кўриб шундай деди:

— Бу касалнинг дорусини муяссар қилмоқ жуда мушкулдир.

Халқ сўради:

— Давоси нимадир?

Табиб деди:

— Фалон ранглик, фалон жинслиқ отни сўйиб, унинг қони билан бу бечорани ғусл қилдириб, жигарини кабоб қилиб едирсалар, шояд тузалиб кетгай, мундан бошқа иложи йўқдир.

Мусулмонлар, табиийки, бундай отни топишдан ожиз келдилар. Ул вақтда Ҳазрати Ғавсул Аъзамга дарвишнинг аҳволи ғойибдан маълум бўлиб, ходимларидан бирига буюрдилар:

— Фалон маҳалладаги масжидда бир дарвиш касал бўлиб ётибди. Асли бизни зиёрат қилмоқ учун келиб эди. Борғил, уни менинг ҳузуримга келтиргил.

Ходим ул Ҳазратнинг амрларига кўра ул дарвишни табиб билан бирга келтирди.

Ул Ҳазрат табибга дедилар:

— Бу касалнинг давоси нима? Айтгил, мен иложини қилгайман.

Табиб:

— Фалон жинс отнинг қони ва жигари бу иллатнинг давоси ва иложидир, — деди.

Ул Ҳазрат:

— Бизнинг туйла (отхона)даги отлардан қайси мувофиқ келса, келтириб бўғизланлар, — деб амр қилдилар.

Беморни ушбу тариқалик отларни сўйиб, қонида ғусл қилдирдилар ва жигарини кабоб қилиб едирдилар. Туйладаги тамом отлар сарф бўлгачгина Ҳақ таоло дарвишга комил шифо ато қилди. Дарвиш тоза ювиниб, раҳмат айтиш учун ул Ҳазратнинг ҳузурларига келди.

Ул Ҳазрат шундай дедилар:

— Эй дарвиш, фалон шаҳардан бизни зиёрат қилмоқ учун машаққат билан бу ерга келмишсан. Туйладаги отларни кўриб

кўнглингга васваса юзланмишдир, билгил ва огоҳ бўлгил, сен биз тарафга қадам қўйиб эдинг, Оллоҳ даргоҳидан бир нидо келди: «Фалон шаҳардан сени зиёрат қилмоқ учун бир дарвиш келгувсидир. Унга бемор бўлмоқликни тақдир қилдим ва унинг иложи фалон жинслиқ отнинг хуни ва жигаридир». Бу жиҳатдан сен бу ерга келмасдан илгари ул отларни муҳайё қилгандирман. Бу тилло ва кумушдан қилинган занжир ва мислар, зарбоф ва зайнпўшт-ёпинчиқларни кўриб эдинг, уларни табибга бериш учун тайёр қилмишман, токи бизнинг даргоҳимиздан ноумид қайтмағайлар, деб.

Сўнгра ул Ҳазрат бу зар-тиллоларнинг ҳаммасини ҳалиги табибга беришларини буюрдилар. Ул табиб насроний эди. Бу ҳолни кўриб калимаи шаҳодатни тилига жорий қилиб, ислом динига кирмак шарафига эришди. Ул дарвиш эса кўнглидан кечган ўйдан хижил бўлиб, тавба қилди. Қолган умрини ул Ҳазратнинг остоналарида ўткарди ва валийлик мартабасига етди.

* * *

«Маноқибн Қодирия»да шундай зикр келтирилади:

«Бир куни Ҳазрати Фавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) хонақоҳлари саҳнида турган эдилар. Ногоҳ ғойибдан қулоқларига шундоқ нидо эшитилди: «Эй Саййид Абдулқодир, ошиқлик ва маъшуклик бордир, қайси бирини ихтиёр қилурсан?»

Ул Ҳазрат бу сирни афифа (пок) оналарига арз қилдилар. Волидалари:

— Маъшуклик мақомини ихтиёр қилгайсан, — дедилар.

Ул Ҳазрат:

— Бизга бир нарсани ихтиёр қилмоқ ва талаб қилмоқ нечук раводир? Ҳақ таоло нени ато қилса, уни қабул қилгумдир, — дедилар. Бу аснода яна ғойибона нидо келди: «Эй Саййид Абдулқодир, ҳар икки мақомни сенга ато қилдим, сен менинг ошиқим ва маъшукимдирсан».

Шу маънони ифодалаш учун бир бузрук зот ул Ҳазратнинг валийлиги, вафоти ва умрлари муддати тарихини қуйидагича битган эканлар:

*Синнаш комилу ошиқ таваллуд
Вафоташ дон зи маъшуқи илоҳий...*

Яъни: умрлари муддати абжад лугати бўйича «комил» сўздан ҳосил бўлур. Валоятлари (валийлиги) тарихи «ошиқ» сўздан маълум бўлғувсидир. Вафотлари тарихи «маъшуқи илоҳий» калимасидан чиққувсидир».

* * *

«Рисолаи Қодирия»да келтирибдилар:

Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)нинг латиф жисмларига бетоблик етди. Муридлар:

— Агар буюрсангиз, табиб келтирар эдик, — дедилар.

Ул Ҳазрат қабул қилмадилар ва дедилар:

— Табибга кўрсатмаклик Ҳабибга гина қилган бўладир.

Бир соат ўтгандан кейин ул Ҳазратта бавл қилмоқ (ёзилмоқ) ҳожат бўлиб, тувак келтирдилар. Ул тувакка бавл қилдилар. Муридлардан бирлари бавлни шишага соляб, бир яҳудий табиб қошига олиб борди. Ул табиб томда ўтирган эди. Қоруруани (текшириш учун олинган ахлат) кўрган замон томдан тушиб сўради:

— Бу кимнинг қорурасидир?

Ул кимса:

— Сайидлардан бирининг қорурасидир, — деб ул Ҳазратнинг муборак исмларини ошкор қилмай қўя қолди.

Сўнг ул кимарса:

— Бу қорурадани қайси касалнинг аломати маълум бўлади? — деб сўради.

Табиб:

— Бу шунчаки иллат эмас, ошиқнинг иллатидир, — деб дарҳол калимаи шаҳодатни арз қилиб, мусулмон бўлди.

Бу хабарни табибнинг аҳли аёли ва қабиласи англаб, ҳаммалари келдилар. Кўрсалар, табибнинг ҳоли дилгир бўлибдир. Сўрадилар:

— Сизга нима бўлди?

Табиб:

— Бу дарвишнинг қўлидаги шишани олиб назар қилинглар, — деди.

Қабила аҳли қорурага назар солиб, сустлик қилмади — шаҳодат калимасини тилига жорий этиб, дини муҳаммадийга ўтдилар. Яҳудий табибнинг қабиласидан тўрт юзга яқин киши ул дар-

вишни восила қилиб, ул Ҳазратнинг даргоҳларига юз келтириб, нола-фигонлар этиб остоналарини ўпдилар. Ул Ҳазратнинг но-дир лутфлари туфайли ҳаммаларига валийлик насиб бўлди, вал-лоҳи аълам.

* * *

Билгил ва огоҳ бўлгил, эй ўқувчи, шундай нақл келтиради-лар:

«Ул Ҳазратнинг муборак исмларини ҳар киши бетаҳорат ти-лига олса, шул соат боши танидан жудо бўлур эди. Халқ бу ҳолат-ни кўриб, музтарлякка қолмиш эдилар. Бир кун Ҳазрати рисо-латпаноҳ саллаллоҳи алайҳи ва саллам мушоҳадада амр қил-мишлар: «Эй жалолатли фарзандим, бу сиффатни тарк қилгил, акс ҳолда шундан кейин бир замон келгувсидир, Ҳазрати под-шоҳи зулжалол (Оллоҳ)нинг исмини ва менинг исмиمنى халойиқ ниҳоятда беадаблик билан тилларига жорий қилгувидирлар». Ул кундан сўнгра ул Ҳазрат (разияллоҳу анҳу) жалолатни тарк этти-лар ва кишиларни бу иши учун кечирдилар».

* * *

«Маноқибни Қодирия»да келтирибдурлар:

Бир куни Ҳазрати Фавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) бир бегона шаҳарнинг бозорида айланиб юрур эдилар. Бир дўконда пиширил-ган тухум сотиб турадурғон эканлар. Бир неча тухум сотиб олдилар. Ул тухумларни муборак қўлларига олиб: «Агар бу тухумларни ўтда пиширишмаган бўлсалар эди, албатта тирилиб парвоз қилгай эди», — деган хаёлни кўнгилларидан ўтказдилар. Ҳануз тилларига жорий бўлмаб эди, ул тухумлар жумбуш ва ҳаракатга келиб мурғбачалар (жўжалар) пайдо бўлиб, парвоз қила бошлади. Бу ғаройиб воқеа ша-ҳар ичра шуҳрат топди. Ул шаҳарнинг ҳокими ул Ҳазратга бир ки-шидан шундай деган деб хат юборибди: «Ўзлари бизнинг шаҳримиз-да мусофирдирлар. Нима сабабдан ҳар нав ишларни зуҳурга келти-риб, бизнинг мамлакатимизда бемалол юрибдилар?»

Ул Ҳазрат бу гапга шундай жавоб бериб юбордилар: «Ҳамма мамлакатларнинг эгаси Ҳақ таолодир. Нималар қилиш-қилмас-

лик унинг шаънига сазовордир. Агар ажал сенинг жонингни талаб қилса, сен ҳеч узр-баҳона билан қутула олмайсан».

Ул кимарса бу жавобни шаҳар ҳоқимига еткурган замон малакул мавт (жон олгувчи фаришта) ҳозир бўлиб, жонини қабул қилди.

* * *

Бу нақл Шайх Абусаидга мансуб бўлиб, айтибдирлар:

Савдогар Абул Музаффар Шайх Ҳаммод хизматларига бориб шундай дебди:

— Карвонлар сафарга муҳайе бўлди. Мен ҳам Шомга савдога боришни хоҳиш қилурман.

Шайх Ҳаммод:

— Агар сен бу йўлда сафар ихтиёр қилсанг, ўзинг ҳалок бўлурсан, мол-мулкинг нобуд бўлгувсидир, — дедилар.

Абул Музаффар гамгин бўлиб қайтиб, ул Ҳазратнинг ҳузурларига келди. Бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

Ул Ҳазрат:

— Борғил, сафарни ихтиёр қилғил, фойдалар топиб сиҳат-саломат қайтиб келурсан, мен сенга аҳдгардирман, — деб амр қилдилар. Абул Музаффар сотиғчи Шомга бордилар. Олиб борган нарсани фойда билан сотди. Бир куни Ҳалаф шаҳрида ёзилиб чиқиш учун бир халожойга кирди. Нақдина пуллари ҳам ўзи билан эди. Ҳожатдан фориг бўлиб, ул пулларини эсидан чиқариб, ўз ижара маконига борди. Ногоҳ уйқу галаба қилди. Тушида шундай воқеани кўрди: бир тоифа араблар пайдо бўлиб, булар тарафга юзланиб, карвонни талади. Карвон аҳлига тиг урди. Биров келиб Абул Музаффарнинг гарданига пичоқ санчди. Уйқудан кўрқиб уйғонди, гарданида қоннинг нишонасини кўрди. Ўзини ёмон сеза бошлади. Ул вақтда ёдидан чиқиб кетган пуллари эсига тушди. Дарҳол ҳалиги жойга бориб, нақдинасини топиб олди.

Бағдодга соғ-саломат қайтиб келган Абул Музаффар: «Икки баракотли зотдан қайсиларининг қошига илгари борсам бўлур экан?» — деган икки андишада кетиб борур эди, йўлда Шайх Ҳаммодга йўлиқди. Шайх Ҳаммод дедилар:

— Эй Абул Музаффар, аввал Ҳазрати Шайх Абдулқодир хизматларига борғил, ўн етти мартаба Худои таоло даргоҳидан

сени тиладилар. Сенинг бедорликда ҳалок бўлмоғингни уйқуда
юзага чиқардилар. Молингнинг нобуд бўлмоғини унуттириш
билан ўтказиб юбордилар.

Абдул Музаффар ул Ҳазратнинг хизмати шарифларига бор-
дилар. Ул Ҳазрат аввал гап бошлаб қолдилар:

— Эй Абул Музаффар, Шайх Ҳаммоод бозорда ҳар сўз деган
бўлса, ҳаммаси ростдир.

* * *

Абул Маолий айтган хотира ҳам китобларда нақл қилинган.
Ул киши дебдур:

— Сафар юрганимизда карвон билан ваҳимали бир ерга туш-
дик. Бир биродар яна бир шеригининг аҳволидан хабар олмоғи-
нинг сира эҳтимоли йўқ эди. У ердан кўчмак учун туяларга юк
юклаб борурда тўрт туя юкланган юки билан йўқолиб қолди.
Карвон юриб кетди. Биз бу туяларни изламак учун у ерда тўхта-
дик. Кўп уринсак-да, туяларни тополмадик. Тонг отган маҳалда
Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг иноят ва илтифот айлаган сўзлари
ёдимга тушди. Ул Ҳазрат менга: «Ҳар қачон бирор воқеадан
сенга хавф-хатар, зиён-заҳмат етса, мени ёд қилгил ва чорлагил,
ул бало ва офат сендан даф бўлғувсидир», — деб амр этган эди-
лар.

Намози бомдоод ниҳоясида мен: «Ё Ҳазрати Шайх Абдулқо-
дир, менинг тева (туя)ларим гум бўлмишдир, дастгирлик қил-
гил!» — деб илтижо қилдим. Кўрарманки, Машриқ тарафда бир
зебо кимарса либоси фохира — ҳашамли, нозик кийимлар кийиб,
мени қошига имлайди. Ул кимарса ёнига борган эдим, кўринмас
бўлди. Ўшал ерда тўрт туя юкланган юки билан турганини
кўрдим.

* * *

Умар Базоз Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)дан эшит-
ган куйидагилар ҳам нақл қилинган. Ул Ҳазрат айтур эканлар:

— Ҳар киши бир мушкул ишга рўбарў келган маҳалда мени
шафъе келтирса, ул бало ва машаққатни ул кишидан даф қилғум-

дир. Ҳар банда икки ракаат намоз ўтаса, ҳар ракаат орасида фотиҳадан кейин «Сураи кофирун» ва «Сураи ихлос»ни бир мартабадан ўқиб, намоздан фориғ бўлгандан сўнг ўн бир марта дуруд (саловот) айтса, бас, ундан кейин Ироқ тарафига юз келтириб ўн бир қадам юрса, ундан кейин менинг исмиمنى тилига жорий қилиб, ўз ҳожатини тиласа, албатта ҳожати раво бўлгувсидир.

* * *

Усмон Ҳаярфий ва Абдулҳолиқ Ҳазмий хотиралари ҳам китобларда нақл қилинган.

Улар айтибдурлар:

Бизлар Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг ҳузурларида — мадрасада эдик. Сафар ойининг учинчи сешанба куни эди. Ул Ҳазрат таҳорат қилиб, икки ракаат намоз адо қилгандан сўнгра, баланд наъра уриб, бир пой кафшларини осмон тарафига отдилар. Ул кафш халқ кўзидан ғойиб бўлди. Иккинчи пой кафшни ҳам шундай қилдилар. Он Ҳазратдан бу ишнинг кайфиятини сўрашга ҳеч бировимизда журъат йўқ эди. Орадан йигирма кун ўтиб, Ажам шаҳарларидан карвон етиб келди. Ул Ҳазратнинг ходимларига ҳарир либослар, нафис матоҳлар ва бир мунча тоза тилло келтириб: «Ул Ҳазратнинг назрлари», — дея топширдилар. Яна ул икки кафшни ҳам олиб келиб бердилар. Ходимлар сўрамишлар:

— Бу кафшни не ердан олдингизлар?

Бу карвон жамоасидан бирлари деди:

— Биз йўлда эдик. Сафар ойининг учинчи сешанба куни араб қароқчиларидан бизларга юзланиб, тамом мол-матоҳларимизни таладилар, сўнг тақсим қилишиб олдилар. Бу ҳолатда музтар бўлиб, бу Ҳазратнинг исми шарифларини тилимизга олдик ва бу ашёларни (келтирган ашёлар) ул Ҳазратга назр атадик. Шу аснода ногоҳ ғойибдан икки наъраи азимий эшитдик, ул наъранинг ҳайбати тамом биёбонни тутди. Бир соатдан кейин ул қароқчилар ожиз ва музтар бўлишиб, биз тарафга келдилар. Айтдилар:

— Эй карвон аҳли, молларингизни ўзларингизга олинглар, бизларга қандай қайғу пеш келганидан огоҳ бўлинглар, юринглар.

Биз ул ерга бориб, икки кафш икки ўликнинг икки ёнида турганини кўрдик. Қароқчилар мол-матоҳларимизни қайтариб бериб, узрлар сўраб, биздан нари кетдилар.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Иккинчи фасл — ул Ҳазрат Фавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) Ҳақ таолонинг амри билан: «Қаддами ҳазаҳ ало рақбата кулли валиюллоҳ» — Менинг қадамим жами валиюллоҳларнинг гарданларигадир, — деганларининг зикридир.

НАҚЛ

Бир куни бу тоифанинг саййиди бўлмиш Шайх Жунайд Бағдодий қаддаси сирраҳу уйларида ўлтирмиш эдилар. Ходимларидан бири шундай арз қилди:

«Фалон мажзуб (чинакам Оллоҳ ошиғи) шундай деди: «Фалон вақтда Бағдодда Саййид Абдулқодир отлиғ бир зот пайдо бўлиб: «Қаддами ҳазаҳ ало рақбата кулли валиюллоҳ» — деб айтар экан. Ул ҳолатда жами авлиёи Оллоҳ — пешқадамидан тортиб, энг мўътабаригача, гарданларини паст қилиб тургайлар. Кимки таслим ва розилик бермаса валийлик мартабасидан узилиб қолар экан, шу ростми?»

Ҳазрати шайх Жунайд бу сўзни англаб:

— Ҳа, ростдир, агар мен ҳам ул маҳалда бўлсам эдим, ул зотнинг қадамларини ўз гарданимга қўйгай эдим. Улар авлиёларнинг султони, танлагани ва афзалидурлар», — деди.

* * *

«Маноқибн Қодирия»да келтирибдурлар, ул Ҳазрат (разияллоҳу анҳу) неча муддат бир оёқлари билан туриб, Ҳақ таоло ибодатига машғул эдилар. Ниҳо келди:

«Эй Саййид Абдулқодир, не боисдан бир оёқ билан турасан?!»

Ул Ҳазрат арз қилдилар: «Илоҳи, тамоми ер юзи авлиёи Оллоҳ билан тўлибди, иккинчи оёғимни сиғдиргали ер йўқдир».

Яна ниҳо келди: «Эй Абдулқодир, қадамингни менинг авлиёларимнинг гарданларига қўйгил». Ул Ҳазрат амри илоҳийни бажо келтирдилар ва барча авлиёи Оллоҳ гарданларини паст қилдилар.

«Нафаҳот ул-унс»да келтирибдирлар:

Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу) амри илоҳий бирла маъмур бўлиб, жума куни ваъз айтур эдилар. Ушбу мажлисда улўғ машойихлардан Шайх Али Ҳаййати, Шайх Бақои Батту, Шайх Абу Саид Қайлавий, Шайх Абу Нажиб Сухравардий, Шайх Жокир, Шайх Мусулий, Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний (Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий устози) бор эдилар. Булардан ўзга кўпгина машойихлар ҳам бу мажлисда ҳозир эдилар.

Ҳақ таоло ул Ҳазратнинг дилларига тажалли қилиб, Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳамсӯҳбат малоикаларининг бир тоифаси, пешқадам авлиёлар ўз жисмлари билан ва оламдан ўтганлар руҳлари билан ул мажлисда ҳозир бўлиб, Ҳазрати Ғавсул Аъзамга хилъат кийдирдилар, ражол ул-ғайблар— кўринмас пиёдалар ул Ҳазратни ораларига олиб, ҳавога кўтариб турдилар. Шу аснода ул Ҳазратнинг муборак тилларидан: «Қаддама ҳазаҳ ало рақбата кулли валиюллоҳ» калимаси жорий бўлди. Мажлисда ҳозир бўлганлар бу сўзларни эшитиб, ҳаммалари гарданларини паст қилиб турдилар. Ер юзида гарданларини паст қилмаган ҳеч валиюллоҳ қолмади.

Айтибдурларки, бир киши Ажам диёрида бу амрга саркашлик қилди.

Бу ҳақда «Рисолаи Қодирия»да шундай нақл бор:

Ул Ҳазрат юқоридаги сўзларни айтганларида Хотибдан овоз келди: «Ҳамманглар гарданларингни паст қилинглар!» Ул маҳалда ҳамма авлиёи Оллоҳ гарданларини паст қилдилар, ул Ҳазратнинг муборак қадамларини ўз гарданларига кўйдирдилар.

Бу илоҳий нидо орифлар султони Абу Язид Бистомий (қаддас сирраҳу)га етганда, Ҳазрати Султон Боязид Ҳақ таоло даргоҳига арз қилди: «Қайси важҳ бирла Шайх Абдулқодирнинг даражасини менадан юқори кўймоқға ҳукм қилурсан?» Нидо келдики: «Саййид Абдулқодирнинг мартабаси икки важҳ бирла сендан балеандир— биринчидан, ҳабибим Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлодидур, иккинчидан, сен дунёдин фориғ бўлиб, менинг хизматимга машғулсан, Саййид Абдулқодир эса дунё ишига машғуллик билан дунёдан фориғдир».

Ҳазрати султонул орифин Боязид бу жавобни эшитмак бирла гарданларини паст қилиб, итоат этдилар, қаддасаллоҳу важҳаҳу.

«Маноқибн Қодирия»да шундай келтирибдурлар:

«Бир кун Ҳазрати Ғавсус сақалайн бари машойихлар билан томда ўлтириб эдилар. Ногоҳ назарлари Бухоро тарафига тушиб, шундай амр қилдилар:

— Фалон вақтда Баҳоуддин Нақшбанд отлиғ бир зот зуҳурга келгувсидир, бизнинг файз-хосиятимиз бирла мумтоз бўлгувсидир. Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бухорий (қаддаса сирраҳу) дунёга келиб, Ҳазрати Саййид Амир Кулол (қаддаса сирраҳу)нинг хизмати ва мулозаматларига мушарраф бўлиб, «Исми зот»ни таълим олдилар ва «Зикри Ҳафия»га машғул бўлиб, бир неча муддатни ўтказдилар. Лекин уларнинг хотири шарифларида «Исми зот»нинг нақши қарор топмади (тўлиқ англай олмадилар). Бу ҳол уларни диққат қилиб қўйди. Бир кун ғамгин ва маҳзун бўлиб, саҳрога чиққан эдилар, Ҳазрати Хизр алайҳиссалом дуч келиб, шундай дедилар: «Эй Баҳоуддин, менга «Исми Аъзам»ни Ҳазрати мажзуби субҳоний Саййид Абдулқодир Гилоний (разияллоҳу-анҳу) таълим қилмишлар. Сиз ул Ҳазратнинг жаноби олияларига сизингайсиз мақсудлари эшиги уларнинг баракотларидан очилгувсидир».

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин (қаддаса сирраҳу) уйларига келиб, ул кеча Ҳазрати Ғавсул Аъзам (разияллоҳу анҳу)нинг жанобларига бутун диққатларини бериб сизиндилар. Воқеада кўрдилар — ул Ҳазрат ўнг қўлларининг бармоқларида «исми зот»нинг нақши зоҳир ва ҳувайдо эди. Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг тарафларига кўрсатдилар. Шу бир кўргазмаклик бирла Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг зоҳир ва ботинларига «исми зот» нақш боғлади. То шу мартаба етдилар — кимхоб тўқиган маҳалда «исми зот» гуллар ўрнида нақш бўлмиш эди. Бу воқеадан кейин «Зикри Ҳафия» машҳур бўлди. Улардан халқ кўп баҳра топди. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин: «Бу файз бизга Ҳазрати Ғавсус сақалайннинг файзларидан бўлмишдир», — деб эдилар.

НАҚЛ

Бир кун Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг мажлисла-рида бир кимарса савол қилдилар:

— Ҳазрати Ғавсул Аъзам «Қаддама ҳазаҳ ало рақбата кулли валиюллоҳ», деб эрмишлар, чинданама жами Оллоҳ валийлари гарданларига оёқларини қўйдирдиларми экан?

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин жавоб бердилар:

— Ул вақтда (мажлисда) бизнинг хожамиз Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳозир эдилар. Ул Ҳазратнинг муборақ қадамларига гарданларини паст қилиб турдилар. Агар мен ул вақтда ҳозир бўлсам эди, муборақ қадамларини кўзимга қўйдирган бўлурум эдим.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари (ҳижрий) етти юз ўн саккизинчи йилда, вафотлари етти юз тўқсон биринчи йили, жумудул аввал ойининг учинчи куни эди. Ҳаётлиқларининг муддати етмиш уч йил дебдурлар (қаддасаллоҳу ваҷҳаҳу).

УЧИНЧИ ФАСЛ

Учинчи фасл Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг буюклиги, қудрати, жоҳу жалолати ва камоллари зикридир (Жоҳу жалолат — рутба ва мартаба, демак бўлиб, жоҳ сўзининг маъноси гоҳт чуқурдир. Мол-дунё ташвишидан озод бўлганидан фахрланувчи билимдон кишига нисбатан «жоҳи жалолати юқори» ибораси ишлатилади — И.О.).

«Нафаҳот ул-унс»да шундай ёзилган:

Шайх Садақа Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи бир кун бир сўзни айтиб юборган эдилар, бу сўз ўша вақт халифасининг қулоғига етиб борди. Халифа Шайхни дарра билан урмоққа ҳукм қилди. Шайх Садақани яланғоч қилиб уришга тайёргарлик кўрилаётган пайтда ул кишининг ходимлари: «Ё Саййид Абдулқодир!» — деб фарёд қилди. Шу маҳалда дарра уришга қўл кўтарган кишининг қўли шол бўлиб, ҳаракатдан тўхтади. Халифа бу ҳолни мушоҳада қилиб, ҳайъат аҳлига қараб қўйди ва «Қўяверинглар» деб ҳукми ўзгартирди.

Шайх Садақа ул ердин Ҳазрати Ғавсул Аъзам хонақоҳларига кирди. Ул Ҳазрат ичкари кирган эканлар. Кўп одам музтар бўлиб кутиб турар эди. Бир неча вақтдан сўнг ташқарига чиқиб, минбар узра ўлтириб, ҳеч сўз айтмадилар, қори ҳам ҳеч нарса ўқимади, аммо халқ безовта бўлиб, ғалати ҳолатга тушиб қолди. Шайх Садақанинг кўнглидан ушбу ўйлар кечди. «Ул Ҳазрат

ҳеч сўз демадилар ва ҳеч нима ўқимадилар. Бу жамоага мундоқ ҳолат юзланганининг боиси не бўлғай экан?» Бу аснода ул Ҳазрат муборак юзларини Шайх Садақа тарафларига қилиб шундай амр қилдилар:

— Эй Шайх Садақа, менинг муридларимдан бири Байтул Мақдусдан бу ерга бир қадамда етиб келиб, менинг қўлимда тавбага эришди. Бу кун бу мажлисда ҳозирлар ул муриднинг меҳмондорлиғи учун келибдур.

Шайх Садақа ичида ўйлади: «Ул киши Байтул муқаддасдан бир қадамда Бағдодга келмиш бўлса, бу даргоҳга келиб тавба қилмоқу кишига нима ҳожат экан?»

Ул Ҳазрат яна муборак юзларини Шайх Садақа тарафига қилиб:

— Эй Шайх Садақа, бу кимарсанинг тавба қилмоғининг сабаби ушбудир — энди сира ҳам ҳавода юрмагувсидур ва бизга ҳожати шуки, Ҳақ Субҳонаҳу ва таолонинг муҳаббатига йўл кўргизгаймиз, — дедилар.

* * *

Яна нақл қилибдурлар. Бир кун Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу мажлисда ваъз айтиб ўлтиргандилар. Шайх Али Ҳайатий (раҳматуллоҳи таоло) тўғрилирида ўлтирган эди, ногоҳ уйқулаб қолдилар. Ул Ҳазрат минбардан тушиб, Шайх Алининг олдиларида тамом адаб билан турдилар ва аҳли мажлисга хомуш ўлтиринглар, деб амр қилдилар.

Бир неча дақиқадан кейин шайх Али бедор бўлдилар. Ҳазрат сўрадилар:

— Эй Шайх Али, Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни воқеада кўрдингми?

Шайх Али:

— Ори, кўрдим, — деди.

— Ул Ҳазрат сенга нима васият қилдилар?

Шайх Али деди:

— Ҳазратларига мулозамат қилмоқни.

Ундин кейин халқ Шайх Алидан сўрадилар:

— Сиз воқеада Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўришингизни ул Ҳазрат нечук билдилар?

Жавоб айттилар:

— Не нимарсани тушимда кўрган бўлсам ул Ҳазрат аини бедорликда кўрмишдир, разияллоҳу анҳу.

НАҚЛ

Бир мазлума пайдарпай йигирма қиз таваллуд қилди. Куёви талоқ этмоқни хоҳиш қилди. Ул мазлума Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бориб, бу воқеани тула илтижолар билан арз қилди. Ул Ҳазрат: «Мундан кейин унга ўғул фарзанд насиб бўлғувсидир», — амр қилдилар. Ул мазлума мени масхараламоқ учун бу сўзни айтган бўлғай, деб гумон қилди. Яна зору тазаррулар этди. Ул Ҳазрат: «Уйингга борғил, ҳамма фарзандларинг ўғул бўлдилар», — деб амр қилдилар.

Ул мазлума уйига бориб кўрган вақтда ҳамма фарзандлари ўғул бўлибдур. Ҳақ таолоға шукру санолар бажо келтирди.

НАҚЛ

Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг ходимларидан биров вафот топди. Ул ходимнинг аҳлиёси болалар билан ул Ҳазратнинг жаноби олижоҳларига келиб, ўз ожиз ва бекаслигини арз этиб зору тазаррулар қилди.

Ул Ҳазрат мароқабада ўлтириб, малакул мавтни йўлда тутиб олиб дедилар: «Бизнинг ходимимизнинг руҳини бизга ҳавола қилғил». Малакул мавт деди: «Ҳақ таолонинг амри бўлмагунча бермагайман».

Яна ул Ҳазрат икки-уч мароқабада бу сўзни айттилар, аммо малакул мавт қабул қилмади. Ул ҳолда малакул мавтнинг қўлида замбил тариқалик бир нимарса бор эди, унда ул ходим ўлган кунни жони қабз қилинган халқнинг руҳи солинган бўлиб, уларни даргоҳи Кибриё-Оллоҳ даргоҳига олиб борур эди. Ул Ҳазрат маҳбублиқ қуввати бирла малакул мавтнинг қўлидан тортиб олиб, ҳамма арвоҳларни қўя бердилар. Ул кун ким вафот этган бўлса, ҳаммаси қайтадан тирилдилар. Малакул мавт бу ҳолни даргоҳи Илоҳийга арз қилди. Фармон келди: «Эй Азроил, Саййид Абдулқодир менинг маҳбубимдир. Ўз ходими руҳини сендан

талаб қилиб эрди, бермадинг, ғайрат зевари бирла тамом арвоқларни сендан тортиб олди!»

НАҚЛ

Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу бир ходимларини ўз ҳамширазодалари Саййид Аҳмад Кабир қошларига юбориб, бу сўзни савол қилгин деб тайинладилар: «Ма ал-ишқ?» (яъни, Ишқ деган нимадир?) Ходим бориб сўради. Саййид Аҳмад Кабир бу сўзни эшитиб, ошиқлик жунбиши билан бир оҳ тортиб: «Ҳазо ҳувал ишқ!» (яъни, Ишқ будир!) деган замон баногоҳ қаршисида бир дарахт турмиш эди, ўртанди, ёнди. Саййид Аҳмад ҳам куйиб кул бўлиб сувга уйрилди. Ул ходим бу воқеани ўшал кез ул Ҳазратнинг хизмати шарифларига етиб бориб баён қилди. Ул Ҳазрат:

— Эй ходим, борғил, агар ул сув ўз жойида бўлса, атрофини хушбўй нарсалар сепиб, тўхтатгил.

Ул ходим кўрса, ўша сув ўз жойида қарор топиб турган экан. Хушбўй нарсаларни атрофига сочди. Бир неча дақиқадан кейин Саййид Аҳмаднинг вужудлари зоҳир бўлди. Бу хабарни Он Ҳазрат англаб, шундай дедилар:

— Бу мақомдан икки кимарсага мурожаат қилдим. Бири илгари ўтган салафлардан эди. Иккинчиси Саййид Аҳмаддирлар. Валлоҳ, ҳар валиюллоҳ бу мақомга етиб эди, қайтмади, дедилар (разияллоҳу анҳу).

* * *

«Маноқиби Қодирия»да шундай нақл келтирилгандир:

Шайх Али бинни Муҳаммад ал-Арабий давлатманд, соҳибшавкат кимарса эди. Мулку моли ҳаддан ташқари кўп эди, аммо фарзанди йўқ эди. Бу сабабдан ҳаминша андуҳда эди. Улуғ машойих ва бузруклар хизматини тўла қилмиш эди, лекин бу ғаму андуҳига чора топмас эди. Бир кун мажзуб зотнинг хизматларига борди. Ул мажзуб: «Бағдодга борғил ва Ҳазрати Абдулқодирнинг хизматларига етгил, уларнинг баракотларидан талабинг ҳосил бўлғувсидир», — деб маслаҳат бердилар. Шайх Али бу

ишоратдан кейин тамом эътиқод ва ихлос билан Бағдодга келиб, ул Ҳазратнинг хизматларига мушарраф бўлди.

Шайх Али ҳануз ўз аҳволини баён қилмасдан илгари ул Ҳазрат гап бошладилар:

— Эй Шайх Али, қисмати азалда сенга фарзанд насиб бўлмаган экан, бас, иложимиз қанча?

Шайх Али дард билан шундай илтимос қилди:

— Эй Ғавси замон, агар менга азалда фарзанд насиб бўлса эди, бу тариқалик саргардон бўлмағай эдим. Ҳозир умидворлик бирла бу олижоҳ даргоҳга келдим, ноумид ёнмағайман ва ўз муродимни топқайман.

Бу ҳолда Ғавсул Аъзам разияллоҳу бу дили шикаста, ўксик кўнгилнинг ҳолига раҳми келди ва иноятлари жўш уриб, амр қилдилар:

— Келгил, ўз пуштингни менинг пуштимга суртгил, бизнинг пуштимизда бир фарзанд боқий қолмиш эди, сенга ато қилдим.

Шайх Али ул Ҳазратнинг амрлари бирла ўз пуштини ул Ҳазратнинг пуштларига суртдилар. Ундан кейин ул Ҳазрат шундай дедилар:

— Эй Шайх Али, боргил, ул фарзандга Муҳаммад исм қўйгил, бизнинг лақабимиз бирла Муҳйиддин деб атағил. Келажакда ул фарзанд улуг даража топқувсидир.

Шайх Али уйига борди. Амри илоҳий бирла аҳлияси ҳомиладор бўлиб, неча муддатдан кейин ўғил фарзанд туғилди. Шайх Али ул Ҳазратнинг амрлари бирла ул болага Муҳаммад исм бердилар ва Муҳйиддин лақаби билан чақиришларини тилади. Бу фарзанд Шайх Муҳаммад Муҳйиддин Оллоҳнинг авлиёларидан бўлди. Бу киши кўп китоблар ёздилар. «Футуҳотул-Маккия» ва мундан ўзга кўп китоблар тасниф қилдилар, қаддасаллоҳу ваҷҳаҳу.

НАҚЛ

Ҳазрати Шайх Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Суҳравардий қаддасаллоҳу ваҷҳаҳунинг аҳлиялари Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг хизмати шарифларига келиб илтижо қилдилар:

— Эй Ғавси олам, менинг фарзандим йўқдир. Бу олижоҳ даргоҳдан ҳар ҳожатманднинг ҳожати вожиб бўлиб келган. Мен ҳам бундоқ умид билан келибман, зора бир фарзанд ато бўлса.

Ул Ҳазрат мароқабача қилиб, даргоҳи Илоҳийга арз этдилар. Нидо келди: «Бу мазлумага фарзанд қисмат бўлгон эмас!»

Ул Ҳазрат уч навбат жаноби Илоҳийга арз қилдилар, лекин ижобат асарини маълум бўлмади. Ул ҳолатда маҳбублиқ ноизи бирла ўз хирқани муборакларини устиларидан тортиб олиб ҳавога ташладилар ва дедилар: «Ҳоҳиш қилган илтимосим қабул бўлма-са, бу хирқани не этгайман?».

Шул кезде Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи ва саллам ҳозир бўлдилар. Ул хирқани муборак қўлларига олиб, ул Ҳазратга кийдирдилар. Сўнг шундай деб амр қилдилар: «Эй фарзанд, Оллоҳ даргоҳи бениҳсдир».

Ул Ҳазрат шундай дедилар: «Ё расулуллоҳ, то бу вақтгача мен ёлғиз эдим. Ҳазратлари ҳам етиб келдилар. Ул заифанинг муроди ҳосил бўлғай деб умидворман».

Бу аснода ғайбий нидо келди: «Бу икки маҳбубимнинг илти-мослари бирла бу заифага ўғил фарзанд ато қилдим!»

Шундан кейин ул Ҳазрат ул заифага башорат бердилар. Ул заифа уйига борди. Ул кеча ҳомиладор бўлди. Нечанд муддатдан кейин ўғил кўрди. Ул фарзандни Ҳазратнинг ҳузурларига келтирди. Ул Ҳазрат фарзандга боқиб шундай дедилар:

— Бу менинг фарзандларимдандир. Унга Шаҳобиддин Умар дебон от қўйдим. Ўз вақтида жами машойихнинг улуғроқи бўлғувсидир. Тўла авлиёи Оллоҳ буларга мурид бўлғайлар. Ҳарчанд умри зиёда бўлса, буларнинг файз-футуҳлари ҳам зиёда бўлғувсидир.

Охири ул Ҳазратнинг башоратлари тўғри чиқиб, «Сухравардия» тариқатига асос солдилар.

НАҚЛ

Шайх уш-шуюх — шайхлар шайхи Шаҳобиддин Умар Сухравардий қаддасаллоҳу ваҷҳаҳу айтган эканлар:

— Навқиронлик вақтида илми Калом (теология) дан бир неча китобларни ёд қилиб эдим. Амаким Абу Нажиб Абдулқодир ибн Абдуллоҳ Сухравардий мени бу илми таҳсил қилмоқдин манъ қилур эди. Мен сўзларига кирмас эдим. Бир кун амаким бирла Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг зиёратларига бордик ва уларнинг ҳузурларига кириб ўлтирур эдик. Амаким ул Ҳазратга арз қилди:

— Эй бузруквори олам, Шаҳобиддин Умар илми Калом ўқимоққа машғулдур, ҳарчанд ман қилсам қабул қилмайдир.

Ул Ҳазрат муборақ юзларини мен тарафга қилиб:

— Эй Шаҳобиддин Умар, қайси китобларни ёд қилдинг?— деб сўрадилар.

Мен: «Фалон, фалон китобларни ёд олдим»,— деб жавоб айтдим. Шундан кейин муборақ қўлларини менинг сийнамга қўйдилар. Худо номи билан қасам ичиб айтаман, ул китоблардан бир ҳарфи кўнглимда қолмади, ҳаммасини унутдим. Аммо менинг сийнамни илм лаззати билан тўлдирдилар. Ул Ҳазратнинг олдиларидан чиқдик. Ҳикмати Илоҳий бирла тилим жорий бўлди.

Ул Ҳазрат яна шундай амр қилган эдилар: «Ё Умар, Ироқнинг машҳур азизларининг охири сендурсан».

* * *

«Нафаҳот ул-унс»да шундай келади.

Уламолардан биров айтади:

— Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳу ҳузурларига етдим. У пайтда ҳали ёш эдим. Менинг билан фалсафа⁴ китобидан бир китоб ҳамроҳ эди. Ҳазрати шайх ул китобни кўрмай туриб ёки: «Ёнингда қайси китоб бор?» — демай амр қилдилар:

— Эй Фалоний, ёмон ҳамроҳдур сенга, бу китобингни қўйғил ва йўқ қилғил.

Мен «Ҳазрати шайх ҳузурларидан чиққайман ва у китобни уйимга қўйғайман, иккинчи бор ўзим билан тутмағайман», — деб мақсад қилдим. Ҳазрати Шайхдан кўрққанимдан шундай қилишга қарор бердим, чунки бир неча илм бу китобдан баҳра олиб эдим, йўқотгим келмади, менинг бу китобга муҳаббатим бор эди.

Ҳазрати Шайх менга қарадилар. Ул Ҳазратга қарашга қувват ва қудратим қолмади. Худди бандга тортилган кишига ўхшардим. Бас, Ҳазрати шайх айтдилар: «Бу китобингни менга бергил». Китобни узатдим. Бағирларига қўйиб бироз тўхтаб турдилар, сўнг менга бердилар. Ва мен ул китобни очиб кўрдим. Ҳама-ма варақлари оқ қоғоздир, бир ҳарф битиклик эмас.

Ҳазрати Шайхга қайтадан узатдим. Варақлаб-варақлаб, артдилар. «Бу китоб фазойили Қуръондир», деб қайтариб бердилар.

Не кўз билан кўраманки, фазойили Қуръон хуш хат билан битилган. Бас, айтдилар:

— Тавба қилдингки, дилингда йўқ нарсани тилинг билан демагайсан.

Жавоб айтдим:

— Ори, демагайман.

Амр қилдилар:

— Тур, энди жўнагил.

Дарҳол кўпиб ташқари чиқдим, ул китобдан ҳар нарса ёд олиб эдим, ҳаммаси мендан унутилди, то шу вақтгача ҳаргиз хотиримга келмайди.

* * *

Бу ривоят ҳам «Нафаҳот ул-унс»да келтирилган.

Бир куни Абул Маолий отлиғ бир кимса Ҳазрати Шайх Абдулқодир разияллоҳу анҳунинг мажлиси ҳумоюнларида бор эди. Мажлис асносида унинг ҳожатга борари жуда зарур бўлиб қолди. Шунчаликка бордики, ҳаракат қилишга мажולי йўқ эди. Бетоқат бўлди. Танглиқдан Ҳазрати Шайхга илтимос билан қаради. Ҳазрати Шайх минбарнинг юқори бир поясидан тушиб эдилар, юқори пояда одамнинг бошидек бир бош пайдо бўлди. Иккинчи поядан тушиб эдилар, ул бошга икки елка пайдо бўлди. Шундоқ олхирги пояга тушиб эдилар, Ҳазрати Шайхнинг суратларидек сурат пайдо бўлиб, Ҳазрати Шайхнинг айтиб турган сўзини айтур эди. Сўз ва овозлари баайни Ҳазрати Шайхнинг каломи ва овозларидек, аммо бу ажуба ишни бу кимсадан ўзга киши кўрмади. Ҳазрати Шайх бу кимарсанинг узасига келиб туриб, ўзларининг ёпоқлиқларини бу кимарсанинг устига ёпиб турдилар. Ул кимса ўзини саҳрода кўрди. Кенг ва жозибали саҳро. Ариқда сув оқиғлиқ. Ариқнинг лабида бир дарахт бор. Ул кимарсанинг қўлида очқу (калит) бор эди. Уни ул дарахтга илди, қазои ҳожатга машғул бўлди. Ундан сўнг таҳорат қилди. Икки ракаат намоз ўтаб, салом берди. Ҳазрати Шайхнинг ёпоғлиқларини кўрмади. Ул кимарса ўзини ул мажлисда аъзоси ҳўл, қазои ҳожатдан фориг кўрди. Ҳазрати Шайх минбар узасида сўз қилиғлик, гўёки ҳаргиз минбардан тушмагандирлар. Ул киши бу сирни ҳеч кимга ошкор қилмади. Ул очқуни ўзидан ҳарчанд истади,

тополмади. Бир неча муддатдан сўнгра Ажам шаҳарларига сафар қилмоқ бўлиб, Бағдоддан юриб, ўн тўрт кунлик манзилда бир саҳрога етди. Кўрадир — ариқларда сув оқиб турадир. Ва ул сувда тоза таҳорат қилди. Саҳро ҳам ўзи аввал таҳорат қилган саҳрога ўхшайди. Ариқ ҳам ўша ариқ. Озгина юриб, бир дарахт бор ерга етди. Ул дарахтда ўз очқусини осиглиқ кўриб, уни олди.

Сафардан қайтиб, Бағдодга келиб, Ҳазрати Шайхнинг ҳузурларига борди, мақсади ўтган воқеани баён қилмоқ эди. Ҳазрати Шайх унинг қулоғига оғзини яқин қилиб шундай дедилар:

— Эй Абул Маолий, то биз ҳаётдирмиз, бу сирни кишига изҳор қилмағайсан.

* * *

Бу нақл ҳам «Нафаҳот ул-унс»да келтирилган.

Ҳазрати Шайх Абдулқодир разияллоҳу анҳу бир куни уламо ва дарвишлар жамоати билан гўристон зиёратига бориб, Шайх Ҳаммоод раҳматуллоҳи алайҳининг қабрларига мутаважжиҳ бўлиб, узоқ турдилар. Ҳаво иссиқ эди. Муборак чеҳраларида шоду хушвақтлик изи кўриниб, қайтиб келди.

Ёронлар арз айладилар:

— Шайх Ҳаммооднинг қабрида мунча узоқ турмоқликнинг сабаби не экан?

Ул Ҳазрат жавобига бир хотирани сўзлаб бердилар:

— Жума кунларидан бирида Шайх Ҳаммоод ва асҳоблар билан Жомсъ масжидига борур эдик. Йўлда бир кўприкка етдик. Шайх Ҳаммоод мени (ҳазиллашиб) сувга элтиб отдилар. Ҳаво совуқ кунлари эди. Мен қалин жубба кийган эдим. Ёнимда бир неча китоб бор эди. Ул китоблар ҳўл бўлмасин, деб қўлимни баланд тутдим. Мен у ерда қолиб, улар ўтиб кетдилар. Сувдан чиқдим, жуббамни сиқиб кийиб, улар кейинидан бордим. Мени тўла совуқ олиб эди. Асҳоблар менинг борамда сўз айтиб эрдилар, Шайх Ҳаммоод ман қилдилар ва дедилар:

«Мен озмойиш қилиш учун уни оғирлаттим, аммо уни кўрсам тоғдек салобатли бўлиб ўз жойидан тебранмайди». Ҳозир Шайх Ҳаммоодни қабрларида кўрдим, жавоҳир билан мурассаъ қилинган хильат кийибдир. Бошида ёқутдан тож ва қўлида олтиндан ҳалхол ва оёғида олтин кавуш, аммо ўнг қўли ишламайди».

Сўрадим: «Бу нечук ҳолдир?»

Шайх Ҳаммоод дедилар: «Бу қўл бирла сизни сувга ҳавола қилиб эдим, мени кечира оласизми экан, Ҳақ таоло қўлимни менга ато қилса?» Шу ҳолда Ҳақдин тиладим — менинг тилагимни Шайх Ҳаммооднинг ҳақида қабул қилгай. Бас, Ҳақ таоло менинг тилагимни ижобат ва қабул қилди. Шайх Ҳаммооднинг қўли илгаригидек тузук ва солим бўлиб, менинг бирла суҳбат қилди.

Бу сўз Бағдод ичра машҳур бўлди. Бағдоддаги машойихлар ва шайхларнинг кўплари Шайх Ҳаммооднинг муриди эдилар. Ҳаммалари Ҳазратнинг мадрасаларига жам бўлиб, Ҳазрати Шайх Абдулқодирнинг Шайх Ҳаммоод борасида айтган сўзларига норози бўлиб, исбот этишни ва ёки сўзларини қайтиб олишни сўрағаймиз, деб ният қилдилар. Аммо Ҳазрати Шайхнинг ҳайбатларидан сўзлағали журъат тополмадилар.

Ҳазрати Шайхнинг ўзлари сўз айтиб қолдилар:

— Эй ёронлар, бу вақтнинг машойихларидан икки кишини ихтиёр қилгайсизлар, мен Шайх Ҳаммооднинг ҳақларида ҳар сўз айтган бўлсам, ул икки кимарсанинг тилидан бақудрати Ҳақ жорий бўладир.

Бу машойихлар икки кишидан бирига шу кунда Бағдодда бўлган Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадонийни танладилар. Яна бирига Шайх Муҳаммад Абдулрахмон Шайиб Ол Курдийни ихтиёр қилдилар. Улар ҳам Бағдодда турғун эдилар.

Булар ҳар иккалалари кашфу каромат соҳиби, арбоби ҳол ва мақомоти бузруквор эдилар. Машойихлар жамоати шундай арз қилдилар:

— Бизлар яна бир жумагача муҳлат бердик, кўрайлик ул икки азизнинг тилларидан нима зоҳир бўлғувсидир?

Ҳазрати Шайх амр қилдилар:

— Жойларингдан жилмангизлар, бу иш ҳал бўлмагунча.

Ҳазрати Шайх мароқаба қилдилар. Бу машойихлар ҳам мароқабага мунтазир турдилар. Ногоҳ Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний мадрасага изтироб чеккан кўйи кириб келдилар. Сўнг хитоб қилдилар: «Ҳазрати Ҳақ Субҳонаҳу таоло Шайх Ҳаммоодни ҳозир қилди. У айтадики: «Эй Хожа Юсуф, дарҳол Шайх Абдулқодирнинг мадрасаларига боргаймиз, ҳамма машойихлар унда ҳозирдирлар ва айтқайсизки: «Шайх Абдулқодир ҳар нимарсаки дебдурлар, ҳақ-ростдир».

Ҳануз Шайх Юсуф дейдурган сўзларини тамомламай туриб, Шайх Муҳаммад Абдурахмон Курдий кириб келди ва айтди: «Шайх Юсуф не сўзни айтган бўлса бари ростдир».

Бу ҳам «Нафаҳот ул-унс»да мазкур бўлиб, Худо раҳмати машойхлардан бирлари айтган эканлар:

Мен ва Шайх Али Ҳазрати Ғавсус сақалайн⁵ разияллоҳу ан-ҳунинг мадрасаларида эдик. Бағдоднинг акобирларидан биров ул Ҳазратнинг ҳузурларига кириб шундоғ деди:

— Эй бузруквори олам, бобонгиз Расулulloҳ саллalloҳи алайҳи ва саллам айтибдурлар: «Кишини бир кимарса чорласа, дарҳол борсин», — деб. Мен ҳам Ҳазратларини уйимга таклиф қиламан.

Ул Ҳазрат бир неча муддат бошларини қуйи солиб, охири: «Борғумдир», — дедилар. Ҳачирга миниб жўнадилар.

Шайх Али Ҳайатий ўнг томонларида ва мен чап томонларида йўлда ҳамроҳ бўлдик ва ул кимарсанинг уйига бордик. Бағдоднинг ҳамма машойиху уламо, аъёну ашрафлари унда ҳозир эканлар. Дастурхон келтирдилар. Турлук-турлук несъматлар бирла хонларни туздилар. Бир чўнг қажаҳни (сандиқсимон идиш) усти ёпуғлик икки киши олиб кириб, хоннинг этагига қўйди. Шундан сўнг хонадон эгаси таомга таклиф қилди. Ул Ҳазрат мароқабада ўтириб, таом емадилар. Ўзгаларга ҳам смакка изн бермадилар. Ҳеч киши таомга қўл узатолмади. Мажлис аҳли ул Ҳазратнинг ҳайбатидан одоб сақлаб тек ўлтирдилар, гўё бошларига учар қуш қўнгандек. Бир неча муддатдан кейин ул Ҳазрат Шайх Али Ҳайатий ва менга ишорат қилдилар. Ул чўнг қажаҳни олдиларига олиб борғаймиз. Уни кўтардик, тўла оғир экан. Ул Ҳазратнинг олдиларига қўйдик. Унинг оғзини очинглар, деб амр қилдилар. Очдик. Кўрсам, ул кимарсанинг онадан туғма шол ва фалаж фарзанди бор экан. Ётибдир. Ул Ҳазрат унга амр қилдилар: «Қувм би-изни Оллоҳ (Қўпғил, Худонинг изни бирла ва сиҳат-саломатлик билан). Ул бола ўрнидан турди. Кўзлари кўргувчи ва қўл-оёғи соғ-бутун. Ҳеч ранж ва офатнинг изи бирор аъзо-сида йўқ. Бу ажуба ҳолатни мажлисда ҳозир бўлганлар мушоҳада қилиб, ғай ва фарёд кўтардилар. Ул Ҳазрат бу жамоанинг ғавфо ва йиғиси орасида мажлисдан ташқари чиқдилар: Ҳеч нарса демадилар. Кейин мен бу воқеани Шайх Абусайд Файлавий Ҳазратларига бориб баён қилдим. Улар айтдилар:

— Ҳазрати Шайх Абдулқодир туғма касални тузатади ва ўликни тирилтиради, Худои таолонинг изни бирла.

Яна «Нафаҳот ул-унс»да бу нақл ҳам мазкурдир.

Бир қари заифа Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг хизмати олийларига ўғлини олиб келиб, арз этиб: «Бу фарзандимнинг Ҳазратларига кўнглида рағбати тўладир. Оналик ҳақидан кечдим. Азбароя Худо Сизга топширдим», — деди.

Ул Ҳазрат қабул қилдилар. Ул ўғилни риёзат ва мужоҳидага буюрдилар. Бир неча муддатдан сўнгра ул заифа ўғли қошига келди. Кўрса арпа нони ебдир. Таомни кам еганидан юзи сарғайиб, ориқлаб қолибдир. Кампир ул Ҳазрат ҳузурларига кирди. Кўрса, ул Ҳазрат хонақоҳда ўлтирибдирлар. Табақда жониворнинг суяги турибдир.

Ул заифа ул Ҳазратга:

— Ҳазратлари жонур гўшти сйдурлар, менинг ўғлим арпа нони сйдур, — деди.

Ул Ҳазрат қўлларини жонурнинг суягига қўйиб: «Қўпғил ул зоти бобаракот Парвардигорнинг изни бирла, Ул тирилтирадир эски ва чириб бўлган ўлукни», — деб амр қилдилар. Ул жонур тирилди ва сайрамоққа оғоз қилди. Бас, ул Ҳазрат ул заифага амр қилдилар:

— Сенинг фарзандинг ҳам ушбу мартабада бўлса, айтгил, нима хоҳласа — егай.

Бу ҳам «Нафаҳот ул-унс»да мазкурдир.

Машойихлардан Умар отлиғ биров айтади:

— Бир кеча ўз хилватхона жойимда ўлтуриб эдим. Ногоҳ том ёрилди. Қабих сураат бир кимарса пайдо бўлди. Сўрадим:

— Ким бўлурсан?

Жавоб берди:

— Иблисман, сенинг яхшилигинг учун келдим.

Сўрадим:

— Менга сенинг яхшилигинг нимадир?

Айтди:

— Сенга мароқабда ўлтирмоқни таълим бераман.

Иблис сағрисида (кўкрагида) икки тизини йўткалаб (ўраб), икки қўлларининг бармоқларини соқларига (болдирларига) гириҳ қилиб, бошини қуйи солиб кўрсатди.

Бомдод вақти бўлди. Ҳазрати Ғавсул Аъзам ҳузурларига бордим. Ниятим: бу ҳолни айтиб бергайман.

Ул Ҳазрат амр қилдилар:

— Ё Умар, ростгўй билдик уни, чин аҳволда эса ёлғончидир. Мен Бағдоднинг ҳеч сўзини қабул қилмағайман.

* * *

«Нафаҳот ул-унс»да зикр этилмиш яна бир ривоят ҳам бор.

Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу олий мажлис тузиб, Ҳақталабларга панд-насиҳат, йўл-йўриқ баён қилур эдилар. Бирданига қаттиқ ёмғир ёғди. Жамоат пана излаб тарқала бошлади. Ул Ҳазрат муборақ юзларини юқори қилиб: «Мен жам қиламан ва сен тарқатасан», — демаклари бирла дарҳол мажлисга ёмғир ёғмоғи тўхтади. Аммо мажлисдан ўзга ерга ёғар эди.

* * *

Яна «Нафаҳот ул-унс»да зикр этилмиш бир ривоят ҳам ғоят ажубадир. Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг муридларидан биров айтадир: «Жума куни ул Ҳазрат билан Жомеъ масжидига борур эдик. Ҳеч киши ул Ҳазратга таъзим ва тавозе бажо келтирмайдир ва салом ҳам қилмайдир. Ўзимча: «Таажужуб, ҳар кезик Жомеъ масжидига борсак жамоатнинг тўлалиғидан йўл юргали бўлмас, тамом ташвиш бирла борур эдик» деган хаёлни хотиримда кечирган маҳалда ул Ҳазрат табассум билан менга қарадилар. Ул аснода ҳамма халқ юзларини ул Ҳазрат тарафларига қилиб, таъзим ва тавозе бажо келтирдилар. Салом қила бошладилар. Халойиқ шу қадар жам бўлдилар, мен ул Ҳазратдан йироқ тушиб қолдим. Яна ичимда дедим: «Илгариги ҳол бу ҳолдан яхшироқ эди». Яна ул Ҳазрат менга илтифот қилиб шундай дедилар:

«Мундай бўлмоғини ўзинг хоҳладинг, халқнинг кўнгли менинг тасарруфимда, агар хоҳиш қилсам ҳамманинг дилини ўзумдан қайтараман ва агар хоҳласам ўзум тарафимга қиламан».

Бу ҳам «Нафаҳот ул-унс»да мазкур этилган.

Машойихлардан биров айтган экан: Неча муддат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло даргоҳидан тилар эдимки, рижол ул-ғайбдан⁶ бирортасини кўрсатса эди.

Бир кеча туш кўрдим, имом Аҳмад Ҳанбални зиёрат қилибман. Қабрларига яқин жойда бир кимарса ўлтирибдир. Ўйладим: бу кимса рижол ул-ғайбданмикан? Уйғондим. Ул кимсани кўргайман деган умидда имом Аҳмад Ҳанбалнинг зиёратларига бордим. Ва ул кимсани у ерда топдим. Дарров зиёрат қилдим. Ва ул кимса мендан илгари ташқари чиқди. Мен ҳам кейинича юрдим. У Дажла дарёсига етди. Мен ҳам унга етиб олдим. Бир қадам қўймоқ бирла Дажланинг ул томонига ўтди. «Тўхтаг, сизга саволим бор», — деб илтимос қилдим. Ул киши тўхтади. «Сиз қайси мазҳабдансиз?» — деб сўрадим.

Айтди: «Ҳанафии ва мо ано ман ал-мушрикин».

«Ҳа, Ҳанафия мазҳабидан экан», — деб ўйладим.

У ердан қайтдим. Ичимда ўйладим: «Бориб бу воқеани Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳуга баён қилғайман». Ҳазратнинг мадрасаларига бордим ва саройлари остоналарида турдим. Ичкаридан овоз бердилар: «Машрик — Мағрибгача улардан ўзга ҳеч киши валиюллоҳлардан Ҳанафия мазҳаб эмас.

Ушбу ривоят ҳам Мавлоно Абдурахмон Жомий (қаддаса сирраҳу)нинг «Нафаҳот ул-унс» китобида келтирилган.

Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг асҳобларидан биров айтадур:

«Ҳар бора ул Ҳазратнинг хизматларига машғул эдим. Кўп кечалар бедор эдим. Баногоҳ ул Ҳазрат савма (капа)ларидан чиқтилар. Таҳоратларига ибриқ (сопол идиш) олиб чиқдим. Илтифот қилмадилар. Мадрасанинг дарвозасига юз келтириб эдилар, дарвоза очилди. Ташқари чиқтилар. Мен ҳам орқаларидан чиқдим. Орқаларида ҳамроҳ эканимни билмайдилар, деб гумон қилдим. Йўл юриб Бағдоднинг дарвозасига еттилар. Дарвоза очилди. Чиқтилар. Мен ҳам чиқдим. Яна дарвоза ёпилди. Андак

йўл юриб, ногоҳ бир шаҳарга еттик, аммо қайси шаҳар эканлигини мен билмадим. Бир работнинг ичига кирдик. Ҷерда олти киши ўлтирибдилар. Улар ул Ҳазратнинг олдиларига келиб, салом бердилар. Мен бу тўғаракнинг кейинида яшириниб турдим. Ул работнинг бир тарафидан нола овози келур эди. Бироз вақтдан кейин нола тинди. Ногоҳ бир киши ноланинг овози келган томонга кетди. Андак фурсатдан сўнгра ул кимарса бировни елкасида кўтариб олиб чиқиб кетти. Яна бир кимарса ташқаридан кириб, ул Ҳазратнинг олдиларида ўлтирди. У яланғоч, мўйлабини олмаган, ҳайбатли эди. Ул Ҳазрат унга «Шаҳодат калимаси»ни ўргатдилар. Сочини ва мўйлабини олдилар. Тақия кийдирдилар. Унга Муҳаммад от қўйдилар. Ул олти тан кимарсага қараб хитоб қилдилар:

— Бу кимарсани ҳалиги вафот этганнинг ўрнида бадал қилгайман.

Ул олти тан айтдилар:

— Эшитдик ва фармон тутдик.

Ул Ҳазрат йўлга тушдилар. Мен орқаларидан чиқдим. Андак йўл юриб, Бағдоднинг дарвозасига етдик. Илгаригидек дарвоза очилди. Ул Ҳазрат савмаларига кирдилар.

Эртаси куни ул Ҳазратнинг чайла-капаларида дарс-сабогимни ўқимоқ учун ўтирдим. Ҳазратимнинг ҳайбатлари босиб, сира ўқий олмадим. Ул Ҳазрат амр қилдилар:

— Ул шаҳар Наҳованд эрди. Ул олти тан киши абдоллардан эди. Нола қилган киши уларнинг улуғи эди. Унинг ўлигини кўтариб чиқиб кетган киши эса Хизр алайҳиссалом эдилар. Олиб чиқиб корсозлик қилди. Мен «Шаҳодат калимаси»ни ўргатган киши Қустантиния шаҳридан бўлмиш тарсо эди. Менга бу тарсонни вафот топқувчининг ўрнига қўйиш буюрилган эди. Уни келтирдилар. Менинг илкимда мусулмон бўлди. Ҳозир у абдоллардан бўлди.

* * *

«Нафаҳот ул-унс»да бу ҳам зикр топган.

Бир куни Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу хонақоҳларида асҳобларига ҳақоийқ ва маориф баён қилур эдилар. Ногоҳ бир неча қадами муборакларини ҳавога қўйиб юриб: «Эй Исроил-

лий, тўхтагил, Муҳаммадийнинг сўзин англагил», — деб айтдилар ва қайтиб сажжода (жойнамоз)ларида ўлтирдилар.

Асҳоблар сўради:

— Бу қандай ғалати сўз экан?

Амр қилдилар:

— Абул Аббос Хизр алайҳиссалом бизнинг бу мажлисимиз ёнидан ўтиб борур эдилар, дарров унинг тарафига бир неча қадам юриб, сизлар эшитган сўзни айтдим.

* * *

Қуйидаги нақл ҳам «Нафаҳот ул-унс»дан таржима қилинган. (Аmmo мен бу нақлни ҳозирги адабий тилда баён этишга ботина олмадим. Авлиёларнинг биз англай олмайдиган энг нозик ва энг муҳим хусусиятлари бу нақлда ўз аксини топган. Мазмунни бузиб қўйишдан чўчиб, аслини қолдирдим — И.О.)

Ва ҳам «Нафаҳот ул-унс»да мазкурдурки, Шайх Бақо ибн Батту раҳматуллоҳи алайҳи (Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг асҳобларидиндур) айтибдурки, бир куни ул Ҳазратнинг мажлиси ҳумоюнларида эрдим. Минбар узра маърифат баён қилгон аснода минбарнинг аввалқи поясида сўзини қатъе (тўхтатиш) қилтур эрдилар ва соате хомуш бўлур эрдилар. Минбардин тушуб ва чиқиб, иккинчи поясида ўлтурдилар. Бас, мен мушоҳада қилдимки, аввалқи поя кушода бўлди, шундоғки, кўз етмагай. Яшил сундасдин (ҳарир ипак мато) бисот солдилар.

Он Ҳазрат саллаллоҳи алайҳи ва саллам асҳоби разияллоҳу анҳумо бирла анда ўлтурдилар. Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Шайх Абдулқодирнинг диллариға тажалли қилди, шундоғки, беҳуд бўлуб йиқилди. Саййиди олам саллаллоҳи алайҳи ва саллам тутуб олдилар. Ондин кейин Шайх қучқочдин кичик ва урваҳ бўлдилар. Бир соатдан кейин чўнг ва ҳайбатлик бўлдилар, андин кейин бу ҳамма воқеа назаримдин пўшида бўлди.

Ҳозири мажлислар Шайх Бақо ибн Баттудин Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламни асҳоблари бирла кўрганининг кайфиятини сўрдилар. Айтгиларки, «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бу Ҳазратга фарқ била қувват берибдурки, руҳи поклари суратга келиб, жасадлари бирла бўладурлар ва уларни кўрадур халқларга Оллоҳ таоло қувват ато қилибдур арвоҳларини жасадлари бирла кўрмакка.

Ондин кейин Ҳазрат Шайхнинг беҳуд бўлгонлари ва кичик бўлгонлари ва чўнг бўлгонларидин сўрдилар. Шайх Бақо деди-

ки, «Аввалқи батаваккулли» сифати била эдики, башарнинг қудрат ва қуввати анга тоқат бўлгон эмас, магар нубувватнинг кучи бирла. Ушбу жиҳатдин Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи ва саллам Ҳазрати Шайхни тутиб олдилар. Иккинчи, «тажалли жалол» сифати бирла эди. Бу жиҳатдин Ҳазрати Шайх тирилиб, чўнг бўлдилар, ҳайбати аъзим бирла.

* * *

«Маноқибн Қодири»да келтирадилар:

Бир савдогар Бағдодда пурбаҳо матони Бағдод халифаси олдига келтирган эди. Мато қимматбаҳо бўлгани учун халифа сотиб олмади. Савдогар ноумид бўлиб, уйига қайтмоқчи бўлиб, Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг хонақоҳлари ёнидан ўтар бўлди. Эҳтимол умиди билан ул олижанобнинг ҳузурларига кирди. Ул савдогар арзиҳол баён қилмай туриб, ул Ҳазрат ходимга амр қилдилар:

— Бу матони олиб қолиб, туманини бу савдогарга топшир.

Шундай қилиб матони сотиб олдилар. Бу матодан Ҳазрат учун либос тикмоқчи эдилар, бир мунча мато кам бўлди. Ул Ҳазрат: «Бир парча қора гиламни камига уланглар», — деб амр қилдилар. Бу хабар Бағдод халифаси қулоғига етди. Вазирига ул Ҳазратга бориб шундай дегин деб тайинлади: «Ул матони қимматбаҳо деб биз олмасак, сиз олибдурсиз, бу иш халифанинг ҳурмати синдиришга сабаб бўлди». Вазир олий хонақоҳга келди. Кўрса ўша либосни кийиб ўлтирибдирлар. Бир мунча қора гиламни камига улабдилар. Ичида ўйлади: «Булар дарвишлардир. Буларнинг назарида пурбаҳо матонинг қора гиламдан фарқи йўқ, бу кишига халифанинг сўзини айтганимдан нима фойда?» Изига қайтди. Кўрганларини ва ичида ўйлаганларини халифага баён қилди. Халифа норози бўлиб, ўз ўғлига жамоати билан бориб ул Ҳазратни ҳақорат қилишни буюрди. Халифанинг ўғли келди. Бу пайтда ул Ҳазрат мароқабага бордилар (мароқабага берилдилар). Бир неча дақиқадан сўнг муборак бошларини кўтариб, халифанинг ўғли тарафига назар қилган эдилар, халифанинг ўғли ҳамма жамоаси билан ғойиб бўлдилар. Бу воқеа халифага маълум бўлди. Бутун вужудига ларза тушди. Ўзига ўзи деди: «Агар мен ҳам борсам, мен ҳам ушбу ҳолга тушгайман. Яхшиси, ўғлимнинг тақдирини ўйлай», деб ўз пирининг ҳузурига борди. Воқеа-

ни баён қилди. Пири бир хат битиб берди ва «Бошинг остига кўйиб уйқулағайсан: ким тушингга кириб суҳбат қилса, унга арзи ҳолингни айтиб, ҳожатингни илтимос қилғайсан», — деди.

Халифа пири буюрганидек иш қилди.

Аввалги кеча Ҳазрати амирал-мўминин Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳуни тушида кўрди, арзи ҳолини айтиб, фарёдлар қилди.

Сиддиқи Акбар жавоб айтдилар: «Саййид Абдулқодир тасарруфи бирла қайд қилибдур, кушодлиқ ҳам анинг биландир».

Иккинчи кеча Ҳазрати амирал-мўминин Умар Форуқ разияллоҳу анҳуни тушида кўрдилар. Уларга ҳам арз этди — илгариги жавобни улардан яна англади. Учинчи кеча Ҳазрати амирал-мўминин Усмон разияллоҳу анҳуни тушида кўрди. Булар ҳам илгаригидек жавобни бердилар. Тўртинчи кеча Ҳазрат Али разияллоҳу анҳуни тушида кўрди. Булар ҳам шундай дедилар.

Бешинчи кеча Ҳазрати рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг баркамол жомолларини кўрмакка мушарраф бўлди. Фарёд-йиғи бирла аҳволни маълум қилди. Амр қилдилар: «Фарзандим Саййид Абдулқодир ғайрат (аччиқ) тасарруфи бирла қайд қилган, кушодлиқ ҳам ул фарзанд билан бўлғувсидир».

Бу башоратдан сўнг халифа маъюс бўлиб, ўз пири хизматига келди. Тушида бўлиб ўтган воқеаларни бирин-бирин баён қилди. Тангликдан ҳайрон ва саросима бўлганини кўрган пир халифага шундай деди:

— Биз, сиз, ҳамма тобелар бирла Ҳазрати Саййид Абдулқодир жанобларига бориб, тавба ва истиғфор, нолаю тазарру қилайлик. Зора бизнинг ҳолимизга раҳм-шафқат қилсалар...

Шу ният билан халифа пири, жами тобе лашкари, ходим ва ҳашамлари билан ул Ҳазратнинг қошларига келиб чин дилдан тавбаю истиғфор ҳамда тазарру қилган эдилар, ул Ҳазрат разияллоҳу анҳунинг шафқат ва марҳаматлари дарёси жўш уриб, осмон тарафига бир назар қилдилар. Қайта бошдан халифанинг ўғли ўз лашкари билан аввалги шон-шавкатда ҳаводан тушиб келди. Қўлида қилич, отасини ўлдирман деб ҳавола қиладир.

Халифа ялинди:

— Эй ўғлим, мен сизнинг фироқингизда шундай аҳволга тушдим, машаққатлар тортгим, нечук сиз мени ўлдирмакни қасд қиласиз?

Ўғли шундай деди:

— Сенинг гапингга кириб беҳиштдан дўзахга кириб эдим, Ҳазрати Ғавсул Аъзам зътирознинг эшигини менинг юзимга боғлаб эдилар, яхшиям охири бизларга шундоғ хуш макон ва дил-

каш манзилларни илтифот қилдилар, бу жойларни одам етти ухлаб тушида кўрмагандир!

Бу воқеадан кейин халифа ўғли, пири ва ҳамма тобе лашкари янги бошдан тавба ва истиғфор қилиб, ул Ҳазрати олижанобга мурид бўлдилар.

* * *

«Маноқибнн Қодирин»да зикр қилинган яна бир нақл ушбудир.

Бир куни Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу Бағдод атрофидаги саҳрода сайру саёҳат қилиб, бир хуш жой ва дилкаш мақомда бир неча вақт яшаб қолдилар.

Бир киши оқ мато тўқир эди. Бир йилда бир либослиқ тайёр қилиб, у матони ўз подшоҳига элтар эди. Бу ерда анча вақт туришлари муқаррар бўлгани учун ул кимарса Ҳазрат Ғавсул Аъзамга мурид бўлди. Бир либослиқ оқ матони тайёр қилиб, ул Ҳазратнинг назарларидан ўтказгач, назр қилди. Ҳар сафар подшога олиб борадиган оқ матони бофанда¹ қанда қилди. Подшоҳ уни койиди. Аммо бофанда ул Ҳазратнинг ғуломлари қаторига кирган жиҳатидан подшоҳнинг ғазабига парво қилмади. Аксинча иш тутди — ул Ҳазратга арз қилиб айтди:

— Агар подшога бир жазо етмаса, менга кулфат еткуради.

Ул Ҳазрат амр қилдилар:

— Хотиринга бу тарафдан ташвиш бермагил, интиқом олгандин кечирган яхшироқ.

Аммо бофанданинг кўнгли тасалли топмас эди. Ҳар кун ва ҳар соат ушбу можарони арз қилгани қилган эди.

Бир куни ул Ҳазрат кўнглига ғайриҳол ғалаба қилган вақтда ул бофанда подшоҳдан етган озор ва кулфатни арз айлади.

Ул Ҳазрат:

— Ўз хаёлингнинг остида қўйғил, — деб амр этдилар.

Ул бофанда шундоқ қилди.

Дарҳол подшоҳ ҳамма лашкарлари ва мамлақати билан ғойиб бўлди.

Бир неча замондан кейин ул подшонинг онаси Ҳарамайн (Икки ҳарам дейилганда, Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара кўзда тутилмоқда — И.О.) зиёратига борган эди, қай-

тиб келиб кўrsa бу диёр, бу подшоҳ ҳамда унинг мулкидан ҳеч ном-нишон қолмабди. Фақатгина тоғлар ва саҳро кўзга ташланади. Бир хароб гўшада дарвиш ўлтирган эди, унинг қошига борди. Ҳолини баён қилди. Ул дарвиш заифага ачиниб, «Исми Аъзамни» ёзиб бериб: «Бу таъвизни такянгиш остида қўйиб уйкулағайсиз, токи ҳақиқат ҳол сизнинг кўз олдингизда ҳозир бўлғувсидир», деб буюрдилар. Ул заифа бу сўзга амал қилди. Туш кўрди. Ҳазрати амирал-мўминин Сиддиқи Акбар разияллоҳу анҳу пайдо бўлдилар. Ул заифа ҳолини баён қилди. «Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига боргил», — деб амр этдилар. Заифа уларнинг қошларига борди. Улар: «Ҳазрати Усмон разияллоҳу анҳунинг хизматларига боргил», — дедилар. Улар: «Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу қошларига боргил», — деб ҳукм этдилар. Ул заифа шундоқ қилди. Ҳазрати Али Муртазодин шундай амри иршод бўлди: «Ҳазрати сарвари коинот саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг равзаи мутаҳҳар ва муаттарларига боргил, ҳамма ҳожат ва мақсудингни ул жанобга маълум қилгил». Равзага бориб, арзу илтимос қилдилар. Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ даргоҳига бу ҳолни баён этдилар. Жаноби Кибридан шундай ниҳо келди: «Эй Ҳабибим Муҳаммад, бу ажиб иш сенинг фарзандинг Саййид Абдулқодирнинг ғайрати (норозилик иши) ва ҳимматидир. Менинг маҳбубим ҳар қанча ноз-истиғно қилса кўтаргайман, ҳар нарса сўз тилидан чиқса амалга келтиргайман. Эй дўстим Муҳаммад, Саййид Абдулқодирга буюргил, ул хотиннинг ўғлидан ҳар хато ва узрсиз иш содир бўлган бўлса кечиргай!»

Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрати Фавсул Аъзамга мутаважжих бўлдилар (руҳан боғландилар), дарҳол ҳозир бўлдилар. Сўнгра шундоқ амр этдилар: «Эй фарзанд, Ҳақ таолонинг ризолиги шу бўлди — бу заифанинг ўғлини кечиргайсан». Ул Ҳазрат жавоб айтдилар: «Бизлар ул ўғилнинг борасида ҳеч нарса қилмадик, бу заифанинг ўғли бофандага озор еткурубдир».

Шундан кейин Ҳазратнинг тўғри йўл кўрғазилари оқибатида ул бофанда ўғлидан ўтган беадабчиликни кечирди.

Ул заифа тушида бу башоратни кўриб уйғонди, Худога шукрлар айтди. Бомдод вақти эди. Заифа ўз ўғлини, ҳамма лашкари ва мамлакатини ўз жойида кўрди. Ўғлини қучоқлаб олди.

Оқибатда эса ул тўқувчининг баҳонаси билан ул Ҳазратнинг муқаддас даргоҳларига келиб, ўтган хатолар учун тавба қилиб, янги бошдан мурид бўлдилар.

* * *

«Рисолан Қодирия» шундоқ нақл қиладилар.

Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу қутбияти кабирий (буюк дастгирлик) ва ғавсияти аъзамий (улкан дастгирлик) мартабасига етган вақтларида Оллоҳ таолодан нидо келди: «Эй Маҳбубим, валийлик даражасининг энг юқориси ҳам пайғамбарлик даражасининг охиридан пастда бўладир. Валийлик даражасининг энг юқорисини сенга ато қилғайман!» Бу калом имтиҳон учун айтилган эди.

«Илоҳи, мен бандага сенинг фазлу иноятингдан бошқа орзу йўқ, пайғамбарлик даражасини нечук орзу қилай, бобом Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам шаънларида «Хатмул анбиъ», яъни охирги пайғамбар деб амр қилган бўлсанг!» Яна нидо келди:

«Ҳабибим Муҳаммадни жин ва инста пайғамбар қилдим. Сени улардан бўлак оламга пайғамбар қилғумдир!»

Арз этдилар: «Илоҳи, бобом Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг суннат ва мутобаъатларида бўлишдан ўзга ҳеч мартаба менга яхшироқ эмасдир».

Яна нидо келди: «Шундай нарсани ихтиёр этдинг, ундан яхшироқ нарса йўқдир, баракалла, мени ва ҳабибим Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини хушнуд қилдинг!»

НАҚЛ

Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу Мадинаи мунаввирани зиёрат қилиб, муножот айлаш пайтида бир ўғрини кўриб қолдилар. Йўл ўртасида ўтган кишини торож қиламан, деган мақсадда тайёр бўлиб турибди. Иттифоқо ул Ҳазрат ул ўғридан сўрадилар:

— Нечук кишисан?

Жавоб берди:

— Мен саҳроликдирман.

Ул Ҳазрат «Сен ўғрисан» деб айтдилар.

Ул кимарса кўнглида шундай деди:

«Бу бузрук Ҳазрати Саййид Абдулқодирнинг худди ўзи, бузрук ва ҳайбатидан аён бўлиб турибди».

Ул Ҳазрат кашф билан: «Ўғри мени таниб қолди», деб унга қараб, шундай дедилар:

«Мен Саййид Абдулқодирман».

Ўғри дарров ул Ҳазратнинг оёқларига йиқилди ва: «Ё Саййид Абдулқодир!» — деди.

Шундан кейин ул Ҳазрат бу ўғрини ёмон йўлдан қайтариб, яхшилар доирасига киргиздилар.

* * *

Бир фосиқ ва ёмонқилиқ киши бор эди. Бутун умрини фисқ-фужур ва ёлғончилик билан ўтказар эди. Аммо ул маҳбуби субҳоний жанобларига тан бериб, ҳурматлар эди. Куни битиб вафот этди. Қабрга киргандан сўнгра Мункар ва Накир савол қилгани кириб келдилар. Сўрадилар: «Кимдир Парвардигоринг?!»

Ул кимарса: «Саййид Абдулқодир», — деб жавоб берди. Яна сўрадилар:

«Кимдир пайғамбаринг ва пешвонг?»

Яна: «Саййид Абдулқодир», — деб жавоб берди.

Мункар ва Накир ўтлиғ гурзилар билан урмоқни хоҳладилар. Ҳотиждан овоз келди: «Қўлларингни йиғинглар урмоқдан, гарчи фосиқдир ва лекин менинг маҳбубим шавқ-муҳаббатда маҳкам экан». Бу амрни англаб Мункар ва Накир ҳеч зиён еткурмадилар, қайтдилар ва қабрга кушодлиқ бўлди.

* * *

Бу нақл Ҳазрати Шайх Суҳайл бинни Абдуллоҳ Тустарий раҳматуллоҳи алайҳидан қолгандир.

Бир куни Бағдод халқи Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг аҳвол-кайфиятларидан хабар олишга келадилар. Уйларидан тополмадилар. Халқ ҳайрон бўлиб, Дажла дарёси та-

рафига келади. Кўрсалар ул Ҳазрат оёқларини сувга қўйиб ўлтирибдилар. Дарёдаги балиқлар тўп-тўп келиб салом ва тавозе қилиб, муборак қўл ва оёқларини ўпиб кетар эди.

Пешин намози вақти бўлди. Ул Ҳазратнинг яшил жойнамозлари бор эди. Унга тилла ва кумуш суви билан Каломуллоҳдан икки сатр битилган бўлиб, бири: «Алла инна авлиёуллоҳ ла хавфун алайҳум ва лаҳум яҳзануна», яна бири: «Ассалому алайкум, аҳлул байт, инна ҳамидум Муҳаммадун» эди.

Ул сажжодани осмон тарафига ҳавола қилиб айтдилар: «Меҳтар Сулаймон алайҳиссаломнинг тахтлари сингари ҳавода муаллақ тур».

Сажжода ҳавода муаллақ турди. Ул Ҳазрат унга чиқдилар. Бир неча вақтдан кейин қайтиб тушиб, жойларига келиб ўлтирдилар. Шундан сўнг шерсурат мардони ғайбийлар ҳайбат ва шоншавкат билан ул Ҳазратнинг жанобларида одоб ва қуллуқ билан турдилар. Ул Ҳазратнинг ҳайбатлари таъсиридан ҳеч ҳаракат ва овоз қилмадилар. Мунтазир бўлиб тўхтадилар. Ул Ҳазрат пешин намозини ўқишни хоҳладилар. Ул Ҳазрат имом бўлдилар, ҳаммалари иқтидо қилдилар. Ул Ҳазрат такбир айтган вақтларида муборак оғизларидан бир нур зоҳир бўлиб, барқдек (чақмоқдек) оламни равшан қилди. Намоздан сўнг дуога қўлларини очиб, бу дуони ўқидилар: «Тавба ва имонга мушарраф бўлган менинг муридларим руҳини бобом — ўз ҳабибинг, парҳезкоринг, одамийлар сарвари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаққи-ҳурмати қабз қилмоғингни батаҳқиқ тилайдирман».

Бу дуода ҳамма рижалуллоҳ (кўринмас пиёдалар) ва осмону ер малоикаларининг бари, Бағдод халқи, дарё балиқлари қайтадан «Омин», дедилар. Олами ғайбдин: «Дуоингни мустажоб қилдим, сенга у ҳақда башорат бердим», — деган нидони барча ҳозир турганлар англаб олдилар. Ундан кейин қайтиб мадрасаларига келдилар. Асҳобга руҳсат бердилар.

* * *

Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу бир навбат Катъбан муаззамани тавоф қилур пайтларида равофизлардан (равофиз — шиа мазҳабининг бир гуруҳи. Улар рофизийлар деб юритилади. Бу сўз «бошлиғи ташлаб кетган тўда» маъносини билдиради. Рофизий-

лар Абу Бакр, Умар ва Усмон разияллоҳу анҳумоларни имом деб тан олмай, фақат Али ибн Абу Толибни тан оладилар ва хато қиладилар — И.О.) биров ул жанобнинг ёнига келиб, имтиҳон учун шундай деди: «Бу диёрда мазҳаблар тўла, кимнинг мазҳаби ҳақ-рост экан? Сизлар йўл кўрсатинглар, мен ҳам ул мазҳабни қабул қиламан».

Ул Ҳазрат разияллоҳу анҳу: «Бу кеча бир нарсани тушингда кўрсанг, унга амал қилгайсан», деб айтдилар.

Ул кимарса: «Кучли далилни қўлга киритдим, бу халқдан (яъни Ғавсул Аъзам издошлари) зоҳир бўлган ҳар бир каромат ва Хаворикчи одатлар ёлгон ва бўҳтон экани менга маълум бўлиб қолади», — деб ўйлади. Ул кимарса кечаси ғусл қилди, покиза кийим кийди, ўзига хушбўй атирлар сепиб, ухлашга ётди. Тушида кўрса қиёмат бўлган эмиш. Ҳамма халқ иссиқдан куйиб бораётган эмиш. Баъзиларни ажратиб дўзахга ташлашяпти, баъзиларни жаннатга юборишяпти. Ногоҳ Арш тарафидан шундай нидо келди: «Ё Али Муртазо, бу жамоанинг мазҳаб ва миллатини аниқлаб, ҳар киши ҳақ ва покдин бўлса, уни дўзахдан халос қил, ҳар киши ботил дин билан машғул бўлган бўлса, уни дўзах эгасига топшир!» Ҳазрати Али малоикалар жамоаси билан бирга аросат аҳлининг номаи аъмолига боқиб, айтилгандек ишга киришдилар. Ул кимарсанинг ёнига келиб, номаи аъмолига қараб, Ҳазрати Али шундай амр қишдилар: «Бу кимарсани дўзах эгасининг қўлига топширинглар!» Бир фаришта ул кимарсани тутиб, дўзах эгасига топширишни хоҳлади. Ул кимарса уйқудан бедор бўлди, ҳануз кеча эди. Турди, тоза таҳорат қилиб, Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг муборак остоналарига келиб ўлтирди. Тонг ёруди. Йиғлаб, шикасталик билан кечиримли зот қошларига келиб, узрлар сўради. Раҳми келиб: «Ҳозир халос бўлдинг», — дея амр қилдилар. Шундан сўнг ул кимарса рофизийлар мазҳабидан юз ўгириб, тавба қилиб «Аҳли суннат вал жамоа» мазҳабига дохил бўлди. Қолган умрини ходим ва мулозимлар билан бирга Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг остоналарида ўтказди.

НАҚЛ

Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг бир соҳибфаъл муриди бор эди. Жума куни жума намозидан кейин бир неча шогирдлари билан мазор зиёратига борур эдилар. Йўл узасида бир

қора илонни кўрдилар. Ул соҳибфазл: «Изо (зиён) қилғувчини ўлдиринг, зиён келтирмасдан илгари» — деб ўзи илонни ҳассаси билан уриб ўлдирди. Ногоҳ қаттиқ шамол-бўрон келиб, ул соҳибфазлни ўраб олиб, кўтариб кетди, шогирдлар кўздан ғойиб бўлди. Улар бу ҳолни мулоҳаза қилиб, ҳайрон-лол қолдилар. Бироз ўтгач, ул соҳибфазл яна пайдо бўлди. Чиройли кийим кийибди. Шогирдлари ёқа ушлаб, истиғфор қилдилар. Ул соҳибфазл шундай деди:

— Ул қуюн мени кўтариб бориб, дарёга ташлаб, жинларнинг қошига олиб борди. Тахтда бир подшо ўлтирганини кўрдим. Қўлида қилич ва олдида бир соҳибжамол, чиройли йигит ўлиб ётибдир. Подшоҳ йиғлаяпти. Мени олиб борган кимарсалар: «Бу қанақа одам?» — деб сўрадилар.

Жавоб берди:

— Ўғлингизни ўлдирган ушбу кишидир.

Шунда подшоҳ ғазаб ва кўрқинч билан менга қараб шундай деди:

— Нима учун менинг ўғлимни ўлдирдинг?

Мен бўйнимга олмадим: «Ҳаргиз бу йигитни ўлдирмадим».

— дедим.

Ул тоифа:

— Ёлғон айтаяпти, ушбу асо билан ўлдирган, асода қоннинг изи бор, деб менинг қўлимдаги ҳассага ишора қилдилар.

Подшоҳ сўради:

— Бу кимнинг қонидир?

Мен дедим:

— Бу ҳасса билан бир илонни ўлдириб эдим.

Подшоҳ айтди:

— Ўшал илон менинг ўғлим.

Мен бу ҳолатни англаб, ҳайрон қолдим.

Ул ҳолда подшоҳ қозига боқиб, шундай деди:

— Бу кимса ўлдирганига ўз тили билан иқрор бўлди, қатл этурга ҳукм қилинг.

Қози ҳукм қилди ва муфтилар фатво бердилар. У подшоҳ қиличини менга ҳавола қилди. Мен бу музтар ва ожизлигимча Ҳазрати Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг жаноби муқаддасларидан истиоат тиладим — омонлик, дастгирлик тиладим. Ногоҳ ҳайбатли ва шон-шавкатли бир кимарса пайдо бўлиб, ул подшоҳнинг қўлини тутиб олиб: «Ғофил ва беҳушлуқ қилмағил, бу кимарса Ҳазрати Султон ул-авлиёнинг муридларидур. Агар ул Ҳазратнинг ғазаб, норозилиги сенга юзланса несту нобуд бўлғайсан!» — деди.

Подшоҳ ул Ҳазратнинг исми шарифларини англаган замон кўлидаги қилични ерга ташлади. Сўнг шундай деди: «Эй фалоний, ул олам қутбининг ҳурмати учун ўғлимнинг хунидан ўтдим, юқори ўтгил ва жаноза намозини ўтагил».

Мен имом бўлиб, жаноза намозини ўтадик. Подшоҳ менга ҳурмат кўргазиб, бу либосни кийдурди. Кейин ҳалиги кишиларга мени аввалги жойимга қайтариб олиб бориб қўйишларини буюрди. Шу тобда мени олиб келдилар, ўзлари яна ғойиб бўлдилар.

* * *

Бу нақлни Шайх Абдулқосим Баззоздан эшитиб, ёзиб қолдиришган. Ҳазрати Ғавсул Аъзам доим шундай дегувчи эдилар: «Шайх Ҳусайн Мансур Ҳаллож Ҳаққа хитоб қилиб тойди-адашди ва унинг даврида дастгирлик қилғувчи киши йўқ эди. Агар ул маҳалда мен бўлсам эди, унга дастгирлик қилур эдим (яъни Шайх Мансурнинг асл мақсадини тўғри изоҳлаб, халойиққа тушунтириб, ўлимдан сақлаб қолар эдим). Ҳар киши менинг муридларимдан ва асқобларимдан бўлиб туриб, жаноби Илоҳийга хато ва гуноҳ қилиб, оёғи тойса, Қиёмат қойим бўлгунча мен унга дастгирлик қилгумдир.

* * *

Шайх Абдулҳасан Маждид Курдий раҳматуллоҳи алайҳидан ушбу нақл ёзиб қолдирилган.

Ул киши айтган эканлар:

Бир куни тож ул-орифин Абул Вафо минбарда ваъз айтур эдилар. Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу мажлисга кириб келдилар. Ул вақтда ҳали ёш эдилар. Шайх сўзни тўхтатдилар.

— Бу ўспиринни мажлисдан чиқаринглар, — дедилар. Шундоқ қилдилар. Тож ул-орифин ваъз айтдилар. Ул Ҳазрат яна кирдилар. Шайх яна чиқармоққа амр этдилар. Учинчи навбат тож ул-орифин минбардан тушдилар. Ҳазратни бағрига тортиб, пешоналаридан ўпиб, шундай дедилар:

— Эй аҳли мажлис, кўпинглар Худои таолонинг валийси учун. Эй аҳли Бағдод, буларни мажлисдан чиқарганим ихонат (қийнаш) учун эмас. Сизлар топғайсизлар ва билғайсизлар.

Парвардигор ҳурмати буларнинг бошларида бир нур борким, унинг равшанлиги Машриқ ва Мағрибни тамом олибдир.

Шундан кейин:

— Эй Абдулқодир, қичқираётган ҳар хўроз, олири тўхтайтиди, аммо сенинг хўрозинг (илму донишинг хўрози) қисматгача овоздан қолмайди, — деб жойнамоз, кўйлак ва асоларини ул Ҳазратга бердилар.

Мажлис тамомига етганда Тож ул-орифин минбардан тушиб, ул Ҳазратнинг қўлларини тутиб айтдилар:

— Эй Абдулқодир, бир вақт келадикки, сен мени албатта ёдингга келтирасан.

Шайх Умар Баззоз айтган экан:

— Тож ул-орифин ул Ҳазратга берган тасбеҳ ажойиб эди — ерга қўйса дона-дона бўлур эди. Ҳазрат оламдан ўтгандан кейин ул тасбеҳни либослари орасидан топдик. Уни Шайх Али Ҳайатий олди. У кишидан Шайх Муҳаммад, улардан кейин эса Шайх ибн Қойид олди. Кимки у тасбеҳни олишни истаб қўл чўзса, тасбеҳ ўзи қўлга келур эди.

ҲАЗРАТИ ҒАВСУЛ АЪЗАМ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ЖИН ВА ИНС ВА АБДОЛ, БАЛКИ ЖАМИ МАХЛУҚОТГА ТАСАРРУФ, САЛТАНАТ ВА ҲУКУМАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭКАНИНИНГ БАЁНИДАГИ

ФАСЛ

Абу Саид Аҳмад Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи шундай нақл қилган экан:

Менинг Фотима отлиқ ожизам ўн олти ёшида эканида томга чиқиб ғойиб бўлди. Ҳазрати Ғавсул Аъзамга бу воқеани аъз қилдим. Шундоқ амр айладилар:

— Бу кеча карх каробаса³ Бағдоддадир. Борғил, ерга доира тортғил. Сўнг «Бисмиллоҳ, вало ниййата Абдулқодир», дегил. Кеча ниҳоят қоронғу бўлур. Жинлар тоифаси ранг-баранг суратлар билан сенинг қошингга келурлар. Ўзинг ул доиранинг ичида ўтиргил. Улардан ҳеч қўрқмагил. Саҳар вақтида жинларнинг подшоҳи ҳамма лашкарлари бирла келгай ва доиранинг ташида

туриб, сени сўрагай. «Мени шайх Абдулқодир ташида туриб, сени сўрагай. «Мени шайх Абдулқодир сенга юборди», — деб айтгил. Ўз ожизангнинг сурати ҳолини унга баён қилгил.

Шайх Абу Саид ҳикоясини яна давом эттирди:

— Ул Ҳазрат амр қилганларидек қилдим. Жинлар тоифаси рангоранг, ҳайбатлик кўринишда пайдо бўлдилар. Ҳеч бирлари доирага яқин келишни билмади. Бир вақт жинлар подшоҳи отга минаиб, жамоа бирла ҳозир бўлди. Мендан: «Нима ҳожатинг бор?» — деб сўради. «Ҳазрати шайх Абдулқодир мени сенга юбордилар», — дедим ва ожизамнинг ғойиб бўлгани ҳақидаги воқеани баён қилдим. Ул подшоҳ менинг ожизамни олиб кетган девни келтиринглар, деб жинларга буюрди. Ул девни ҳозир қилдилар. Девдан: «Нима боис билан ул ожизани олдинг?» — деб сўради.

Дев:

— Ожиза менга ниҳоят марғуб кўринди, доим беқарор бўлдим, — деб дилидагини яширмабди.

Жин-подшо: «Ул девнинг гарданига уриб, ожизани кўлидан олинглар», — деб буюрди.

Мен айтгим:

— Эй подшоҳ, Ҳазрати Ғавсул Аъзамга фармонбардор бўлган сенга ўхшар ҳеч кимсани кўрмадим.

Подшоҳ деди:

— Нечук итоат этмай? Ул Ҳазрат уйларида ўлтириб жами оламнинг атроф ва ақсосу (чети)га назар қилсалар⁹, ҳар қандай ҳайбатлик нарса Уларнинг шуқуҳларидан ўз жойларида қарор олмайди. Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу таоло кимга кутбият ва ғавсийт мақомини ато қилса, жами инс-жин унинг тасарруфидадир.

Шайх Абдусаид Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳидан шундай нақл қилганлар:

Исфаҳонлик бир кимса Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу жаноблари ҳузурларига келиб: «Менинг хотиним сариқ касал, неча муддат азайимхонлар азайим ўқидилар — фойда бермади», — деб арз қилди.

Ул Ҳазрат амр этдилар:

— Уни бир дев тасарруф қилган. Ўзи Сарандип (Цейлон) биёбонидадир, оти — Жонас. Агар яна хотининг қайталаниб сариқ касал бўлса, қулоғига: «Эй Жонас, Ҳазрати Шайх Абдулқодир Бағдоддадурлар. Сени бу заифа қошига келмасин, агар келса ҳалок бўлғувсидир», — деб амр қилдилар, деб айтгин.

Алқисса, ул кимса уйига кетди. Ул Ҳазратнинг амрлари қандоқ бўлган бўлса шундай қилди.

Ровий айтадур, ўн икки йилдан кейин ул кимарсани кўриб қолдим. Заифасининг аҳволидан сўрадим. «Ўшандан кейин асло сариқ касал бўлмади», — деди.

Ушбу амри олий сабаб бўлиб, Бағдодда Ҳазрати Ғавсул Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи ҳаёт вақтларида ҳеч кимса сариқ касали билан оғримади, деб ривоят қиладилар.

* * *

Бу нақл Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Хизр Ҳасаний раҳматуллоҳи алайҳидан қолган.

Абул Маоний Аҳмад ибн Музаффар Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу жаноблари (ҳузурлари)га келиб: «Ўн беш йил бўлди, фарзандимдан таб¹⁰ касал кетмайди. Жисми абгор бўлиб қолди, ёрдам беринг», — деб арз қилди.

Ул Ҳазрат:

— Ўғлингнинг қулоғига: «Эй умми малдам, Ҳазрати шайх Абдулқодир сенга амр қиладурлар, менинг ўғлимдан кетгил, Жала тарафига», — деб буюрдилар.

— Бордим, — деб айтган экан Абул Маоний, — ул Ҳазратнинг буюрганларидек қилдим, шундан кейин ўғлимга таб касали сира йўламади. Кейин маълум бўлишича, Жала халқининг кўплари таб касалига чалинган экан (Жала халқи ўша даврда Ҳазрат Ғавсул Аъзам яшаб турган юртга ёвлик муносабатида бўлган бўлиши мумкин. Йўқса бутун одамзотга яхшиликни раво кўрувчи одам Жала халқига ёмонликни ҳайдамас эдилар, яна тўғриси-ни Оллоҳ билади).

* * *

Шайх Абу Муҳаммад Муфарриҳ айтган эканлар:

— Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг шукуҳ ва дағдағаи давлатларининг овози фалакка етиб, салтанат ва жалолатлари кўси (ноғораси)нинг гулгула ва садоси жами оламга англанганда, Бағдоднинг ақобиру ашраф ва донишмандлари

тўпландилар. Ул Ҳазратни моту ноилож қолдириш учун қийин ва мужмал саволлардан йиғдилар. Улар олий мажлисга келганларида, ул Ҳазрат мароқабига берилган эдилар.

Абу Муҳаммад айтадир:

— Сийнаи муборақларидан бир шарора (учқун) сачраб, келган уламолар сийналарига ўтди. Ҳеч киши бу ишдан четда қолмади. Дарҳол ҳаммалари суст бўлиб, фарёд-фигонлар қилдилар. Либосларини йиртиб-сўкиб, бошланг минбар тарафига бориб, бошларини ул Ҳазратнинг муборак оёқларига қўйдилар. Ул мажлисда андоғ шўриш ва ғавго қўзғолди, тамом Бағдод ларзага келди, деб гумон қилдим. Шундан сўнг ул Ҳазрат ҳар бир уламони қучоқларига олиб, муборак сийналарига бошларини васл қилиб, ҳар бирига айтар эдилар: «Сенинг саволинг будур ва унинг жавоби будур».

— Мажлисдан фориг бўлгандан кейин, — деб ҳикоясини давом эттирди Абу Муҳаммад, — ул уламолар билан мулоқот қилдим. Ул ҳолдан сўз очдим. Айтдилар:

— Ул Ҳазратнинг ҳузурларига кирган вақтимизда нимани ўқиб ўрганган бўлсак, неки ажойиб ва ғаройиб илмларни фаҳмлаган бўлсак, ҳаммасини унутдик, бутунлай дилларимиздан кўтарилиб кетди. Бизларни қучоқларига олиб эдилар, йўқ бўлган илмлар яна ҳосил бўлди. Мушкул масалаларимизга андоқ савобли жавоблар бердиларки, бизлар аввал ҳеч вақтда англаб етмаган эдик.

* * *

Бу нақл Шайх Бақо раҳматуллоҳи алайҳига тегишлидир.

Ул киши айтган эканлар:

— Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бир кекса киши бир ёш бола билан кириб келиб, шундай арз қилди:

— Эй бузруквори олам, бу менинг ўғлимдир, уни дуо қилсалар (Ҳолбуки — ўғли эмас эди).

Ул Ҳазратга ўғли эмаслиги кашф бўлиб, ғазаб ва қаҳрлари ўти қўзғалди.

— Сизларнинг корларингиз мени бу ерга етказди, — деб қаттиқ қизишдилар.

Бу ғазаб сабабидан Бағдоднинг ҳамма тарафига ўт кетди, шундай бўлдики, бир маҳалланинг ўти ўчса, яна бир маҳаллада ўт пайдо бўлар эди.

Шайх Бақо айтади:

— Кўрдим: осмондан бало нозил бўлибдир. Дарҳол ул Ҳазрат ҳузурларига кирдим. Қарасам, ҳануз ғазабдадурлар.

Айтдим:

— Ё Саййид, халққа раҳм қилгил, ҳалок бўлдилар, ҳалок бўлмоқдалар.

Нукта:

Эй дарвиш, агар бирор киши, беадаблик ва нафсишумликдан жаноби Қодириянинг ғазаб қаҳрига мубтало бўлса, шом-хуфтон орасида Ироқ тарафига мутаважжиҳ бўлиб, термулиб: «Қасидаи муфарраҳ ул-атроҳ»¹¹ ни ўқимоғи ва агар ўқий олмаса қўлига олиб турмоғи лозим ва лобидийдир — зарурийдир. Умид ул-ким, раҳм-шафқатларининг асарини дарҳол кўргай, ҳар бало ва офатдан халос бўлғай. Ул қасида ушбудир:

ҚАСИДА

*Аз раҳи фақру фано гўйи шаҳи баҳрубарам
То бажону дил гадои шайхи Абдулқодирам.*

*Баст доим дартарофи Каъба кўяширо дилам
Дар раҳи сидқу сафо, ин аст ҳажжжи акбарам.*

*Чашми ман то аз ҳавоии хулди Кўяш кавсар аст,
Обиҳайвон миҳўрад ризвон зи ҳавзи кавсарам.*

*Миниҳам гирён руҳи худ бардарат ҳар субҳи шом,
Раҳмати бар рўйи гардолудаи чашми тарам.*

*Чанди рўзи шудки, маҳрумам азон рӯ мурдаам,
Жилваи жонпарварам фармоки то жонпарварам.*

*Эй сабо, аз ман бон Султон Гилоний бизу,
Сўхтам, акнун биё барбод, деҳ хокистарам.*

*Мурдаам аз гам алғиёсу алғиёс, эй алғиёс,
Вақти он омадки, бинамои жамоли анварам.*

*Чун наме бини кунун сўям зи айни марҳамат,
Жойи он дорадки дар дунё на бини дигарам.*

*Бежамоли жонфизоят зиндагоне мушкул аст,
Раҳмати варна тану ин хирқа ёбам мидарам.*

*Ғаррае лутфу ту будам кас наёвардам бачаиш,
Зон бачаишмам ғайрат оварданд меҳнат бар сарам.*

*Ҳар чи бо ман карданад охир зи ғайрат карданад,
Вой бар ман к-аз карамҳоят нагарданд боварам.*

*Нести ё Ғавсий, бамаи журм кунад аз ҳеч рӯ,
Рӯ макаи аз манки бас, бедил хароби абтарам.*

*Кард парвозе бар гулзори гўят сад ҳазор,
Чун парам санги жафо бишикаст акнун чун парам.*

*Шуд зи тоби оташи ғам тани моро ангишти сон,
Ҳашт гўйи хирқаи мотам зи шухрат дар барам.*

*Дар табу табам шабу рӯз аз июят раҳмате,
Михўрад хунам ғами ман ҳам ниғам хун михўрам.*

*Мондаам дар кунжи ғам аз беилтифотиҳои ту,
Ҳамчу сиддиқам бемеҳнат рӯзгори мибарам.*

*Дорам иммед онки аз буржи саодат босафо,
Дар будад толеъ шавад толеъ Ҳумоюн ахтарам.*

*Як дам эй Хизри муборак, пойи қадам аз рўйи лутф,
На барўйи қаҳр шуд охир ҳамон хоки дарам.*

*Микунам сухан то чанд гўям сўзидил,
Гар навишта боқалам бар нола ояд дафтарам.*

*Гар гуноҳи рафта бошад тавбаҳо кардам зи сар,
Узри ман ту, эй латифафсарки, афсар бар сарам.*

*Чист дар пеши карамҳои журми Ғурбатий,
Ал-карам, ё Ғавсул Аъзам, ал-карам ё ал-карам!*

Ушбу нақл Шайх Умар Баззоз, Шайх Абдулраззоқ ва Шайх Абдулваҳҳоблардан қолган.

Айтган эканлар: «Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу ваъз учун минбарга чиққанларида шундай деган эдилар.

— Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сешанба куни Моҳи шавволнинг ўн олтинчиси, тарихқа беш юз йигирма бир эди, воқеа (туш)да: «Эй фарзанд, нима учун сўз қилмайсан?» — деб амр қилдилар.

Жавоб айтдим:

— Ё расулаллоҳ, мен ажам кишисиман, Бағдод халқи арабийдир, нечук сўз қилгайман?

«Оғзингни очқил», — деб буюрдилар. Оғзимни очдим — етти марта оғзимга дамида қилдилар. «Боргил, халққа сўз айтгил», — деб амр этдилар.

Пешин намозини ўқидим. Кўраман — халойиқ менинг мажлисимда йиғилибдир. Ҳануз тилим сўзга келмайди. Ҳазрати амир ал-мўминин Али қаррамаллоҳу ваҷҳаҳуни кўрдим — мажлисда менинг тўғримда ўтирибдирлар. «Эй фарзанд, нима учун сўз қилмайсиз?» — деб сўрадилар.

— Ё Али Муртазо, тилим ҳануз боғлангандир, — дедим. Амр этдилар: «Оғзингизни очинг». Оғзимни очдим. Олти навбат менинг оғзимга дамида қилдилар.

— Нима учун етти навбат дамида қилмайдурлар? — деб сўрадим. «Ҳазрати Расулulloҳнинг риоялари учун», деб назаримдан гойиб бўлдилар.

Ундан кейин тилимга сўз жорий бўлди, гўё фикрим ғаввоси дилимининг дарёсида ғаввослиқ қиладир, маърифатнинг ғавҳарини чайқаб, тилим ташқарисига чиқарадир, токи бу маърифат отлиғ пурбаҳо матоҳни улуғ ва оғир баҳо билиб тасарруф қилгайлар, яъни сўзларим маъносини қадрлаб, ўзгаларга ҳам ардоқлаб ўргатгайлар.

НАЗМ

*Ё раб, ул туркий Ажамга на малоҳат бордур,
На баълоғат, на фасоҳат, на сабоҳат бордур?*

Ушбу нақл эса Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг фарзандлари шайх Абдулваҳҳобдан ёзилиб қолган бўлиб, уя зот айтган эканлар:

— Қиблагоҳим ҳар ҳафтада уч кун — жума, шанба ва сешанба кунлари ўз мадрасаларида ва бир кун якшанбада хонақоҳларида ваъз-насиҳат айтур эдилар.

Мажлиси шарифларида уламою фузало ва машойих, яна халқ оммаси жам бўлиб ўлтирар эдилар. Ушбу вазифа билан қирқ йил машғул бўлдилар. Биринчи ваъз айтган кун тарихқа беш юз йигирма бир ҳижрий эди. Охири беш юз олтмиш бир эди. Ул Ҳазратнинг фойдали сўзлари мажлиси олийда ваъз тариқасида оғзаки зикр бўлар эди, тўрт юз уламо ёзиб ўтирар эди. То оламдан ўтгунларича ул Ҳазратнинг ёлғиз турганларини кўрган эмасман, бўлмади деганда икки-уч киши ҳузурларида бўлур эди.

НАҚЛ

Шайх Абу Бакр Зикриё ибн Абу Носир Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи айтибдурлар:

— Буни отамдан эшитган эдим. Айтар эдилар: «Жинларни азайм ўқиб чорладим. Жинлар илгариги одатлари бўйича келмади — кечикишди. Бир неча вақтдан кейин келдилар. Сабабини сўрасам: «Бизларни тўла чорламағил. Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг ваъз-мажлисларида тўла йиғиламиз. Бизлардан кўп тоифа ул Ҳазратнинг ҳузурларида исломга мушарраф бўлиб, тавба қилдилар», — деб айтдилар.

НАҚЛ

Шайх Абу Заръа айтибдирлар:

— Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг мажлиси олийларида ҳозир бўлган вақтимда (тарихқа беш юз эллик етти эди) айтур эдилар: «Ҳузуримга Кўҳи Қофнинг кейнидан мардони гайблар мендан ваъз англамоқ учун келадилар. Уларнинг қадамлари ҳаводадур. Уларнинг диллари доим Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг шавқ ва муҳаббати билан куядир».

Шайх Абдурраззоқ (ул Ҳазратнинг фарзандларидан) минбарнинг поясида ўлтириб эдилар, ҳаво тарафига бир соат қараб, хушларидан кетиб қолдилар. Тақияларидан (бош кийим) бир ўт пайдо бўлиб, тақиялари куйди. Ул ҳолатда ул Ҳазрат минбардан тушиб, ўтни ўчирдилар ва айтдилар: «Эй Абдурраззоқ, сен ҳам ул жамоадансан». Ровий айтур (яъни Шайх Абу Заръа): Шайх Абдурраззоқдан «Нима учун беҳуш бўлдилар?» — деб сўрадим.

Айтгилар:

— Ўша фурсатда ҳавода мардони ғайбларни кўрдим — ҳаммалари бошлари тубан, хомуш бўлиб, ул Ҳазратнинг мўъжиза каломлари, низомларини англаб эдилар. Ул жамоа кўплигидан ҳаво юзи тунд бўлибдир. Кийган либослари ўзларидан чиққан ўт билан куяр эди. Баъзилари наъра уруб, ҳавода учар эди ва баъзилари ўз ўринларида юмаланур эдилар.

ҲАЗРАТИ ҒАВСУЛ АЪЗАМ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ВАФОТЛАРИ БАЁНИ

НАҚЛ

Шайх Абдулваҳҳоб васият талаб қилдилар.

Ул Ҳазрат амр қилдилар:

— Тақвони ўзингга лозим тут, холис азбарои Худо бўлғай ва тоатни лозим тут. Ҳеч бировдан қўрқмағил ва ҳеч бировдан умид тутмағил. Ҳамма ҳожатларингни Ҳақ таолога тафвиз қил — унга ошир. Ҳамма ҳожатларингни Ҳақ таолодан талаб қил.

Ундан кейин ҳамма фарзандларига қараб дедилар:

— Сизлардан ўзга жамоат ҳам ҳозирдирлар, менинг ҳузуримдан чиқиб турунглар, уларга ҳам жой беринглар ва уларга адаб бажо келтиринглар.

Ва ҳисобни ғойибга қилиб, ҳурмат ва тавозе билан: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ ғаффораллоҳи ва лакум ва тоб оллоҳи валайкум», — дедилар.

Ҳар кеча ва кундуз бу каломатни айтар эдилар: «Мен ҳеч нарсадан бок тутмайман — ҳеч нарсадан хавфсирамайман, малакул мавтдан ҳеч бок тутмайман — ҳеч парво қилмайман».

* * *

Шайх Абдурраззоқ ва Шайх Абунаسر Мусо гувоҳлик берган нақл ушбудир.

Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига ма-лакул мавт дохил бўлган вақтда: «Истаъанту била иллол-лоҳул ҳаййул қаййумул лазий ла ямувту ва ла яхша субҳона ман ёқди-ру бил қудроти ва қаҳрил-ибади бил мавт ла илоҳа иллол-илоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ», — деб айтдилар то руҳи муборакла-ри бандаларини тарк этгунча, разияллоҳу анҳу.

* * *

«Маноқиби Қодирия»да келтирибдурлар:

— Билгил, эй дарвиш, Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу ан-ҳунинг вафоти тарихқа беш юз олтмиш бир (561) раби-ул охир ойининг ўн еттиси, саҳар вақтида эди. Вафотларининг тарихи бу рубоидан зоҳирдир.

РУБОИЙ

*Султони аср, шоҳи жаҳони қутби авлиё,
Бордир аниг вафоти қиёмат аломати.
Сўрса солига тарихидян нишон,
Берди жавоби ақлқи, бўлгай «Қиёмате».*

(«Қиёмате» сўзининг абжад ҳисобидаги адади қуйидагича: ҳоф — 100, ёо — 10, алиф — 1, мим — 40, те — 400, ёо — 10, Жами 561 бўлади).

НАҚЛ

Бир савдогар бор эди. Кичиклигидан бошлаб ўзини Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳунинг ходим ва ғуломлариданман, деб ҳисоблар эди. Кўнглида бу ишонч мустаҳкам эди. Ёши қирққа борганда, ул жаноби ақдаснинг саодатли остоналарини ўпиш

бахтига муяссар бўлмоқ орзусида йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб Бағдод чегарасига етди. Аммо шу жойда ул Ҳазратнинг рихлатлари ҳақида хабар топди. Жуда хафа, маҳзун бўлиб, бу мухлис билан уч юзга яқин киши ҳамроҳ бўлиб келган эди, ҳаммалари мунаввар қабрларини зиёрат қилмоқ учун келдилар. Келиб фарёд-фигону нола ва зорилар қилдилар. Ногоҳ боқсалар Ҳазрати Ғавсус сақалайнинг муборак қўллари марқади шарифдан зоҳир бўлди. Ул савдогар ва яна ҳамроҳлари билан қўл бериб сўрашиб, байъат қилдилар. Иродати саодат билан навозишлар қилдилар. Ҳаммалари муриди восиллар жумласидан бўлдилар, яъни пирини тиригида кўрган муридлар қаторига ўтдилар.

* * *

«Маноқибн Қодирия»да Шайх Муҳаммад Қодирий раҳматуллоҳу алайҳидан қолмиш нақл ҳам ўрин олган. Шайх айтган эканлар:

Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу рихлат қилганларидан кейин ҳар вақт бирор кимарса марқади муборакларига зиёрат учун борса, муборак икки қўлларини муаттар қабрларидан чиқариб, ул кимарса билан қўл беришиб сўрашур эканлар. Бу ҳолат бир қанча вақт давом этди. Ҳазрати Жобири Соний Сайид Али Ҳамадоний қаддасаллоҳу сирраҳу Бағдодга келиб, ул Ҳазратнинг зиёратларида мусофаҳа қилдилар — қўл бериб сўрашдилар. Ҳазрати Амир арз қилдилар: «Мусофаҳа қилмоқ жанобларига осондур, аммо яна бировга бу қудрат бўлмаса анга мушкулдир, фақирнинг илтимосини қабул қилсалар, акс ҳолда зиёрат қилғувчилар кутиб тўхтаб қолур». Шундан кейин ул Ҳазрат қабул қилдилар — бу воқеа такрор бўлмади.

НАҚЛ

Бир ҳиндуйи зуннорлиқ бор эди. Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу жанобларига ақида ва иҳлоси тамом эди. Ҳамиша ҳар йили раби-ул-охирнинг ўн еттисиди (Ҳазрат вафот этган кун) тўла моллар сарф этиб, қисм-қисм, рангоранг таомлар тайёр қилиб, ақобиру ашраф, уламо ва фузалоларни чорлаб, таъзия

қилур эди. Ул ҳинду оламдан кетди. Уни ўртмак (куйдирмак) учун олиб бордилар. Тўла ўтин жам қилдилар. Ўт куйдирмади. Ўтинга ёғ ҳам қуйдилар — бир тор мўйи ҳам куймади. Ҳамма ҳиндулар ожиз бўлди. Сувга ташлашни хоҳладилар. Ул аснода Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу бир дарвишнинг тушларига кириб, амр этдилар: «Фалон ҳинду бизнинг авлодимиздан бирининг олдида мусулмон бўлиб, қўл бериб, тариқан шарифия силсиласига («Қодирия») сулуки «Тариқан шарифия» ҳам деб юритилади) дохил бўлиб эди. Уни ғусл қилдириб, намозини ўтаб, мусулмонлар қаторида дафн қилинганлар».

Ул дарвиш амри иршод йўли билан иш тутди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бу силсилаи олиянинг мурид ва мухлисларига дунё ва охираат ўтини ҳаром қилибдир. Биз ғуломлари кўнглини хотиржам қилиш учун мисол қилиб кўрсатибдир. Валҳамдулиллоҳи ала золика.

ХОТИМА

ҲАЗРАТИ ҒАВСУЛ АЪЗАМ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ АВЛОДЛАРИ

Шайх Юсуфиддин Абдулваҳҳоб,
Шайх Шарафиддин Исо Жалол,
Шайх Шамсиддин Абдулазиз,
Шайх Абдулжаббор,
Шайх Тоҷ Абу Бакр Абдурраззоқ,
Шайх Абул Исҳоқ Иброҳим,
Шайх Абдураҳмон,
Шайх Абу Бакр Зикриён Яҳъё,
Шайх Абунаسر Мусо ризвоналлоҳу таоло ажмаъийн.

Бу ҳурматли зотларнинг ҳар бирлари муфассир, ҳадис ва фиқҳия, улуми зоҳирий ва ботинийда муттаҳҳар эдилар. Ҳамма улумни ўз қиблагҳолари ҳузурида ўтқариб, сужуда ва писандидаи Ҳазрати Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу бўлиб, илми қол ва илми ҳолда рушд ва истифодаи тамом, кайфияти моло калом ҳосил қилиб, Он Ҳазратнинг қойиммақомлари бўлиб, хилофат маснадида жойнишин бўлиб, Ҳақ талабларни тўғри йўлга бош-

ладилар. Ҳар бирларининг маноқиб ва авсоф ҳамда кашф-кароматларини алоҳида баён қилса, сўз татвилга тортади — узоққа чўзилиб кетади. Шу сабабли қисқа зикр қилинди. Алҳамдулиллоҳ ала золика аввалийн ва охирийн.

РУБОИЙ

*Фавсу сақалайн маноқибни нури сафо,
Юз шукурки, тоғти туркий алфозида адо.
Одина кунн, моҳи зилҳижжа учи
«Мур» ўлғувсидур соли тарихи расо.*

(«Мурғ» сўзининг абжод ҳисобидаги адади 1240 бўлади. Бу милодий 1820-21 йилларга тўғри келади.)

Эй Оллоҳ, бизга яхшилиқни очиб бергил, бизга яхшилиқ билан тугаллашни ато қилгил. Ишларимизнинг оқибатларини яхшилиқка бургил.

Эй оламларнинг Маъбуди, эй ёрдам берувчиларнинг яхшиси, яхшилиқнинг барчаси сенинг қўлингда.

Оллоҳ одамийлар сараси Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва салламни, унинг оиласи ва саҳобаларини — ҳаммасини раҳмат қилсин. Бираҳматика ё арҳамар роҳимийн.

МИРМАҲМУД ҚОРИЙ

XIX аср иккинчи ярми, XX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг кўзга кўринган истеъдодли шоирларидан бири, девон соҳиби Мирмаҳмуд Миршамсиддин ўғли Қорийдир.

Миршамсиддин Қорий ҳам Абдулҳаким ҳалифа мактабида камол ва шўҳрат топган. У Қуръонни ёд билгани учун қорий унвонига сазовор бўлган, сўнг яхши ғазаллар битиб Қорий тахаллусини қўллаган. Замондошларининг хотирлашларича, у қилқалам ҳаттот бўлиб, кўплаб нодир китобларни оққа кўчирган. Шоирнинг ажойиб покиза инсон эканлигини тасдиқловчи бир нақл шаҳар аҳли орасида ҳозир ҳам гапириб юрилади. У қалами учини тарошлаганда пайдо бўладиган пайраҳаларни ахлат сифатида ташлаб юбормас, балки алоҳида халтачага солиб қўяр экан. Охират сафарига кетишимда бу пайраҳаларни ёқиб, сув иситиб, мурдамни ювасизлар, деб васият қилган экан. Шоғирдлари унинг васиятини бажо келтиришган экан.

Қорий мумтоз адибларимиз Алишер Навоий, Фузулий, Машраб, Амирий ғазалларига муҳаммас боғлаган. «Девони Қорий» ҳижрий 1330 йили Тошкентда «Фуломия» матбаасида чоп этилган. Тили содда, раvon, арузнинг оҳангдор, ўйноқи баҳрларида ёзилган бўлиб, куйлашга кўп қўл келади. Қорий ғазалларини таҳлил қилиш учун Қуръоний қиссаларни, тасаввуф шайхлари ҳаётига оид тазкираларни обдон билиш керак бўлди. Зеро Қорий «Тазкиратул авлиёи туркий» каби маноқиб ва рисоалардан кўп баҳраманд бўлганлиги билиниб туради.

Абдулқодир Гилоний тариқатини шоир «тариқи бехатар» — хатарсиз йўл деб атайди, ҳамда ким кирса жаҳаннамдан озод бўлгани шудир деган хулосага келади, ўзи ҳам шу сулукда экани билан фахрланади.

Дарҳақиқат, Қодирия сулуки кишиларни турли бидъат ва залолат кўчасига кириб қолишдан сақлайди. Форс ва туркий адабиётларда Гилонийга бағишланган ғазал ва қасидалар жуда кўп. Ўзбек шоирлари ичида Қорийнинг Фавсул Аъзамга бағишланган муҳаммаси ўзининг мазмундорлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир байтида шайх ҳаётига оид нақл, ривоятга ишораларни кўраимиз. Яхсиси муҳаммас билан тўлиқ танишиб, тегишли хулоса чиқарган маъқул.

МУХАММАС

*Зиҳи маҳбуби субҳоний, сифоти жонга марҳамдир,
Валоят тахтига зебанда, султони мукаррамдир.
Бўлиб фарзанди хоси Мустафо, дурри муаззамдир.
Ҳақиқат баҳрига гаввосу асрорига маҳрамдир.
Тилим васфига ожиз, исми поки Ғавсул Аъзамдир.*

*Давомат гўши жонига етиб илҳоми Раббоний,
Паёнай келгай эрди бошига алтофи Яздоний.
Жило бергай эди оинасига нури Раҳмоний,
Тажалли партавидин қалби поки ишқнинг қони
Бу нисбат орзусида фалаклар қомати ҳамдур.*

*Ўлук дилларга жон бергай эрди, монандаи Ийсо,
Дили Турида айди рози махфийларни чун Мусо,
Қадамгоҳи бўлиб ул жаннат ул — фирдавсдин аъло.
Бу дунё лаззатига қилмадилар заррае парво
Юрарга, ўлтурарга жойгоҳи Арши Аъзамдур.*

*Қўлида маҳзани гайбий, қилиб инъом Хотамвор,
Мусаххар эрди олам, қилмади манзур Адҳамвор,
Каломи жонфизоси бўлгай эрди элга маҳрамвор.
Тариқин қимқи тутти — бўлмагайлар икки дунё хор
Олиб мерос илми ҳайдарийдин бўлгон Аъламдур.*

*Вужуда келмади мундоғ олиҳиммат асли Одамдин,
Қамоли қурбатини топтилар ул руҳи Хотамдин,
Дер эрди: «Солма ёРаб, барчани бошига мотамдин.
Аюрма толиби содиқни маҳшарда қанотимдин»,
Тариқи бехатар қим қирса — озоди жаҳаннамдур.*

*Қани мухлиски, билса пири қомил раҳнамосини,
Талаб қилса ўшандоғ олиҳиммат пешвосини,
Ажаб эрмаски топса арз айлаб муддаосини,
Хатарлик йўл аро дастгир бўлгон муттақосини,
Неча муришдилар ичра раҳбарликда муқаддамдур.*

*Ўтиб гафлатда умри ҳеч ерга етмай анжоми,
Гуноҳи ишдатидин титрар эрди Аршининг боми,
Бу мотамхонада охир етушгай марғнинг жоми,
Нечук бўлгай мунинг ҳоли — тутибдур нафснинг доми?!
Ва лекин сояи Ғавси Худодин Қорий бегамдур.*

ФАВСУЛ АЪЗАМ АВЛОДЛАРИ

Темурийлар ва Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Фарғона водийсида ижтимоий ҳаёт нашъали ва фойзли бир ҳолатда давом этди. Айниқса, Қўқон хонлиги алоҳида мустақил давлат бўлиб ривожланган даврда маънавий ҳаёт соҳаси ҳам тараққий топди. Шарият ва тариқатга кенг йўл берилиши натижасида машҳур кишилар уруғ-аймоқлари билан кўчиб келиб, тупроғи унумдор, серсув гўшаларда доимий яшаб қолдилар. Бу ерда яшовчи тўқсон икки уруғли ўзбеклар, шунингдек тожик халқи вакиллари билан дуст-ёр, қуда-анда бўлиб чатишиб кетди. Улар аксарияти чорвадор, боғбон ва ҳунарманд бўлган улуснинг маънавий раҳнамоси, пири муршиди, маслаҳатгўй, дуоғўйи эди. Ана шундай зотлардан бири Ғавсул Аъзам ҳазратларининг ўн биринчи авлоди Абдулазиз ал-Бағдодий бўлиб, Қўқон шаҳрида яшаган. Туғилган йиллари аниқланмаган бўлиб, Умар Шайх мирзо подшоҳлик қилган йилларда яшаб ўтган деб тахмин қилинади.

Бағдодийлар хонадонидан XIX асрда ҳам ҳол илми берилган авлиё зотлар етишиб чиққан. Амир Умархон, Муҳаммад Алихон ва Худоевхон замонларида бу хонадонга ҳурмат-эътибор гоят юқори бўлган.

Чор Россияси даврида ҳам бу хонадон вакиллари халқнинг суянч тоғлари, маънавий раҳнамолари бўлишган.

Айни кунларда водийда яшовчи ушбу хонадон зурриётларининг маълумотига кўра, Бағдодий ҳазрат аввал Хоразмга келганлар. У ердан Бухорога, сўнг Қўқонга келиб, доимий яшаб қолганлар. Биз бу табаррук хонадон аҳлидан фақат Бешариқда яшовчи вакиллари ҳақида маълумотга эга бўлдик.

БУРГУТХОН — САЙИД АБДУЛАЗИЗХОНТЎРА

Сайид Абдулазизхонтўра 1900 йили туғилиб, 1957 йили вафот этган. Унга катта боболари Абдулазизхонтўра исмини қўйишган бўлса-да, халқ орасида Бургутхонтўра номи билан танилган. Қўқонда туғилиб вояга етиб, Бешариқ туманидаги Узун қишлоғида яшаб ўтган. Ғавсул Аъзам авлоди сифатида эл-юрт ўртасида жуда қадрланган. Дуоси мустажоб, иши юришган, файратли киши бўлган. Айни кунларда Узун қишлоғида унинг ўғли сайид

Абдуллахонтўра Бургutow ўгил-қизлари билан пири бадавлат истиқомат қилади. Ота-боболар йўлини унинг ўгли Сирожхонтўра Абдуллахонтўра ўгли давом эттириб келмоқда.

2000 йил арафасида, рамазон кунларининг бирида отахон ҳузурда бўлиб, зиёрат қилиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлдик. Бутун вужудидан, гап-сўзларидан меҳр-зиё, одамийлик, тўғрилиқ барқ уриб турган тўраҳон тоға бошидан кечирган жуда кўп ибратли воқеаларни, отаси ва бошқа пок зотлар тўғрисидаги хотираларни сўзлаб бердилар.

Тўраҳон тоға қиёфасида «Машғуллик ила фориғ» инсоннинг тирик тимсолини кўрдим. Эл-юртини, унинг гўзал табиатини, ширин-шакар ноз-неъматини тилидан бол томиб гапирди. Унинг қадрига етиш зарурлигини уқтиради. Айрим фикрлари куйма ҳикматларнинг худди ўзи.

АБДУЛЛАХОТЎРА СЎЗЛАРИДАН:

— Биз ўзбеклар, бошқа мусулмонлар Оллоҳга ўн марта шукр қилганда, юз марта шукр қилишимиз лозим. Парвардигор бизга дунёнинг энг аъло гўшасини ватан қилиб берган, бунинг устига Муҳаммад алайҳис-саломга уммат қилиб яратган. Унга чин пайровлик қилсак, охиратда ҳам жаннатга муяссар бўламиз. Икки дунё саодати, билиб кўйинг, ҳар миллатга ҳам насиб этавермайди.

* * *

— Юртбоши янги йилни соғлом авлод йили деб эълон қилди. Биз азалдан ҳам иймони, ҳам жисми соғ аждодларнинг зурриёдимиз. Иншоаллоҳ, янги авлодлар ичидан кўксига мисқумғонда сув қайнайдиған инсонлар етишиб чиқади.

* * *

— Раҳбарлар тақволи бўлса, эрталаб доим ўнг томонини бошиб ўрнidan турса, улардан эл-юрт баҳра олади, орқасидан ба-рака эргашиб юради.

Ҳимматсиз, бахил одам бизнинг тариқатга кира олмайди. Бизнинг тариқатга жувонмардлар, олиҳимматлар, қорагида ишқ ўти ловуллағанлар киради.

* * *

— Мендан дуо тиласанг, ёлғиз ўзингга дуо тилама, кўпга дуо тила, шу қатори ўзингга ҳам.

* * *

— Бегона ёш болалар сени яхши кўряптими, Худога яқинлигинг — шу.

ЭШОНИ БАҒДОДИЙ

Марғилон шаҳрининг Узунҳовуз маҳалласида Абдулқодир Гилоний авлоди Ҳожи Бузрукхон ота ўз оиласи, ўғил-қизлари билан истиқомат қилади. Уларнинг катта бобоси Саид Муҳаммад Амин Эшони Бағдодийнинг қабри хонадон ҳовлисида жойлашган. Шаҳар аҳли ва кўшни қишлоқ одамлари зиёрат учун келиб турадилар. Қўқон хонлиги даврида Марғилон ҳокимлари Саид Муҳаммад Амин тўранинг муридлари бўлганлар. Улар ўз маънавий раҳнамоларининг доно маслаҳати билан эл-юртни бошқарганлар. У 110 ёшида вафот этган. Бу авлод вакиллари 1759 йилги воқеалардан сўнг Марғилонга Қашқардан келиб ўрнашиб қолганлар. Қўқон хонлари уларга ҳар томонлама ёрдам берган.

ҲАСАНХОН ТЎРА

Саид Муҳаммад Амин тўранинг ўғли Ҳасанхонтўра нафаси ўткир, дуоли мустажаб, дардмандларни даволовчи ҳаким, мўмин-мусулмонларнинг маслаҳатгўйи бўлганлар. Ривоят қилишлари-ча, Ҳасанхонтўра ўта катта жуссали, от минганда катта от зўрга кўтарадиган одам бўлган экан. Узунҳовуз бўйида, дов-дарахтлар соясида бева-бечора, касал одамлар ундан шифо талабида ҳар жума кун кутиб ўтирар экан. У от устида туриб узун қамчисини одамларга теккизиб ўтиб кетар экан, яра-чақали касал одамлар тузалиб кетаркан. Кексалик пайтларида, ҳаддан ташқари семир-иб кетиб, бундан хафа бўлиб кўп йиллар эканлар. Шаҳарда қандайдир касаллик тарқалиб, одамлар кўп вафот эта бошлабди. Шунда кимдир бу балони дафъ этиш учун Саидзодалардан кимдир б. погардон бўлиши керак, дебдию Ҳасанхожа бу гапни эши-

тиб, келгуси жума менинг таъзиямга келаверинглар деб хабар тарқатибди. Келар жумага одамлар уни дафн этиш учун келишибди. Буни билган Ҳасанхон «Оллоҳу акбар» деб жон берибди. Ҳасанхон «Менинг семиришим нимага экан, гўрдаги куртлар ризқи учунми?» деб йиғлар экан. Аммо Оллоҳнинг қудрати билан бу семизликда бошқа ҳислат бор экан. Жанозаларини одамлар тўлқини қабрга олиб кетаётганда бир хушбўй ифтор таралиб, бутун шаҳарни муаттар қилган экан. Ҳатто гўдак болалар бу ҳиддан маст бўлиб, икки кунлаб ухлаган экан. Айни кунларда Бузрукхон бобонинг хонадонларига аёллар, ёш қизлар, келинлар келиб, хонадон бекалари — отин оёи билан суҳбатлашиб, муроди мақсадларини Оллоҳдан тилаб, яхши сўзлардан баҳраманд бўлиб кетадилар.

* * *

Фафур Фулом Марғилон ва Фарғона шаҳарларига ажойиб бағишлов ёзган бўлиб, «Ассалом, эй шаҳри Сим, баҳри муҳаббат Марғилон» сатрлари билан бошланар эди.

Сахий ва дилкаш, нозиктаб ва меҳмоннавоз инсонлар маскани Марғилон шаҳрини шоир бежиз «муҳаббат денгизи» деб таърифламаган. Энг гўзал миллий урф-одатларимиз, умрбоқий маънавий қадриятларимизни авайлаб-асраб, янада камол топтириб келаётган, саноати, ҳунармандчилиги ва санъати билан машҳур бўлган бу мўъжаз шаҳардан улуг уламолар, фузалолар етишиб чиққан.

Айниқса, Марғилонда Нақшбандия ва Қодирия тариқатлари пирлари маънавий-адабий муҳитнинг шаклланиб, камол топишига сезиларли ҳисса қўшганлар.

Жаҳон отин Увайсий, Файзий Марғилоний каби катта шоирлардан сўнг яна бир улкан шоир пайдо бўлиб, бутун Мовароуннаҳрга донг таратди. Бу зот Хожажон Хожа Низомиддин хожа ўғли Рожий Марғилонийдир.

РОЖИЙ МАРҒИЛОНИЙ

Хожажон хожа 1834 йили Марғилон шаҳрида таваллуд топди. Дастлабки маълумотни она шаҳрида олган бўлажак шоир ва жамоат арбоби Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таълим олиб, етук фақиҳ олим, тариқат билимдони ва шоир бўлиб етишди.

Аввал хонлик даврида, сўнг чоризм истибдоди вақтида шаҳар қози калони бўлиб, эл-юрт ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб яшади. Араб-форс тилларини ўз она тилидек билган шоир Ҳофиз ва Бедил асарларини севиб ўрганди ва уларнинг дақиқ ғазалларига мухаммаслар боғлади.

Рожий тахаллусининг луғавий маъноси «умидвор», «умид қилувчи» демакдир.

Тасаввуфда «Иймон — хавфу рижоъ ўртасида» деган нақл бор. Яъни банда ўз амалида гуноҳ иш содир бўлмадимикан, деган андишада Оллоҳдан қўрқмоғи керак, шу билан бирга қилаётган яхши амаллари, савобли ишлари эвазига Оллоҳдан ажр кутиб, умидвор бўлиб яшамоғи керак. Ўта қўрқиб, ҳалокатга учраш ҳам мақбул эмас, ўта умидвор бўлиб, бепарво бўлиш, эмин бўлиш ҳам мақбул эмас. Ўрта ҳолда қўрқув, ўрта ҳолда умид бўлмоғи керак. Демак, қўрқув ҳам иймон белгиси, умидворлик ҳам иймон белгиси. Ражоъ, яъни умид қилувчиларнинг сарвари Яҳё Маоз ҳисобланади. Тарихда Яҳё Маоз тариқатини хуш кўриб, ўзига Рожий ёки Ражоъий тахаллусини олиб ижод қилган шоирлар кўп бўлган. Чунончи, кирмонлик, хоразмлик, бухоролик, шаҳрисабзлик, кўқонлик, андижонлик Рожийлар яшаб ўтганлиги маълум. Улар бир-бирларидан фарқланиб туриши учун, туғилиб ўсган диёрлари номи тахаллус билан эгизак ҳолда қўлланган. Рожий Марғилоний Нақшбандия ва Қодирия тариқатларида истиқомат қилгани ҳолда, ўз ғазалларида маломатия тариқати услубларидан ҳам кенг фойдаланган.

Адабиётшунос олим М. Мадғозиев 1973 йили Рожий Марғилоний меросини йиғиб, топиб, «Рожий Марғилонийнинг бадий маҳорати» мавзусида номзодлик илмий тадқиқотини ҳимоя қилган. Мазкур тадқиқотда шоир Фурқатнинг Рожий тўғрисидаги хотиралари келтириб ўтилган. «Туркистон вилоятининг газети»да Фурқат шундай ёзган экан:

«Марғилон шаҳрининг қозийи калони домла Хожажон Хожа бирлан маърифат пайдо айладим. Аруз фанида кўп моҳир киши экандур. Туркий ғазал машқида табъи кўп латиф ва равон эрмиш. Амир Алишер Навоийнинг бир ғазалига қилган мухаммаси кўп мустаҳсин кўринди. Писандида автор ва ҳамида афъол киши экандур. Тариқат йўлига кирган, муҳаббатлик киши экандур».

Нақл қилишларича, шоир умрининг охириги кунларида асҳоблари инқилоб бўлганлигидан хабар беринибди. «Инқилоб қилишдан мақсадлари нима экан?», — деб сўрабдилар.

— Камбағал, йўқсуллар, даҳрийлар ҳукумати тузилар экан, бойлар, руҳонийлар йўқ қилинар экан», — деб жавоб беришибди.

Шунда домла асҳобларидан бирига қалам олиб ёзишга имо қилибдилар. Бадиҳа қилиб айтган эканлар:

Дунни азиз этибдур давронни инқилоби,

Вазъи замонани кўр, ер осмон эмасму?

Рожий Марғилоний 84 ёшида 1918 йили вафот этди. Айтишларича, қабристон сари жанозаси олиб кетилаётганда, бир гуруҳ ҳофиз мухлислари «Нечук жонман» деб бошланувчи ғазалини йиғлаб куйлаб боришган экан.

Тавба-тазарру, Оллоҳга муножотнинг ўзига хос намунаси бўлмиш бу ғазалда қалб кўзи очиқ, виждонли, шу билан бирга нафс хоҳишини тўла енга олмаган инсоннинг қалб нолалари ифода этилган. Шоирнинг бу тавбаси, хавф-қўрқинчи ва умидворлиги ўзгаларни ҳам тавба қилишга чақиради. Тажоҳили орифона, яъни билиб туриб билмасликка олиш санъатидан моҳирона фойдаланган шоир ўз «мени» орқали «сен», «биз», «улар» туйғуларини жумбушга келтиради. Шу боис, кимки бу ғазални ўқиса ёки тингласа, беихтиёр ўз дардини ёдга олади, шоирга жўровоз бўлади. Яссавийга ҳамоҳанг ёзилган мазкур ғазал бугунги кунларда ҳам ҳофизлар томонидан куйлаб келинмоқда.

ЛУФАТ ВА ИЗОҲ

¹ *Мисмор ўлгай — вайроналик бўлгай.*

² *Хайрат — хайр сўзнинг кўплиги, яхшилик.*

³ *Калла — гала бўлиши, яъни қўй галаси бўлиши мумкин.*

⁴ *Фалсафа — қўлёзмада «философия» деб ёзилган.*

⁵ *Ғавс ус-сақалайн — инс ва жинлар ғавси, яъни қўллагувчиси.*

Ғавсул Аъзамнинг унвонларидин бири.

⁶ *Рижол ул-гайб — кўринмас пиёдалар. Хизр алайҳиссалом рижол ул-гайбларнинг энг машҳури.*

⁷ *Бофанда — тўқувчи*

⁸ *Карх каробаса — жинлар подшоҳи*

⁹ *Олам ақсоси — «галактика»га тўғри келади.*

¹⁰ *Таб — сурункали иситма*

¹¹ *Қасидаи муфарраҳ ул-атроҳ — гамгинларни севинтирувчи қасида.*

РОЖИЙ МАРФИЛОНИЙ

«СЕНГА БЎЙНИМНИ СУНГАНМАН...»

*Нечук жонман, паришонман,
Сару по айбу нуқсонман,
Ёмонман, йўлдан озгонман
На инсонман, на ҳайвонман.*

*Абас умримни ўтказдим,
Гуноҳлар дафтарин ёздим,
Маоси даштида оздим
Тополмай йўлни, ҳайронман.*

*Ҳисолимдин уятгонман
Гуноҳ лойиға ботгонман,
Худойшмани унутқонман
Нечук дерман «Муслмонман».*

*Ўтиб кетди маҳу солим,
Оқарди сочу сақолим,
Дигаргун бўлмади ҳолим,
Маолимдим паришонман.*

*Олиб касби ҳалолим деб,
Ҳақи мардумни молим деб,
Есин аҳли аёлим деб,
Югурган қавли ёлгонман.*

*Амал — уқбони даркори,
Бу дунёдир экинзори,
Ҳусулим — маъсият бори,
Гуноҳ кишига деҳқонман.*

*Ўзил-қизлар қиёматда
Қочар, мазмуни — оятда,
Алар деб ман ҳалокатда,
Жаҳон расвоси нодонман.*

Қарибман — танда зўрим йўқ,
Йиғишликдан шуурим йўқ,
Гуноҳимдин ҳузурим йўқ,
На суд эмди? Пушаймонман.

Жаҳон кўҳна работ эркан
Мусофирлар келиб, ўтган,
Адам саҳросига кетган
Манам бир лаҳза меҳмонман.


Нетарман гўр азобига,
Малойикни жавобига,
Қиёматни ҳисобига?
Ёмон олу да домоңман.

Қани Жамиид тахтида,
Скандар борми бахтида?
Манам ўткинчи вақтида,
Гадоман, гарчи султонман.

Қулингдурман манам, ё Раб,
Гуноҳимдин на гам, ё Раб,
Агар қилсанг Карам, ё Раб,
Зиҳи мамнуни эҳсонман.

Иноятлик илоҳимсан,
Паноҳим — такагоҳимсан.
На қилсанг подшоҳимсан,
Санга бўйнулни сунгонман.

Гуноҳим ҳаддидин ошти,
Қиёмат ваҳми ҳам бости.
Бўлиб гуфронинга Рожий
Умидвор аҳли Раҳмонман.



II қисм



ВАЛИЙЛАР ТАЗКИРАСИ



*Халқ ичра Ҳақ авлиёсини бил раҳмат.
Ул хайлдин ўлди элга мойил раҳмат.
Зикр айлаб аларни эт ҳосил раҳмат.
Ким зикрлари айлади нозил раҳмат.*

Алишер **НАВОЙ**

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг «Тазкиратул авлиёи туркий» асари ҳақида

Шарқда шахсни ҳар томонлама камол топтириш муаммоси ҳамиша етакчи масала бўлиб келган. Ислом динининг ўз олдига қўйган асосий мақсади ҳам фикрловчи, комил, яратувчи ва яхши хулқли инсонни тарбиялашдир.

Бу эзгу ва сермашаққат тарбия жараёнида ислом турли маслак ва тажрибалар хулосасига суянади. Аслида Оллоҳнинг борлиги ва ягоналигини тан олиш, яъни иймон келтириш, беш вақт намоз ўқиш, закот, рўза, тариқат одоби, саховат, ҳалимлик, кечирувчанлик, ризо, сабр, садқ, риёзат шу тарбиянинг усулларидан ҳисобланади. Мазкур усуллардан фойдаланиш ва унга амал қилиш учун эса илм олиш, руҳий ва жисмоний чиниқиш талаб этилади.

Асрлар давомида бу тарбия усуллари таъсирида ёки унинг пировард маҳсули ўлароқ кишиларнинг шундай тоифаси вужудга келди: уларнинг бу соҳадаги хатти-ҳаракатлари шу қадар ҳайратомузки, улар маърифат ва камолотнинг қўл етмас юксакликларида маскан тутиб, бошқаларни ҳам шу юксаклик томон имлайдилар.

Уларнинг гўзал ва ибратли ишлари тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб, авлоддан-авлодга ўтиб, то шу кунга қадар ҳам яшаб келмоқда.

Бу тоифанинг тоат-ибодати, закоти, рўза тутиши, тариқати, саховати, муомаласи, сабру сидқи, илм-фан, кашфиётлар йўлидаги риёзати оддий мусулмончилик анъаналаридан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Аввало, улар ўз меҳнатлари эвазига топилган ҳалол луқмани еб, умргузаронлик қилишни инсонийликнинг биринчи ва муқаддас фарзи деб биладилар. Уларнинг буюклиги ҳам ана шу фарқда. Шу боис кишилар уларга ихлос қиладилар, ҳар турли табиий ва ижтимоий офатлардан халос бўлишда уларнинг ақл-заковати, чора-тадбирига суянадилар.

Улар ислом фарз ва суннат деб кўрсатган талабларни жуда эрта адо этиб, ўз тоат-ибодатларидан қониқмайдилар. Ҳақ ва Ҳақиқатга, ўзлари мансуб жамиятга хизматларидан ҳам кўнгиллари тўлмай, бунинг янада янги қирраларини излайдилар. Бу изланиш кўпинча бошқаларга ғайритабиий, ҳатто ша-

риат аҳкомларига зид бўлиб туюлади. Шу боис кўпинча уларни девона ҳам дейдилар, ўз ораларидан ҳайдаб ҳам чиқарадилар, баъзи ҳолларда жаҳолат ва хурофотнинг қурбони ҳам бўладилар.

Мана, барчага маълум бўлган рўза тутишни олиб кўрайлик.

Мусулмончиликдан аёнки, ҳар йили Рамазон ойи мобайнида ҳар куни тонг отмасдан то кун ботгунга қадар смай-ичмай, тоатибодат, шунингдек, амалий иш билан шуғулланиш рўза тутиш деб аталади. Бу ҳам аслида кишидан катта жисмоний ва руҳий ирода талаб этади. Кишилар албатта бу фарзни адо этадилар. Хўш, мазкур сифат эгалари-чи?

Ҳазрат Алишер Навоийдан эшитинг:

«Бу тоифа анга кўшиш қилурким, андоғки, смак, ичмақдин бўғузға савм буюрғайлар, жамеи аъзоға ўз қилур феълларидан рўза буюрғайлар: кўзга номашруъ нимага боқардин, қулоққа номашруъ ун эшитурдин ва аёққа номашруъ қадам урмоғдин, иликка номашруъ нима тегмағидин ва илоҳозо жамеи аъзоға бу дастур била. Ва бовужуди бу суҳбатлар барчадин саъброқ кўнгил рўзасидурки, Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин ўзга ҳеч нима хотирға кечмақдир ва рўзани доимий кўнгилга буюрурлар!»¹ Хўш, ўзингизга ўзингиз бир умр мана шундай талаб қўйиб яшай оласизми? Бардошингиз етадимиз?

Ёки закот бериш шартини олиб кўрайлик. Ўз ортиқча даромадингиздан бир қисмини егим-есир, фақирларга берасиз. Мазкур тоифа эса, «дунё таркини қилур», яъни бутун мол-мулкни закотга бағишлайди. Ва бу ишдан улар чексиз ҳузур-ҳаловат топадилар. Солиштириб кўринг — шарият буюрган закот қайдаю, улар ихтиёр қилган закот қайда?! Энди тариқат одобини кўздан кечирайлик. Ислому тариқати талаб қиладики, яхшилик қилганга яхшилик қилғайсиз, каттани ҳурмат, кичикни иззат. Катталар ҳузурда кичиклар хизмати рисоладаги одобилик нишонаси ҳисобланади.

Улар эса: «Барча халойиқдин ўзларин кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурда бўлурлар, ҳаттоки ўз фарзандларига ва ходим ва мамлукларигаки, ҳар неча алардин беқоидальғ кўрсалар, хушунат била аларға сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар, ҳаттоки ўғриғача».

Шунчалик олижаноблик, камтаринлик хислатларига эга бу тоифа оддий одамлар қила олмайдиган кароматларга ҳам эга бўлганлар. Бунга эса улар узоқ вақт ўқиб, ўрганиб, машқ қилиш, риёзат чекиш билан эришганлар.

Оз фурсатда узоқ жойга ета олиш, ҳайвонлар ва ўсимликлар «тили»ни уқиш, кўрмаган ишини ҳис қилиб айта олиш, сув устида юрмоқ, ҳавода сайр этмоқ, самоъ (рақс) вақтида дарахтни таг-томири билан кўпориш, деворни бармоқ ишорати билан ағдармоқ, қўл ишорати билан душман бошини учирмоқ, дарёларда чўкаётган кемаларни тутиб, қирғоққа чиқармоқ, хоҳласа ёмғир ёғдирмоқ, шамол эсдирмоқ ва уларни даф қилмоқ, биёбонда йўлдан адашганларга йўл кўрсатмоқ уларнинг ҳаворик одат ва кароматларидан саналади.

Бу тоифалар таълимоти исломдан, қолаверса бутун инсоният томонидан яратилган илм-маърифатдан озик олган амалий ва назарий-фалсафий таълимот — тасаввуф деб аталади. Унга мансуб бузруклар — авлиёлар, сўфилар ва машойихлар, деб юритилади. Бу тоифага пул, мол-дунё ёки наслу насабни ўртага қўйиб кириб бўлмайди. Балки кишиларнинг барча табақаси ичидан етишиб чиққан ақл-фаросатли, доно, ҳалол, жасур ва меҳнатсевар инсонлар бу тоифага мансуб, деб топилади.

Улуғ мутафаккир ва мутасаввифларимиз ҳақида маълумотларни кўздан кечирарканмиз, Носируддин Рабғузий (XIV)нинг «Қисас ур-Рабғузий» асаридаги бир парча зътиборимизни тортди. Муаллиф Муҳаммад алайҳиссалом асҳоблари сифатини куйидагича таърифлайди:

«Қамуғ саҳобаларнинг сифати бу эрди — улар Тенгри азза ва жалла фармони уза эрдилар. Шугллари Тенгри азза ва жалла қўллуғин қилмоқ эрди. Жиҳод қилмоқға ануқ, тилаклари мавло таолонияг хушнудлуқи эрди, душманлиқлари шайтон бирла эрди. Қазога рози, балоға шокир эрдилар. Кишиларни ўзлариндин илгари туттилар, раббатлареки дунё молинға оз эрди, тирикликлари ҳақ сўзламак бирла, бермаклари ҳади эрди. Дойим кўрқинч ичинда эрдилар, бир-биринга меҳрибон эрдилар. Кимарсани ёд қилсалар эзгулик бирла зикр қилур эрдилар, ғийбатдин, ҳасаддин, бўҳтондин кўрқиб, сўзлари ҳикмат, нафелари ибратлик, турмушлари фикрат эрди. Ачиг вақтинда сабр қилмоқ, хушнудлиқ вақтида узр қилмоқ, ўз ҳожатларидан киши ҳожатларини илгари тутмоқ, ўзлари чигай (камбағал) эркан халқға нафъ еткурмак, ёзуқ-

луғлар узрин қўлмақ (сўрамоқ), ваъдани рост тутиб, охират савобини умид тутмоқ одатдаги ишлари эди. Ёзуқлуғлар ёзуқин, айбин ўрттилар, ислом ҳақин сақладилар».

Агарда биз бу сифатларни Навоийнинг суфилар ва машойхларга берган таърифига солиштирадик, уларнинг муштарак экани аён бўлади. Демак, исломий тасаввуфнинг булоқбошиси пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдирлар. Зеро, Муҳаммад Мустафо султон ул-анбиё ва бурҳонил асфиёдирлар.

Бундай улуғ инсонлар қадим Мисрда, сирли ва мафтункор Ҳиндистону Хитойда, Хуросон ва Мовароуннаҳрда етишиб чиққан файласуфлар, муҳаддислар, муҳандислар, меъморлар, ҳакимлар, фозиллар, муаррихлар, шоирлар, ҳофизлар бўлиб, улар ҳақида қадим ул айёмда «Шарҳ ул-қулуб», «Маърифат ул-нафс», «Кашф ул-асрор», «Табоқат ус-сўфия», «Маноқиби Қодирия», «Тазкиратул авлиё» «Кашф ул маҳжуб» отлиғ китобларда ривоят ва ҳикоят қилинган.

Абдуллоҳ Ансорий (XI), Фаридулдин Аттор (XII), Юсуф Ҳамдоний (XIII), Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби муаллифларнинг бу борадаги китоблари илм аҳлига яхши маълум. Юқорида айтиб ўтилган алломалар қаторида Марказий Осиёда туғилиб вояга етган буюк бобокалонларимиз жуда кўп. Уларни эслаганда, даставвал қомусий олимлар Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бизга машҳур шоир, тарихчиларнинг исми шарифлари келади. Лекин тарихда биз номларини билмаган қанчадан-қанча улуғ аждодларимиз бор. Ўтмиш адабий-тарихий ёдгорликларимизни яхши ўрганмаганлигимиз, нотўғри тарғибот-ташвиқот туфайли уларнинг асарлари, ҳаёти бизлар учун ҳали қоронғу. Хайриятки, мустақиллик туфайли улар ҳақида ўйлашга, улар меросини излаб топиб, татбиқ этишга киришдик. Натижада буюк аждодларимизни қайтадан кашф этиб, улуғларимиз рўйхатига янги-янги табаррук зотлар номини қўшмоқдамиз.

Яқинда илм-фанга номаълум улкан бир адабий-фалсафий қўлёзма асарни қўлга киритдик. Бу асарнинг номи «Тазкиратул авлиёи туркий» бўлиб, унинг муаллифи Шарқий Туркистонда туғилиб камол топган, охир умрини Қашқарда ўтказган шоир ва олим, таржимон ва тилшунос Муҳаммад Сиддиқ Рушдийдир. Муаллиф ҳасбиҳол мазмунидаги маснавийсида бу асарни тўрт йил давомида ёзиб, ҳижрий 1294 йилда тамомлаганини таъкидлаб ўтган.

Уч юз саксон икки саҳифали бу йирик ёзма ёдгорликда 95 шайхнинг ҳаёти ва фаолияти, турмушга, жамиятга, инсон руҳий дунёсига, табиат ва ҳайвонот оламига муносабатлари ривоят, ҳикоят, латифа, ҳикмат жанрларида ёритиб берилган. Шунингдек, бу асар Шарқ тарихи, жуғрофияси, ислом дини ва тасаввуф назариясига оид қимматли маълумотлар тўплами сифатида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Кишини қувонтирадиган, қалбини фахр ва ифтихорга тўлдирадиган томони шундаки, китобда зикр этилган улўғ инсонлар орасида Она-юртимизда камол топган, илм-фан, маориф ва маиший маданият тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган, номлари бутун Осиёга маълум ва машҳур бўлган Муҳаммад Али Ҳаким ат-Термизий, Абубакр Варроқ Термизий, қаршилик Абу Туроб Нахшабий, фарғоналик Абубакр Воситий, марвлик Фузайл Аъз, Абу Али ибн Синонинг дўсти, аниқроғи, катта замондоши Абулҳасан Харрақоний, Абубакр Сайдалоний каби илми ҳикмат, фалсафа ва фикр донишмандлари бор. Биз китобдан бобокалонларимиз зикрларини алоҳида ажратиб олдик. Янги маълумотлар билан бойитиб, услубий жиҳатини соддалаштириб баён этдик. Замондошларимиз асарларини ўқиб-ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто номларини ҳам билмайдиган ўтмишдаги улўғ бобокалонларимиз ҳақида ҳикоя қиларканмиз, бу маълумотномалар, келажакда қилинажак янги-янги кашфиётлар, тадқиқотлар учун бир манба вазифасини ўтайди, деб умид қиламиз. Бу ҳикоялар ўтмиш меросимизни ўрганишга бўлган қизиқишларни янада кучайтирса ўзимизни бахтли ҳисоблаймиз.

Энди эса Рушдий ва унинг тазкираси ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтамиз.

«Тазкиратул авлиёи туркий», «Рисолан Қодирия» китобининг муаллифи, истеъдодли шоир, мутасаввиф олим Муҳаммад Сиддиқ Рушдий XVIII аср ўзбек тасаввуфий адабиётининг йирик вакилидир. У 1706-1707 йиллар орасида Шарқий Туркистоннинг Ёрқанд диёрида туғилиб, 1785-1790 йиллар орасида вафот этган.

Ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоийдан сўнг авлиёлар тўғрисида энг йирик ва аҳамиятли асар Муҳаммад Сиддиқ қаламига мансуб «Тазкиратул авлиёи туркий»дир. Шайх Фаридуддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» асарида 72 шайх зикри берилган бўлиб, Рушдий тазкирасида 95 шайх — авлиё зикри берилган. Агар Аттор зикрларни суннат тариқасида қисқа-қисқа баён этган бўлса, Рушдий бошқа манбаларга суянган ҳолда кенг

зикр этиш йўлини тутган. Ундан ташқари муқаддимада ўз ҳаёти, ижтимоий турмуш, замон ҳодисотлари хусусида қимматли маълумотлар ўрин олган, шунингдек, 158 мисралик «Хасби ҳол» битиб, ўзининг фалсафий мушоҳадалари, аччиқ қисмати, тазкира битишга туртки бўлган омиллар, устозлари ва дўстлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

XVIII аср Шарқий Туркистон тарихи, Хитой ва Жунгория муносабатларига оид манбалар билан танишиб, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ҳаётига оид чуқур маълумотларга эга бўлдик. Маълум бўлмоқдаки, Рушдий Шарқий Туркистоннинг Хитой хоқонлиги томонидан босиб олиниши, мустамлакага айлантирилиши палласида яшаб ўтган. Жуда кўп ижтимоий-сиёсий воқеаларни ва фожиаларни ўз бошидан кечирган. Унинг саховатли ҳомийси Кафакбек мадраса ва масжид бино қуриш билан кифояланиб қолмай, охиратни эслатувчи улуғ инсонлар ҳаётига оид китобларни ёздириб, таржима қилдириб келажак авлодга ёдгорлик қолдиришга қарор қилади. Бу китоб «Тазкиратул авлиёи туркий» эди. Маънавият қомуси бўлмиш бу асарни Хожа Кафакбек «Келгувси деб бу иш анинг илкидин» Муҳаммад Сиддиқ Рушдийга топширади. Чунки унинг ирфоний иқтидорни, маънавий салоҳиятини шунга лойиқ эди.

Тазкира муқаддимасида Рушдий шундай ёзди:

«Олам маҳосилида умрим ҳосили ушбудурким қаламим саҳфа юзига сабт этмишки, муддате фазойил аҳли йўлида фазилат таҳсили учун югурдим, замоне уламолар хизмати қаторида сафи наҳл ичра ер тутиб, кафшлари наълларин юзумга сурдим, гоҳ қофиясанж, мазмунписанд, мавзунтаъб шуаролар мажлисларида мақоми панжгоҳда мухаммас айтиш, чоргоҳ тараннуми бирла рубоий иншосида ғазал айтмоқ бирла мақоми эшонда нағма туздим, муддате муаммо майдонида набардлар аро от чиқардим».

Маълум бўлмоқдаки, Муҳаммад Сиддиқ саводи чиққан кундан бошлаб, ўз даврининг фозиллари, уламолари ва шоирлари даврасига ўзини уриб, уларга хизмат қилиб, араб-форс тилларини, шърий маҳорат сирларини пухта ўзлаштирган. Ғазал, мухаммас, муаммо ва рубоийлар битиб, шухрат қозонган. «Мақоми эшонда нағма тузган» — жаҳрий зикр йўлида ҳам байтлар битиб, аҳли тариқатлар билан ҳамнишин бўлган. Пок зътиқодли бу зот Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг авлодлари ҳузурида хизмат қилиб, файз-футуҳ топган. Мадрасаларда дарс берган.

Рушдийнинг шеърий истеъдодини тўлиқ намоён этган «Хасби ҳол» шоир қалбининг ўзига хос таржимонидир. Унда шоир ўзининг Оллоҳга бўлган буюк ишқини, Расулulloҳга бўлган сўнмас ихлосини, ишқ эли бўлмиш анбиё ва авлиёлар йўлига бўлган ўтли муҳаббатини ҳис этамиз. Оллоҳга муножотда шундай дейди:

*Зикринг ила кўнглима еткур футух,
Зикринг ила айла футухим вузух
Ишқ чароғи била кўнглим ёрут,
Назмаи шавқинг била жоним овут.
Жазбаи ишқингни менга, эй Илоҳ
Қил тилинг пўясида хизри роҳ.
Ишқ эли васфида чекай бир наво
Даҳр элига андан еткурай садо.*

«Тарихқа минг бир юз тўқсон эрди ибтидо қилдим. Тўрт йил тамом бўлганда итмомига еткурдим», — дейди адиб, бу милодийга айлантирилганда 1780 йилга тўғри келади:

*Тўрт йил ўтрусида чекдим рақам,
Не илик ором олиб, не қалам.*

«Тазкиратул авлиёи туркий» жумласини содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, у «Худонинг дўстлари бўлган авлиёлар тўғрисида туркий тилдаги эсдаликлар» деган маънони билдиради. Тазкира зикр этиш-эслаш, тилга олиш, бошқаларга айтиб бериш демақдир.

Маълумки, Фаридуддин Аттор (XII аср) форс тилида «Тазкиратул авлиё» асарини ёзган бўлиб, унда етмиш икки валий зотлар ҳақидаги хотиралар, ривоят ва нақллар берилган эди. Шунингдек, улуғ кишиларнинг доно фикрларидан намуналар илова қилинганди. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий эса 95 авлиё зикрини баён қилган. Муҳаддимада китобнинг ёзилиш сабаби, аҳамияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтади.

Рушдий ўз асарининг аҳамияти жуда серқирра эканлигини таъкидлаб, жумладан шундай дейди. «Дониш аҳлининг таъби солимлари ва дониш хайлининг зеҳни мустақимларига маълум бўлғайки, оят, ҳадисдин қолса ҳеч сўз машойихлар сўзларидан улуғроқ сўз йўқдурким, уларнинг сўзлари кўнгил ҳолидин наъжа берур. Бу машойих бузруклар ҳаммалари пайғамбарларнинг

меросхўрлари, муҳаббатнинг кони ва ишқнинг маъданидурлар».

Авлиёлар сўзи (нақл, ривоятлар, фикрлар)ни эшитишнинг қандай аҳамиятга эгаллиги тўғрисида Рушдий бир ривоятни мисол қилиб келтиради. «Шайх Абу Али Даққоқдин сўрадиларким:

— Авлиёлар сўзларини эшитгандан на ҳосил бўладур?

— Аввал улки, агар толиб киши бўлса, талабга инъо ва ҳиммати қавий бўлур, иккинчи фойда улдурки, агар кишининг тақаббури ва димоғи бўлса, авлиёлар сўзи кибрни сўндирар, ўзидаги даъвосини кўнглидин чиқарур, яхши-ёмонни кўзга кўрсатур».

Кўнгли бировдан шикаст топган киши бўлса, ўқиб таскин ва қувват топади. Ҳадис борки, «Аҳли солиҳларнинг сўзлари зикр қилинган ерга раҳмат ёғади». Рушдий китобни ёзишга ундаган сабабларни санар экан «яна боис ул бўлдики, Қуръондин ва ҳадисдин кейин авлиёлар сўзидин хўпроқ ҳеч сўз йўқдур. Бу тоифанинг ҳамма сўзлари Қуръон ва ҳадиснинг шарҳидур. Анинг учун ўзимни улар сўзларига машғул қилдим», дейди.

Бундай ташқари бу китобни ўқиган кишида тўрт хосият пайдо бўлишини таъкидлайди:

Аввал, халқнинг кўзига дунёни совуқ қилиб кўрсатади, иккинчи, халққа эслатмалар тарзида йўлдош бўлади, учинчи, киши кўнглида Худога муҳаббат пайдо қилади.

Тўртинчи, бу китоб хотинларни эр қилади, эр кишиларни шермард қилади.

Муқаддима сўнгида Рушдий авлиёлар исмларини бир-бир баён этади. Ундан сўнг мақомот, каромат, ривоятлар, таржимаи ҳоллар, воқеалар ва имо-ишоратларни келтириб ўтади.

Бу йирик ёзма ёдгорлик Шарқ тарихи, жуғрофияси, ислом дини ва тасаввуф назариясига оид қимматли маълумотлар тўплами сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Миллий маънавиятимиз такомилда ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлган Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ижодини чуқур ўрганиш XVIII асрда яшаб ўтган бир улуғ сўз санъаткорининг кашф этиш ва унинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрнини аниқлаш, тазкирани тўлиқ нашр эттириш, уни бугунги маънавий мулкимизга айлантириш галдаги вазифаларимиздандир. Шу боис ушбу асардан ҳамюрт боболаримиз зикрларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик. Келажакда асар тўлиқ ҳолда китобхонлар қўлига етиб боради, деб умид қиламиз.

АВЛИЁЛАРНИ ТАНИШ

Буюк мутасаввиф олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салим ал-Басрийдан «Халқ орасида авлиёни қандай топиб олиш мумкин?» деб сўрашганда шундай деб жавоб берган эканлар:

- 1) Тили ширилиги ва хушмуомала суҳбати;
- 2) Ахлоқининг гўзаллиги;
- 3) Чеҳрасидаги табассум;
- 4) Жўмардлиги, сахийлиги;
- 5) Эътирози озлиги;

6) Уэр сўраб, хатолари кечирилишини сўраган кишиларнинг уэрларини тез қабул қилиши;

7) Бутун махлуқотларга — яхши-ёмон инсонларга, ҳайвонот оламига раҳм-шафқатли бўлишлигидан билиб олиш мумкин.²

Фаридуддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё», Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насойим-ул муҳаббат», шунингдек, «Тазкираи Бугрохоний», «Тазкираи гавсия», «Жавоҳир-ул ғайбия» каби асарларда авлиёлар сифати, шамойили алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Тазкира ва девонларда «авлиё» сўзига маънодош сифатида ўнлаб сўз ва ибораларга дуч келиш мумкин:

Аҳли кўнгил, аҳли дил, аҳли дард, ориф, мажзуб, ишқ эли, валиюллоҳ, хос қуллар, эранлар, азизлар, худонинг халқи, марди худо, мардон, аҳлуллоҳ, дарвеш шулар жумласидандир. Бу сўз ва иборалар Оллоҳга яқин зотлар, комил инсонликка интилувчи мўмин бандалар сифатларини ифодалайди.

Улуғ шоир ва донишманд Абдуллоҳ Ансорий раҳматуллоҳи алайҳи «Авлиёи Оллоҳлардан бир сўз ёд олинглар, агар ёд олишга эринсанглар, уларнинг исмларини ёд олинглар, мунинг бирла кўп баҳра олурсизлар», деб айтган эканлар.

Алишер Навоий авлиёларни танишнинг фазилатларини сўзлар экан, «умид улки, бу залолат водийсида гумроҳдек маҳрумлар бу ҳидоят олами раҳнамойларининг оёғи тупроғи бирла тийра бўлғон ботин кўзларин ёрутмоққа баҳраманд бўлғойлар ва хокисор бошин ул оёғларга туфроқ қилмоқ бирла сарбаланд бўлғойлар»,³ деб ёзган эди.

Кўринадики, Навоий авлиёларни «ҳидоят оламининг раҳнамойлари», яъни тўғрилиқ оламининг сарбонлари деб таърифламоқда.

Шу сабабли бўлса керак, Муҳаммад Сиддиқ Рухдий:

*Ишқ элининг хизмати келди ишим,
Дард элининг кўйига еткур бошим,
деб Оллоҳга муножот қилган эди.*

Хожа Аҳмад Ясавийнинг издоши Азимхўжа Эшон эса авлиёлар тўғрисида ёмон фикрга бориш хосиятсиз иш эканлигини таъкидлаб:

«Эранларга тил текизманг, дусларим-о», деб ёзган эди.

Нақшбандия пирларидан бири Хўжаназар Ҳувайдо авлиёлар хизматини қилиш кўп хосиятли эканлигини ифодалаб:

*Агар топсанг ўшал марди Худони кечаю кундуз,
Қилиб хизмат, эшигин ёстаниб адо бўлгил,
деган эди.*

«Ошиқлар» сўзи ҳам сўфийлар истилоҳида «валийлар» ўрнида истифода этилганига гувоҳ бўламиз. Ҳувайдо ғазалларидан бирида ўқиймиз:

*Мунда юргай хору хас янглиг, ҳамага зеру по
Тонгла Арш устида санчилгай ливойи ошиқон.*

Яъни, бу ёруғ оламда Оллоҳ ошиғи бўлган кишилар аҳли дунё оёғи остида хору хасдек юрадилар, аммо тонгла қиёматда уларнинг байроғи Арш устида тикилади, уларни одамлар таниб олади.

«Маъқулоту Соқибий»да келтирилишича, дуо мустажоб бўлмоғининг ўн беш шarti бордир:

1. Дуогўй ҳалол таом еган бўлсин.
2. Таом ҳалолдан келган бўлсин.
3. Рўзадор бўлсин.
4. Дуо қилишдан аввал садақа берган бўлсин.
5. Дуодан илгари тавба-истиғфор қилган бўлсин.
6. Ихлос билан дуо қилган бўлсин.
7. Ҳузури қалб билан дуо қилган бўлсин.
8. Қўлини кўтариб, кафти юқорига, кўзи кафт устига қараган бўлсин.
9. Тасбеҳ айтиб аввал-охирда саловот айтган бўлсин.
10. Юзи қиблага қараган бўлсин.
11. Дуо ижобат бўлганига кўнгли гувоҳлик бермагунча кафтини юзига суртишга шошилмасин.
12. Пинҳона дуо қилсин.
13. Ҳожатмандлик билан, музтар бўлиб дуо қилсин.
14. Зор-зор, такрор-такрор сўраб дуо қилсин.

15. Худонинг зотига ориф бўлсин ё ориф зотнинг олдида ўлтириб дуо қилсин («Ҳадойиқ-ул ахбор» китобида бунга ҳужжат бор).

Бунга ҳужжат яна будурки, ҳадисда «кимки Худо билан бирга бўлай деса, орифлар бирла ўлтирсин» дейилган.

Авлиёларнинг яна бир муҳим хосиятлари бор. Оллоҳ таолонинг 99 исми Қуръонда зикр этилган. Буни «Асмой ҳусна» — гўзал исмлар дейдилар. Гўзал исмлар орасида «Исми аъзам» — улуғ исм пинҳон дейилади. Баъзи уламолар «Исми аъзам» — «ху-ху» дейишса, баъзилар «Алиқол азим» дейдилар, баъзилар сураи Ҳашрнинг аввали ва сураи Ҳадиднинг охири» дейдилар, баъзилар Ёсин сурасидаги «Саламун қавлам мир роббир роҳим», десалар, баъзилар «Исми Аъзам Қуръон ичида махфийдир, худди қадр кечаси бир ой ичида махфий бўлганидек», дейдилар. Баъзилар «Исми Аъзам» ҳар бир вилоятда мавжуд бўлган авлиёларнинг вужудлари ичида деб ҳисоблайдилар. Бунга далил қилиб «Ҳар бир вилоят дўсти Худодан ҳолий эмас», ҳадисини келтирадилар. Юқорида дуо ижобат бўлмоғининг ўн беш шартини бежиз санаб келтирмадик, зеро, биз таърифлаётган зотлар халқнинг ўша шартларга тўлиқ амал қилиб дуо қилувчи вакиллари бўлишган. Шу сабаб одамлар улардан дуо талаб қилишган.

Халқимизда «Авлиёлар Худо эмас, Худодан жудо эмас», деган сермаъно мақол бор. Яна «Маҳаллаю оилада, эл-юртда файзу бирака катталарингиз билан», «Катталарнинг дуосидан қолма», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қари билганни пари билмас» каби мақоллар ҳам борки, улардаги «қари» сўзи пири бадавлат, оқил ва доно инсонларни ифода этади. Шундай нақл қиладиларки, дунёда ҳар бир яхшилик содир бўлар экан, у Худонинг дўстлари райъи билан, сабаблари билан, хосиятлари билан содир бўлади.

Дунёда ҳар бир ёмонлик содир бўлган бўлса, Худонинг душманлари боисидан пайдо бўлар экан.

Ҳар ким ўз вилоятининг қутби билан иши бўлмаса, Худонинг дўстларига озор берса, ул вилоятга Оллоҳнинг итоби ва ғалаби келади. Худои таолонинг дўстларига озор берса, ё ўлдирса, ўша юрт таназулга учрайди. Бунга мисол қилиб «Қуръони карим»да зикр этилган Лут қавми, Од қавми, Фиръавн ва Намруд қиссаларини келтириш мумкин.

Яқин тарихимиздан мисол олсак, Хоразмшоҳлар Мажидиддин Бағдодийни ўлдирдилар — Хулакухон келиб Хоразмни ер билан яқсон қилди. Халифа Сафони қипчоқлар тоифаси ўлдирди — ўзларининг қони ҳам дарё бўлиб оқди. Ҳар бир подшоҳ давлатидан маҳрум бўлган бўлса, ё интиқолга учраган бўлса, албатта

худонинг дўстларига озор берган бўлади. Ҳар бир подшоҳ азиз-авлиёларга ҳурмат, иззат кўргизган бўлса, узоқ йил ҳукмронлик қилиб, авлоди ҳам ишларини давом эттирган бўлиб чиқади. Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти бунга ёрқин мисолдир.

Амирал мўминин Маҳмуд Ғазнавий Шайх Абулҳасан Ҳаррақоний раҳматуллоҳи алайҳи зиёратига келиб, бир васият талаб қилади. Шайх унга шундай дейди:

«Эл-улусга зулм қилма, намозни жамоат бирла ўқи, Худонинг халқига шафқат қил».

Шу сабабли ҳам Ҳазрат Алишер Навоий:

*Халқ ичра Ҳақ авлиёсини бил раҳмат,
Ул хайлдин ўлди элга мойил раҳмат.
Зикр айлаб аларни эт ҳосил раҳмат,
Ким зикрлари айлади нозил раҳмат,*

деб ҳақ сўзларни назм ипига тизган эдилар.

Чиндан ҳам бирор кимса саодатманд, масъуд, пири бадавлат, иззат-ҳурмат соҳиби бўлиб умргузаронлик қилаётган экан, билин-гки, унинг бирор дўсти худонинг ризосини топгандир. Яхшиларнинг буйруғи, дуоסי ва ризоси баайни Худонинг буйруғи, ризосидир.

*Уларнинг қабули Худонинг қабулидир,
Уларнинг радди Худонинг раддидир.*

«Пайғамбарларни зикр қилишлик ибодатдир, авлиёларни зикр қилишлик гуноҳларга каффоратдир» ҳадисига суяниб, авлиёлар зикрини бошлаймиз.

АДАБИЁТЛАР

¹ Алишер Навоий, *Асарлар, 15 жилдлик. 15-жилд. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968, 70-бет.*

² Маҳмуд Асъад Жўшон. *Тасаввуф ва нафс тарбияси. Тошкент. «Чўлпон» нашриёти. 1998. 3-8-бет.*

³ Алишер Навоий. *Асарлар. 14-том. Тошкент. 1973. 23-бет.*

«ҲУВАЙДО ҚИЛДИ ИШҚ»

(Шайх Ҳусайн Мансур Ҳаллож)

Тарихда ҳаёти афсонага айланиб кетган, шоиру ноқиллар асарларида тез-тез тилга олинадиган зотлардан бири Шайх Ҳусайн Мансур Ҳаллождир. У милодий 858 йилда Бағдодда туғилган, 922 йилда қатл этилган.

Ҳусайн Мансур илмий мероси ва тақдиря ўзбек шоирлари, адабиёт ва фан кишилари дунёқарашига жуда катта таъсир кўрсатган. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Азим Хожа Эшон асарларида ҳурмат ила тилга олинади. Машраб девонида ўқиймиз:

*Мансури Ҳаллождек ичиб «шароб антаҳур»,
Чарх уриб, ишглаб турарман ушбу дам дор олдида.*

* * *

*Шайх Шиблий, Шайх Антор, ул «Аналҳақ» суҳбатин.
Қурди, ичди бодани Мансурни дорда қилди ишқ.*

* * *

*Мансурни дор узра кўриб, қилма маломат,
Жон пардасидан илгари жононани кўрди.*

Кўриниб турибдики, ҳар бир байт олам-олам изоҳу шарҳни талаб этади. Ҳар бир байт остида узундан-узоқ нақллар яширинган. Шуларни ҳисобга олиб, аввало ихлос юзасидан, қолаверса, тасаввуф таълимотини тушунишга бироз бўлса-да, кўмак берар деган мақсадда, Мансур Ҳаллож билан боғлиқ тарихий ҳужжатларни, ривоят ва нақлларни жамлаб, ҳозирги адабий тилимизда баёнлашга жазм этдик. Зора замондошларимиз Мансур Ҳаллож аслида ким эди, қандай китоблар ёзган, нима учун биргина «Аналҳақ» дегани учун уни қатл этишган, Мансурнинг «Аналҳақ» дейишдан асосий мақсади нима эди, Ҳусайн Мансурнинг тасаввуф-

даги нисбаси қандай эди?» каби саволларга жавоб топсалар, Шайхнинг кароматлари ҳақидаги нақллар билан ошно бўлсалар.

Биз бу ривоятларни чоп этишга тайёрлашда Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойимул футувват», Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкиратул авлиёя туркий», «Рисолаи Қодирия» асарларидан фойдаландик. Матнларни ҳозирги адабий тилимизга ўтириб, кучимиз етганича изоҳлар бердик.

Ҳадис: Динда ҳаддан ташқари ғулув (чуқур) кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ҳаддан ташқари чуқур кетганлари сабабли ҳалок бўлганлар.

Аввалги сўзни улуғ шоиримиз Алишер Навоий алайҳир раҳма бошлаб берадилар:

«Хусайн Мансур Ҳаллож — учинчи табақадандир. Кунияти Абулғайс. Форснинг Байзосидан эди. Уни аввал «Ҳаллож» демас эдилар. Бир ҳаллож (чиғириқчи, пахтани чигитидан ажратувчи) дўсти бор бўлиб, дўконига келиб ўтирган пайтда уни ишга буюрди. Ўшанда устани ишдан қолдирдим-а, деб кўнглидан ўтказади. Бармоғи билан уюм пахтага ишора қилди — момуғ бир зумда чигитидан айрилиб кетди. Бу амал кентда овоза бўлгач, ҳамма уни «Ҳаллож» деб атай бошлади. Восит ва Ироқда тез-тез бўлиб, Жунайд Бағдодий ва Абулҳасан Нурий ила суҳбат қурган эди. Абу Амр Усмон Маккийнинг шогирдидир.

Машойих унинг тўғрисида ҳар хил фикрда эди. Уни (ҳарашини) рад этишган. Шайх Абул Аббос Ато, Шайх Абубакр Шиблий, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф, Шайх Абулқосим Насрободий ва Шайх Абдуллоҳ Саранж унинг қатл этилишига розилик бермаганлар. Биз унинг нима деганига тушунмаймиз, деб фатво битмадилар (Бу улуғ инсонларнинг ҳар бири ҳақида «Тазкиратул авлиёя туркий» китобида ўнлаб нақллар келтирилган).

«Кашф ул-маҳжуб» китобида таъкидланишича, барча пешқадам машойихлар уни тан олганлар. Кўплаб машойихлар у ҳақда таъна қилиб сўзламаганлар, Мансурнинг муомаласи Оллоҳга шак келтириш эмас, дер эдилар. Тариқат султони, пешқадам шайхлардан бири бўлмиш Абусаид Абулхайр эса мана бундай баҳо бергандир: «У баланд ҳолдадир. Мансурнинг замонида Машриқдан Мағрибгача унга тенг келадигани йўқ».

Шайхулислом (Алишер Навоий бу ўринда Ҳазрати Хожа Абдуллоҳ Ансорийни назарда тутганлар) уни қабул қилганларни кўпроқ севарман, деган. Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф (Ҳафиф — снгил, пок дегани) эса уни «имомни раббоний», дебдур.

Шайхулислом яна шундай деган эканлар: «У чиндан имом, аммо ўзини англаган ва англамаганларга ҳам сўз айтаберди. Ожиз (бу ерда: кам билимли)лар кўнглига гумон солди, шариятга риоя қилмади. Унинг бошига не тушган бўлса, сабаби шу эди. Шунчалик даъво билан («Аналҳақ» кўзда тугилаяпти) бир кеча-кундузда минг ракаат намоз қилар эди. Қатл этиладиган кун кечаси ҳам беш юз ракаат намоз ўқиган экан».

Шайхулислом дебдурларки: «Шайх Мансурни илҳом масаласида ўлдирдилар, унга жавр бўлди. Ва унинг бу ишини баъзилар пайгамбарлик дейдилар, аммо ундай эмас». Шайх Шиблий деган экан: «У нима деган бўлса, мен ҳам шундай деганман, аммо телбалик мени қатлдан асраб қолди, унинг ақли бошини еди».

* * *

Шундай нақл қилинади:

Бир куни Шайх Мансур Жунайдининг эшигини қоқди. Жунайд сўради:

— Кимсан?

Деди:

— Ҳақ.

Жунайд деди:

— Ҳақ эмассан, аммо Ҳақ билан биргасан. Қайси дор оғочини сенинг ила боғлағайлар?!

Устоди Абу Амр бинни Усмон Маккий бу тоифа илмида тавҳид масаласида китоб тасниф қилиб эди. Ғоят нозик китоб бўлиб уни кишилардан яширар эди. Шогирди Мансур китобни яширин йўл билан олиб, элга ошкора қилди. Сўзнинг диққати жиҳати туфайли эл тушунолмади, уни инкор этиб, маҳжур қилдилар — ихлослари қайтди. Устоди Ҳалложни: «Илоҳи, бировни унга ёвлаштириб қўй, қўл-оёғини кессин, кўзин ўйсин ва дорга тортсин», деб қарғади. Устоди дуоибоди билан шундоқ бўлди.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий «Тазкиратул авлиёи туркий»нинг етмишинчи мақоласида Мансур Ҳаллож (раҳматуллоҳи алайҳи) зикрини баён этган:

«Ул қатлуллоҳ, фисабилллоҳ ул сарриштаи таҳқиқ (ҳақиқат калавасининг учи), ул фарқан дарёи муважжаҳий (асос дарёсига фарқ бўлган) Мансур Ҳаллож раҳматуллоҳи алайҳининг ажойиб ишлари бўлган экан. Фаройиб воқеалар, таҳсинга лойиқ тариқалар унгагина хос бўлиб, ўзгалар уни қилолмас ва билмас эканлар. Ниҳоят дардсўз ва иштиёқда бўлиб, фироқ ўтининг шиддатидан доим масту беқарор эди. Доим расволиқ ҳолда (беобрў, беҳурмат, ошкор бўлиб) кун кечирар эди. Оллоҳга ошиқ ва содиқ, покбоз ва улуғ жазабалик (буюк ошиқ) киши эди. Улуғ каромат ва риёзатлари бордир. Ёзган кўп китоблари бўлиб, оз киши маъносин тушунар эди. Кўшлаб машойих унинг борасида тўхталиб ўтганлар. Баъзилари: «Мансурнинг тасаввуфда ҳеч мартабаси йўқдир. Мақомдан ҳеч нисбаси йўқдир», дейишган (Тасаввуф таълимотича, бу йўлга кирган ҳар бир мўмин аввал муридлик, дарвишлик, олимлик, орифлик йўллариини босиб ўтиб, пири комил бўлади. Сўнг валийлик мақомига кўтарилади. Валийликдан юқори мақом набийлик бўлиб, ҳар қанча буюк бўлмасин авлиё пайғамбар деб тан олинмайди). Шайх Абдуллоҳ Ҳафиф, Шайх Шиблий, Шайх Абдулқосим ва ҳамма пешқадам авлиёлар уни қабул қилганлар. Шайх Абу Саййид Абулхайр, Шайх Абулқосим, Шайх Абу Али Форюмадий ва Шайх Абу Юсуф (Фавсул Аъзамнинг дўсти, Аҳмад Яссавийнинг маънавий устози Юсуф Ҳамадоний) Шайх Мансурнинг амалларидаги кўп сирларни очишган.

Баъзилар Мансур борасида жим турибдилар, яъни ёмон ҳам демайдилар, яхши ҳам демайдилар. Масалан, Шайх Абулқосим Қушайрий шундай деган экан: «Агар унинг иши Ҳақ таолонинг даргоҳида мақбул бўлса, уни рад қилиб бўлмас ва агар мардуд бўлса (рад этилган бўлса) халойиқ қабул қилган билан мақбул деб бўлмас».

Баъзилар Шайх Мансурни сеҳрга ҳам нисбат беришибди ва баъзилар ҳулул тоифасидан ҳам дейишибди. Ҳулулий дегани бир бадмазҳаб тоифадирки: «Худон таоло менинг баданимга кириб, ичига тўлган», деб зътиқод қилур. Баъзилар мулоҳипа эди, яъни

ўз мазҳабидан ёнган, (қайтган) бадмазҳаб эди, деганлар. Аммо тавҳид гулининг бўйи қай бир кишининг димоғига етган бўлса, унинг тўғрисида бадмазҳаб деган ҳаёлга бормаслик керак. Агар кимки бундай (юқоридаги таъналар) сўзларни айтган бўлса, унинг тавҳиддан хабари йўқдир».

Абу Райҳон Беруний «Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия» — «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобининг «Пайгамбарлик даъво қилган кишилар» бобида шундай ёзади:

«...Сўнгра Форс аҳолисидан сўфилар йўлини тутган Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож номи билан машҳур бўлган бир киши юзага чиқди. У дастлаб (имом) Маҳдийга даъват этиб, Маҳдий Дайламдаги Толақон шаҳридан чиқади, деб даъво қилди. Ал-Ҳалложни ушлаб, сазойи этиш учун Бағдодга олиб келишди, кейин зиндонга ташлашди. Ниҳоят у ҳийла ишлатиб, зиндондан халос бўлди. У найрангбоз ва ҳунарманд, ҳар бир одамнинг эътиқод ва мазҳабига қараб, у билан чиқишиб кетадиган киши эди. Кейин у ўзига муқаддас руҳ жойлашганини даъво қилди ва ўзини ал-Ҳақ деб атади. Ўз тобеларига мана шундай сўзлар билан бошланадиган мактублар юборди: «У (зотдан) — у азалий ва ёритиб турувчи нур асослари, ҳужжатлар ҳужжати, рабблар рабби, булутларнинг яратувчиси, нур чароқдони, Тур тоғининг рабби ва ҳар бир суратга кирувчидан фалончи қўлига...»

Ал-Ҳалложнинг тобелари эса унга ёзадиган мактубларини шундай бошлардилар: «Сенга мақтовлар бўлсин, эй, ҳақиқат ҳақиқати, лаззатлар ниҳоятининг ниҳояти. Эй улуғ, эй буюк! Сенинг қадимий яратувчи, ҳар замон ёритувчи, ҳар вақт ҳар хил суратда кўринувчи эканингга ва бизнинг бу замонамизда Ҳусайн ибн Мансур суратида кўринаётганингга гувоҳлик бераман. Эй барча ғойибни билувчи, сенинг кичик қулинг, бечора, эҳтиёжмандинг, сендан паноҳ тиловчи, сенга ёлборувчи, раҳматингга умид этувчи», шундай ва шундай, дейди.

Мансур ал-Ҳаллож ўз таълимоти хусусида «Асосий китоб», «Қатта ўлчовлар китоби», «Кичик ўлчовлар китоби» каби асарлар ёзди. Халифа ал-Муқтадир биллоҳ уч юз биринчи ҳижрий йили ундан хабар топиб, минг қамчи урдирди, қўл ва оёқларини кестириб, бўйинини уздирди. Жасадини то куйиб кетгунча нафт септириб, сўнгра кулини Дажла дарёсига ташлади. Ал-Ҳаллож бу қийноқлар вақтида бир калима гапирмади, юзини буриштирмади ва ҳатто лаби қимтинмади ҳам.

Ал-Ҳаллоҷ тобеларидан унга мансуб кишилар қолган. Улар имом Маҳдийга (Маҳдий — шиалар таълимотича, мусулмонлар имоми бўлиб, қиёмат қоим бўлганда юзага чиқади ва Ерда ҳақиқий адолат ва диёнат ўрнатади) даъват қилиб, «У Толақондан чиқади» дейдилар (Толақон — Хуросонда Марв билан Балх ўртасида жойлашган шаҳар).

«Башоратлар китоби»да Ер юзи жабр ва зулмга қандай тўлғизилган бўлса, Маҳдий уни адолатга шундай тўлғизади, деб эслатган киши шудир».

Муҳаммад Сиддиқ шундай ёзади:

Бу борадаги сўзларнинг баёни бепоен ва бу асрорнинг шарҳи чуқурдир. Ушбу китобда юқоридаги гапларнинг кунжойиши (заруриги) йўқдир, шу ваҳждан мухтасар қила қолдик.

Айрим кишиларга мен ажабланаман: «Дарахтдан «Аналлоҳ» деб овоз эшитилса, айбдор бўлмайди, деб раво кўрадурлар ва Ҳақ таоло амрининг тили билан сўз айтаётгандур деб рост биладилар. Агар Ҳусайн Мансурнинг тили билан (Оллоҳ) сўз айтса ҳам чандон ажаб бўлмағай».

Баъзилар: «Ҳусайн Мансур Ҳаллоҷ бўлакдир ва Ҳусайн Мансур Малжад бўлакдир», дейдилар.

Ҳақиқат шуки, Ҳусайн Мансур Ҳаллоҷ бағдодлик эди. Шайх Муҳаммад Зикриёнинг устоди ва Шайх Абусаййид Абулхайрнинг рафиқи эди. Восит шаҳрида парварниш топган эди (махфий қолмасинки, асли фарғоналик бўлиб, Бағдод, Бовар, Восит шаҳарларида таҳсил олган мутасаввиф Абубакр Воситий ҳам бу ерда бежиз яшамаган). Абдуллоҳ Ҳафиф айтур: «Ҳусайн Мансур имоми раббонийдир». Шайх Шиблий айтур: «Мен ва Ҳаллоҷ иккимиз бир нима эдик, аммо мени «мажнун» деб қувладилар — жиннилик ва телбалик билан халосляк топдим. Ҳусайн Мансурни хуши ва ақли ҳалок қилди».

Агар Ҳусайн Мансур мардуд бўлса, бу икки бузрук унинг ҳақида бу янглиғ сўз демас эдилар. Бизга бу икки гувоҳ старлидир.

Шайх Мансур Бовар шаҳрига келган эди. Ундан Тустар шаҳрига ўтди. Кейин Басрага борди. У ерда Усмон Маккийнинг хизматида бўлди. Шайх Яъқуб Иқтиёи ўз қизини унинг никоҳига берди. Шундан кейин Ҳусайн Мансур Ҳаллоҷ Бағдодга келиб, Жунайдиннинг хизматида борди. Жунайд унга хомуш бўлмоқ ва хилватда ўлтирмоқни буюрди. Неча вақт Жунайдиннинг фармони

билан Ҳаллоҷ унинг суҳбатида бўлди. Ундан сўнг Маккага бориб, у ерда бир йил мужовир бўлди. Яна Бағдодга қайтиб, жами сўфийлар билан Жунайднинг хизматига келди. Жунайддан тариқат бўйича бир неча масала сўради. Жунайд жавоб бермади. Ва деди:

— Тезгина оғоч бошини қизил қонга бўярсан.

Ҳусайн Мансур деди:

— Мен оғочни қонга бўяганда, сиз аҳли зоҳирларнинг либосини киярсиз.

Ҳусайн Мансурни уламолар ўлдирмоқ лозим, деб фатво қилишган кун Жунайд сўфиёна эгини ташлаб, хонақоҳдан чиқиб, дастори фарижийни кийиб ўлтириб, уламолар битган фатвога: «Бизлар зоҳир ҳолига боқиб ҳукм қилурмиз, ботинни Худо билур, зоҳири ҳолнинг ҳукми бирла ўлтирмак лозим», деб битди.

НАҚЛ

Ҳусайн Мансур Жунайддан ўз саволларига жавоб тополмагач, кўнгли тўлмаб, берухсат чиқиб Тустар шаҳрига келди ва бир йил у ерда қўним топди. Ҳусайн Мансур бу замона халқининг ҳеч сўзини эътиборга илмас эди. Абу Амр Усмон Маккий Тустар шаҳрига номалар юбориб, Мансур бу ҳолдан тангликка қолиб, сўфиёна эгиндан кечиб тўн кийди. Аҳли дунёга мавъиза ва насиҳат қилмоққа машғул бўлди. Беш йилдан кейин бу эл орасидан ўзини тортди. Гоҳи Хуросонга, гоҳи Мовароуннаҳрга (жумладан, Мансур Бухорога ҳам келган, у ўтириб дам олган катта тошни халқ табаррук санаб, «Санги Ҳаллоҷ» деб атаган, деган оғзаки нақл ҳам мавжуд), гоҳи Нимрўз деган диёрга борур эди. Баъзи маҳалда Сейистон юртида, баъзи маҳалда Оҳвоз шаҳрига келиб, халққа сўз айтур эди. Оҳвоз халқи уни «Ҳаллоҷ ул-асрор» атардилар. У тагин сўфиёна эгини кийди. Маккаи мукаррамага борган вақтида Шайх Яъқуб Шаҳрихурий уни сеҳр қилади, деб соҳирликка нисбат берди. У ердан Басрага келди. Яна Оҳвозга қайтиб, халққа сўз айтди, улар орасида мақбул бўлди.

Мансур Ҳаллоҷ халойиқнинг кўнглидагини ошкора айта олар эди. Шу сабабли уни «Ҳаллоҷ ул-асрор» деб атадилар. Мансур Ҳиндистон диёрига бориб, халойиқни Худога чорлади. Яна Мо-

вароуннаҳрга, сўнг Хўтан юртига келди, халқни Худога чорлади. Панд-насиҳат мазмунидаги тасниф этган китобларини уларга улашди. Ундан қайтиб, яна Оҳвозга келса, атрофдан унинг номига номалар юборадиган бўлдилар: Ҳиндистондан нома келса, «Абу ал-муффом» деб битар эдилар, форсдан келган номага «Абу Абдулло» деб солур эдилар, Хористондан келган номага «Ҳаллоҷ ул-асрор» деб солур эдилар. Хуллас, Шайх Мансурнинг сўзи халқ аро тўла ихтилоф бўлди. Ундан кейин Мақкага борди.

* * *

«Тазкиратул авлиёи туркий»нинг етмиш саккизинчи мақола-сида шундай нақл келтирилади:

«Ўз давронининг ягонаси, Тус машойхларининг улуғларидан бўлмиш ҳидоят ишида машҳур Шайх Абдуллоҳ Минваъзий (раҳматуллоҳи алайҳи) бир куни асҳобларига деди:

— Шу кунлар ичида бир йигит икки қора итни етаклаб келди. Сизлар унинг иқболига пешвоз чиқинглар, у улуғ ҳолдаги кишидир.

Хусайн Мансур Ҳаллоҷ Кашмирдан (Тусга) келаётган эди. Эгнида қора кафанлик, икки қора итни етаклаганча келар эди. Асҳоблар саҳрога чиқиб, Хусайн Мансурга дуч келдилар. Устознинг сўзи ҳурматидан тавозе ва икром кўрсатиб, уни Шайхнинг уйига келтирдилар. Шайх уни кўриб, ўрнидан турди ва ўз жойига Мансурни ўтқазди. Мансур келиб ўтирди. Икки итни эса икки ёнига ўтқаздирди. Дастурхон келтирдилар. Асҳоблар Шайх қилган муомалани кўриб, ҳеч нима демадилар. Шайх унинг нон еганини ва итларига нон берганини кўриб, томоша қилиб ўтирар эди. Асҳоблар кўнгилларида инкор қилдилар.

Мансур Ҳаллоҷ таомдан фориг бўлиб, кетмоққа чоғланди. Шайх уни узатгани чиқдилар. Қайтиб келгач, асҳоблар дедилар:

— Эй, бузруквор, бу на ҳолдур, итни ўз ўрнингизда ўлтирғиздингиз? Бизларни дастурхонни ориғсиз қилган кишини кутиб олгани чиқарибсиз?

Шайх деди:

— Ит унга тобе ва банда бўлибдир. Бизнинг сак (ит)имиз ичимизда пинҳондир. Биз унга тобе бўлибдирмиз. Сак кишига

тобе бўлганининг ва киши сакка тобе бўлганининг орасида фарқ бордир. Унинг ити зоҳирийдир ва бизнинг итимиз пинҳондир. Алҳол, бу вақтда махлуқот орасида подшоҳ улдир. Хоҳ итлари бўлсин, хоҳ бўлмасин, ҳамма хўблиқ ва давлат унга юз келтирибдир.

* * *

Бир йил Маккада мужовир бўлди. Қайтиб келганда аҳвол ўзгача тус олганди. Халойиққа ҳақиқатдан сўз айтар, аммо халойиқ унинг сўзини ҳаргиз фаҳм қилмас эди. Хусайн Мансур Ҳаллож аввалги ҳолида тўла риёзатлар тортган эди. Уни эллик маротаба шаҳардин қувиб чиқардилар.

* * *

Ҳалложнинг бир жандаси бор эди, уни эгнидан йигирма йил ташламади. Шу қадар униқиб, юқариб кетган эдики, ҳатто тарозуда тортиб кўрсалар, беш дона арпа вазнича келди.

* * *

Шайх Мансур эллик ёшга кирганда, мана бундай деган экан: «То бу дамғача ҳам ҳеч мазҳабга кирмадим, аммо қайси мазҳаб қаттиқроқ ва қийинроқ бўлса, уни нафсимга лозим тутдим. То эмди эллик ёшга кирибдурман, намозлар ўтабман, ҳар намозга бир ғусл қиладурман».

НАҚЛ

Бир киши Ҳалложнинг қошига келди. Кўрсаки, бир чаён Ҳалложнинг устида айланиб юрибди. У киши чаённи ўлдирмоққа қасд қилди. Ҳаллож деди:

— Тегмагил ва йироқ турғил, ўн икки йил бўлибдур, бу менинг хизматкоримдир, менинг қошимда бўладур.

Шайх Рашид Самарқандий ҳажга отланиб, дашт бўйлаб йўл олди. Йўл-йўлакай мажлис қуриб, халойиққа панд-насиҳат қилур, ваъз айтур эди. Бир мажлисда шундай нақлни айтиб берди:

— Ҳусайн Мансур тўрт юз муриди билан даштга юзланди. Орадан тўрт кун ўтиб, егулик ҳеч нарса тополмадилар. Иттифоқ қилишиб, шундай дедилар:

— Эй Шайх, бизларга кабоб ва нон емак орзуси бўлди.

Шайх: «Ўлтиринглар», деб иликин орқасига сунди. — Ҳар бир кишига икки иссиқ нон, бир пора кабоб олиб берди. Тўрт юз киши — ҳаммалари сер бўлдилар (қоринлари тўйди).

Шундан кейин ўрнидан туриб, бундай деди:

— Келиб мени ирғитинглар.

Асқоблар Шайхни қўлларида тутганча ирғитишди. Ҳўл хурмо дув-дув тўкилди. Шунчалик кўп тўкилдики, ҳаммалари сер бўлдилар. Шундан кейин ҳар ерга борса, ҳар жойда ўлтириб учасин (сл-касини) қашласа, хурмо тўкилар, асқоблар эса териб ер эдилар.

Дашт оша кетиб борарканлар, бир киши Шайхдан анжир тилади. Шайх илигини ҳавога тутиб, бир табақда анжир олиб берди. Яна бир марта Шайхдан ҳалво тиладилар. Шайх бир табақда ҳалво олиб берди.

Шайх Мансур бир гал тўрт юз киши ила Маккага борди. Шаҳарнинг қораси кўринганда, бир неча дақиқа Маккага қараб қолди. Бадани яланғоч эди. Офтобнинг ҳароратидан бутун вужудидан ёғ оқар эди. Ҳаргиз турган жойидан қимирламади. Ҳар кунни Шайхга арпа нони келтириб берур эдилар. Шу билан ифтор қилур эди. Арофатта борганда бу дуони ўқиди: «Йа далилул муттаҳаййирин!» — «Эй ҳайратга қолганларнинг бошлагувчиси». Атрофига қараса, ҳар бир киши бир дуога машғулдир. Бошини ерга қўйиб, халойиққа қараб, кузатар эдилар. Халойиқ Арофатдан қайтганда бир оҳ чекди. Бу муножотни қилди: «Подшоҳо, азизо! Поксан, мен ҳам поклик билан талаб қиладирман, ҳаммага ғолибсан, ҳамманинг эгасисен! Илоҳо, ўзинг биласанким, ожиз ва бенаводирман. Шукр айтур ерларда менинг учун ўзинг шукр айтгилки, дарҳақиқат шукр улдир».

* * *

Шундай ривоят келтирадилар:

Шайх Мансур Иброҳим Хосдан сўради:

— Не ишдасан?

Иброҳим деди:

— Таваккул мақомида турибдурман. Таваккулимни дуруст ва рост қиладирман.

Шайх Мансур деди:

— Ҳамма умрингда курсоқингни ясаб (қорин гамини еб) юрибсан. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ёзади: «Ул солики бодаи тажарруд — ёлғизлик бодасин тўла сипқорган, ул нуқтаи доираи тавҳид — тавҳид илми доирасин нуқтаси (яъни тавҳид илминини бир доира десак, Иброҳим унинг ўртасидаги нуқтаси) ул муҳташами илми амал — илмга амал қилишнинг муҳташами, ул сиддиқи бар таваккули ихлос — таваккул билан Оллоҳга ихлос қилишнинг сиддиқи Шайх Иброҳим Хос (раҳмагуллоҳи алайҳи) ўз вақтининг яғонаси эди. Тариқат ишларида маҳкам қадами бор эди. Ҳақиқат ишида улуғ нафаслик киши эди. Ҳамманинг оғзида ситойишлик киши эди. Уни «Раисул мутаваккилин», яъни аҳли таваккулнинг сардори дер эдилар. Таваккул ишида, яъни ўз инон-ихтиёрини Худого топширишда шунчаликка бордики, олмаи ҳидлаб, ғизо ўрнига ўтказарди, биёбонда юрар эди. Шайх Жунайдиннинг ва Шайх Нурийнинг дўстларидан эди». Шайх Мансур Иброҳимнинг таваккулдаги шуҳратини яхши билар, шу сабаб ҳам унинг таваккул тўғрисидаги жавобидан қониқмай, салбий жавоб қайтарди. Таваккул тўғрисида Шайх Мансурнинг ўз фикри қуйидагича эди:

«Таваккул улдулки, киши ҳосил қилган илминини риё ва кудуратдан соф қилғай, яъни ихлос ва сидқ бирла ибодат қилғай».

* * *

Шайх Мансурдан сўрадилар:

— Орифнинг ҳеч вақти бўлурми?

Дедиким:

— Бўлмас. Унинг учун вақт улдирки, соҳиби вақтнинг (Худонинг) сифати бўлса, ҳар киши ўз сифати билан ором олса, ул ориф эмасдир. Бу сўзнинг маъноси қуйидаги ҳадиснинг мазмуни

билан маълум бўлур: «Менинг Худо билан вақтларим бордурки (мулоқот қиладиган, мулоқабатга берилладиган), ул вақтда фаришта — (Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроил) ва пайгамбари мурсалдан (бўлак) ҳеч киши орага сиймайди» (Ориф — Худони таниган, тўла кўнгилли кишидир).

Сўрдилар:

— Худога етмакнинг йўли надир?

Шайх Мансур деди:

— Худога етмак икки қадам йўлдир: бир қадам дунёдан кўтаргил, яна бир қадам охираддан кўтаргил — Худога етдинг.

* * *

Сўрдилар:

— Фақир надир?

Деди:

— Фақир улдурки, Худодин ўзгага ҳожатинг бўлмағай ва Худога боқиб турғайсан. (Бизнинг ҳозирги тасаввуримизда ўнглик уй-жойи бўлмаган, бир амаллаб кун кўрувчи киши фақир дейилди. Ҳолбуки, тасаввуфда фақир — сўфийлар йўлига кирган доно, аммо мол-мулкка ҳирс қўймаган кишидир. Кўпинча, улуғ шоирлар ўзларини «ҳақир ул-фақир» деб атайдилар. Буни — шоирнинг ўзини камтарликка солиши деб изоҳлайдилар. Йўқ, «фақир» сўзи банданинг бандага нисбатан ҳолатини англатмайди, аксинча, банданинг Оллоҳга нисбатан ҳолатини англатади. Ислом таълим берадиги, бу оламдаги барча кишилар мол-дунёси, амал-мартабаси, ҳусну жамолидан қатъи назар Оллоҳ қопида фақирдир — И.О.)

* * *

Мансур дебдур: «Маърифат улдурки, тамом мавжудотни йўқ бўладир, деб билмак, Худонинг хоҳишидан ўзга унинг-да орада хоҳиш бўлмағай. Худои таоло Ҳазрати Ҳабиби (Муҳаммад алай-ҳиссалом)га хитоб қилибдурки, «Сен улуғ хўйлиқсан — улуғ хулқ соҳибидирсан». Улуғ хўйлиқ улдурки, халойиқнинг жафоси ва изо-си асар қилмағайким, бу иш Худони танигандан кейин бўлур».

* * *

Яна дебдур: «Тилнинг гўё бўлгани кўнгил хомушлигининг нишонасидир, яъни тил гўёлиги кўнгилни ҳалок қилур».

* * *

Дебдур: «Ризо Оламида бир аждаҳо бордурки, уни «яқин» деб атайдилар. Ўн саккиз минг оламнинг аҳволи унинг оғзига ўтру (рўбарў) келганда, биёбондаги заррага ўхшаб қолади». (Бу сўзларни англамоқ учун «ризо» ва «яқин» атамаларини билмоқ зарур бўлади. Ризо тасаввуф мақомлари — тўхтамларидан бири бўлиб, бу йўлга кирган киши камолот ҳосил этиш учун барча қийинчиликларга бардош беради, ўзини Оллоҳ қошида ихтиёрий таслим қилади. Буни ризо деб атайдилар. Бу босқичда сўфи «яқин илми»ни эгаллайди. «Яқин илми» бандани Оллоҳнинг ҳақ эканини бешак англаб етишига олиб боради. Ана шу ҳолатда сўфи ўн саккиз минг оламнинг аҳволи Оллоҳ қошида нақадар жўн нарса эканини ҳис этиб, ҳайратга тушади — И.О.)

* * *

Дебдур: «Ҳамиша Худонинг балоси талабида бўлурмиз. Бу худди султонлар юрт олмоқнинг талабида бўлганига ўхшайди» (Худонинг балоси — мол-мулк, амал-мартаба, эгри йўл билан иш битирмакка интилиш, фаҳшдан қўрқмаслик эмасми?)

НАҚЛ

Бир куни Шайх Шиблий Шайх Мансур Ҳалложнинг қошига келган эди. Деди:

— Эй Шиблий, менга маслаҳат бергил, мен улуғ ишга қадам қўйибдурман. Шу улуғ иш учун саргашта ва ҳайронлиққа қолибман, ҳолбуки, мени ўлтиришлари аниқ бўлиб турибди.

Бу не кароматки, унинг аҳволига халойиқ ҳайронликда қолдилар... Одамлар уни инкор қилдилар. Кўплари эса ҳаддан зиёда

ихлос ва эътиқод қилдилар. Халойиқ ундан ажойиб амалларни кўрар, таажуб сўзларни эшитар эдилар. Охири Мансур «Анал-ҳақ» демоқда, «Хувал ҳақ» дегил деган сўзга унамаяпти, деб халифага хабар бердилар. Ҳамма (уламолар) уни ўлдирмак керак, деган маслаҳатга келдилар. Энг кейин Шайх Жунайддан шундай деб сўрашди:

— Ҳаллож айтаётган сўзнинг ҳеч далили ва таъвили борми? Жунайд деди:

— Унинг сўзини қўйингизлар, Мансурни ўлдирадилар. Унга далил ва таъвил топишнинг фурсати эмас.

Уламолар унинг сўзини ҳукм ўрнида қабул қилдилар.

Гов Али ибн Айсий вазир эди. Халифага уламолар фикрини айтди. Халифа ғазабнок бўлиб, зиндонга солмоққа буюрди. Шайх Мансур бир йил зиндонда ўтирди. Аммо халойиқ бориб, Ҳаллождан тариқат ва ҳақиқат масалаларидан сўз сўрар эдилар. Кейин халқни унинг қошига киритмай қўйишди, бу ҳол олти ой давом этди. Бир марта Шайх ибн Ато ва Шайх Абдулло Ҳафиф киши юбориб, шундай дедилар:

— Эй, Шайх, айтган сўзингга уэр айт, йўқса ҳалок бўлурсан.

Ҳаллож эса шундай деди:

— Ул сўзни айтган кишига дегилки, у уэр айтсин.

Ибн Ато унинг сўзини эшитиб йиғлади ва деди:

— Бизлар Мансурнинг товонига қолурмиз.

* * *

Хусайн Мансурни зиндонга солган куннинг биринчи кеча-сида зиндондан топмадилар. Иккинчи кеча келиб боқсалар, зиндонда йўқ эди. Учтинчи кеча кўрсалар — зиндонда ўлтирибди.

Сўрадилар:

— Бу не ҳол?

— Аввалги кеча мен Ҳазратга бориб эдим, иккинчи кеча Ҳазрат мунда эди. Энди орада ҳеч нарса қолмади. Мени яна шариятнинг ҳурматини сақлаб келтириб қўйдилар. Келинглар, ўз ишларингга машғул бўлинглар.

Оёғи ишқал (кишан)да туриб ҳар кеча минг ракаат намоз ўқир эди.

Сўрадилар:

— Эй Мансур, мен — Ҳақ дерсан. Бу намозни ким учун қилурсан?

Жавоб бердиким:

— Ўзимнинг қадримни ўзим билурман.

НАҚЛ

Мансурни зиндонга солган пайтда уч юз киши ҳибсада эди.

Кечаси бўлди. Мансур зиндон халқига деди:

— Сизларни озод қилдим, не ерга борсангизлар бора берингизлар.

Зиндон халқи деди:

— Бизларни озод қилурсан, ўзингни на учун озод қилмассан?

Деди:

— Мен Худовандлигимнинг бандида ўлтирибман. Агар хоҳласам ҳамма бандларни бўшатурман, — шундай деб зиндонбандларнинг бандларига ишорат қилди, ҳамма бандлар бир-биридан ажралиб тўкилди.

Зиндон халқи:

— Эшиклар маҳкамдир, оёқ-қўлимиз бўш бўлгани билан на ердан чиқамиз? — деб сўрадилар.

Мансур ишорат қилди — зиндоннинг атрофига йўллар очилди.

Деди:

— Ушбу йўл билан бош олиб кетингизлар.

Зиндонбандлар сўрадилар:

— Сиз не учун чиқиб кетмассиз?

Мансур деди:

— Менинг бу иш билан асрорим бордирки, бу сирни дор остидан бўлак ерда дегали бўлмас.

Тонгласи кўрдиларким, зиндон аҳлидан ҳеч киши қолмабдир.

Сўрадилар:

— Зиндон халқи на ерга кетди?

Деди:

— Мен уларни озод қилдим.

Сўрадилар:

— Не учун ўзингни озод қилмадинг, ўзинг не учун чиқиб кетмадинг?

Деди:

— Худонинг менга инояти бор, мен уни сақлаб турдим-да, кетмадим.

Бу хабар халифага етди. Халифа оламда фитна кўпаяди, деб хаёл қилди. «Токи бу сўзидан қайтмас экан, Мансурни ўлдиришлар ва ёхуд дарра уринглар», деб фармон қилди.

Мансурни зиндондан чиқариб, уч юз дарра урдилар. Ҳар дарра сўққанда чиройли тил билан айтилган: «Эй Мансурнинг ўгли, кўрқмағил!» — деган хитобни эшитур эдилар.

Шул воқеанинг гувоҳи Шайх Абдул Жалил Санъор айтган экан:

— Менинг эътиқодим дарра урувчилар ҳақида Ҳусайн Мансурга қилур эътиқодимдан зиёдроқдур. Шунинг учунки, шариат ишида ажаб қувватлиқ киши экан. Ҳар дарра урганда ғайбдан: «Эй ибн Мансур, кўрқмағил!» деган овозни эшитди-ю титрамади, чеҳраси ўзгармади.

Шундан кейин дорга осгани олиб бордилар. Ушбу маҳалда Мансур дер эди: «Ҳақ, Ҳақ — аналҳақ ростдур ва ростдурки, мен ҳақдирман!»

Шу вақтда бир дарвиш киши сўради:

— Эй Ҳаллож, ишқ надир?

Мансур деди:

— Бу кун кўрарсан ва тонгласи кўрарсан ва учинчи куни кўрарсан.

Ўшал кун Мансурни ўлдирдилар — «Аналҳақ» овози пасаймади. Иккинчи куни куйдирдилар — «Аналҳақ» овози пасаймади. Учунчи куни куйдириб, кулини кўкка совурдилар ва дарёга ташладилар. Ўшал «Аналҳақ» овози эшитилди.

Ишқнинг саволида «Уч кунда кўргил», деб эди, гўё «Ишқ» ушбударки, уч кундан буёни кўрдинг, дегандек эди.

Ҳусайн Мансурнинг бир хизматкори бор эди. Дорга осар маҳали ундан васият тилади.

Мансур деди:

— Нафсингни ҳамиша бир ишга машғул тут. Агар сен уни машғул тутмасанг, ул сени қилмағулиқ ишга машғул қилиб, сени Худодан ғофил этур.

Шундай пайтда ҳам, шундай аҳволда ҳам ўзини йўқотмаслик, ўзидан огоҳ бўлмоқлик авлиёлар ишидир, эй биродарлар! Дорга осгани боргунча хиромон борур эди.

Сўрдилар:

— Ўлғали бораётиб бу янглиғ хиромон бўлмак нединдур?

Мансур:

— Тириклик даргоҳига борувнинг таран ушбудур, — деб наъра урди ва ушбу байтларни ўқиди:

*Ҳайфсинмоқ масти бебоқимнинг эрмас одати,
Меҳмон меҳмонга қилгондек мени меҳмон қилур.
Неча дарра ўтмай, қилур шамшир бирла қатл,
Лаълигун май бирла гўё дор бошини қон қилур.
Давр аҳли англагай биз ким? Жазомиз, ушбудур —
Ким тамузда шер ила ичмакни май армон қилур.*

Шундан кейин дорга оёқ қўйди, фўтасин белидан олиб ташлади, жандасини эгнидан итқитди. Ул вақтда сўрдиларким:

— Ҳолингиз нечукдир?

Дедиким:

— Эранларга Меърож ушбудир!

Ундан кейин дор бошига чиқди ва қўл кўтариб муножот қилди.

Ўшал вақтда муридлари келиб сўрдилар:

— Эй Шайх, бизлар ҳақда не дерсизки, сизга яқинларданмиз? Мункирлар ҳақида не дерсизки, сизга тош отарлар?

Деди:

— Сизларга бир савоб бўлур ва уларга икки савоб бўлур, шунинг учунки, сизлар мендан яхши гумон қилурсизлар. Улар тавҳиднинг истаги ва шариатнинг улуғлиги билан тош отарлар. Шариат ҳукмида тавҳид аслийдир (асосдир) дарахтнинг илдизи янглиғ. Яхши гумон фаръи бўлур (иккинчи даражали) дарахтнинг шохи янглиғ.

* * *

Келтирибдурларким, Шайх Шиблий Ҳаллож рўбарўсида турган эди. Қичқирди:

— «Аналҳақ» демагилки, муллоларнинг қўлида ҳалок бўлурсан, демадимми?

Шиблий сўради:

— Тасаввуф недур?

— Тасаввуфнинг кичкинаси ушбудур — кўриб турибсан.

Шиблий деди:

— Мундан улуғроғи қайсидир?

Ҳаллож деди:

— Уни сенга айтмоққа йўл йўқдир.

Шундан кейин ҳар киши тош ота бошлади. Шайх Шиблий ҳам халойиққа мувофақат қилиб бир чолма (қўйқумалоқ) олиб отди. Ҳаллож бир оҳ тортди.

Халойиқ деди:

— Бизлар тош отармиз, ҳеч ун чиқармайсиз, Шиблий ушоқча чолма отганига оҳ чекмак нечукдир?

Ҳаллож жавоб берди:

— Улар менга билмасдан тош отарлар, Шиблий тош отарни билиб туриб, чолма отади.

Шундан кейин дорнинг балдоғига қўйиб, қўлини кесдилар.

Ҳаллож табассум қилиб деди:

— Бир оёғим бирла ҳол сафарини қилурман. Яна бир оёғим борки, унинг билан икки олам сафарини қилурман. Агар кучинглар етса, ўшал оёғимни кесинглар.

Бир қўлини кесгандан кейин қонлиқ қўлини юзига суртиб, юзини қизил қилди.

Сўрдилар:

— Не учун мундоқ қилурсан?

Ҳаллож деди:

— Қоним тўла оққани учун юзим ранги қочиб, сариқ бўлди. Сизлар кўриб юзи сарғайди, деб гумон қилурсизлар, ул сабабдан юзимни қонга бўядим, сизларнинг олдингизда қизил юзли бўлғайман, эранларнинг пардози ўз қонларидан бўлур.

Сўрдилар:

— Юзингни қон бирла бўядинг, яна оёғингни на учун қон қилдинг?

Дедиким:

— Таҳорат қилдим.

Дедилар:

— Таҳорат вақти эрмасдир.

Деди:

— Ишқнинг икки ракаат намози бордурки, унинг таҳорати қондан бўлак нимарса билан рост эрмас.

Ундан кейин тилини кесмакни қасд этганларида эса Ҳаллож деди:
— Андак сабр қилинлар, бир неча оғиз сўзим бор.

Юзин осмонга қилиб деди:

— Илоҳи, бу халқ мунча манга ранж-алам еткурадир, уларни ҳам бу давлатдан маҳрум ва бенасиб қилмағил, алҳамдулиллоҳки, сенинг учун менинг қўл ва оёғимни кесдилар ва агар бошимни танамдан жудо қилмоқчи бўлсалар ҳам гарданимга олиб турибман.

Шундан кейин қулоқ ва бурнини кесдилар. Халойиқ тош отишдан тўхтамас эди.

Шу пайт бир қария келиб қичқирди:

— Бу Ҳаллож раънони маҳкам боғлангилар ва тошни қатиқ отинлар.

Халқнинг сўзи билан унинг нима иши бор?

Ҳусайн Мансурнинг охирги сўзи бу эди: «Бирга бир басдур». Шундан сўнг бу оятни ўқиди: «Кофирлар қиёматдан қўрқарлар ва билурларким, қиёмат ҳақдир ва ростдур». Охирги сўзи шу бўлди. Ундан кейин тилини кесдилар. Намози шом вақти эди, бошини кесдилар. Бошини кесар вақтида бир кулиб, сўнг жон берди. Халқдан бир хуруш ва фиғон чиқдиким, Ҳусайн Мансур қазо куйини ризо майдонида ташлади. Ҳар бир аъзосидан «Аналҳақ» овози эшитилиб турди. Ҳар бир қатра қони ерга томган бўлса, ҳаммасида «Оллоҳ» сўзи нақш бўлиб қолар эди.

Эртаси: «Ҳусайннинг тиригидан ўлиги фитнага сабаб бўлади, кулини кўкка совурайлик», — деб маслаҳат қилдилар. Жасадини куйдириб, кўкка совурдилар, кулидан ҳам «Аналҳақ» овози эшитилиб турди. Шайх Мансурнинг бир шогирди бор эди. Унга: «Мени дорга осарлар, куйдириб кулимни дарёга солурлар. Дарё жўш уриб, тошар. Сен ўшал вақтда жандамни олиб, сувнинг рўбарўсига ташлагил. Агар мундоқ қилмасанг, дарё суви Бағдод шаҳрини хароб ва тирикларни нобуд қилур», деган эди. Шогирд кўрдиким, дарё суви мавж уриб тошиб-қайнаб, Бағдод шаҳрига юрмоқда. Ҳусайннинг сўзи хотирига етди, дарҳол жандани олиб сувнинг рўбарўсига тутди — дарё суви паст бўлди. Халойиқ дарҳол келиб, Мансурнинг кулини дарёдан олиб, дафн қилдилар. Тариқат аҳлидан ҳеч кишига мундоқ файз-футуҳ етганини киши билмас!

Бу ривоятлару нақлларни биздан аввал ўқиб-эшитиб, биздан аввал маъносини чақиб, ҳайратга тушган Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари шундай ёзган эканлар:

*«Шариатдур» деб олимлар буюрдилар,
«Кофир Мансур ўлмади» деб кўйдирдилар.
Ахгар қилиб, кулин кўкка совурдилар,
Тоғ-тузлар «Аналҳақ!» деб турар эмиш.*

*Кулин йиғиб, дарё ичра ташлатти,
Зимистонда дарё тошиб, наъра тортти.
Шаҳар халқи югуриб-елиб, боши қотти
Жондан қўрқиб, доду фиғон қилар эмиш.*

*Шайх Зунун шайх Мансурнинг пири эди,
Подшоҳ югуруб вилоятга хабар берди,
«Дарё тошса, ё Мансур!» деб солинг, деди,
Иншооллоҳ, тошиқин дарё қайтар эмиш.*

*Подшоҳ деди: «Ҳозир, пирим, бора кўринг,
Ҳокистарин дарё ичра сола кўринг,
Ғариб, етим илқин тутиб, ола кўринг,
Подшоҳ, вазир таъзим этиб турар эмиш.*

*Ҳокистарин «Ё Мансур!» деб, сувга солди.
Қудрат бирла дарё қуриб, хомуш бўлди.
Ҳожа, мулло муни кўриб шокир бўлди,
Илқин очиб, Шайхқа дуо қилар эмиш...*

* * *

*Тинмай ошиқ «ҳу» дерлар Худойиға ёлвориб,
Борур они ишқида кеча-кундуз сорғариб.*

*Зор йиғлатиб ошиқни ишқ илгида Худойим,
Ишқ йўлида маломат анга кўрди муносиб.*

*Мансур бир кун йиғлади, эранлар раҳм айлади.
Чилтан шарбат ичирди Мансурга меҳрин солиб.*

*Мансур айтур: «Аналҳақ», эранлар иши барҳақ»,
Муллолар айтур: «Ноҳақ» кўнглига ёмон олиб.*

*Айтмагил «Аналҳақ» деб, кофир бўлдинг, Мансур, деб
Қуръон ичра будир, деб, ўлдирдилар тош отиб.*

*Билмадилар муллолар «Аналҳақ»ни маъносин,
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.*

*Ривоятлар битилди, ҳолин аниқ билмади,
Мансурдек авлиёни қўйдишлар дорга осиб.*

*Бегона деб муллолар Шайх Мансурни ўлдирди,
Кофир деб ўлдирдилар уч юз мулло талошиб.*

*Кулин кўкка совурди, элиб дарёга солди,
Завқ дарёси мавж урди, оқди дарё қайнашиб.*

*Ўшал кунни ул дарё қилди афгон, вовайло,
Оишқларга, Худоё, қилгил дийдоринг насиб.*

*Фасонадур шарият, фарзонадир ҳақиқат,
Дурдонадир тариқат оишқларга муносиб.*

*Халқи олам йиғилди, «Мансур!» деб фарёд қилди,
Мансурни ёронлари қолди анда йиғлашиб.*

*Тавба қил, Хожса Аҳмад, бўлгай Ҳақдин июнат,
Юз минг валийлар ўтти сирни сирга улашиб.*

НАҚЛ

Аббос Тусий айтур: «Қиёматни туш кўрдим. Тонгла қиёмат
Ҳусайн Мансурни жойи Аросатга занжирлар бирла банд қилиб
олиб келтирдилар. Агар занжирлар бирла тутиб турмасалар,
Аросат халқини бир-бир урмоғи аниқ эди».

НАҚЛ

Бағдод машойихларидан бири айтган экан: «Ҳусайн Ман-
сурни дорга тортган маҳалда мен унинг тўғрисида эдим. Уни

бу ҳолда кўриб, намозга турдим. Ул дам хотифдан овоз эшитилди: «Мен уни асрорларимнинг биридан огоҳ этдим. Уни фош этди. Подшоҳлар асрорини фош қилгоннинг жазоси ушбудур».

НАҚЛ

Шайх Шиблий айтур: — Ҳусайн Мансурни дафн қилишган кечаси мен унинг тупроғи бошига бордим. Тонг отгунча намоз ўтадим. То саҳар вақти бўлди эса муножот бирла арз қилдим: «Эй Парвардигор, ул сенинг бандаларингдан эди, ориф, яъни сени топган эди, муваҳҳид, яъни сени бир деб билгувчи эди, бу балони унга не учун бердинг?»

Мен бу муножотда эдим, кўзим уйқуга борибди. Қиёматни туш кўрдим. Худои таолодан фармон келди. «Мен Ҳусайн Мансурга балони шунинг учун юбордимки, у менинг сирларимни ғайрига ошкор қилди».

Шиблий айтур: — Мансурни туш кўрдим. Сўрдим: «Ҳақ таоло сенга зулм қилган халойиққа на иш қилди?».

Ҳусайн Мансур деди: «Ҳар иккала тоифани мағфират этди. Оллоҳ менга шафқат ва меҳрибонлик кўргазди, уларга раҳмат қилди. Кимки Худойи таоло учун менга адоват қилди — билмай қилди, уларга ҳам раҳмат қилди. Ҳар иккала тоифага маъзур бўлдилар».

НАҚЛ

Ҳусайн Мансурни дорга тортар бўлдилар, Ҳусайн Иблисни кўрдиким, жадал юриб келди. Ҳусайнга деди:

— Эй Ҳусайн, сен бир марта «Мен» дединг, мен ҳам бир марта «Мен» дедим: Сен «Аналҳақ» дединг ва Мен «Анал-хайр» дедим. Менга лаънат келди, сенга раҳмат натижа берди. Бу тафовут нединдур?

Ҳусайн деди:

— Сен «Менлик»ни ўзингга олдинг ва мен «Менлик»ни ўзимдан йироқ қилдим. То билгилким, бу даргоҳда «Менлик» қилган яхши эмасдур ва «Менлик»ни ўзидан йироқ қилган яхшидур, писандида бўлур, раҳматуллоҳи алайҳи.

* * *

«Тазкиратул авлиёи туркий»да ўқиймиз:

«Шайх Абдулҳасан Харрақоний уйида эди. Жандапўш ҳаводан учиб келиб, Шайхнинг оёғига келиб тушди. Шайх оёғини ерта сўқиб-сўқиб айтар эди: «Жунайди вақт мендурман, Шиблийи вақт мендурман». Яна ер тепиб айтар эди: «Мустафон вақт мендурман». Шайхнинг бу ҳолати ҳам худди Мансур Ҳалложнинг «Аналҳақ»ига ўхшайди. Авлиёдан ҳаргиз хилофи суннат ўтмас, яъни пайғамбар алайҳи ва саллам йўриқларидан чиқиб бўлмас, аммо ғайби зоҳир бўлур».

* * *

Ҳадис: «Яман тарафидан Худонинг бўйи димоғимга келадир». Ушбу ҳадиси шариф Увайс Қараний ҳақида айтилгандир. Шайх Абдулҳасан Харрақоний Хусайн Мансур айтган «Аналҳақ»ни шундай тушунтирган эди:

«Инсон дунёга келган кундан бошлаб, унинг хулқу жисмида шайтонийлик ва раббонийликка ҳос жиҳатлар ўса бошлайди. У онасини эмиб, бошқа ғизолардан еб катта бўлади. Шу билан бирга унинг хулқи ҳам шакллана бошлайди. Уни ўраб олган муҳит кўпроқ худбияликка етакловчи феълларга тўла бўлади. Бу феъллар у истайдими ёки истамайдими, барибир, хулқига сингиб қолади. Яхши инсонлар қаторида ишқи илоҳийга берила бошласа, Худо буюрган йўлдан бориб, ўз онгини маърифат билан бойитгани сари ундан нафсоний иллатлар чиқа боради. Шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтгач эса, у ўзини шу даражага етган деб ҳисоблайдики, гўё унинг вужудида нафсга тегишли унсурлардан зарра ҳам қолмайди, ёлғиз Худога мансуб нарсаларгина қолади. Бундан лаззатланган онларда инсон «Мен — «ҳақ», «Аналҳақ» дейишгача бориб етади». Аммо инсон нафси бадани ўлмагунча ўлмайди. Мансур Ҳаллож ҳам «Ҳақ» демай «Аналҳақ» деди. У ҳам ўз «мен»идан ҳалос бўла олмади-ку!»

* * *

Боязид Бастомий эса бу ҳолатни қуйидагича тушунтиради: «Илон пўст ташлагандек, мен ўз-ўзимни тарк этдим. Бир маҳал

ўз моҳиятимга боқсам... оҳ, мен унга айланибман». Бу ҳолатни Боязид «фано» деб атаган. Кўпгина мутасаввифлар буни тариқатдан мақсад деб тушунганлар (Радий Фиш, Жалолиддин Румий. Тарихий-биографик рўмон. 1986. 189-бет.).

Улуғ инсонлар ўзларини баъзан «Аналҳақ» деса, баъзилари «Мустафои замон мендурман» деса, уларни кофирликда айблаб, маломат қила бериш инсофдан эмас экан. Ахир, улар нечоғлик буюкликка кўтарилган бўлсалар, маънавият осмонида ёруғ юлдуз бўлиб порлаган бўлсалар, уларни шу даражага етказган манба нима? Ахир, бу Оллоҳнинг каломи «Қуръони карим», Оллоҳнинг элчиси бўлмиш Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг билим уммони бўлган ҳадислари эмасми? Худди шундай! Ҳаллож каби авлиёларни икки оламнинг эгаси Парвардигор ишқи шу даражада етказган! Буни «иккинчи Мансур» — Бобораҳим Машрабдан ўтказиб ким ҳам бизга айтиб бера оларди:

ҲАЗАЛ

*Ломаконни шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,
Анбиёу авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ.*

*Жилвасини кўрсатиб, зоҳирда элга ранг-баранг,
Ору номусдан кечиб оламга гавго қилди ишқ.*

*Ёши етмишига етиб соттурди ўзни Боязид,
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ.*

*Шайх Шиблий, Шайх Атипор, ул «Аналҳақ» суҳбатин
Қурди, ичди бидани, Мансурни дорда қилди ишқ.*

*«Куфр кетти!» деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўшту пўстин сўзлатиб, оламга гўё қилди ишқ.*

*Шайх Санъондин бўлиб тўрт юз мурид соҳибкамол,
Кўрди тарсозодани ҳўкбону тарсо қилди ишқ.*

*Билдию эшитти Машрабнинг қарори йўқ экан,
Зоҳирин гўё қилиб, ботинин бино қилди ишқ.*

ҲАҚОЙИҚ ХАЗИНАСИ

Шайх Абубакр Воситий

Мовароуннаҳрда камол топиб, бутун дунёга танилган аллома-лар тарихда жуда кўп. «Тазкиратул авлиёи туркий» қўлёзма асари топилиб, яна бир улуг бобомиз борлигидан воқиф бўлдик. Бу зот фарғоналик Шайх Абубакр Воситий (унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин)дир. Ҳозирча мутасаввиф олим Фарғонанинг қайси гўшасидан экани маълум эмас. Буюк олим Муҳаммад Сиддиқ Рушдий алайҳур раҳма Шайх Абубакр Воситий ҳақида ёзганда, уни Жунайд Бағдодийнинг пешқадам асҳобларидан эди, деб кўрсатади.

Алишер Навоийнинг маълумотига қараганда, Жунайд Бағдодий ҳижрий 297 йили дунёдан ўтган (Бу милодий 909 йилга тўғри келади). Демак, Абубакр Воситий ҳам IX асрда яшаб, ижод этган туркистонлик валийдир. Бағдод, шунингдек, Марв, Восит, Бовар, Исфаҳон шаҳарлари илм-фан ва маданият маркази эди. Фарғоналик истеъдодли кишининг ўша шаҳарларга бориб, илм таҳсил қилиши, турғун бўлиб қолиши табиий, албатта. Зеро, Ал-Фарғоний, туркистонлик Форобий, хоразмлик Абу Райҳон Беруний ҳам Бағдодда ўз истеъдодларини юзага чиқарганлари тарихдан маълум. Инсон қизиқадиган, интиладиган ва эришадиган фазилатларнинг энг буюғи — илм. Киши илм билан шарафга эришadi. Ҳадислардан бирида: «Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир», дейилган. Улуг аждодларимиздан бири эса шундай деган экан: «Илм ўрган, у сенинг ёшлик пайтларингда тўғри юришингни таъминлайди. Катта бўлганингда эса сенинг буюк шахсга айланишингда ясосий сабаблардан бири бўлади. Илм доим сенинг ҳамроҳинг бўлиб, адашишингдан ва қоқилишингдан сақлайди. Душманларингни мағлуб қилади».

Энг афзал ва энг аъло илм дин илми экани шубҳасиздир. Чунки инсон бошқа илмларда комил бўлиб, дин илмини билмаса, ҳаётда турли адашув, изтироб ва нотинчликлардан холи бўлолмайди. Абубакр Воситий дин илмини чуқур ўрганишга бел боғлайди. Танлаганда ҳам илмнинг энг нозик, энг дақиқ соҳаси — тавҳид илмини танлади. Бу соҳада яратилган асарларни қунт билан ўрганди. Жунайд Бағдодий, Боязид Бастомий, Мансур Ҳаллож, Абубакр Шиблий каби буюк замондошлари изидан бориб, бу соҳада — тав-

ҳид илмида вазик шарҳлар битди. Қуръон ва Ҳадисда баён этилган тавҳидни замондошларига тўғри ва асосли тушунтиришга бутун ақлини бахшида қилди. Дин хурофот ва бидъат билан қоринган даврларда аввало кишиларнинг тавҳид тўғрисидаги ақидалари ўта саёзлашиб, жўнлашиб кетади. Бундай даврда яшаган авлиёлар зиммасига эса тавҳид исботи тўғрисида китоблар битиш вазифаси юкланади. Шу ўринда тавҳид илми тўғрисида умумий маълумот бериб ўтсак, фойдадан холи бўлмас.

Тавҳид илмида диний ақидалар аниқ ва равшан далиллар билан исбот қилиб берилади. Тавҳид илми билан инсон Оллоҳ таолонинг сифатларини ва пайғамбарларни қатъий ҳужжатлар орқали танийди. Тавҳид сўзи якка-ягона маъносини билдириб, Оллоҳнинг сифатларида ва илоҳлигида ягоналиги ҳақида баҳс юритади. Жунайд Бағдодийдан «Тавҳид нима?» деб сўраганларида, у аввал Оллоҳ сифатларини, сўнг банданинг сифатларини санайди. Бундан тавҳид банда билан Оллоҳ фарқини тушунтирувчи илм деб хулоса чиқариш мумкин. Одам алайҳиссаломдан тортиб, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломгача — ҳамма пайғамбарлар умматларни аввало тавҳидга даъват этдилар.

Ислом дини одамларни Оллоҳ таоло зотида, сифатларида ва феълларида яккаю ягона деб иймон келтиришларига даъват қилади ва уларни қуйидагидек эътиқод этишга чақиради: «Оллоҳ ягона, Унинг тенги ва ўхшаши йўқ, У қодир ва безҳтиёж, мурувватли ва сахий, раззоқ — ризқ берувчи, қаҳҳор — қаҳр қилувчи, саттор — кечирувчи. У ноқис сифатлардан пок бўлган зотдир. Ул зот доим мавжуд, барча нарсани бошқариб турувчи, ҳамма нарсани ирода қилувчи, ҳамма нарсага қодир зот, ҳеч нарсага муҳтож эмас, аммо У зотга ҳамма нарса муҳтождир. Махлуқлардан бирор нарсага ўхшамайди. Оллоҳ қадимдир — бошланиши йўқ, У зот абадийдир — охири йўқ. У зотнинг ҳар бир қилган иши ҳикматлидир, бандаларни тоқатидан ортиқча нарсага буюрмайди, махлуқларни (яратилган барча нарсалар махлуқлар дейилади) йўқдан яратди. Ҳеч бир нарсага зулм қилмайди. У кўради ва эшитади, ҳатто қалбимиздаги нарсани билади. Унинг кўриши ва эшитиши бизнинг кўз ва қулоқларимизга ўхшамайди. Оллоҳ барча сифатларида махлуқотларига ўхшамайди, Ўзи ёлғиздир. Қуръоннинг «Ал-ихлос» сураси, «Оятал курси» тавҳид моҳиятидан дарак беради. Оллоҳ даргоҳида бир ишни қилишда изтироб ва шитоб йўқдир. Банда эса ҳар ишда изтироб ва шитобга ружу қўяди. У ўзининг Оллоҳ қоши-

да ожиз, мискин, ҳожатманд, ғариб эканини доимо эсидан чиқармаслиги керак».

Муҳаммад Сиддиқнинг келтиришича, Абу Бакр Воситийни етмиш маротаба шаҳардан ҳайдаб чиқарган эканлар. Бунинг бош сабаби Шайхнинг ўта тўғрисиўз бўлгани, нафс бандалари билан чиқиша олмаслиги экан, иккинчидан, Шайхнинг сўзини кўп одам англаб етолмас экан. Алломаларини шаҳардан қувиб чиқариш ўша даврларда кўп такрорланадиган ҳодисалардан экан. Боязид Бастомий ва Мансур Ҳаллож ҳам кўп маротаба ўз шаҳарларидан қувиб чиқарилган. Шу ўринда замондош шоиримиз Ҳожи Абдулла Орифнинг қуйидаги мисралари ёдимизга келади:

*Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз,
Ўзай бўлсак не тонг «соғ»лар орасида.*

Ажабо, замондошлари тушунмай, баъзан қадрига етмай ўз сафларидан қувиб чиқарган кишини буюк адиблар гоёт баланд сифатлар билан таърифлаганлар.

«Тазкиратул явлиён туркий»да етмиш бор қувғин қилинган Шайх Абубакр Воситий шундай таърифланади;

«Ул муваззами маснади иноят — меҳрибонлик мартабасининг улуғи, ул муваҳҳиди мақсуди валоят — валилик мақсадининг ягонаси, ул дарён румузи дақойиқ — нозик маънолар рамзининг дарёси, ул хизри ганжи ҳақойиқ — ҳақиқат ганжининг хизри, қутби жаҳон Абубакр Воситий».

Ҳозирча қўлимизда Шайх тўғрисида Муҳаммад Сиддиқ Рушдий келтирган зикрдан бошқа манба йўқ. У қувчиларимизга тушуниш осонроқ бўлсин, деб зикрларни соддалаштириб баён этдик. Махфий қолмасинки, Воситий тўғрисида муаллифлик даъвоси бизда йўқдир. Шунчаки хўшачивлик ёки воситачилик қилдик. Фақат ўзбек халқига фарғоналик яна бир алломани илк марта кенгроқ таништирганимиз билан фахрланишга ҳақдормиз, холос.

* * *

Шайх Абубакр Воситий раҳматуллоҳи алайҳи ўша вақтдаги машойихларнинг ҳаммаларидан комил эди. Тасаввуф асҳобларининг ҳаммаларидан улуғ эдилар. Ҳеч кишини ундан баланд

ҳимматли, деб нишон бермас эдилар. Ҳақойиқ ва маорифда ҳеч кишининг қадами унга етган эмас эди.

Тавҳид, яъни Худони бирлик бирла билмақда ва дунёдан му-жаррид бўлмоқда ва тафвиз, яъни ўзини Худога ташламоқда ҳеч киши ундан зиёда бўлолмас эди.

Шайх Абубакр Жунайд асҳобларининг пешқадамларидан эди. Ул зот Фарғона шаҳридан эди, деб айтадилар. Восит шаҳрида ўлтирган эди. Шу сабабли ўзига Воситий тахаллусини олган. Ҳамманинг оғзида ситойишлик — мақтовлик ва ҳамманинг кўнглига маъқул киши эди. Ҳамма соҳиби нафс — нафс бандалари унга адоват қилар эдилар. Тасаввуфда нозик иборатлари ва англаш мушкул бўлган ишоратлари бор эди. Ажойиб маъноли ва баланд савияли сўзларини ҳар киши ҳам англаёлмас эди. Ва ҳамма илмларда комил эди. Ул бузруквор риёзат ва машаққатларни шунчалик кўп торгтики, ҳеч киши тоқат келтиролмас эди. Ҳамма ишда ва Ҳақ таолога тавба қилурда ҳеч киши унга ўхшамас эди. Тавҳид сўзини ҳеч киши унга ўхшатиб, ўбдон баён қилган эмасдир!

Етмиш маротаба шаҳардан қувиб чиқарганлари нақл қилинади. Ҳар шаҳарга борса, тезгина ундан қувғулаб чиқарар эдилар. Бовар шаҳрига борган вақтда, у ерда қарор тутиб ўлтирди ва шаҳар халқи унинг қошига жам бўлур эдилар, аммо айтган сўзини фаҳм қилолмас эдилар. Бир ҳодиса юз бериб (қандай воқеалиги маълум эмас) Бовардан чиқдилар ва Марв шаҳрига келдилар. Марв халқи унинг таъбияга хуш келиб қолди — у ерда умр кечирди.

* * *

Ул кишининг қуйидаги сўзларини нақл қилибдурлар. Деб-дурлар: — То мен болиғ бўлганимдин (ақлимни таниганимдан) бери ҳеч Кундуз менга гувоҳлик бера олмайдики, нима еган бўлғайман ва ёки ҳеч Кеча менга гувоҳлик беролмайдики, бир дам уйқулаган бўлғайман, яъни балоғатга етганимнинг буёнида бир луқма таом еганим йўқдур ва бир дам уйқулаганим йўқдир.

Шайх шундай ҳикоя қиладилар:

— Бир вақтда дунёлиғ машғуллиғи учун бир боққа киришимга тўғри келди. Шу пайт бир жонивор бошимга қўнди. Мен уни гафлатдан аччиғим келиб, бир қўлимда ушлаб турдим. У сайради. Яна бир жонивор келиб, бошим узра сайради. «Онаси ёки жуфти бўлса керак», деб гумон қилдим. Мен қўлимда ушлаганимдан пушаймон бўлдим ва қўйиб юбордим, афсуски, у ўлиб қолган эди. Бундан кўнглим бузилиб, танг аҳволда қолдим. Шундан кейин менга оғриқ ориз бўлди: то бир йил оғриқ торттим. Бир кеча Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва салламни туш кўрдим. Дедим:

— Ё расулаллоҳ, бир йилдирки намозни ўтириб ўтамакка қолдим, оғриғим таъсир қилиб, бисёр суст бўлдим.

Ул Ҳазрат алайҳиссалом дедилар:

— Сенинг бу оғриғингга сабаб улдур — бир қучқоч Ҳақ таоло даргоҳида сендан шикоят қилиб эди, энди узр сўрамак бефойдадир.

Шу воқеадан кейин бир вақтда бир мушук менинг уйимда туққан эди. Мен оғриқ, такияга йўланиб (йў-йўрғак сўзининг ўзағи) ётар эдим. Бир йилон пайдо бўлиб, мушукнинг боласини тишлаб олиб, ўрмалаб борарди. Мен ҳассам билан йилонни сўқдим (урдим) — йилон мушук боласини ташлаб қочди. Бир оздан кейин мушук ўз боласини топиб олди. Мен ўшал соат яхши бўлиб, оғриғим камайди. Ва намозни тик туриб ўтамакка еттим. Ул кеча яна Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва салламни туш кўрдим. Дедим:

— Ё расулаллоҳ, бу кун тамом сиҳат топдим. Ул Ҳазрат дедилар:

— Сенинг сиҳат топмоғингга бу сабаб бўлди — Худои таоло даргоҳида бир мушук сендан шукр — сано қилди.

Келтирибдурларки, бир кун Шайх Абубакр уй ичида ўлтирган эди. Уйнинг туйнугидан тушган офтобдаги зарраларнинг изтиробига Шайхнинг кўзи тушди. Деди:

— Худони бирлик бирла таниган кишининг аломати улдулки, икки оламда ҳар неки бордур — ушбу зарралар янглиғ ҳаракат

ва изтиробга тушса, бир зарра ул кишининг кўнглига тафриқа (бўлиниш) пайдо бўлмағувсидир.

* * *

Бу ҳам бир нақлдур. Бир кун Шайх бемористон (жиннихона)-га бориб, бир девонага кўзи тушди — у хушвақт бўлиб қичқирадир ва наъра урадир. Шайх деди:

— Оёғингда — оғир кунда¹ ва қўлингда — маҳкам ишкар², бу машаққатда хушвақтликнинг на маъноси бўлур?

Девона деди:

— Эй гофил, ҳарна банд бўлса — оёғимдадур, кўнглимда эмасдур.

* * *

Нақлдурким, бир кун жўҳудларнинг гўристонидан ўтиб борур эди, деди:

— Бу қавм, яъни жўҳудлар ҳамма маъзурдурлар.

Халойиқ бу сўзни Шайхдан эшитиб эдилар, Шайхни тутиб қозининг олдига келтирдилар, бу сўзни қозига етказдилар.

Қози наъра уриб:

— Нега жўҳудларни маъзур дейсан? — деди.

Шайх деди:

— Ҳарнаким сенинг ҳукминг билан бўлур — маъзур эмасдир ва ҳарнаким Ўзининг ҳукми биландир маъзур бўлур.

* * *

Нақлдурким, Шайхнинг бир муриди бор эди. Одина (Жума) кунги ғусл қилмади. Намозга чиққан эди, масжидга боргунча йиқилиб, жароҳатланди. Уйига қайтди. Ночор ғусл қилиши лозим бўлди.

Шайх деди:

— Мунга шод бўлғил, сени қийнаб панд берибдилар — бу қабулнинг белгисидир. Агар сени ўз ҳолинга қўйганда ва ғусл қилмасанг эди — сени ташлаган бўлур эди.

Нақлдурки, бир маротаба шайх Абусаид Абулхайр Марв шаҳрига бормоқни лозим тутди. Истиқно қилғали бир хуржунда кесак олингизлар, деб буюрди.

— Марв шаҳрида ҳам кесак бордир. Мундан чолма олмоқнинг маъноси надур? — деб сўрадилар.

Шайх Абусаид деди:

— Аҳли тавҳиднинг сардори Шайх Абубакр Воситий айтиб-дурларким, Марв шаҳрининг тупроғи тирикдур, мен тирик тулроқда истиқно қилиб, уни ориғсиз қилмағайман ва ориғсиз қилмоқни раво кўрмағайман. (Шайх Абусаид Абулхайр тўғрисида Алишер Навоий гоят эҳтиром билан шундай ёзади: «Оти Фазлуллоҳдир. Султони вақт ва аҳли тариқат жамоли эрди. Ва анинг замонида барча машойих анга мусаххар эрдилар».)

Шайх Абубакрнинг улуг сўзлари ва баланд маъноли ишоратлари бор эди. Ушал жумладан будурки, дебдур:

— Худонинг йўлида халойиқ йўқдур ва халойиқнинг йўлида Худо йўқдир. Ҳар киши ўзига юз келтирса, орқаси иймон тарафига бўлур ва ҳар киши иймон тарафига юз келтирса, орқаси ўзи тарафига бўлур. Дебдур:

— Ҳар ердаки, «сенлик» ва «менлик»дан асар бордир, Худои таолонинг хилофидур. Ва ҳар ердаки, нобудлиқ ва нокомлиқ зурга келса, иймон ул ердадур. Дебдур:

— Тавҳид икки қисм бўлур: аввал тавҳиди шаръий, иккинчиси, тавҳиди ҳаққий. Тавҳиди шаръий нубувват (пайғамбарлик) дарёсининг роҳгузаридур ва тавҳиди ҳаққий дарёи муҳитда ғарқдур. Шаръий йўли унга олот ва воситадир. Самъе ва басар — эшитмак ва кўрмакка ғарқ бўлиб, сабаб уларга дастгир бўлур. Пайғом бирла, восита бирла хилқат ва башарият дарёсидан чиқарлар ва ваҳдоният дарёсида ғарқ бўлурлар, на осмон уларни билур, на ер улардан хабар олур. Ҳеч киши улардан ном-нишон беролмас. Тавҳиди шаръий чироқ кабидур. Тавҳиди ҳаққий офтобга ўхшар. Вақтеки, ўз юзидан пардани кўтариб, жамолин кўрсатса, чироғ нури адам (йўқлиқ) оламига юзланур. На мавжуд дегали бўлур ва на маъдум (йўқ, ном-нишонсиз), на бор демакка ярар ва на йўқ демакка тил борур, ул вақтда офтоб нурига чироғ нурининг ҳеч тасарруфи қолмас.

* * *

Дебдур:

Бу тоифа (набилар) йўқлиқ бирла бор бўлгандирлар ва бегоналар борлиқ бирла йўқ бўлур. Ҳар киши ўзи бирла тирик бўлса ўлукдир ва ҳар киши Худо бирла тирилган бўлса, ҳаргиз ўлмас. Ўлмак ва йўқ бўлмак жисмнинг ва суратнинг йўқ бўлмоғи эмасдир. Ердаги вужуддир. Жон ўлмаги анда номаҳрум бўлса, жисмга ва суратга на етар?! Тавҳид маъно ва сирредурки, танимакда унингдин сўз демакни қабул қила олмас. Шайхлар айтибдурлар: «Тавҳидни исбот қилгондан ёмон иш бўлмас». Қушайрий айтган: «Худони таниғайман дегандан улуғроқ гуноҳ йўқдир». Киши ўзининг борлиғи бирла Худони изласа асло Худони танимабдир, зероки, гуноҳим йўқдур, дебдир. Ҳар киши ўзига вужуд исбот қилибдур — ўзининг кофирлиғига хатти муҳр берган бўлур. Ҳар киши Худонинг борлигида ўзини бор билмаги куфрдир. Ва ҳар киши ўзини кўрди — Худони кўрмади. Ва ҳар киши Худони кўрди — ўзини кўрмади.

* * *

Абубакар Воситий дебдур:

— Дарвиш улки, кўнгил нури бирла йўл юрур. Оёқ бирла йўл юрганлар асонинг кучи бирла йўл юрурларким, улар нобино (кўрмайдиган) эрурлар. Уларга сўз демак мусаллам (муносиб) ва раво эмасдур.

* * *

Дебдур:

— Ҳар киши ҳақиқат сўзини эшиттувчини билмаса, унинг сийнасида ҳаёт чашмаси қуриб қолур ва ҳар кишики, унинг сийнаси чашмасидан ҳикмат обиҳаёти туғилмаса, ул киши ўз маконидан чиққанини билса ва ўз уйининг йўлини билса, тариқатдан сўз сўзламакка ва сўз айтмоққа ярамас.

* * *

Дебдур:

— Ҳар дарвиш сарпойга ошиқдир, яъни яхши киймакка орзуликдир мақсудига столмас ва муроддин маҳрум қолур.

* * *

Дебдур:

— Бу тоифа бандалик дарёсига чўкубдурлар, аммо ҳеч қаърига етмадилар ва ҳеч киши бу бандалик дарёсидан ўтолмади. Вақтики, бу асрорнинг ниҳоятини билсанг ондин кейин билурсанким, бандалик сендин дуруст бўлибдур ва рост келибдур. Улки, аҳли ҳақиқатдур адамда бўлурлар, яъни йўқлуқ уларнинг маконидур. То йўқлуқни ўзларига қибла қилмағунча, уларни йўл юргувчи дегали бўлмас. Аҳли шариятнинг йўли исботда бўлур, яъни аҳли шарият исбот йўлидадурлар. Ҳар киши шариятда бўлуб, нафий исбот қилса, бадмазҳабликка ўхшар. Ҳақиқат йўлида исбот куфрдур. Шарият даргоҳида исбот керакдур. Ҳақиқат даргоҳида нафий керакдур.

* * *

Дебдур:

— Мурид аввал қадамда мухтордур, вақтики, боғлиқ бўлди ихтиёри ўзида қолмас. Ўзининг донолиқини надонлиқида кўрар ва ўзининг борлиқини йўқлиқида мушоҳада қилур, бу сўз ишоратдин зиёдадур. Иборат бу ҳадисга маҳрам эрмас. Бу сўз на ишоратдур, на иборат, на қол бирла бўлур, на ҳол бирла англа нур. На буд бирла билса бўлур ва на нобуд бирла деса бўлур. Агар хоҳласангим, мужоҳада ва риёзат бирла билгайсан. Билгилким, Ҳиндистон ва Рум диёрида мужоҳада ва риёзат кўпдур. Ислом диёрида мушоҳада керак. Мужоҳадаки, анингда мушоҳада бўлмаса ани мужоҳада демаслар. Мушоҳада бўлмагон мужоҳада анга ўхшарки, ориғсиз бўлгон латтани пешоб бирла ювгондек бўлур, агарчи ранги зойил бўлур, аммо нажаслиғ бирла тулар.

Дебдур:

— Ҳар кишики, унинг мақсуди Худодин бўлақдур, ул киши маъюб ва айбноқдур ва бадбахтдур.

* * *

Дебдур:

— Ҳаммадин ёмон иш улдурки, тақдир бирла ўчашгайсан, яъни ҳар нимарсаки, Худонинг тақдири бўлубдур, сен унинг зидди ва хилофиға кўшиш қилғойсан.

* * *

Дебдур:

— Азал ва абад ва умрлар, замонлар ҳаммаси жалолат сифати олдида барқ — чақмоқ мисликдурки, кўз очиб юмғунчалик эрмас, чунончи, Ҳазрат пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурларки, яъни менинг Худо бирла вақтим бордурки, унда Худои азза ва жалладин ўзга ҳеч нимарса сиғмас.

* * *

Дебдур:

— Ҳеч нисбат Худога ёвуқ (яқин) бўлмоққа мундин шарофатлик эрмастурки, ёшлигинларда Худога бандалик қилғойсизлар.

* * *

Дебдур:

— Тоат ва ибодатнинг афзали ўз вақтини сақламоқдур, яъни ҳар ишни ўз вақтидин ўткармагайсан, чунончи, Ҳофиз Шерозий айтибдурлар:

Туркий таржимаси:

*Ҳар вақти хушги, бўлса муяссар-ганимат, ол.
Билмас кишига ўзга надур тонгла кунда ҳол.*

* * *

Ҳар киши Худони Худо учун парастииш қилса, жоҳиллар қаторидадур, яъни Худои таоло сенинг тоат ва ибодатингдин бениез ва беҳожатдур. Сен эътиқод қиласанки, ибодат Худо учун қилурсан, ундоғ эрмас, балки ўзинг учун қиласан.

Дебдур:

— Эй зоҳид, қачонга текру зуҳд бирла ном овоза чиқарадурсан ва дунёдин юз ўгурдим, деб шуҳрат топарсанким, тамоми дунё ва охиратнинг Худои таоло даргоҳида пашшанинг қаноти чоғлиқ қадр-қиммати йўқдур.

* * *

Дебдур:

— Қилган тоат ва ибодатга эваз ва бадал умид қилмоқ — Худонинг раҳматини фаромуш қилган бўлур.

* * *

Дебдур:

— Тоатнинг лаззат ва ҳаловатига мағрур бўлмағилким, бу солиқ учун заҳри қотилдир.

* * *

Дебдур:

— Кароматта шод бўлмоқ ва висолдан лаззат олмоқ жаҳолатнинг гурури ва гафлатнинг зуҳуридир (Яъни авлиё каромат кўрсатганига хурсанд бўлмаслиги керак, агар шундай қилса, бошқалар қилолмайдиған нарсани қилдим, деб ўзини юқори олган бўлади).

Дебдур:

— Сидқининг нишонаси ушбудир — зоҳирда халқ бирла ва кўнгилда танҳо Худо бирла бўлмоқ.

Улуғ Хулқ эгаси бўлмоқ (Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва саллам кўзда тутилмоқда) улдурки, маърифатнинг голиблигидан (билимнинг юқорилигидан) ҳеч киши бирла низо ва хусумат қилмағай ва ҳеч кишининг унинг бирла низо ва хусумати бўлмағай.

* * *

Дебдур:

— Кўнгилнинг ҳаракати билан амал қилган қўл қувватининг ҳаракати билан амал қилгандан шарафироқдур, агар ҳаракатнинг Ҳақ таоло даргоҳида қадри ва қиммати бўлса эди, қирқ йил пайғамбар алайҳиссаломни феълдан холи қўймас эди, яъни амалга эътимод (қаттиқ аҳамият) қилмағил, амалдин холи бўлмағил.

* * *

Дебдур:

— Бу замонда бизлар бир тоифалар орасида қолибдирмиз, уларда на ислом одобларидан нишона бўлғай ва на муруват ҳукми уларда зоҳир. Ҳамма жоҳиллик ва бадхўйлик уларда мавжуд ва пайдодур.

* * *

Нақл қилибдурлар:

— Шайх Абубакрдан сўрдилар:

— Иймон надур?

Шайх деди:

— Қирқ йил оташпарастликда кун ўткарган киши иймонга етгай.

Дедиларким:

— Эй Шайх, бу на сўздур?

Ҳазрат Шайх дедилар:

— Ҳазрати пайғамбар саллаллоҳи алайҳи ва салламга қирқ йил бўлмагунча ваҳий келмади. Ул Ҳазратда ул вақтгача ҳам иймон бор эди, аммо ул камол ва мартаба пайғамбарликдан кейин ҳосил бўлди. Аввалда ул камол йўқ эди. Ва сенки, нафси ам-

моранинг (нафснинг энг каттаси) эгасисен, нафси аммора ҳадис ҳукми билан кибрдир. То нафснинг кибрлигидан ўтмагунча ва (ундан) халос бўлмагунча иймон ҳақиқатига етолмассан.

* * *

Дебдур:

— Ҳеч киши Ул Ҳазрат саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг мақомларидан ўтолмади. Агар ўтдим деса зиндиқлардек бадмазҳаб бўладурки — авлиёлар даражасининг ниҳояти пайғамбарлар даражасининг ибтидосидир.

* * *

Шайх вафот қилур вақтида муридлар:

— Бизларга бир васият қилинг, — дедилар.

Шайх дедилар:

— Ўз вақтларингни пос тутинглар — қадрланглар, раҳматуллоҳи алайҳи.

Шайх Абубакр Воситийнинг айтган сўзларидан кўпларини тушириб қолдирдик. Сабаби улар мазмунини тўла тушуна олмадик, ўзимиз тўла тушуна олмаган нарсани бошқаларга тақдим этишга юрагимиз дов бермади. Воситий тўғрисида тўлароқ маълумот олиш учун «Талкиратул авлиёи туркий», «Шарҳ ул-қулуб» («Қалблар шарҳи»), «Маърифат ун-нафс» («Нафсни билиш»), «Нафаҳот ул-унс» каби буюк китобларни мутолаа қилиш лозим. Биз шундай улғубобомиз борлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Алҳамдулиллаҳил лазий биҳикматиҳи ва қудратиҳи татиммус солиҳат — Ҳар бир яхшилик Оллоҳ таолога хосдир, ҳар бир яхши якун топган иш унинг ҳикмати ва қудрати бирла ҳосил бўлур.

ЭЛДА СИТОЙИШЛИГ АВЛИЁ

Муҳаммад ат-Термизий

Шарқ ақл-заковати ва Ислом олами яратган ўқтам сиймолардан бири ҳамюртимиз Муҳаммад бинни Али Ҳаким Термизийдир. Термизда яшаб ўтган бу улўғ алломанинг ҳаётига доир маълумотлар кам, туғилган йили ноаниқ бўлиб, милодий 831 йили туғилган (932 йилда вафот этган дейилади). Термизий или-фаннинг тафсир, ҳадис, тасаввуф, ҳикмат, тиббиёт ва фалакиёт соҳалари билан шуғулланиб, кенг шуҳрат қозонган. Алишер Навоий у ҳақда: «Кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва таснифоти дағи бор. Ул жумладан «Хатм ул-вилоя» китоби ва «Наҳаж» китоби, «Наводир ул-усул» ва бундан ўзга ҳам китоблари бор ва бир «Тафсир» ҳам ибтидо қилғондир, аммо итмомига умр вафо қилмайду ва Хизр бирла суҳбат тутар эмиш. Абубакр Варроқким, аянинг шогирдидир», — деб ёзади.

Махфий қолмасяким, Абубакр Варроқ Термизий буюк муҳаддис Абу Исо Термизийнинг тоғасидир.

Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий илмий меросининг айрим намуналари, жумладан, «Наврўзнама» рисоласи Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмιοҳида сақланади. Бошқа манбалар билан чоғиштирганда (масалан, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарлари) Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкиратул авлиёи туркий» асари ҳозирча Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот берувчи мўътябар манба ҳисобланади. Улуғ инсоннинг болалиги, илм олиш йўлидаги заҳматлари, ота-онасига бўлган муносабати, Шайхнинг башорат ва кароматлари, ҳаёт муаммоларига доир мулоҳазалари замондошларимиз учун катта маърифий аҳамиятга эга. Тазкирада берилган Термизий зикри услуб жиҳатидан ҳозирги ўқувчиларга бироз оғирлик қилади. Шу сабабли матини ҳозирги адабий тилимизда қайта ёзиб чиқдик, изоҳлар бердик, арабий, форсий сўзларнинг туркийсини бердик, эски туркий сўзларга асло тегмадик.

Нақллар буюк олим — ҳаким ул-авлиё сиймосини кўз ўнгимизда гавдалантиришга хизмат қилади.

Ул салими суннат — суннатга тўлиқ амал қилувчи, ул азими миллат — миллат улуғи, ул мужтаҳиди авлиё — мушкул масалаларни ҳал этувчи авлиё, ул мунфариди асфиё — сўфилар ягонаси, Шайхи вақт — ўз вақтининг шайхи Муҳаммад ибн ат-Термизий раҳматуллоҳи алайҳи тамом машойихларнинг улуғи ва ҳамма авлиёларнинг ҳурматлиларидан эди. Ҳамма халойиқларнинг тилларида ситойишли (мақтовли) киши эди. Ҳадисда ва тафсир маъноларида соҳибмазҳаб эди. Маърифат ва ҳақиқат баён қилурда замонанинг ажубаларидан (тонг қолдирувчи) эди. Жувонмардликда комил ва бисёр машаққатлик ва улугхўйлик киши эди. Ривоят ва ҳадис айтурда эътимодлик (ишонарли) эди. Риёзат ва кароматлари тўла бўлур эди. Шарият ва тариқатда мужтаҳид (мушкул муаммоларни счиб берувчи) эди. Бир тоифа авлиёларни «Термизий» дерлар, иқтидо қилурлар — суянадилар. Унинг мазҳаб ва ижтиҳодлари бирла сулук қилурлар. Ул олими раббонийдир. Ва бу умматнинг ҳукамосидан — донишмандларидан эди. Ҳеч кишига тақлид қилмас ва ҳеч кишидан ўрганиб (иш) қилмас эди. Ўзи соҳибкашф ва соҳибасрор эди, яъни ҳар ишнинг ҳақиқати кашф бирла унга маълум бўлур эди. Ҳикмат илмида бағоят комил эди. Шу сабабли уни «Ҳаким ул-авлиё» — авлиёлар ҳакими дер эдилар.

Шайх Абу Туроб Нахшабий, Аҳмад Хизравия, Ибн Жало ва Яҳё Маоз билан сўз орага солган эди (улар билан мунозара қилган эди). Шайх Муҳаммад Ҳакимнинг тўла тасниф қилган китоблари бордир. Ҳаммаси машҳур эди. Ва унинг вақтида ҳеч киши Термизда унинг сўзини фаҳм қилмас эди. Шайх шаҳар халқидан йироқда яшар эди (Муҳаммад Сиддиқ тазкирасида Шайхнинг исм-лақаблари турлича келтирилади, жумладан, Муҳаммад Ҳаким, Али Ҳаким, Шайх Али ва ҳоказо).

НАҚЛ

Ибтидои ҳолда (болалигида) бир илм толиби билан танишиб, ўқигали яна бир бошқа шаҳарга борур бўлдилар. Онаси англаб, ғамгин бўлди ва деди:

— Эй жоним бўтам, мен ожиз ва кишисизман. Менинг хизматимни қиладирган сендан ўзга киши йўқ, танҳо онангни кимга ташлаб кетурсан?

Бу сўзлардан Али Ҳакимнинг кўнглида бир дард — алам пайдо бўлди. Сафарни тарк қилди. Ул икки ҳамроҳи ўқиш учун кетдилар. Орадан неча маҳал вақт ўтди, бир куни гўристонликда ўтириб йиғлар ва айтар эди: «Мен мунда туриб қолдим, ёронларим ўқиб олим бўлиб келсалар, мен бу янглиғ жаҳолатда қолурман». Шу пайт бир нуроний киши келди ва деди:

— Эй ўғил, на учун йиғларсан?

Ўғлон тамом аҳволини ул кишига баён қилди. Пир деди:

— Эй ўғлон, ҳар куни бир сабоқ ўргатиб қўйсам, хоҳиш қиласанми?

Ўғил деди:

— Эй пири бузруквор, менинг хоҳишим ушбудир. Ўғил айтур:

— Ҳар куни бир сабоқ ўргатти, то уч йил ўтти. Ундан кейин маълум бўлдик, ул пир Хизр алайҳиссалом эмишлар. Мен бу давлатни волидамнинг ризолигидан топдим.

* * *

Шайх Абубакр Варроқ айтур:

— Хизр алайҳиссалом Муҳаммад Али Ҳакимнинг олдиларига келур эди. Турфа воқеаларни бир-бирларидан сўрашур эдилар.

Яна Шайх Абубакр Варроқ айтур:

— Бир куни Муҳаммад ибн Али Ҳаким менга деди:

— Эй Абубакр, бу кун сени бир жойга олиб борайинми?

Мен дедим:

— Шайх, яхши бўлур.

Икковлон неча қадам йўл юрдик. Ҳеч қанча йўл юрмасакда, бир саҳро пайдо бўлди ва бир биёбонда ўзимни кўрдим: ажиб улуғ биёбондир. Ул биёбон ичра бир улуғ дарахт ва олтин қўйибдирлар. Бир чашма сув оқиб борур. Олтин тахтда бир киши зебо либослар кийиб ўлтирибдир. Шайх унинг олдига ёвуқ борган вақтда, ул киши қўпиб, Шайхнинг олдиларига келиб, этагин тутиб, тахт узра ўлтиргизди. Бир қанча вақтдан кейин бир тарафдан гуруҳ-гуруҳ одам келди. Жами қирқ киши

тўпланди. Ул киши осмонга ишорат қилган эди, таомлар ҳозир бўлди. Уни едилар. Шайх ул кишидан саволлар сўраса, ул киши жавоб берур эди. Савол-жавобни мен асло тушунмас эдим. Бир соатдан кейин Шайх рухсат тилаб, ёнди — қайтди. Ва йўлда менга дедилар:

— Юргил, саодатманд бўлдинг.

Бир замон ўтиб, Термиз шаҳрига келдик.

Мен дедим:

— Эй бузруквор, бу не ҳол ва бу не ер эди ва ул тахт узра ўлтурган киши не киши эди?

— Ул биёбон бани Исроил қирқ йил сарсон кезиб юрган биёбон дейилган ердир ва ул тахт узра ўлтирган киши Қутб эди.

Мен дедим:

— Эй Шайх, бир соатда мунча узоқ биёбонга бориб келдикми?

Шайх деди:

— Эй Абубакр, олиб борғувчи ва олиб келгувчи Ўзи бўлса, борса ва келса бўлур. Сен борганимиз ва келганимиз ҳақида сўз десанг бўлур, аммо «Нечук бордик ва келдик?» демак, сенинг ишинг эмас.

* * *

Ҳаким Термизий дебдур:

— Нафсимни тоат ва ибодатга кўндиргайман деб ҳарчанд жидду жаҳд ва кўшиш қилдим, ҳаргиз кўндиролмадим. Ўзимдан навмид бўлдим ва ўз-ўзимга дедим: «Ҳақ таоло бу нафсни дўзах учун яратибди, дўзахийни на учун парварिश қилғум». Бир дафъа дарё (Амударё) бўйига бордим. Бир кишига: «Менинг қўлимни ва оёғимни маҳкам боғлаб қўйғил», — дедим. Ул киши мени боғлаб кетди, юмаланиб бориб ўзимни дарёга солдим, то ғарқ бўлиб кетгайман. Дарёнинг суви менинг қўлим ва оёғимни бўшатиб, канорага (қирғоққа) чиқариб ташлади. Мен яна ўзимдан умидсиз бўлдим. Дедим: «Субҳоналлоҳ, Худоим бир нафсни қайтарди, бу нафс на беҳиштга лойиқ, на дўзахга сазовор». Ўшал ўзимдан навмид бўлган вақтда асрор менга очилди, шунчаликки, асл муродим эди — кўрдим. Ўшал соат ўзимдан ғойиб бўлдим. Токи тирикман ўшал соатнинг баракотидан тирикман.

НАҚЛ

Абубакар Варроқ айтур:

— Шайх Али Термизий бир кун менга ўзи тасниф қилган китоблардан бир неча жуз китоб бериб, деди:

— Шунини олиб бориб дарёга ташлагил.

Мен ул китобларни кўрдим — ҳаммасида латойиф ва ҳақиқат сўзлари битилган. Уларни сувга ташламоққа кўнглим бўлмади.

Ҳайф деб, уйга келтириб қўйдим. Келиб:

— Дарёга ташладим, — дедим.

Шайх деди:

— На кўрдинг?

Мен дедим:

— Ҳеч нарса кўрмадим.

Шайх деди:

— Китобларни дарёга ташлаганинг йўқ, бориб ташлагил. Мен ичимда дедим: «Мушкул уза мушкул бўлдики, на учун китобни дарёга ташлайдир ва бундан не каромат зоҳир бўлур экан?»

Уйга бориб китобларни келтириб, дарёга ташладим. Дарёга қараб турдим, иккига бўлинди. Оғзи очиқ сандиқ зоҳир бўлди. У китобларнинг ҳаммаси сандиққа тушди ва сандиқ оғзи ёпилди. Дарё яна ўз ҳолига келди. Мен бу ҳолни кўриб, ҳайрон бўлдим. Шайхнинг олдига борганимда, Шайх деди:

— Эмди ташладинг, мен кўрдим.

— Эй Шайх, Худо ҳақи, бу сирни менга айтгайсиз.

Шайх деди:

— Амал илмидан бир китоб тасниф қилган эдим, биродарим Хизр алайҳиссалом ул китобни мендан тилаб эдилар. Ул кўринган сандиқ балиқ эди, Хизрнинг фармони бирла келган эди. Китобни Хизрга еткурди.

* * *

Шайхнинг аёлидан сўрадилар:

— Шайхнинг аччиғи келганини билурмисизлар?

Дедиким:

— Билурман, биздан озор топган кун бизларга кундошдан зиёда пеш келадир ва айтар: «Илоҳи, мен тавба қилдим, сен буларни ҳам салоҳга еткурдил».

Аҳли аёл айтур:

— Биз Шайхни бу ҳолда кўриб айтурмизким, бизлардан озор топиб эмиш, дарҳол биз тавба қилиб, узрлар айтиб, Шайхни озурдалиқдан халос қилур эдик.

НАҚЛ

Шайх Муҳаммад Али Ҳақимнинг бир зоҳид замондоши бор эди. Ҳамиша Шайх Ҳақимга эхтироз қилур эди. Ҳаттоки, Шайх салом берса жавоб бергани номус қилар эди. Шайхнинг дунёлиқдан бир эшиклик уйи бор эди. Ҳижоздан (сафардан) қайтиб келса, бир ит эшиги тубида кучуклаб қолибди. Ул уйнинг бошқа эшиги йўқ эди. Шайх ул итни бошқа жойга чиқармоқни хоҳлади. Итнинг ёнига келиб, шарпа қилиб яна қайтиб кетар эди. Етмиш марта келиб-кетди. Мўлжали — ит ўз ихтиёрича кучукларини олиб кетсин. Ундай бўлмади. Шайх ҳам зўрлаб қувламади. Уйнинг бошқа жойидан эшик очиб кирди. Ўшал кеча ул зоҳид пайғамбар алайҳиссаломни туш кўрди. Ул Ҳазрат дедилар: «Эй фалоний, сен бир киши бирлан баробарлик қилурмисанки, бир сак учун етмиш мартаба рия қилди. Агар азал ва абад саодатманд бўлай десанг, анинг хизматига белингни маҳкам боғлаб, жондиллинг бирла унга хизмат қилғил».

Шундан кейин зоҳид тамом умрида Шайх Алининг хизмати-ни қилди.

НАҚЛ

Шайх бир неча муддат Хизр алайҳиссаломни кўрмаган эди. Бир куни Шайх покиза ва ориғ дастори фарижий кийиб, масжиди жомеъга ўтиб борур эди. Бир канизак лаганда тўла нажосатли (мағзава) сувни кўчага сочиб тўкиб эди, Шайхнинг бошига сачради (Кейин маълум бўлдики, қасди Шайхнинг устига тўкиш экан). Шайх ҳеч нима демади ва ҳамма аччиғини ўзига сингдирди. Ушбу дам Хизр алайҳиссалом келиб, деди: «Ушбу аччиқни ютганингдан ва унинг оғирини кўтаргандан мени кўрдинг».

Айтибдурларки, Шайх ажойиб адаблик киши эди, ҳаттоки аҳли аёли қошида бурнини мишқирмас эди.

Бир киши бу сўзни эшитди. Шайхнинг бу ишени азмойиш қилиб сўз айтди. Шайхни излаб борди ва масжиддан топди. Бир соат кутиб турди. Шайх намоздан фориг бўлиб, масжиддан чиқди ва ул киши Шайхнинг орқасидан юрди ва ўзига дер эди: «Кошки, халойиқнинг сўзи рост эканин билсам». Шайх фиросат билан билди (Фиросат — киши кўнглини сезиш, юзига қараб дилидаги ниятни била олиш илми). Юзини ул киши томонига буриб, бурнини мишқирди. Ул киши таажжуб қилиб ўзига деди: «Халойиқдан мен эшитган сўз ёлғондир ёки Шайх мени каромат қамчиси билан урди. Мен бекорга бузруклар асрорини билмакка қасд қилибман». Ул кишининг кўнглидаги хаёлини Шайх билиб, унга боқиб, деди:

— Эй ўғил, дарнаким халқ сенга хабар берибдир — ҳаммаси рост ва лекин ҳамма оёғингга бош уришини хоҳласанг, зинҳор кишининг сирини кишига демакдин ўзингни тўхтатгил. Ҳар киши подшоҳлар сирини кишига айтур бўлса, ул киши асрор бўлғали ярамас.

НАҚЛ

Йигитлик вақтида Шайхни бир соҳибжамол, раъно хотин ўзига чорлади. Шайх қабул қилмади. Бир хотин Шайхнинг боғда ўтиришини ҳалиги хотинга айтиб берди. Хотин ўзига рангоранг зийнат ва оройишлар бериб, боғаро Шайх қошига кирди. Шайх жувонни кўриб, ундан қочиб юрди. Хотин Шайхнинг орқасидан қувганча фарёд қилиб қичқирдиким: «Ноҳақ менинг қонимга зомин бўлурсан, мен сенинг иштиёқингда ўларман». Шайх унга ҳеч илтифот қилмади. Бир баланд том узра чиқиб, ўзини орқага ташлади.

Пир-нотавон бўлганда, бир кун йигитлигида ўтган аҳволини ва ёшликда кечган сўзларини бир-бир мукалима қилиб ўлтирур эди, ушбу хотиннинг қилмиши ёдига келди. Кўнглида деди: «Ўша пайтда хотиннинг ҳожатини раво қилсам нима бўларди экан, йигит эдим, яна тавба қилсам бўлар экан».

Бу хаёл кўнглида пайдо бўлганда оғриб ётиб қолди. Ва деди: «Эй чиркин нафс, қилмаган гуноҳ учун пушаймон қилсан, йигитликда хотирингда йўқ эди, энди эса пир-нотавон бўлиб, неча йиллик меҳнат ва риёзат тортгандан кейин бу андиша кўнглинг-

га қайдин пайдо бўлди?» Шайх шундай деб улуғ андуҳнок ва ғамгин бўлиб, нафсига мотам тутди. Уч кун бу андишанинг мотамида ўлтирди.

* * *

Одам Ато ва Момо Ҳаво тўғрисида жуда кўп нақл ва ривоятлар яратилган, аммо Термизий келтирган ривоят бошқа манбаларда учрамайдиган ғоят қизиқарли ривоятдир. Алишер Навоий ат-Термизий ҳақида ёзганда: «Бир Тафсир ибтидо қилибдур, аммо итмомига умр вафо қилмайдур», — деб хабар беради. Қуйидаги ривоят ўша «Тафсир»дан бўлса ажаб эмас.

ШАЙТОН ВА ОДАМ АТО РИВОЯТИ

Шайх Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий дебдур:

— Банда тўла риёзатлар тортса ва зоҳирий адабларни хўп бажо келтириб ва пок кўнгли ҳосил қилгандан кейин унинг кўнглига Худонинг таоло бир нурато қилур. Ул сабабдан ҳақиқат маъносига кўнгли очилур маҳалда нафс ўзини тавҳид даврасига олур (яғонаман деб керилгай). Ва бу мартабага нафс кўп шодликлар қилур. Ночор бу вақтда хилватда ўлтургай ва сўз айтгай. Ва ҳарна файз-футуҳ бу йўлда муяссар бўлган эса, уни халойиққа шарҳу баён қилгай. Шунчалик бўладики, халойиқ уни маърифатли дегайлар ва ғайбдан етган файз-футуҳ сабабидан улуғлағайлар ва иззат ва ҳурмат қилгайлар ва бузрук дегайлар. То онча бўлгайки, нафс бу янглиғ ишлардан фирифта бўлур (ғурурланур), бир аноният (кибр-ҳаво) каби нарса унинг димоғида пайдо бўлур. Ибтидои ҳолда риёзатнинг файзи билан топган лаззат ўзида эди, энди ул лаззат тарқар.

Эй бандан солиқ, ҳушинг бирлан бўлғил ва бу сўзни қулоғингда тутғилки, зинҳор ўз ҳолинга огоҳ бўлғил, то Шайтоннинг шарридин номаъқул ишлар қилиб ва номаъқул гуноҳларга тушиб, дўзахга сазовор бўлмағайсанки, Шайтон сенинг кўнглингда маҳкам боғлиқдур, чунончи, нақл қилибдурларким, Ҳазрат Одам ва Ҳаво бир-бирлари бирлан (Ер юзида қайта) топишдилар ва тавбалари қабул бўлди эса, бир кун Одам алайҳиссалом бир ишга кетиб эдилар. Иблис Ханнос отлиғ ўғлини олиб, Ҳаво қошига келди. Ва деди.

— Мен бир зарур ишга борурман, менинг фарзандимни то мен келгунча эҳтиётлаб туринг.

Ҳаво қабул қилдилар. Иблис боласини қўйиб кетди.

Одам алайҳиссалом келдилар ва сўрдилар:

— Бу на кишидур?

Ҳаво дедилар:

— Иблиснинг фарзандидур. Менга топшириб кетди.

Одам алайҳиссалом Ҳавога маломат қилиб, аччиғлаб дедилар:

— На учун қабул қилдинг, бу ишдан бир макри бордир?

Иблиснинг боласини тутиб ўлдириб, пора-пора қилиб, бир парчасини бир дарахтга осдилар ва яна қайтиб ишларига кетдилар. Ундан кейин Иблис келди ва деди:

— Фарзандимни на қилдингиз?

Ҳаво ўтган воқеани бир-бир баён қилиб, деди:

— Фарзандингни Одам ўлдириб, пора-пора қилдилар, кўргилким, ҳар порасини дарахтнинг шохига осдилар ва яна қайтиб ишларига кетдилар.

Иблис фарзандининг отини тутиб, қичқирди эса ҳарна бор аъзоси жам бўлиб, тирилиб Иблиснинг олдиға келиб турди. Иблис яна Ҳавонинг ёнига келиб, деди:

— Менинг бир олдорош (овора бўладиган, зарур) ишим бор, буни сақлаб туринг.

Ҳаво қабул қилмади. Иблис зорланиб шафқат тилади, яна ночор қабул қилиб олиб қолди. Иблис кетди. Одам алайҳиссалом келиб сўрдилар:

— Бу надур?

Ҳаво кечган аҳволларни баён қилди.

Одам алайҳиссалом Ҳавони уриб-сўқтадилар ва дедилар.

— Билмасмисан бу ишда на асерор бор, сен менинг фармонимни тутмассан ва ул Худонинг душманини билиб туриб, унинг сўзига алданасан! — Шундан кейин Иблиснинг боласини тутиб ўлдирдилар, ўтга солиб куйдирдилар ва кулининг ярмини сувга ва ярмини шамолга ташлаб совурдилар-да, яна ўз ишига кетдилар.

Иблис яна келди фарзандини Ҳаводан сўради. Ҳаво ўтган аҳволни баён қилиб, куйдирган ва совурганни бир-бир деди. Иблис фарзандини чақирди. Ўшал замон тамом аъзолари жам бўлиб, бир-бири бирла пайванд бўлиб, тирилиб, Иблиснинг ёнига келди.

— Буни қабул қилғил.

Ҳаво деди:

— Агар буни энди қабул қилсам, Одам мени ўлдирурлар.

Ундан кейин Иблис қасам ичиб, Ҳавога фарзандини топширди. Ҳаво ҳам ночор қабул қилди. Ундин кейин Одам алайҳиссалом яна келиб, Ханносни кўриб кўп аччиғлари келди ва Ханносни тутиб ўлдириб, шўрва қилиб нисфи (ярми)ни ўзлари едилар, нисфини Ҳавога бердилар. Айтишларича, Иблис охирида боласини қўй суратида келтириб қўйиб кетган эди. Иблис яна келиб, боласини сўради, Ҳаво деди:

— Фарзандингни Одам ўлдириб, пиширдилар-да, ярмини ўзлари едилар ва ярмини менга бердилар.

Иблис деди:

— Менинг муроду мақсадим ушбу эди: бир иш қилсаму Одам ичига йўл топсам. Вақтики, Одамнинг сийнаси менга макон бўлди — энди муродимга етдим.

Чунончи, Ҳақ таоло фармон берибдур: «Мин шаррил васвасил ханнаси. Аллази юувасвису фии судурин наси. Минал жиннати ваннас». Оятнинг тафсири: Паноҳ тилагил, эй Муҳаммад, Ханнос отлиқ Шайтоннинг шарридин ва восвосидинки, одамни ва парининг кўнглига кириб, фириб берадур. Андоғ Шайтоннинг шарридин Худойингга сиғингил (Таржима Муҳаммад Сиддиқ Рушдийники).

ҲАКИМАТ-ТЕРМИЗИЙ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Ҳар кишининг ҳиммати дунёлик бўлса, унинг ҳиммати шумлиғидан ҳамма ёмон иши дунёлик қаторида бўлур. Ҳар кишининг ҳимматида иймон бўлса, унинг тамом дунёлик иши иймон қаторида бўлур.

* * *

Ҳар киши илмли бўлганига зухд-тақвосиз хурсанд бўлса, китоблик бадмазҳаблар қаторига киргай.

* * *

Ўзини танимайдурган киши Худони нечук таниса бўлур?!

* * *

Бир сурув қўй ичра юз бўри кирганда бўладиган гавғодан, соатлик шайтон фасоди зиёдароқдир. Ва юз шайтоннинг одамийга қиладурган фасодидан нафснинг одамийга қиладирган фасоди ёмонроқдир.

* * *

Одамийга ёмон айб шуки, ўзига зиён еткурадиган нарсага (эришганига) шод бўлғай (Масалан ўғри катта пул ўғирладим, деб севинади, аслида у охиратини куйдиради).

* * *

Ҳар кишики тариқатга кирибдир, гуноҳкор халққа инкори қолмас (яъни гуноҳ қилишдан ўзини тия олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаслигини англаб етади ва бу йўлга – тариқатга кирмаганларга таъна қилмайди).

ҚУТБИ ЗАМОН

ШАЙХ АБУ ТУРОБ НАХШАБИЙ

Шайх Абу Туроб Нахшабий Боязид Бастомийнинг замондоши ва яқин дўсти эди. Шайхнинг туғилган ва вафот этган йиллари манбаларда аниқ кўрсатилмаган.

«Тазкиратул явлиён туркий»нинг ўттиз тўртинчи мақоласи Шайх Абу Туроб Нахшабийнинг зикридир. Шунингдек, Боязид Бастомий ва Шақиқ Балхий зикрларида ҳам Абу Туроб билан боғлиқ нақллар ўрин олган.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий Шайхни қуйидагича сифатлайди: «Ул паҳлавон умидони билод — огоҳликдан умид қилгувчиларнинг паҳлавони, ул шоҳимардони маъно, ул моҳи осмони тақво — тақво осмонининг ойи, ул муҳаққиқи ҳақойиқ — ҳақиқат илмининг орифи, қутбӣ вақт Абу Туроб Нахшабий раҳматуллоҳи алайҳ».

Замондошларимизга тушуниш осонроқ бўлсин деб Абу Туроб зикрини ҳам ҳозирги тилимизда бирмунча содалаштириб баён этишга, имкон қадар изоҳ беришга қарор қилдик. Умидвормизки, бундан Рушдий Ҳазратларининг руҳи норози бўлмағай.

* * *

Абу Туроб Нахшабий тариқатнинг айёрларидан эди («Айёр» сўзи маккор, ҳийлагар маъносидан ташқари «бирор ишга жон-жаҳди билан ёпишувчи» маъносини ҳам билдиради), бало ва меҳнат (бу ерда қийинчилик) даштининг ягоналаридан эди, тариқат боргоҳининг обидларидан эди. Фақир даштининг мусофирлари ва бу тоифанинг саййидларидан эди. Хуросон машойихлари орасида риёзат ва тақво йўлида қадами маҳкам эди. Тариқатнинг имо-ишоратларида сўзлари баланднафаслик киши эди. Қирқ ҳаж адо қилган эди. Неча йил такияга бош қўймади, уйқуламади. Ҳарамда (Маккаи мукаррамада) бир мартаба кўзи уйқуга борди ва туш кўрди — беҳишт ҳурларидан бир тоифа ҳурлар келиб, Шайхга ўзларини ҳавола қилдилар. Шайх деди:

— Мен Фафур бирла қанчалик машғуллиғим бор бўлса, ҳурларга боқишга шунчалик фурсатим йўқдир.

Ҳурлар деди:

— Эй бузруквор, агарчандеки, сиз дегандекдур, аммо буни ўзга ҳурлар эшитсалар: «Сизларнинг қадр-қимматингиз Шайхнинг олдида йўқ экан», — деб бизларга маломат қилурлар.

— Биздек тоифанинг сизлар бирла парвоси бўлмағай. Эй ҳурлар, ўтган тақсиротни олами бақода бажо келтургайсизлар. Мен ҳам беҳиштга кирсам ва ўшал олами бақодан жой топсам, менга ҳам хизматни у ерда қилгайсизлар.

* * *

Шайх ибн Жало айтур:

— Абу Туроб Маккага кириб келди. Ажаб тоза ва барно эди.

Сўрдим:

— Таомни не ерда еб эдингиз?

Деди:

— Басрада таом едим, ундан кейин Бағдодда таом едим, ундан кейин мунда келиб таом едим.

* * *

Яна Шайх ибн Жало айтур:

— Уч юз пири комилни кўрдим. Улар орасида тўрт кишидан улуғроқ киши йўқ эди. Ул тўрт бузрукнинг бири Абу Туроб Нахшабийдир.

* * *

Нақл қилишларича, ҳар қачон Абу Туроб Нахшабийнинг асқобларидан бир ёмон иш вуқуга келганини кўрса, ўзи тавба қилиб, ўзига риёзатни ортиқ лозим тутиб айтар эди:

— Бу бечора менинг шумлиғимдан бу балога қолибдир (яъни бирор асқоб мен билан суҳбатлашиб, мендин илм ўрганиб; ёмон иш қилишни ташлай олмабдими, демак, менда ҳали камчилик кўп экан, деб ўзини айбдор ҳисоблар эди).

Абу Туроб Нахшабий асҳобларига айтур эди:

— Сизлардан ҳар ким қурама энгил кийса, ул киши сойил (гадо)лик қилган бўлур. Ҳар киши хонақоҳнишин бўлса, гадолик қилганидир. Ҳар киши мусҳаф (китобат қилинган Қуръон мусҳаф дейилади) очиб Қуръон ўқиса (яъни ёддан ўқий олмаса) ҳам гадолик қилганидир (бу талаб асҳобларидан сўралмоқда, ҳаммадан эмас).

НАҚЛ

Шайх ўз бошидан ўтган бир воқеани шундай ҳикоя қилади: — Бир куни кўнглимга бир тарафга сафар қилмоқ орзуси тушди. Иттифоқо йўлдан оздим. Бир қабиланинг ичидан чиқиб қолибман. Бир неча жамоат тўпланган. Жанжал-ғавғо бўлаётгани сезилиб турибдир. Мени кўриб, ҳаммаси югуриб келди. Бири: «Менинг матоҳимни сен олдинг, бер», деса, бири: «Бизнинг молимиз йўқ бўлди, гумонимиз сендан», дер эди. Улар мени икки юз таёқ сўқтилар. Мени уриб турганларида бир киши ўтиб борар эди. Яқин келиб таниса — Абу Туроб Шайхдир. Ёқасни йиртиб, фарёд қилиб қичқирди:

— Тариқат Шайхига бу не беҳурматлик, бу не беадаблик?! Ҳамма тариқат йўлидагиларнинг хожаси-ку бу!

Ул халойиқ пушаймон қилдилар ва узр сўрадилар.

Абу Туроб деди:

— Эй биродарлар, ислом ҳақн қасам ичиб айтаманки, ҳеч вақтда мен бунчалик хушвақт бўлмаган эдим, неча йиллар эдиким, мен нафсимни жазолаш учун шундек жазо олиш орзусида эдим. Ўшал орзумга энди бу кун етдим.

Шундан кейин ул киши қўлимдан тутиб, мени уйига олиб борди. Таом татимоққа ижозат олиб, иссиқ нон ва тухум келтириб қўйди. Мен ноз бирла тухумга қўл узатиб эдим, ғайбдан бу овозни эшитдим:

— Эй Абу Туроб, икки юз қамчи егандан кейин иссиқ нон бирлан тухумни егилки, ҳар қачон ҳар орзу сенинг кўнглингга етса, икки юз қамчи емасдан муяссар бўлмағувсидир.

НАҚЛ

Шайх Абу Туробнинг бир неча ўгли бор эди. Ўша вақтда одамхўр бўри пайдо бўлди. Неча ўглини бўри еб кетди. Бир куни Абу Туроб намоз ўқиётган пайтда саждада эди, бўри келиб унга қасд қилди. Шайхга: «Хушёр бўлинг», деб хабар қилдилар. Аммо у ҳаргиз жойидан қимирламади. Бўри Абу Туробни кўрди ва қайтиб кетди.

НАҚЛ

Шайх Абул Қиёс айтур:

— Абу Туроб бирла биёбонда кетиб борур эрдик. Ёронлардан бири: «Ташна бўлдим», деб нола қилди. Абу Туроб оёғини ерга урди — бир булоқ пайдо бўлди. Яна бири: «Менинг орзум шуки, бу сувни жомда олиб ичгайман», — деди. Шайх илигин ерга сўқди — бир оқ шиша жом чиқди, шундай жомки, илгари ҳеч киши кўрмагандир. Жомда сув олиб ҳаммалари ичдилар ва ул жом Маккага боргунча уларда эди. Шайх Абу Туроб Шайх Абул Қиёсга деди:

— Сенинг асҳобларинг Ҳақ таолонинг дўстларидан бу янглиғ каромат ишлар зуҳурга келганига не дейдилар?

Абул Қиёс айтур:

— Бу ишларга озгина кишилар иймон келтирдилар, кўплари инонмадилар.

* * *

Дедилар:

— Эй Шайх, биёбонда озуксиз йўл юриб бўлмас, йўл юрарга куч ва қувват лозимдир.

Шайх деди:

— Худо йўлига кирган кишига озуксизлик озукдир.

* * *

Шайх айтур:

— Бир кеча биёбонда йўл босиб борур эдим. Кеча қоронғу эди. Жонивор янглиғ бир нимарса кўринди. Мен жуда кўрқдим.

Дедим:

— Сен девмисан ё одаммисан?

Ул деди:

— Сен мусулмонмисан ё кофирмисан?

Мен дедим:

— Мусулмонман.

Ул деди:

— Мусулмон Худодан бўлақдан қўрқмас.

Мен ўзимга келдим. Бу ғайбандир, деб таслим қилдим ва
тамом қўрқинч мендан кетди.

* * *

Абу Туроб Нахшабий айтур:

— Мурид нафсининг тарбиятида сафар қилгандан уйида ўлтиргани яхшидир. Ҳар фосид ва бало ботил ва беҳуда сафар қилгандан юзланур ва Ҳақ таолодан фармон келибдир: «Эй бандалар, йироқ бўлинглар гуноҳи кабирадан».

Гуноҳи кабира бу тоифа учун ушбу тўрт нимарсадир. Аввал, даъвои фосид, яъни: «Мен мундоғ киши, мен андоғ киши», — деб ўзини ўбдон билмак; иккинчи, ишорати ботил, яъни иймони ишққа кишини далолат қилмоқ, учинчи, талоқи жаббор, яъни жабру ситам қилгувчиларни ўз ҳолига қўймоқ; тўртинчи, беҳуда ва белозим сўзларни кўп сўзламак, чунончи, Ҳақ таоло айтур: «Ҳар кишиким анинг кўнглида зарра чоғлиқ дунёнинг қадр-қиммати бўлса, ҳаргиз Парвардигорининг ризосини топмас».

* * *

Шайх дебдур:

— Вақтики банда ибодатда содиқ бўлса, ибодат вақтида ҳузур-ҳаловат топар.

* * *

Шайх дебдур:

— Сизлар (одамлар) уч нарсани дўст тутарсизлар: аввал Худоникини дўст тутарсиз, сизларники эмас; иккинчи руҳни дўст

тутарсиз, ул ҳам Худои таолоникидир; учинчи дунё молини дуст тутарсизлар, ул ҳам Тангриникидир. Икки нарсани талаб қилур-сизлар, аммо топмагасизлар: аввал шодлик ва хушвақтлик; иккинчи, роҳат ва ором. Бу ҳар иккаласи Беҳиштда бўлур.

* * *

Дебдур:

— Таваккул улдурки, ўзингни қуллик ва бандалик дарёсига ташлағайсан ва кўнглингни Худога ташлағайсан — агар берса шукр қилғайсан, агар олса сабр қилғайсан.

* * *

Дебдур: Қаноат деб смак-ичмакни Худои таолодан олмакка айтилади.

* * *

Дебдур:

— Ҳақ таоло ҳар замонда олимларни ўшал замон халқининг амалларига муносиб сўзлар бирла сўзлатур!

* * *

Дебдур:

— Фақир улдурки, унинг овқати не топса ул бўлғай, либоси авратини ёпқунча бўлғай, макони не ерда ўлтирса, ул бўлғай.

НАҚЛ

Абу Туроб Нахшабийнинг бир муриди бор эди. Сўфилар йўлида юрган ва соҳибхаёл киши эди. Абу Туроб доим унга айтар эди:

— Сенки бу янглиғсан (соҳибхаёл), сабаби Боязид бирла кўришмагансан.

Бир кун мурид деди:

— Ҳар куни киши Боязиднинг Худойи бирла юз мартаба кўришса, Боязидни на қилур?

Абу Туроб деди:

— Сен Худони ўз ҳолингга боқиб кўрарсан, Боязиднинг олдида кўрсанг, Боязиднинг қадри ва қимматига боқиб кўрарсан. Кўздан-кўзга кўрмакка тафовут кўпдир. Чунончи, Ҳақ таоло Ҳазрати Абубакр Сиддиқ разияллоҳу анҳуга ёлғиз бир тажалли қилур ва тамом халойиққа бир тажалли қилур. Бу сўз муридга оғир келди.

Деди:

— Эй Шайх, икковлон Боязиднинг олдида борайлик.

Иккаласи Бастомга — Боязиднинг уйига келдилар. Боязид уйида йўқ эди. Таҳорат олмоқ учун дарё лабига кетган эди. Абу Туроб муриди билан Шайхнинг орқасидан излаб бордилар, йўлда дуч келдилар. Боязид эғнида бир кўҳна жубба, бир кўзада сув кўтариб олибди. Боязиднинг кўзи муридга тушди, муриднинг кўзи Боязидга тушди — мурид титраб йиқилганча жон берди.

Абу Туроб деди:

— Эй Шайх, бир қараламоқ бирла ўлмак нечукдир?

Шайх Боязид деди:

— Эй Абу Туроб, муриднинг ҳақиқатда кўрадурган давлати ва бир етадурган мартабаси бор эди. Ҳануз ул вақтнинг фурсати эмас эди. Боязиднинг дийдори файзидан ул ҳол бир йўла унга ошкора бўлди. Унга мурид тоқат келтиролмади — ўлди, чунончи, Мисрнинг хотинларига ушбу ҳол даво эдики, Юсуф алайҳиссаломнинг жамоллари томошасига тоқат келтира олмай, ханжарлари эсларидан кўтарилиб (қўлзмада негадир пичоқ ўрнига ханжар дейилган), ҳаммалари қўлларини кесдилар.

НАҚЛ

Шақиқ Балхий Абу Туроб раҳматуллоҳи алайҳумо Боязиднинг уйига келдилар. Боязид буларга егулик келтириб қўйди. Боязиднинг муридларидан бири бу ерда ҳозир эди. Хизмат қилиб юриб эди. Абу Туроб ул муридга деди:

— Бери келгил, биз билан ўлтирғил.

Мурид деди:

— Мен рўза тутибман.

Ундан кейин Абу Туроб деди:

— Таом егил, бир ойлик савобни олғил.

Унга деди:

— Рўзамни синдирмасман.

Шақиқ деди:

— Келгил бизнинг бирла таом егил, бир йиллик савобни олгил.

Мурид деди:

— Рўзамни синдирмасман.


Ундан кейин Боязид деди:

— Уни қўяверинглар, ул киши роңдаи Ҳазратдир, яъни Худои таолони рад қилгандир.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўғирлик-бадном билан унинг қўлини кесдилар.

* * *

Келтирибдурларки, Абу Туроб Нахшабий Басранинг даштларида вафот қилди ва жасади ҳам ўшал ерда қолди. Бир неча йилдан кейин бир жамоат халқ у ерга борган эдилар. Кўрдилар — Абу Туроб ҳассасини қўлига тутиб, қибла тарафга боқиб турибди, хушк-қуриқ бўлибди. Олдида бир ёғоч турибди. Худои таолонинг қудрати билан ҳеч бир даррандаю жониворлар унга тегмабди. Оллоҳнинг унга раҳмати бўлсин.





III қисм



ТУРОНЛИК ВАЛИЙЛАР



Авлиёulloҳлардан бир сўз ёд олинглар, агар бунга эринсангизлар, уларнинг исмларини ёд олинглар, мунинг бирла кўп баҳра олурсизлар.

Абдуллоҳ АНСОРИЙ

*Набизодалар ҳам валийзодалар
Сахо боғи сабр ичинда озодалар.*

МАЖЗУБ

БЕЗАБОНЛАР ТАРЖИМОНИ

ҲАЗРАТ ЗАНГИ ОТА

Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг издоши, мутасаввиф шоир, каромати билан неча-неча дилларни забт этган Сулаймон Боқирғоний — Ҳаким ота кўплаб ҳикматли ғазаллар, тўртликлар ва дostonлар яратиб, келажак наслларга мерос қолдирган. Боқирғоний «Ҳаким Хожа Сулаймон», «Қул Сулаймон», «Ҳаким Сулаймон» тахаллусларини қўллаб ижод қилган.

Ҳаким ота тўғрисида бир неча маноқиб ва таъкираларда сўз боради. Авлиё-шоир ҳақида энг кўп маълумот берувчи манба номаълум муаллиф томонидан битилган «Ҳаким ота рисоласи»-дир. Бу рисола XIX аср охириларида тошбосма усулида чоп этилган. Рисолада Сулаймон Боқирғонийнинг болалиги, таълим олиши, оиласи ва шогирдлари билан муносабатлари, ҳавориқ одат, кароматлари зикр этилади. Шоир шеърларидан намуналар келтирилади.

Ҳаким ота ёши анчага бориб қолганда, мўғул хони Буғрохоннинг қизи латофатли Анбар онага уйланди, бир неча фарзандлар кўрди. Ҳаким ота Хоразмда туғилиб вояга етган бўлса-да, Бухоро, Туркистон каби шаҳарларда илм олиб, камолот ҳосил қилган. У ҳижрий 594 йили (милодий 1186 йили) вафот этган.

Сулаймон Боқирғоний (Боқирғон — қишлоқ номи) тўғрисида гоят қизиқарли ривоятлар ёзилган бўлиб, улар халқ оғзида ҳам жуда машҳур бўлиб кетган.

Ривоят қилишларича, бир куни Ҳаким ота ювинаётганларида, Анбар она: «Мен оппоқ баданли, чиройли қоматли, гўзал юзлиман, турмуш ўртоғим бўлса қорача ва қотмагина», деган хаёлни кўнглидан ўтказадилар. Авлиёлик қуввати билан Ҳаким ота бу ўйни сезадилар ва кулиб:

— Ҳали шошма, мен оламдан ўтиб кетгач, тишидан бошқа оқи бўлмаган бир кишига турмушга чиқасан, — деган башорат айтадилар.

Ўлимлари арафасида ўғилларини чақириб, шундай васият қиладилар:

— Ўғилларим, мен боқий оламга сафар қиляпман, оналарингиз ёш қолаяпти. Бир куни қибла тарафдан етти абдол бизнинг юртга келади. Улар ичида катта жуссали, бақувват, қоп-

қора бир киши ҳам бўлади. Оналарингни шу кишига узатинглар.

Орадан бир неча йил ўтиб, улар юртига етти абдол кириб келади. Ўғиллар ота айтган қиёфадаги кишини танийдилар. Анбар она ўша кишига турмушга чиқиб, унинг иззат-ҳурматини жойига қўяди. Бу зот — каромат соҳиби Занги ота эдилар.

Занги ота ҳам табиб, ҳам руҳоний сифатида эл-юрт ўртасида катта обрўга эга бўлади. Шу билан бирга эл-юрт молини боқиб, подачилик қилади. У кишининг қарамоғидаги моллар яйловда ўтлаб, кечқурув уйга қайтишда кишиларнинг экинзорларига кирмас, бир чимдим ҳам ўт-ўланга тил узатмас экан (Чорвадорлар Занги отани ўз пирлари, деб ҳисоблайдилар).

Анбар она ҳар куни тушлик пайтида отанинг олдига овқат олиб борар экан. Кўча-кўйда кўрганлар у кишини «Бобога ош олиб борувчи она», деб эъозлашар экан. Анбар она қўни-қўшни аёлларга доим панд-насиҳат қиларкан. Жумладан, «Хотин кишининг энг муқаддас бурчи эрининг кўнглини овлаш, унга шодлик ва куч-қувват бағишлаш», дер эканлар. Бунга аввало ўзлари амал қиларканлар. Айтар эканларки: «Эй хотинлар, кимки эри печаганда музтар қилгувчи бўлса, жаннатда онамиз Хадичаи кубронинг шафоатидан умидини узаверсин».

Занги ота тўғрисида ривоятлар жуда кўп. Тошкентлик шоир Камий ана шу ривоятлардан илҳомланиб, Занги ота тўғрисида кичикроқ қасида битган. Бу қасида 1911 йили босилган «Баёз»дан ўрин олган. Қасида илк бор ҳозирги жорий алифбода чоп этилмоқда. У ҳофизларимизга бизнинг совғамиздир.

КАМИЙ ШОШИЙ

Қасида

*Даргоҳи Ҳақ посбони Ҳазрати Занги ота,
Сирри гайби роздони¹ Ҳазрати Занги ота.
Топтилар ҳатто жаноби Ҳақни қурбига вусул
Тарк айлаб мосивони Ҳазрати Занги ота.
Ўқир эрдилар фарузи хамсани² ҳар кун солиб,
Ариш аълога ридони Ҳазрати Занги ота.
Эрдилар зоҳир сайҳафому³ ва лекин ботинан,*

Тоғтиллар нури зиёни Ҳазрати Занги ота.
 Айлагайлар то мамотидин⁴ бери вирди забон⁵
 «Оллоҳ-Оллоҳ», «Раббано»ни Ҳазрати Занги ота.
 Турфа бир кашфи-каромат кўргизиб даҳр элига,
 Олдилар Анбар онони Ҳазрати Занги ота.
 Ажз⁶ ила изҳори ҳожат айлангиз, аҳбоблар —
 Безабонлар тарҷимони Ҳазрати Занги ота.
 Нотавону оғизу афтодаларга бегумон
 Муттакодур⁷ остони Ҳазрати Занги ота.
 Хастаю беморларга меҳрибон ҳозиқ табиб,
 Лутф ила айлар давои Ҳазрати Занги ота.
 Қимки ихлосу муҳаббат-ла юзин суртар келиб,⁸
 Қўллагай руҳи равони Ҳазрати Занги ота.
 Эй Камий, изҳори қуллуқ бирла қилгил ҳадялар,
 Фотиҳа бирла дуони Ҳазрати Занги ота.

ЛУҒАТ ҲАМ ИЗОҲ

¹ Сирри гайби роздони — гайб сирларидан хабардор

² Фарузи хамса — беш вақт фарз намоз.

³ Сайҳафом — йиғлагансимон.

⁴ Мамот — ўлим, ҳаётнинг акси.

⁵ Вирди забон — тилидан қўймаслик.

⁶ Ажз — беҳол.

⁷ Муттако — суюнчиқ.

⁸ Юзин суртар келиб — Занги ота қабрларига келиб юзларини сурар экан, дейилмоқда.

ТУРКУ ТОЖИК СУЯНЧИ

(Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал-Бухорий қаддасаллоҳу таоло сирраҳу ҳақидаги нақллар)

«Маноқибӣ Қодирия»да шундай ажиб нақл келтирилади:

Бир куни Ҳазрат Фавсус сақалайн (Ҳазрат имом Фавсул Аъзам Саййид Абдулқодир Гилоний разияллоҳу анҳу) ўгзада — томда ўлтирган эдилар (шарқда ёз пайтларида кечки салқинда томга чиқиб дам олиш анъанаси бор. Намозшом чоғида, айниқса, фирғир шабада эсиб, кишига ором бағишлайди). Ногоҳ назарлари Бухоро тарафига тушиб шундай амр қилдилар:

«Фалон вақтда Баҳоуддин Нақшбанд отлиғ бир зот зуҳурга келгувсидир. Бизнинг файз-хосиятимиз бирла мумтоз бўлғувчидир». Ҳазрати Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бухорий (қаддас сирраҳу) дунёга келиб, Ҳазрати Саййид Амир Кулол (қаддас сирраҳу)нинг хизмати ва мулозиматларига мушарраф бўлиб, «Исми зот»ни таълим олдилар ва «Зикри хафия» билан машғул бўлиб, бир неча кунни ўтказдилар. Лекин уларнинг хотири шарифларида «Исми зот»нинг нақши қарор топмади. Бу ҳол уларни диққат қилиб қўйди.

Бир куни ғамгин ва маҳзун бўлиб, саҳрога чиққан эдилар, Ҳазрати Хизр алайҳиссалом дуч келиб шундай дедилар: «Эй Баҳоуддин, менга «Исми Аъзам»ни Ҳазрати мажзуби субҳоний Саййид Абдулқодир Гилоний таълим қилмишлар. Сиз ул Ҳазратнинг жаноби олияларига сифингайсиз — мақсудлари эшиги уларнинг баракотларидан очилғувсидир».

Шу ўринда «Исми Аъзам» тўғрисида кичик маълумот бериб ўтсак. «Исми Аъзам» — бир дуонинг ва нақшнинг номи бўлиб, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом замонларидан бери машҳур. «Исми Аъзам»ни билган ёки нақшини ўзи билан олиб юрган киши кўп ишларга қодир бўлар экан. Бу хусусда бир неча ривоят ва афсоналар бор. Жумладан «Фавзун нажот» («Нажот йўли») китобида «Исми Аъзам» нақшининг хосияти тўғрисида шундай ёзилади:

*Байна суфрин, уч «алиф», устида «бо» дур, билсангиз,
Тўрт «алиф», бир суфр ила устида «фо» дур билсангиз.
«Исми Аъзам»дур Худодин, ким тутар ихлос ила
Жумла иллатларга ул шаксиз даводур, билсангиз.*

*Кимки сақлар, гуссаю гамдин қутулур безумон,
Кечаю кундуз сиза лутфи Худодур билсангиз,
Бу дуода хосият кўндур, қилибдур шарҳини
Бизлара қилгон Али Муртазодур, билсангиз.*

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин уйларига келиб, ул кеча Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг жанобларига мутаважжиқ қилдилар. Воқеада кўрдилар — ул Ҳазрат ўнг қўлларининг бармоқларида «Исми зот»нинг нақши зоҳир ва ҳувайдодур. Ҳазрат Баҳоуддиннинг тарафларига кўрсатдилар. То шу мартабага еттилар — кимҳоб тўқиган маҳалда «Исми зот» гуллар ўрнида нақш бўлмиш эди. Бу воқеадан кейин «Зикри хафий» («Яширин зикр») машҳур бўлди. Ундан халқ кўп баҳра олди. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин: «Бу файз бизга Ҳазрати Ғавсус сақалайнинг файзларидан бўлмишдир», дер эдилар.

* * *

Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот-ул-айн-ул-ҳаёт» (Ҳаёт булоғи томчилари) асарида ул Ҳазратнинг туғилишлари шундай зикр этилади.

Уларнинг валодатлари муҳаррам ойида, сана етти юз ўн саккизда (милодий — 1318). Туғилган ва дафн этилган жойлари қасри Орифон даҳасидир. Ул даҳа Бухородан бир фарсах узоқликда жойлашган. Ҳазрат Муҳаммад Бобо Суммосий Ҳазрат Хожа Баҳоуддинни илк бор фарзандликка қабул қилиб олган эдилар. Улар Ҳазрат Хожа туғилмасларидан аввал ҳар кез Кўшки Ҳиндувон қишлоғидан ўтар пайтда: «Бу хоқдан бир марднинг ҳиди келаяпти, тез кунда Кўшки Ҳиндувон Қасри Орифон бўлур», дедилар. Орадан бир қанча вақт ўтгач, ул ерга келдилар. Айтдилар: «Ул бўй зиёда бўлибдир, гўё ул киши туғилганлар». Чиндан ҳам ул куни Ҳазрат Хожа таваллуд топганларига уч кун бўлган эди. Боболари кўкракларига босиб, кўтариб, ул Ҳазратнинг қошига олиб келдилар. Ҳазрати Хожа:

— Ул бизнинг фарзандимиз турур, биз уни қабул қилдик, — дедилар.

Сўнг асҳобларига шундай дедилар:

— Туғилмай туриб мен бўйини туйган фарзанд будир, тез кунда ўз даврининг муқтадоси, яъни одамлар бош эгиб келадиган доно инсон бўлиб етишади.

Бу пайтда Саййид Амир Кулол Ҳазрат Хожанинг халифаси эди. Унга қараб:

— Фарзандим Баҳоуддиндан шафқат ва тарбиятни дариг тутмагил, агар тақсир қилсанг, сендан хафа бўлгайман, — деди.

Амир тик туриб, қўлларини сийналарига қўйиб:

— Агар тақсир қилсам — тарбият ва меҳрибонлигимни қизғонсам одам эмасман, — дедилар.

* * *

Ҳазрати эшон Убайдуллоҳ Аҳрор айтар эканлар:

— Суммос даҳасида Амирнинг узумзори бор эди. Ҳазрати Хожа гоҳ-гоҳ тоқларнинг хомларини ўз қўллари билан кесар, бутар эдилар. Бу иш баъзан узоқ давом этар эди, боиси тоқ кесиб турган вақтларида илоҳий ҳол ва кайфиятлари бошланиб қолиб, арра қўлларидан тушиб кетарди. Ўзларидан ғойиб бўлиб, беҳудлик кўп давом этарди.

* * *

Он Ҳазрат Мавлоно Абдурахмон Жомий (қуддиси сирраҳу) «Нафаҳот-ул-унс мин ҳазаротил-қудс» («Оллоҳга улфатларнинг хушбўйликлари ва покизаларнинг парҳезкорликлари») асаида шундай ёзади.

Ҳазрати Хожа ўз аҳволларидан ҳикоя қилган эдиларки, валийлик ҳислари менда бошланган даврларда бир кеча жазаба тутиб қолди. Бухоро мазоридан уч мазор бошига бордим. Ҳар мазорда бир чироғдон кўрдим — ёнадиган ёғи тўла ва пиликлари ёғ ичида.

Аммо пиликларига бир оз ҳаракат бериш кераклиги аён эди — шунда у яхши туташар ва ёруғлик берар эди. Сўнгги мазорда қиблага мутаважокиҳ бўлдим ва ўлтирдим. Шу онда сирли ҳодиса юз берди. Мушоҳада — мароқабачи қилдим. Қибла девори ёрилди ва бир чўнг тахт пайдо бўлди. Тахт олдига яшил парда тортилган. Атрофида кўп одамлар турибди, улар ичида Хожа Муҳаммад Бобони танидим. Бу жамоа ғойиблардан эканини англадим. Улардан бири менга: «Тахтда ўлтирган Хожа Абдулҳолиқдир,

ул жамоат уларнинг халифаларидандир», деб бирин-бирин уларнинг отини айтди. Навбат Хожа Муҳаммад Бобога етганда: «Уларни сен тириклик пайтида кўрибсан, сенинг пирингдир ва сенга бир буюк берибдирлар ва каромат қилибдиларки, Оллоҳдан нозил бўлган бало сенинг баракатингдан дафъ бўлмай», дедилар. Шундан сўнг ул жамоат айтдилар:

— Қулоқ сол ва яхшилаб эшит, улуғ Хожа сенга сўз айтадилар, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўли — сулукида сенга ул кишидан ўзга киши йўлбошчи бўлолмайди.

Мен Ҳазрат Хожага салом берай, муборак дийдорларини кўрай, деб ул жамоатдан илтимос қилдим. Пардани олдилар. Бир нуроний пирни кўрдим. Салом бердим, жавоб қилдилар. Сўфилар йўлининг боши, ўртаси ва охирида керак бўладиган сўзларни баён қилдилар. Чунончи, ул чироғларни менга кайфиятда кўргизишганини, бу ишорат ва бапорат эканлигини, бу йўлда менга қобилият ва истъодод юз келтирганидан нишона эканлигини, аммо истъодод пилигини ҳаракатга келтириш зарурлигини айтдилар. Ва буюрдилар:

«Барча аҳволда қадамингни амри наҳй кўчасига қўй — Оллоҳ буюрганини қил, қайтарганидан қайт. Ният билан амал ва суннатни бажо келтир, рухсатлар ва бидъатлардан йироқ бўл — диний йўлдан чекинма ва зиён келтирувчи янгилликка кўр-кўрона эргашма. Доимо Мустафо саллаллоҳи алайҳи ва саллам ҳадисларини ўзингга пешво қил. Расулуллоҳ ва азиз саҳобалар хабарлари ва асарларини ўрганувчи, текширувчи ва гўзаллаштирувчи бўл».

Ундан сўнг ул жамоат менга дедилар.

— Насафга равона бўл — Амир Саййид Кулол хизматига.

Улар буйруғига кўра, Насафга бордим. Мир хизматларида бўлдим. Илтифот қилиб, лутф кўргиздилар.

Менга зикр талқини қилдилар. Нафй исбот тарқи билан зикрга машғул этдилар. Воқеада буюрилганидек, амални ният ила қилдим, алония (ошкор) билан зикр қилмадим.

* * *

Маноқибларда: «Ҳазрати Хожани фарзандликка қабул этган истаги Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобои Суммосийдан эди. Тарикат одоби таълими сурат юзидан Амир Кулолдан эди. Аммо

ҳақиқат юзидан улар увайсий эдилар, яъни Ҳазрат Хожа Абдул-холиқ Гиждувоний (қаддасаллоҳу таоло сирраҳу) руҳониятларидан тарбият топибдурлар», деб ёзилади.

* * *

Ҳазрати Хожа Амир Кулол «Зикри алония» («Ошкора зикр») қўлланмаси асосида ўз муридларига сабоқ берур эдилар. Уларни шу учун «алонияхонон» — ошкора ўқувчилар, дер эдилар, Ҳар қачон Амир Кулол «Зикри алония» бошласалар, Хожа Баҳоуддин мажлисдан ташқарига чиқиб кетар эдилар. Асҳобларнинг кўнглига бу иш ғоят оғир ботар эди, аммо пир бунга парво қилмас эдилар, нега чиқиб кетаяпсиз, деб сўрамас эдилар. Бошқа маҳалларда Амир Кулолнинг хизматларини қилар, бир дақиқа ҳам бошқа ишга чалғимас эдилар. Шу боис Амир кундан-кунга илтифотларини зиёда қилар эдилар. Охири Амир асҳобларининг тоқати тугаб, бир йиғинда Ҳазрат Хожа ҳақида очиқ гийбат қилдилар. Баъзи сифатларини ва феълларини қусур ва камчиликлар деб баҳоладилар. Аммо Амир бу ҳақда ҳеч сўз демадилар.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг Сухор деган жойда масжид ва жамоатхона ва бошқа манзиллар бунёд этмоқ учун катта ҳашар уюштирилди. Жами асҳоблар — катта-кичик беш юз киши ҳашарга йиғилди. Ҳар киши бир иш билан машғул бўлди. Лой иши охирига етди. Барча асҳоб Амирнинг ҳузурига йиғилдилар. Амир гийбат қилгувчиларга қарадилар ва шундай дедилар: «Сизлар фарзандим Баҳоуддин ҳақида ёмон гумон қилибсизлар, унинг айрим аҳволини қусур ҳам дебсизлар. Сизлар уни танимабсизлар, ҳамийша Ҳақ таолонинг хос назари унинг ҳолига шомилдир — узлуксиз боғлангандир, бандаларининг назари эса доим Оллоҳ назар солиб тургувчидадир. Мен ҳам унинг ҳолига ортиқ назар этмакка ихтиёрсиздурман.

Шундан сўнг Ҳазрат Хожани чақириб келишни буюрдилар. Ул зот гишт ташиш билан машғул эдилар. Келдилар. Уларга қараб айтдилар:

— Эй фарзанд, Хожа Муҳаммад Бобонинг муборак нафасларини сизнинг ҳақингизда бажо келтирдим. Улар: «Тарбиятдан сенинг ҳақингда қандай бажо келтирган бўлсам, фарзанд Баҳоуддиннинг ҳақида шундай бажо келтиргил, тақсир келтирмағил», деб эдилар.

Бугун шуни адо қилдим. Бугун худди она сутини тарк этган гудак-дексиз. Сизнинг руҳингиз қуши бапарият тухумидан ташқари чиқибди, аммо ҳимматингиз қуши баландпарвоз тушибди. Энди сизга ижозат. Ҳар жойда турку тожик сизга орзуманд ва талабгор бўлғув-сидир. Талабгорлардан ҳимматингизни дариф тутманг.

Ҳазрати Хожа айтган эканлар: «Амирнинг хизматларида бу нафас (сўз) зоҳир бўлган вақтда, бул нарса бизнинг бошимизга ташвиш ва мусибат келтирди. Агар у кишига сиртдан тобероқ кўринганимда эди, балодан узоқроқ ва саломатга яқинроқ бўлур эдим». (Устод суйган шогирд доим бошқа шогирдлар томонидан маломат қилиниши, ғайирлик билан кутиб олинниши янгилик эмас. Масалан, истеъдод душманлари ва иззат-нафс гадолари Офоқхўжа Эшон билан Машраб ораларига совуқлик солган эдилар. Оқибатда Машраб устод даргоҳини тарк этишга мажбур бўлган эди.)

Шу воқеадан сўнг Ҳазрат Хожа етти йил Мавлоно Ориф қўлида илм ўрганди. Кейин Қусам шайх ва Халил Отанинг мулозатларига бордилар. Ўн икки йил Халил ота бирла бўлдилар. Икки маротаба Ҳижозга сафар этдилар. Иккиламчи кезде Хожа Муҳаммад Порсони ҳамроҳ этиб олиб кетдилар. Хуросонга келганларида Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсони бошқа асҳоб ила Бовард йўлидан Нишопур тарафига юбордилар, ўзлари Ҳиротга келдилар. Хусусан Мавлоно Зайнуддин Абу Бакр Тойибодий ила мулоқот этмак учун, уч кун улар билан суҳбат тутдилар. Ундан сўнг Ҳижозга мутаважжиҳ бўлдилар. Нишопурда асҳобларга қўшилдилар ва қайтганларидан сўнг Марвда неча вақтлар иқомат қилдилар. Ундан сўнг Бухорога келдилар, то умрлари охиригача шул жойда яшадилар.

«Рашаҳот»да мазкурдулки, Ҳазрат Хожанинг ходимларидан бўлмиш Хожа Али Домод шундай эслайди: «Ҳазрати Хожа охириги касалликларида қабр кавлашни менга буюрдилар. Бу ишни тамомлаб, уларнинг ҳузурларига келдим. «Ўзларидан сўнг иршод (пирлик)ни кимга топширар эканлар?» деган фикр кўнглимдан ўтди. Ногоҳ муборак юзларини менга қаратиб: «Ҳижоз йўлида айтган ўша гапимиз гап, кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога қарасин», дедилар. Шу сўздан сўнг эртасига оламдан кўз юмдилар.

Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор (қаддаса сирраҳу) айтадилар: «Ҳазрат Хожа жон бераётган вақтларида «Ёсин» ўқишга тушдик. Ярмига етганда, нур пайдо бўла бошлади. Калима келтира

бошладик. Шундан сўнг Ҳазрат Хожанинг жонлари узилди, қад-дасаллоҳу таоло сирраҳу».

Ҳазрати Хожанинг умри шарифлари етмиш учга тўлиб, етмиш тўртга ўтган пайтларида вафот этдилар. Уларнинг вафотлари етти юз тўқсон бирда (1389) рабнул аввал ойининг учинчисида, душанба кuni юз берди.

* * *

Болалик замонлариданоқ валийлик белгилари, каромат ва ҳидоят нурлари муборак юз-кўзларида ҳувайдо эди.

Ҳазрат Хожанинг оналаридан ушбу нақл ёзиб қолдирилган. Айтар эканлар: «Фарзандим Баҳоуддин тўрт яшар эдилар. «Бизнинг қорамоляимиз пешонаси ола тана туғади», деб айтдилар. Неча ой ўтгандан сўнг ола тана туғилди».

* * *

Хожа Муҳаммад Порсо айтар эканлар: «Ҳазрат қасерга борсалар (уч йиллик сафар кўзда тутилмоқда) ҳамма ерда сўфийларнинг олий фазилатлари ила бениҳоя ҳурмат қозонар, руҳоний ҳаёт мақомларида янада балеңд пояларга кўтарила борарди. Шу ерлик сўфийлар билан суҳбатларда ҳамма Ҳазратимнинг комилликларига тан берардилар. Ул кишининг овозлари олисларга етиб, турли мавзелардан одамлар келиб, уларнинг суҳбатларини олишни, мурид бўлишни орзу қилардилар».

* * *

Хожа Баҳоуддин Сарахсда эканлигида, уни Ҳирот волийси асҳоблар мажлисига таклиф этди. Мажлисида умаро, уламо ва фузало ҳозир эдилар. Суҳбатдан сўнг меҳмондорчилик вақтида Хожа Баҳоуддин фақат чой ичиб, таомларга қўл урмадилар. Бунинг сабабини сўраганларида Шайх шундай жавоб бердилар:

— Биз оддий фуқаро ва дарвешларга бундоқ тансиқ ва ноёб таомлар смак марғуб эмасдур.

Хожа Баҳоуддин Машриқ ва Мағрибдаги бир қанча шаҳарларни кезар экан, у ердаги кутубхоналарда тафсир, фикҳ ва тасаввуфга оид китобларни мутолаа қилади. Шоғирдлари Алоуддин Аттор ва Муҳаммад Порсо билан бирга зулҳижжа ойининг еттинчи куни Маккаи мукаррамага етиб келади ва зиёратчилар оқимиға қўшилади. Зиёратчилар билан бирга Арофат тоғи этагида тушиб қолганларида, Хожа Баҳоуддин ҳаётидаги кароматлардан бири юз берди. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арофат тоғи этагида табаррук тунни ўтказиб, азонда чеҳраси ёришиб, уйқудан уйғондилар. Ва асҳобларига айтдиларки, камина ҳазрат Иброҳим Халилуллоҳ сиймосини кўришга мушарраф бўлибман. Ул Ҳазрат осмондан нур шуъласи ила мен томонга тушубдирлар ва мени суҳбатига шерик қилдилар. Иброҳим пайғамбар айтдилар: «Мен юқори осмондан қуйи осмонга ўтиб, парвоз қилиб юрганамда, барча шаҳарларга осмондан нур ёғилаётганини кўрдим. Фақат бир шаҳардан осмонга нур таралиб турар эди. Бу сирнинг боисини Жаброил алайҳиссаломдан сўрадим. Ул фаришта айтдиларки: «Осмонга нур сочиб турган шаҳар Бухорои шарифдур». Бу хуш сўздан кўнглим севинди. Шу заҳоти «Сураи Фотиҳа»ни ўқиб, Иброҳим пайғамбарнинг этакларини ушлашга мушарраф бўлдим. Шундан сўнг Иброҳим алайҳиссалом мenden сўрадилар: «Қуръони карим»да энг аввал қайси сура нозил бўлган, билурмисиз?»

Мен: «Ҳа, билурман», деб «Алақ сураси»ни қироат қилдим».

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом сурани эшитиб: «Оллоҳ таоло бу сурани сизлар амал қилсин учун юборганлар. Аммо баъзи одамлар денгизда фалокатга учраганларидагина Худои таолодан ёрдам сўрайдилар. Ўша пайт улар эсон-омон шу фалокатдан қутулсам, астойдил Оллоҳга тоат қиламан, деб онт ичадилар. Аммо фалокатдан қутулиб олишгач, берган ваъдаларини, қасамларини унутдилар ва яна ўзларининг бутлари, санамларига ибодат қилаверадилар». Ушбу кароматдан таъсирланган Хожа Баҳоуддин: «Тўғри йўлдан адаштирамагйсан, Оллоҳ», — деб эзгу ният қилди. Ҳаж маросимларидан сўнг Хожа Баҳоуддин бир йил Мадинада манзил тутди. Пайғамбар қабри ёнида 99 марта Қуръонни хатм қилди. Ҳаждан Искандария, Бағдод, Нишопур, Марв орқали Бухорога қайтиб келди.

Кечаси яна бир кароматли туш кўрди. Тушига яна Иброҳим Халилуллоҳ кирибди. Пайғамбар оқ булут устида ўтирган эмиш. Ул зот: «Каъба зиёратидан нима олиб қайтурсан?» — деб сўрайдилар.

Хожа Баҳоуддин Каъба зиёратидан сув тула кўза, табаррук тасбеҳ ва тутдан бўлган ҳасса олиб келаётганини айтади.

Иброҳим алайҳиссалом: «Қишлоғинг Қасри Орифонга боргач, онанг қабри устида сенга Оллоҳ томонидан берилган валийлик далолатини олурсан. Қабр бошида Қуръон тиловат қилгач, тасбеҳ доналарини муридларингга бўлиб бергил — улар тариқатингни ўзга ўлкаларга бориб ёйсинлар. Ҳассангни ҳовуз бўйига суқиб қўй, у кўклар сендан хотира бўлиб турсин», дейдилар. Хожа Баҳоуддин буларнинг барини бажо келтирди. Қадрдон қишлоғида кичик бир ҳужрада яшаб, шогирдларига сабоқ берди. Хонақоҳ вақфига ажратилган озроқ ерда буғдой, арпа, мош сингари экинлар экиб, тирикчилигига сарф этди. Унинг бош шиори: «Дил ба ёру даст ба кор» — «Қўлинг меҳнатда, Оллоҳ дилингда бўлсин» эди. Айримлар буни хато талқин ҳам этадилар. Гўё Хожа Баҳоуддин: «Киши Оллоҳни ёд этиб, иш билан машғул бўлса, бас, намоз ўташ шарт эмас деган», деб ўйловчилар бор. Асло бундай эмас. Хожа Баҳоуддиннинг эътиқодича, киши беш вақт намоздан бошқа фурсатларда ҳам, нима иш билан банд бўлишидан қатъи назар, Оллоҳ зикрини тили ва дилидан қўймаслиги керак. Шунда у гуноҳ, маъсият, адашув ва хиёнатлардан қутулади, нажот топади.

ҲАЗРАТИ ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲИКМАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Дил ба ёру даст ба кор.

(Қўлинг меҳнатда, Оллоҳ дилингда бўлсин.)

* * *

Бизнинг йўлимиз суҳбатдир ва хилватда суҳратдир ва суҳратда офатдир, хайрият жамиятдадир ва жамият суҳбати, бу шарт биланки, жами бу йўл соликлари бир-бири ила суҳбат тутсалар, унда кўп хайр ва баракотдир. (Киши ўзаро суҳбат билан бир-бирига фойда келтиради. Хилватда ўтираверилса, бу кишини

ошкор қилади, яъни у ҳеч кимга қўшилмайди, уйдан эшикка чиқмайди, бекорчилик ила банд, деган маломатга қолади. Шуҳрат топишнинг офат эканлиги — шу. Яхшилик — хайр-барака кўпчилик ила бўлади. Жамият аъзолари суҳбатда, мулоқотда бўлишлари керак, аммо у беҳуда бўлмаслиги, барчага фойдали тўпланув, бирикув бўлиши даркор).

* * *

Бизнинг йўлимиз анжуманда — хилват, зоҳир юзидан халқ ила, ботин тарафдан Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ила. (Анжуманда хилват — кўпчилик олдида художўйлиги, тақводорлигини яшириш, камтар бўлиш.)

* * *

*Ҳеч моневу ҳеч молам не?
Аз наи ҳеч, ҳеч мо гам не?
Жанда бар пўшти пушти гўристон,
Гар бимирем, ҳеч мотам не?
(Бизга ҳою ҳашам на ҳожат?
Фақирликдин ҳам гам на ҳожат?
Жанда бирла ўлсак мазорда,
Дабдабали мотам на ҳожат?)*

(Маҳкам Маҳмуд таржимаси)

* * *

Бу оламда яхшилар ила дўстлашишни ҳамма ҳам хуш кўради. Агар зўр бўлсанг, ёмонларни ҳам дўстга айлантира бил.

* * *

Таомни яхшилаб ейиш керак, ишни ҳам яхшилаб удалаш лозим.

* * *

Имон — Оллоҳдан ташқари бўлган, қалбларни ўзига ром этувчи барча манфаат ва зарарли нарсалардан тийилишдир.

* * *

Тавҳид сиррига етса бўлур, аммо маърифат сиррига етмак душвордир...

ЕТМИШ ИККИ МИЛЛАТ ХАЛҚИ БИРЛА ОШИНО

ХҲЖАНАЗАР ҲУВАЙДО

*Ломаконнинг шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,
Анбиёу авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ.*

Бобораҳим Машрабнинг ушбу байтлари мазмунини тушуниб етмоқ учун Ломаконнинг шаҳрида ишқ қачон ошиқни ўзига шайдо қилди? Пайғамбарлар ва валийларни ишқ ҳувайдо қилган бўлса — ошкор этган бўлса бунинг нима қизиқ томони бўлиши мумкин, деб бир зум ўйлаб кўрганмисиз?

Ломакон, яъни маконсизлик шаҳри қасрда?

Авалло ишқ қандай маънога эга ва нимага ишқ ёки ошиқлик?

Шубҳасиз, бу ўринда Оллоҳга бўлган севги назарда тугилмоқда.

Ҳаёт ибтидоси ҳақидаги тасаввуфий ривоятларга ҳаёлан муурожаат этсак, зҳтимол улуғ шоир байтларидаги маъно келинчаги жилва қилиб қолса ажаб эмас!

Одам Ато билан Момо Ҳаво буғдой дарахти мевасидан танавул этишгач, жаннатдан чиқариладиган бўлдилар. Буни англаб Одам Ато «Раббано, залламно» — Эй Раббим, ўз-ўзимга зулм қилибман-да, деб афсус-надомат чекдилар. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло, аҳвол шундайлигидан фаришталар орқали хабар бериб, Одам алайҳиссаломни юпантирдилар: «Эй Одам, хафа бўлма, сен Ер юзига тушиб, Ҳаво билан бирга яшаб, кўп бола-чақа орттирасан, улар навбатма навбат яшаб, дунёдан ўтадилар, уларни қайта тирилтириб боқий дунёдаги даргоҳимга олурман». Шундоқ деб Одам кифтини очиб, барча фарзандлар руҳини кўрсатдилар, улар чумолидан ҳам кичик, ғоят кўп эдилар. Одам айтдилар: «Эй Оллоҳ, булар ғоят кўп-ку, ер юзига қандай сиғади?»

Оллоҳ айтдики, «Тириги Ер юзиде яшайди, ўлигини ер остиде асрайман. Яна жаннат ва дўзах ни ҳам яратдимки, менга итоат ва ибодат қилганларини Жаннатга солурман, менга ибодат қилмай, дунёни севиб, гуноҳлар қилиб ўтган бандаларимни дўзахга солурман»»

Одам алайҳиссалом илтимосига кўра Оллоҳ таоло барча одам болалари руҳини ўзига чорлади:

«Аласту бираббикум — сизларнинг яратқучингиз эмасманму?»

Руҳлар айтдилар: «Қолу бало» — худди шундай, сен бизнинг Парвардигоримизсан.

Оллоҳ айтди: «Эй руҳлар, дунёни кўриб келингиз».

Руҳлар дунёни кўргани кетдилар. Кўплари қайтиб келмади.

Оллоҳ сўради: «Қолганларингиз қаерда қолди?»

Руҳлар айтдилар: «Дунё ёқиб қолиб, у ерда қолдилар, энди келадилар».

Оллоҳ қайтди: «Энди жаннатни кўриб келинглар».

Руҳлар жаннатни кўргани кетдилар. Кўплари қолиб кетиб, озчилиги қайтиб келди.

Оллоҳ сўради: «Қолганларингиз қани?»

Руҳлар айтдилар: «Жаннат ёқиб қолиб, у ерда қолдилар, энди келишади».

Оллоҳ сўради: «Сизлар нима учун келдингиз?»

Озчилик руҳлар дедилар: «Дунёни кўрдик, гўзал ва ширин экан, аммо вақтинчалик экан, жаннатни кўрдик, яхши экан, аммо у ерда сени кўрмадик. Бизга дунё ҳам, жаннат ҳам керак эмас, сен ўзинг кераксан, сен ўзинг дунёдан ҳам, жаннат неъматларидан ҳам гўзал ва тотлисан, эй Раббимиз, биз сенинг висолингни истаймиз. Илоҳо, анта мақсуди ва ризока матлаби — Илоҳо, ўзинг мақсадимизсан, талабимиз сенинг ризолигингдир».

Оллоҳ айтди: «Менинг висолимни боқий ҳаётда истайдиган бандаларимга дунёда қаттиқ азоблар бўлади, шуни кўтаргани бардошларинг етадимми?»

Руҳлар айтдилар: «Илоҳо, ўша дунёда, бизга азоб-уқубат юзланганда сен бизни кўриб турасанми?»

Оллоҳ айтди: «Ҳа, кўриб тураман».

Руҳлар айтдилар: «Ундоқ бўлса, биз розимиз». Ривоят қилишларича, дунёни кўриб, севиб қолиб, кеч қайтиб келган руҳлар кофирларнинг руҳи экан, жаннатни кўргани бориб, севиб қолиб, кеч қайтиб келган руҳлар мўмин бандаларнинг омилари руҳи экан. Дунёда ҳам қолмай, жаннатда ҳам қолмай Оллоҳ қошига етиб келган руҳлар пайғамбарлар ва авлиёлар руҳи экан. Улар ўша пайтда ҳам бу дунёга келмай туриб — ломакон шаҳрида Оллоҳни кўриб, унинг жамолига, камолига ва адлига шайдо бўлиб қолган ошиқлар эди.

Вақтики одам фарзандлари ер юзига ёйилиб, тарқалиб кўпайдилар, улар ичидан солиҳлари бошқаларни Оллоҳ йўлига чор-

лаб, амри маъруф ва наҳи мункар қилдилар, гуноҳ ишлардан қайтардилар. Натижада уларни халқ таниб-билди — ҳувайдо бўлдилар. Оллоҳ ишқи уларни эл кўзига ошкора қилди. Руҳлари дунёни кўргани келиб, кеч қолиб кетган бандалар эса ёруғ дунёда мол-мулк, боғ-роғларга муҳаббат қўйди, бу нарсаларга эғаллик қилишга уринди, бу йўлда ким уларга халақит берса, зулм қилди, урди, ўлдирди, қийнади. Руҳлари жаннатни кўргани бо-риб, кеч қолиб келган бандалар эса ёруғ дунёга келганда дунёпа-раст қавмлар хизматини қилиб азоб-уқубат чекиб, Худонинг адо-латидан умид қилиб яшаб ўтдилар.

Демак, ҳувайдо бўлиш ломакондан вужуд оламига келишни ифодалайди. Туғилиш йўқдан бино бўлиш эмас, балки бақо ола-мидан фано оламига келишдир. Бақо оламидан яна бақо олами-га ўтиш учун дунёга келиш, яшаш, амал дафтарига соҳиб бўлиш даркор. Ҳазиний айтганидек:

Работи кўҳнага келган ҳама мусофирмиз,

Йўловчимиз — кетамиз, жаҳон — чорроҳ гузари.

Работи кўҳнага — эски карвонсарой бўлмиш дунёга XVIII асрда яна бир Оллоҳ ошиғи Ҳувайдо бўлиб, бутун оламни ярат-ган Парвардигорга ҳамду сано айтиб, унинг расули Муҳаммад Мустафога дуруду саловотлар айтиб, жами уммати Муҳаммад-га бахту саодат тилаб, бандаларни эзгу ишларига чорлаб, шеъ-рийат осмониди тўлин ойдек порлаб бир шоир яшаб ўтди. Бу шоир нақшбандия тариқати муршидларидан бири, мутасаввиф олим Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдодир. Унинг отаси Ғойибна-зар XVII-XVIII асрларда Марказий Осиё минтақасида пири ко-мил бўлиб донг таратган Ҳидоятulloҳ Шайх Юсуф ўғли — Офоқ-хожанинг муриди, Фарғона водийсидаги халифаларидан эди.

Кунлардан бир кун Офоқхўжа (раҳматуллоҳи алайҳи) ўз му-ридига «Сен фарзанд кўрсанг, отини Хўжаназар қўй, менинг на-зарим андадур» деб хушхабар бердилар.

Ёрканд ва Жунғория (ўйратлар ёки қалмоқлар) давлатларининг амалдаги подшоҳи, эшон Офоқхожа ҳазратлари 1698 йили вафот этади. Орадан 5-6 йил ўтиб Ғойибназар ўғил кўриб исмини Хўжана-зар қўяди. У пайтда Ғойибназар Ўшда яшар эди. Кейинчалик у Фар-ғонанинг Чимён қишлоғига кўчиб келиб, мадраса ва хонақоҳ очиб мударрислик билан машғул бўлган. Ҳувайдо таълим-тарбияни ўз

отасидан олган. Сунг Қуқон мадрасаларида таҳсил олиб, ўз қишлоғига қайтиб, мударрислик қилган, шеъррий ижод билан машғул бўлиб ғазаллар битган. Айни кунларда шоир девони мухлислар томонидан севиб ўқилади, ажойиб ғазаллари ҳофизлар томонидан куйланади.

Адабиётшунослик ва фалсафа фанларида Хувайдо ижоди тасаввуфий ҳамда ахлоқий жиҳатдан бир мунча ўрганилган, аммо нақшбандия тариқати пири ва шоир сифатидаги қарашларига жиддий эътибор берилган эмас.

Шоирнинг ўғли Ҳолмуҳаммад эшон ўз вақтининг қутби эди. Унинг ўғли Мавлавий Сирожиддин Сирожий таҳаллуси билан байту ғазаллар битган тариқат йўлбошчиси эди. Унинг ўғли Салоҳиддин Соқиб ҳазратлари тариқат пири бўлиб, тариқат амалиётига бағишланган рисола ва қўлёзмалар ёзиб қолдирган мусанниф аллома эди. Бу бузрукворлар нақшбандия тариқати давомдорлиги учун заҳматлар чекиб, муридларга ихлос билан сабоқ ва тарбия бериб келганлар. Соқибийнинг «Маъмулоти Соқибий» (Соқибийнинг жорий қилинадиган амаллари) рисоласи нақшбандия сулуки соликлари учун қўлланма сифатида ёзилган. Салоҳиддин ҳазратлари муридларга вазифалар берар экан, ўз фикрининг исботи учун Хувайдо ғазалларига ҳам кўп ўринларда мурожаат этган.

Айрим ўринларда ғазаллар тўла келтирилган. Булардан кўринадики, Хувайдо аксарият ғазал ва мухаммасларини, рубойларини тариқат ва маърифат йўлидаги муридлари учун дастур сифатида ёзиб қолдирган.

Соқибий муридларга вазифа берар экан, «Шариат йўлидан чиқмаслик ҳамма амалларнинг ва риёзатларнинг қаттиқроғидир. Шариат амали ҳамма амалларнинг афзали ва осондир», дейди. Бу йўлда сусткашлик қилувчи, уламо ва машойих суҳбатидан қочувчи танбал кишиларга ачинади. Сўзининг исботи учун бобосининг бир ғазалини келтиради:

*Худонинг ёдини қилмас кишини, билгил, одамму?
Намозу рўзаси йўқ бўлса, андин чорпо камму?
Танини еб-ичиш бирла семиртса бўзлаган ўйдек
Эрур бир гови бешохий, башар наслига ҳамдамму?
Худодан қўрқмаса улким, яна рўзи қиёматдин
Эрур бир жинси бегона, мусулмонлиққа маҳрамми?*

Ҳувайдо тариқат йўлига кирган ҳар бир солиқ пир суҳбати, йўл-йўриғи ва насиҳати асосида қадам ташламоғи лозимлигини қаттиқ таъкидлайди. Пирсиз солиқ ёввойи дарахт сингари ўсади. Шох-бутоғи беўхшов ўсиб, охири бемаза мева беради, яхши тарбия кўрган солиқ эса улама дарахт сингари чиройли, хушбичим ўсади, ширин мева беради, эл ундан баҳра олади, дейди.

Муридни йўлдан озиш, тойишдан эҳтиёт бўлишга чақиради:

*Дўстлар, матлаб яқиндур, лек анинг йўли ироқ,
Ҳиммат отин минмагунча етмагай ҳар ким яёғ.
Бир қаришлиқ бўлса йўл, бераҳбар қўйма қадам,
Учрамай қолмас балога, ҳар киши бўлса саёғ.
Гар қаронгуда қадам қўйсанг, йиқилгунг чоҳга
Эй биродар, ол қўлингга илми зоҳирдан чирог.*

Айниқса, комиллик босқичларини босиб ўтишда дарвеш турфа тўсиқларга дуч келиши мумкин, чунончи дунё молини севиш — аждар, зебу зийнатга ҳирс қўйиш, ҳасад ва бахиллик қилиш — йўлбарс, бидъат ишларга мубтало бўлиш бўри бўлиб унга хавф-хатар солади. Инсон вужудида Фиръавн ва Хомон хулқа, юз тўнғиз феъли бор, уларни риёзат қиличи билан қатл этмас экан, дарвиш мақсадига етолмайди. Бу йўлда тирик юриб, нафсинг итини ўлдирмасанг Оллоҳ висолига етишолмайсан, дейди шоир:

*Талабгори висол ўлсанг, дилу жонинг била йиглаб
Тириклай ўлмагунча топмагайсан васлин, эй солиқ.*

Маълумки, тариқат босқичининг олтинчи мақоми пирнинг хизматида бўлишдир. Бу босқични босиб ўтишда солиқ шундай хизмат қилиши керакки, пирнинг дил мулкига подшоҳ бўлсин, яъни пири ундан хушнуд бўлиб, кўнгилдан жой берсин.

Агар у мурид ўз пиринигина эмас, ўз замондоши бўлган бошқа дўсти Худо хизматини қилиб, дуосини олса, у улуғ мақомга эга бўлади.

Шоир тариқат кишиси беозор бўлмоғи керак деб насиҳат қилади. Рисолада Соқиб «суҳбати ножинс суфияга мисли ўлимдир, хусусан пирини суймаган одам ёки пирга ихлоси йўқ одам бир-

ла ўлтирмоғлик» (ҳам) деб огоҳлантирар экан, ўз бобосининг икки байтини келтиради:

*Аҳли гафлат бирла қилма бир даме ҳамроҳлик,
Куйдурур ўтка ўзини ҳам тақи ҳамроҳни.*

* * *

*Худонинг ёдини танҳонишинлик бирла хў қилгил,
Ямонлардин йироқ бўл, яхшиларни жустижў қилгил.*

Яхши инсонлар ҳар қайси миллатда ҳам бор. Миллатларни миллатларга дўст қиладиганлар ҳар бир миллатнинг яхши, оқил, инсоф-тавфиқли вакиллари дидир.

Бу ҳақиқат Ҳувайдо шеърлятида ҳам ўз аксини топган:

*Агар ҳар кимни кўрсанг, Хизр бўлмай деб тавоф айлаб
Ки ҳафтоду ду миллат халқи бирла ошно бўлгил.*

Ҳафтоду ду миллат — етмиш икки миллат халқи билан ошно бўлишга чақириш — чинакам умуминсоний туйғу ифодасидир. Менга қолса ушбу байтни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳи бўлган бино пештоқига олтин ҳарфлар билан ёздириб қўйган бўлур эдим. Ушбу байт Нақшбандия тариқатининг байналмилал хусусиятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Айни кунларда бу тариқат Ер юзининг барча гўшаларида жорий бўлиб бормоқда экан, бу жаҳоншумул ишда барча нақшбандия пиронлари қатори Хўжаназар Ҳувайдонинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Филология фанлари доктори Нусратулла Жумахўжа чиройли қилиб ёзганидек:

«Ҳаёт тилсимларини ечиш, дунёни мукамал кўриш, ҳақиқатни чуқур англаш, инсоний камолот пиллапояларидан собитқадам кўтарилиш учун Ҳувайдо ижодини доимий ҳамроҳимизга айлантирмоғимиз керак».

Ҳувайдонинг тариқат аҳли васфига бағишланган ажойиб ғазали бор. Соқибий рисоласида ҳам бу ғазал тўлиқ келтирилган. XX аср поёнида унинг бир авлоди (Абдулазиз Мансур) мазкур ғазалга мухаммас боғлади.

ХУВАЙДО ҒАЗАЛИГА АЗИЗИЙ МУҲАММАСИ

*Тарихат аҳлини Ҳақдин дигарга хоҳиши бўлмас,
Жаҳолат аҳли мағрурдир агарчи дониши бўлмас,
Гулистондин жудо булбул экан, бас хониши бўлмас,
Худони ёдида бўлгон кишининг коҳиши бўлмас,
Ани фикри Худодир, ўзга бирла ҳеч иши бўлмас.*

*Қилур рози аносин хизмат айлаб ул падар бирла,
Ризои Ҳақни ул ҳаргиз баробар билмагай зар бирла,
Шикоят қилмагай умри ўтса ҳамки зарар бирла,
Топилганда егай бир парча нон хуни жисгар бирла,
Худони қаҳридин қўрқиб ҳам ўзга ҳеч емиши бўлмас.*

*Сабақ олгай топиб мулло, қочиб жаҳлини оридин,
Илму ҳикмат чунон истар кечиб ҳар йўқу боридин,
Агарчи қўллари ишда, айирмас дилни Ёридин,
Кўнгли боғига сув бергай муҳаббат жўйи борийдин,
Эрур боғи дили доим баҳор, ҳаргиз қиши бўлмас.*

*Сабрсизликни тарк айлаб олур қаттиқ дамин ул эр.
Дегай бўлсин фароғатда мудом аҳли замин ул эр.
Ки руҳий бойлигин ортиқ эконига амин ул эр,
Фақирлик ихтиёр айлаб, қилиб қадди ямин ул эр,
Егай бир парчаи номни таъма бирла иши бўлмас.*

*Саховат мулкида ул бамисли Ҳотами Тоғи,
Агар чандики йўқ қўлда сизир, қўй ва на от, тойи,
Баён этсам ҳақиқатда нечук бўлгай ани жойи,
Кўринур эл кўзига камбағал, ул бойлар бойи,
Топиб ганжи муҳаббат дуняликдин нолани бўлмас.*

*Сўрар билмасларин кўрса уялмай турфа олимдин,
Демас «нечун келиб сўрмас қариндошлар бу ҳолимдин»,
Дегай «кулфатларим қилган ўшал журму ваболимдан».
Агар ҳар кунда юз қамчин еса бошига зотимдин,
Тилида зикри Ҳақ, кўнглида зарра коҳиши бўлмас.*

*Бунингдек соҳиби хислат баёнин айтайин, келгин
Худони рози қилмоқлик йўлини айтайин, юргин.*

*Гуноҳлардин эмин ўлмоқ не шидир ул — ани қилгин,
Ўшал эрнинг билай десанг нишонин айтайин билгин,
Ки ҳаргиз гийбати мардум дегандин қилмиши бўлмас.*

*Ҳисобдин қўрқмагонни бу фонийда роҳати бисёр,
Ҳалол излай деганни меҳнати, ҳам заҳмати бисёр,
Азизий, сўзни кўтоҳ қилки тилни кулфати бисёр,
Худодан қўрқмагон, беҳуда сўзга рабати бисёр,
Ҳувайдодек бу ўз асри аро осий киши бўлмас.*

* * *

Нақшбандия тариқатини ўрганишда Ҳувайдонинг чевараси, халифа Ҳолмуҳаммад Ўшийнинг набираси, мавлоно Сирожиддиннинг ўғли Салоҳиддин Соқибийнинг «Маъмулот»и диққатга сазовордир.

Соқибий таҳаллуси билан шеърлар ёзган Салоҳиддин ҳазратлари 1843 йили Ўш шаҳрида туғилган. Аввал Ўшда сўнг Қўқон мадрасаларида илм олиб, адабий давраларда қатнашиб, стук олим ва истеъдодли шоир бўлиб етишади. Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж қилиб, Мадинада бир неча йил истиқомат қиладди. Расулulloҳ шаҳрида Миён Мазҳар ҳазратларига мурид бўлиб, илм ва адаб ўрганиб, иршоднома олиб ўз шаҳрига қайтиб, шайхлик рутбасига ўтириб, халқни ҳақ йўлига бошлаб умргузаронлик қиладди.

Шоирнинг «Маъмулоти Соқибий» (Соқибийнинг жорий қилинадиган амаллари) рисоласи тариқат аҳлининг бошловчи толибларига қўлланма сифатида ёзилган бўлиб, ҳижрий 1334 (милодий 1916 йили) Тошкентда «Фуломий» чопхонасида нашр этилган.

Қўлланма ўз даври адабий услубида. Ўқувчиларга осон бўлсин учун ҳозирги адабий тилимизга мослаштиришни лозим кўрдик. Шунингдек, вазифаларнинг энг муҳим ўринларини мухтасар ҳолда баён этишга журъат этдик. Асар кейинчалик тўлиқ нашр этилса ўқувчилар батафсил маълумот оладилар деб умид қиламиз (Ушбу рисоладан фойдаланишга ижозат берганлари учун уни нашрга тайёрлаган Аҳмаджон Мадаминовга миннатдорчилик билдирамыз). Соқибий боболаридан давом этиб келган тариқатини «Тарикати Нақшбандияи мажзубия» деб атайди.

«МАЪМУЛОТИ СОҚИБИЙ» ДАН ТАНЛАНГАН САҲИФАЛАР

Эй фарзандларим, мушфиқи меҳрибонларим! Бизнинг йўлимиз нақшбандиядур. Сайри филаллоҳдур ва нуроний йўлдур ва қутб йўлидур. Сайри филаллоҳ йўлини табиат йўли дейдилар, бунинг маъноси Худо йўлига пайғамбар суннати билан тобе бўлиш, пайровлик қилишдир. Аҳли тариқат толибларига маълум бўлсинки, ирода қўлини пирга топширган мурид ўз пирини бир ойдан зиёда кўрмай юрмоғи жоиз эмас. Шу боис муридлар ўз пирлари ҳузурига ҳар ойда бир келмоққа вақт тополмай, кўпинча изтироб чекадилар. Пирлар эса ўз муридларининг ғамини еб, ҳар йилда бир бор саёҳат қилиб, муридлари ни кўргани борадилар. Ҳар икки ҳолат ҳам пиру муридликка дуруст келмайди.

Эндиликда икки тарафга осон бўлсин деб сўфийлар қиладирган вазифалар ва амалларни рисола қилиб, қўлларига бир дона, бир дона топширилса, пирнинг гарданидан соқит бўлса керак.

Муридлар бу рисолага майл кўргизиб, амал қилсалар байъатлари ва муридликлари жойига келиб, тариқатдан баҳра топсалар керак.

* * *

Эй тариқат ёронлари, эй ҳақиқат йўли биродарлари, билингиш ва огоҳ бўлингишким, тариқатимизнинг биноси ва иморати шу билан баржо ва барпо бўлурки «Сўфий — вақтнинг боласи». Яъни сўфий ўз умрининг ҳар бир дақиқасини огоҳлик ва ҳушёрлик бирла ўткарсин. «Шу вақтда ва шу соатда нима иш қилишим зарур эди?» деб ўша онда нима иш қилмоғи даркор бўлса унга киришсин.

* * *

Сўфий доим Оллоҳни зикр қилиб юрсин. Исми зот, яъни «Оллоҳ», «Оллоҳ», «Оллоҳ»ни ўтирганда, турғанда, ёнбошлаб ётганда, сўзлашганда ва бировларни тинглаганда зикр қилсин. Уни

қалб тили билан айтиб юрса соз бўлур. Ояти карима: «Ёд қилгин Парвардигорингни ичингда зори ва тазарру бирла, ниҳоятда пинҳонлик бирла. Асло ошкора бўлмасин. Эрта бирла ва шом вақтида гофиллардан бўлманглар».

Холмуҳаммад эшон бобомиз раҳматуллоҳ айтар эканлар:

«Киши беш вақт фарз намозларини, намози ишроқни, намози таҳажжидни, намози чоштни тарк қилмай, доим таҳорат бирла юрса, бундай одамни машойихлар қаторида санаси бўлур».

Яна бу вазифалар устига уйқуга ётиш олдидан беҳожат таҳорат олиб, икки ракаат намоз адо қилиб, уйқу келгунча юз марта «Субҳоналлоҳ», юз марта «Алҳамдулиллоҳ»ни айтиб, «Чор қул» ўқиб, кафтига дам солиб, баданига уч марта суриб, тўрт марта «Оятал курси»ни ўқиб атрофига дам уриб, дунё ташвишидан дилини холи қилиб, калимаи Шаҳодат ва калима Истиғфор айтиб, дил зикрига машғул бўлиб, калимаи «Таййиба» айтиб, Худонинг ёди билан уйқуга борса авлиёлар ва машойихлар қаторидан бўлмоғи муқаррардур, иншоаллоҳ».

* * *

Тўқ қорин бирла ибодат қилган хўп эмасдур. Бетаҳорат кишига доим шайтон ва жин ҳамроҳдур.

* * *

Уйқудан турганда дарҳол таяммум қилиб «ло илоҳа иллоллоҳ» деса имони ўзи билан ҳамроҳ бўлур.

* * *

Ҳар мўмин истинжо қилган ерда таҳорат қилмасин ва таҳорат қилган жойга бавл қилмасин.

* * *

Баландроқ жойда ўлтириб таҳорат қилсин. «Худога яқин бўлмоқ, намозимни яхши адо этмоқ учун таҳорат қилмоқни ният қилдим», десин.

* * *

Таҳоратдан сўнг икки ракаат «шукри вузуъ» нафл намозини ўқисин. Зам сурага «Қадр» сурасини ўқисин, савобини ўз отабоболари руҳига бағишласин.

* * *

Ҳадиси шариф: Дуо ибодатнинг мағзидир. Киши ибодат қилса-ю дуо қилиб қабулини Худодан тиламаса, ул ибодатнинг мағзи йўқдир, балки пўчоқдир.

* * *

Шариат йўлидан тажаввуз қилмай тариқатга амал қилмоқ солиққа вожибдур. Шариат йўли ҳамма амалларнинг афзали ва осонидур.

* * *

Шариат йўлидан чиқмаслик эса ҳамма амалларнинг, риёзатларнинг қаттиқроғидур.

Шариат йўли бирла иши йўқ одам эътибордан соқитдир.

* * *

Кимки уламо ва машойихлар суҳбати бирла иши бўлмаса, бировдан илм ва одоб ўрганмаса, китоб ва насиҳат бирла иши бўлмаса, кўнглининг хоҳишига қараб, ёмонлар бирла юрса, панду насиҳатни эшитмаса ул одамни ҳайвондан баттар деса бўлур.

* * *

Одам улдурки, ўзининг Яратганини билса, унинг деганини ва буюрганини қилса, ундан кўрқса, Ул Хожаси дўстим деганни дўст тутса, ёмон кўрганидан қочса, уни Одам деса бўлур.

* * *

Дунё тўла одам. Неча фирқа, неча мазҳаб, неча феъл, неча хаёлда одамлар бор. Уларни авлоди Одам дермиз. Аммо Ярат-

ган ва парварииш қилган, бошу ақл берган, онани меҳрибон қилган, кўксидан хўрагига лойиқ сут чиқариб берган, икки қўл, икки оёқ, икки кўз берган, тиш ва қулоқ, идрок ва иштаҳа бериб, икки пешобини маҳкам қилиб берган зотни танисмай, билмай, ўз феълича юрса ундай одам нафси аммора ва шайтоннинг дўстидир.

Худои таоло ўзини танимаганини, нафси ва шайтонни душман тутади. Бу учаласи дўст тутган нарса дунёга меҳр қўйишидир. Дунё, нофармон банда, нафс ва Шайтон гапига кирган Одам Худонинг душмани бўлур. Шайтоннинг ва нафсининг гапига кирган, дунё фирибига алданиш шармандалиқдир.

* * *

Инсоф қилинганлар, эй мушфиқ ва меҳрибон фарзандларим! Эй кўзимнинг нури, равшан чироқларим! Уч кунлик фоний дунёга мағрур бўлиб, умрингизни зое қилманг. Доим охиратингизни мулоҳаза қилинг. Бемулоҳаза иш пушаймонлик келтирур. Пушаймон ўти дўзах ўтидир. Худои таолонинг буйруғи бандаларга фарздур. Фарз — бандаларга қарздур. Аммо ошиқча ишлар ҳам борки, ўзига ва жонига оро кириб, роҳат ва осойишга сабаб бўлур. Буни «нофила» дерлар.

Ошиқча намоз, ошиқча рўза, ошиқча эҳсон, ошиқча яхшилик, бинои хайр — масжид, мактаб, кўприк нофиладир. Қабул бўлса — жонга роҳат. Нофиланинг афзали саловат ва тасбеҳдур.

* * *

Киши ихлос бирла бир суннатни ихё қилса, тирилтирса олти-миш йиллик ибодати мақбул бўлган ҳолда номаъ аъмолига битилур. Бир бидъат бир суннат ё бир вожибни хабата қилур.

* * *

Ҳадис: «Луқман ҳаромдан униб-ўсган гўшт жаннатга кирмайди». Агар киши ҳаромдан бировга садақа бериб, ажр талаб қилса, садақа олгувчи дуо қилса, дили кўр бўлур, ибодатга рағбати бўлмас, фикс-исёнга мойил бўлур.

* * *

Барча ибодатлар ўн қисмдур. Тўққизи ҳалолдан ризқ талаб қилишдадур, бири бошқа ҳамма ибодатлардир.

* * *

Киши камтаом бўлса сувни кам ичар, сувни кам ичса — кам ухлар, кам ухласа — кўп ибодат қилур, ибодат кўп бўлса — охи-ратда пушаймони кам бўлур. Кўп еса — кўп сув ичар, кўп сув ичса — кўп ухлар, ибодат кам бўлур, охиратда пушаймони кўп бўлур.

* * *

Киши умрининг тўртдан бири уйқу бирла ўтса ва тўртдан бири таом-хўрак бирла ўтса ва тўртдан бири халожой ва таҳорат бирла ўтса, тўртдан бир умри қолди. Унинг ибодат билан ўтгани билан охират иши дунё ишидан олдин бўлмоғи маълум эмас ва ул тўртдан бир умрини беҳудагўйлик ва бекорчилик билан ўткаган одам-нинг ҳоли не кечади?! Сўфий шул боис кам уйқу бўлмоғи даркор.

* * *

Кўп сўзлик асло илҳоми илоҳий бўлмас. Кўпсўзлик одам неча балоға мубталодир. Аввало — мажлис аҳлига озор беради, иккинчи-кўнгли ўлик бўлур, учинчи — беадаб бўлур, тўртинчи — беақл бўлур. Бешинчи эсар (паришонхотир) бўлур, олтинчи безътибор бўлур, еттинчи бесабот бўлур. Ҳадис: «Сўз кумуш бўлса ҳам сукут тиллодир».

* * *

Мард улдурки, халойиқ ичида юрсин, халққа аралашсин, олди-берди қилсин, савдо-сотик қилсин ва хотин олсин, лекин бир лаҳза ҳам Худодан ғофил бўлмасин, шариятга ва суннатга хилоф қилмасин.

* * *

Фаҳм-фаросатли ва очик кўзли Муҳаммадий динининг ёрон-лари ҳамда биродарларига солим ва очик-равшан бўлсинки, бу

фасод авж олган замонада (1900 йиллар) ислом дини, мазҳаб ва шариат беравнақ бўлиб, дини Ислом билан ҳеч кимнинг иши бўлмайд қолди.

Мусулмонлар:

- Худои таолонинг буюрган ҳалоллини ҳалол десинлар;
- Худои таоло ҳаром деб буюрганни ҳаром билсинлар;
- Муҳаммад алайҳиссалом шариатини маҳкам тутиб, ёмонлардан қочиб, яхшиларнинг суҳбатини изласинлар;
- Беҳуда ишлар, беҳуда сўзлардан парҳез қилиб, ёлғондан сақлансинлар;
- Доимо таҳоратли юриб, кам еб, кам ухлаб, фарз, суннат ва нафл намозларини ўқиб, тунлари кўпроқ бедор бўлиб Оллоҳни ёд этсинлар.

* * *

Фарзандларингга хушмуомала бўлсанглар, улар одобли бўлурлар, ота-она фармонидан чиқмас, фарзандларингга қўпол муомала қилсангизлар, сизларга осий бўлур, дўзахий бўлмоғига ота-она сабаб бўлур.

* * *

Иродат қўлини комил пирга топширмоқ керак. Комил, содиқ пирнинг аломати ушбудир: аввал олим бўлсин, иккинчи сулукни ниҳоясига етказган бўлсин, учинчи орифи биллоҳ бўлсин, тўртинчи шариат уламолари ва тариқат уламоларига манзур ва маъқул бўлсин, бешинчи ўзига яқин ерда яшовчи пир бўлсин, узоқдаги пир ўлик пир ҳукмидадир, баҳра ололмайд, олтинчи катта ёшдаги етук пир бўлсин, ёш пирга иқтидо қилмоқ дуруст эмас.

* * *

Ақобирлар ва уламолардан яширин қиладурган ишларни тарк қилсинлар, аксинча уларга манзур бўладирган «боракаллоҳ» дейдурган ишларни қилсинлар.

* * *

Анбиё ва машойихлар феълларга одат қилган одамларни абдоллардан деса бўлур.

* * *

Фарзандларингни илмли ва адабли қилмоқ учун молу жон сарф қилсангизлар жойиз бўлур. Фарзандлар илмсиз бўлсалар ўғри, қароқчи, босмачи бўлурлар, яна беадаб, отабезори, дилозори бўлса керак.

* * *

Ҳазрат Або Бақр Сиддиқ, Ҳазрати Усмон (разияллоҳу анҳумо) Хожа Аҳрори валий (қуддиса сирриҳу) дунёдор эрдилар, улар суҳбат сабабидан дунёнинг ҳирсини кўнгилларидан чиқара билдилар. Дунё ҳирси уламо ва машойихлар суҳбати билан кўнгилдин чиқар.

* * *

Бировнинг айбини сўзлашга машғул бўлмасинлар, балки ўз айбларини мушоҳада қилсинлар.

* * *

Қиёматда уламо ва машойих амри маъруф қилган ёки қилмаганидан савол қилинади. Шу боис икки калима амри маъруф қилинди.

*Ота-бобомнинг шиори насихат этмоқлик,
Анинг учун манам икки калима во қилдим.*

*«Аларнинг амри – Худонинг амри» деб шиор эттим
Бўюнда қарз эди, хат била адо қилдим.*

*Аё ўқигувчилар, етмасин сизларга малол
Худюю дўсти худо сўзларини жо қилдим.*

*Отам — Сирожий, Ҳувайдо набирасидурлар,
Алар шиори ушбу эрди, ман бажо қилдим.*

*Аларнинг ўрнида Соқиб сўз айди топибга
Аларга шояд асар қилса панд, то қилдим.*

ВАЗИФАЛАР

Нақшбандия ва Қодирия сулуки соликлари учун пиронлар қуйидаги энг ибтидои вазифаларни берадилар: Аввало «Ла илаҳа иллоллоҳ, Муҳаммадур Расулulloҳ» деб мусулмон бўлиб, беш вақт намоз ўқиб юрмоқ. Иложи борича жамоат билан намоз ўқимоқ керак. Жума намозини қазо қилмай адо этиб бориш керак. Ҳаётда яхши одамга ҳам, ёмон одамга ҳам дуч келиш мумкин. Шу боис доимо «Астағфируллоҳ» деб юриш даркор. Доимо таҳоратли юриш кишининг қалбини шод этади. Илми зиёда бўлади. Таҳоратни янгилаб олгач, икки ракаат нафл (шукри вузуъ) намозини ўқийсиз, яъни таҳорат қилганингизга шукр қилиб (Зам сурага «Қадр» сурасини икки марта қайтариб) ўқийсиз. Намоз савобини ўтган ота-оналар руҳига бағишлайсиз. Бомдод намозидан аввал икки ракаат таҳажжид намозини ўқийсиз (Зам сурага «Ихлос» сурасини уч марта қайтариб ўқийсиз). Савобини Нақшбандия ва Қодирия пиронлари руҳига бағишлайсиз. Шом намозидан сўнг «Тухфаи расул» нафл намозини ўқийсиз (Зам сурага «Оятул курси» бир марта, «Ихлос» сураси уч марта ўқилади). Бошқа пайтларда ўз ишингиз билан банд бўлиб, давлат ва эл хизматини қилиб юраверасиз. Яхши ишга одатланиш, ёмон ишга машғул бўлишдан сақлайди.

«ХАТМИ ХОЖАГОН» АНЪАНАСИ

Бу анъана «Х ожагон» тариқати пиронларининг руҳоний анжумани бўлиб, Оллоҳ таолога биргаликда муножот қилиб, бирор мушкулни счиш мақсадида амалга оширилади. Ўқиш тартибини бизга қўқонлик

аҳли тариқат Абдуфаттоҳ ота Абдунаби ўғли (Худо раҳмат қилсин) нақл қилиб бердилар. «Хатми хожаг он» ўқишнинг катта ва кичик турлари мавжуд бўлиб, каттаси қуйидаги тартибда ўқилади:

1. «Фотиҳа» сураси 114 марта ўқилади.
 2. «Саловати шариф» 111 марта.
 3. «Калимаи тамжид» 111 марта.
 4. «Калимаи истиғфор» 111 марта.
 5. «Ла илаҳа илла анта субҳонака инна кунтум мин аз-золимин» 111 марта.
 6. «Алам нашроҳ» сураси 114 марта.
 7. «Ихлос» сураси 111 марта.
 8. «Ё боқий, антал боқий» 111 марта.
 9. «Ё Ҳазрати шайх саййид Абдулқодир Жийлоний шайъаниллоҳ» 111 марта.
 10. «Ё Ҳазрати шайх саййид Муҳйиддини мушкул кушоди бил хайр» 111 марта.
 11. Ғавс ағизни би-изниллоҳи таоло. 111 марта.
 12. Ё қозиял ҳожот 111 марта
 13. Ё қофиял муҳиммот 111 марта.
 14. Ё рафъиал даражот 111 марта.
 15. Ё дафъиал балиёт 111 марта.
 16. Ё шафиъал амроз 111 марта.
 17. Ё мужибуд — даъвот 111 марта.
 18. Ё мунзил ил баракот 111 марта.
 19. Ё ҳал-ал мушкулот 111 марта.
 20. Ё акрамал акрамин 111 марта.
 21. Хасбуниллоҳ ва неъмал вакил 111 марта.
 22. Ё гиёсал мустағнийсин 111 марта.
- «Бираҳматика ё арҳамар роҳимин» деб якунланади.
23. Саловати шариф (Саллаллоҳи алайка ё расулаллоҳ) 111 марта.
 24. «Ёсин» сураси тўлиқ ўқилади.
 25. Калимаи тажмид ўқиб якунланади. Қандай ният бўлса илтижо қилиб Оллоҳдан сўралади.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ҲУСАЙНИЯ ШАХОБЧАСИ ПИРЛАРИ СИЛСИЛАСИ

«Нақшбандия тариқати» ибораси Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига пайровлиқ қилиб Оллоҳ буюрган йўлдан юришни билдиради.

Бу тариқатнинг ибтидоси шулки, пайғамбаримизга Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу Оллоҳ йўлида юришга байъат қилиб қўл берганлар. У кишига Салмон Форсий разияллоҳу анҳу байъат қилганлар. У кишига Абу Бакр Сиддиқнинг ўғли Қосим разияллоҳу анҳу байъат қилганлар. У кишига имом Жаъфари Содиқ разияллоҳу анҳу байъат қилганлар. У киши Боязид Бистомийга иршод берган (Ҳар бир байъат қилган бузрукка ўзидан олдинги пир муршидлик қилишга иршод берган. Ҳар бир пирнинг ўз даврида минглаб муридлари, яъни байъат қилганлари бўлган).

Абу Бакр Сиддиққа (р.а.) байъат қилганлар ўзларини «Сиддиқия тариқати муридлари» деб ҳисоблаган бўлсалар, Жаъфари Содиққа байъат қилганлар ўз тариқатларини «Жаъфария» деб атаганлар.

Боязид Бистомийга байъат қилганлар ўзларини «Тайфурия тариқати соликлари» деганлар. Сабаби ҳазрати Боязиднинг болалик исми Тайфур бўлган.

Боязид Бистомий руҳонияти Шайх Абул Ҳасан Харрақоний разияллоҳу анҳуга муршидликни топширган. У киши Абу Али Фармодийга иршод берган. У киши Хожа Юсуф Ҳамадонийга муршидлик хирқасини кийдирган. У киши Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувонийни ўз халифаларидан бири деб иршод берган.

(Ғиждувоний ҳазратлари даврдан сўнг бу тариқат «Хожагон тариқати» номини олган. Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Хожа Бобои Симмосий, Саид Амир Кулолгача бу тариқат «Хожагон» номи билан давом этиб келди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан сўнг (1318-1389) бу тариқат «Нақшбандия» номини олиб, пу кунгача ушбу ном билан давом этиб келмоқда). Нақшбанд ҳазратлари бир неча зотларга иршод берганлар. Жумладан, Мавлоно Яъқуб Чархий муршидлик хирқасини Хожа Баҳоуддин қўлларидан кийиб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига иршод йўлини топширганлар.

Хожа Аҳрор валий Ҳазратларидан кейинги силсила эса қуйидаги тартибда келади:

Мавлоно Зоҳид (р.а.)

Мавлоно Дарвиш (р.а.)

Мавлоно Хожа Имганакий (р.а.)

Хожа Боқий Биллоҳ (р.а.)

Имом Раббоний Аҳмад Сарҳиндий (р.а.)

Муҳаммад Саид Бухорий (р.а.)

(Бу киши Бухородан Сарҳиндга — Ҳиндистонга бориб, Раббоний хизматида бўлиб, иршод олиб, ўз юртига қайтиб келганлар). У кишидан сўнг —

Шайх Абдулаҳад (р.а.)

Мавлоно Обид (р.а.)

Муҳаммад Мусахон Даҳбедий (р.а.)

Халифа Сиддиқ (р.а.)

(Бу кишидан бошлаб барча пирлар халифа, яъни ўринбосар деб юритилган. Бу ўзидан олдинги пирнинг ўринбосари деган маънони билдиради. Бу сиёсий атама эмас, балки руҳоний рутба — мартаба ҳисобланади.) Силсила кейинчалик шундай тартибда давом этган:

Халифа Ҳусайн Бухорий (вафоти 1843 йил)

Халифа Абдусаттор (Халифа Ҳусайннинг ўғли)

Халифа Муҳаммад Солиҳ (Хўқандий)

Халифа Муҳаммад Амин (Ўратепалик)

Халифа Абдулвоҳид (туркистонлик, вафоти - 1967 йил)

Халифа қори Абдуллоҳ (тошкентлик, вафоти - 1976 йил)

Халифа қори Абдуллоҳ вафотидан сўнг у кишининг хонадонда қойиммақом бўлиб ўтирган киши халифа Иброҳимжон Муҳаммадқул ўғлидир.

Бу киши айни кунларда Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Оққўрғон қишлоғида истиқомат қилиб, Нақшбандия тариқатининг Ҳусайния шахобчасини юргизиб келмоқдалар. Шу ўринда кичик бир изоҳ бериб ўтсак. Илмий манбаларда Қодирия тариқати пирлари «машойихлар», Нақшбандия тариқати пирлари «ҳазратлар», Сухравардия тариқати пирлари «азизлар», Чашдия тариқати пирлари «авлиёлар» деб аталади (Қаранг: Фулом Сарвар Лохурий. Хазинатул асфиё. Форсий. Тошкент. 1895.).

Бугунги кунда халифа Иброҳимжон жанобларини ҳам одамлар «Ҳазрат» деб атайдилар. Бу хитоб ул зотнинг Нақшбандия муршиди эканликларига ишорадир. Мен ҳам — бандан гуноҳкор, пурхато Икромиддин Остонақул ўғли Оққўрғоний 1992 йилдан бери Иброҳимжон пиримиз суҳбатларига бориб тураман. Шу боис бу тариқатга қалам билан бўлса-да хизмат қилишни ўзим учун вожиб деб биламан. Оллоҳ барча марҳум пирларимизни ғариқи раҳмат, шоистаи жаннат қилсин, Ҳазрат пиримизнинг умрлари узун бўлсин, омин.

КЎНГИЛЛАРГА САФО УЛАШИБ

ХАЛИФА САФОХОНТЎРА

1907 йили Тошкентда В.М.Ильин матбаасида чоп этилган Сапоҳиддин Соқибийнинг «Маъмулоти Соқибий» рисоласида шундай сатрларни ўқиймиз: «Ҳар вилоятнинг аҳли ўз юртининг қутби билан иши бўлмаса, хотирламаса ул вилоятга Худои таолонинг итоби бор ва лекин махфий. Ҳар вилоятдаки, Худои таолонинг дўстларига (валий — дўст демакдир) озор берибдурлар, ўша вилоятга Худои таолонинг ғазабни бордур. Мажидуддин Бағдодийни Хоразмийлар ўлдирдилар, Хулоку келиб қатли ом қилди, Халифа Сафони қипчоқлар тоифаси ўлдирди — ўзларининг қони ариқ бўлиб оқди».

Мажидуддин Бағдодий Шайх Нажмиддин Кубронинг муриди бўлиб, тафсир ёзган аллома, соҳибфазл, валиюллоҳ зот эдилар. Хоразмшоҳ бу юсуфталғат инсонни онасига раши қилиб ноҳақ ўлдириб юборган эди. Бу воқеа тарих китобларида кўп ёзилган. Аммо халифа Сафо ким бўлди? У қайси даврда яшаган?

Тарихий маълумотларга кўра, халифа Сафо XIX асрда Қўқонда яшаб ўтган тўразодалардан бўлиб, унинг исми Саид Муҳаммад бўлган. Халқ орасида «халифа Сафо» ёки «Сафо-хонтўра» лақаблари билан танилган тариқат муршиди эди. У киши ҳам Хусайн халифа мактабига мансуб бўлиб, Муҳаммад Алихон даврида катта обрўга эга эшон, пири калон сифатида шуҳрат қозонган. Водийнинг Наманган, Андижон вилоятлари шаҳар ва қишлоқларида унинг муридлари бисёр бўлган.

Қўқонда Сафохонтўранинг катта масжиди, ҳаммоми бўлиб, ҳаммом суви бир дона шам ёқиб иситилган деган ривоятлар бор (Ҳаммом ҳозир ҳам сақланиб турган бўлса-да, фойдаланишга яроқсиздир).

Тариқат пешвоси дунё фитнасининг бегуноҳ қурбони бўлган. Бунинг қисқача тарихи қуйидагича:

1842 йили Қўқон хони Муҳаммад Алихон Бухоро амири Насрулло томонидан қатл этилади. Насрулло томонидан қўйиб кетилган ҳоким тезда Қўқонни тарк этади, аммо тож-тахт учун кураш кучайиб кетади. Мингбошилар ўртасида ўз одамини хон қилиб кўтариш учун пинҳон, ошкора жанг бўлади. Жумладан, Мусулмонқул мингбоши Шералихонни хон қилиб кўтаради. Ора-

дан кўп ўтмай, Султон Муродхон хон бўлиб, Шералихон ўлдирилади.

У Муҳаммадиёр додхоҳ сингари қипчоқ катталари томонидан қўйилган хон эди. Мусулмонкул мингбошилиқ лавозимида тургани учун Султон Муродхон мустақил иш юритиш имконидан маҳрум эди. Муҳаммадиёр додхоҳ Султон Муродхонга инонихтиёри олиб бериш учун Мусулмонкулни мингбошилиқдан бўшатиб, Чустдаги кўшинга саркарда қилиб юборади. Ўзи мингбоши булади. Султон Муродхон бир неча вақт ҳукуматни бошқаради. Ўратепа ҳокими Оллошукурбек Қўқонга бўйинсунмаслик тўғрисида муҳолифат изҳор этгани учун кўшин тортиб Ўратепага юриш қилади. Абдулгаффорбек деган ўз одамини янги ҳоким қилиб, ўзи ортга қайтади. Мусулмонкул фитна кўзгаб, Чустдан Қўқонга кўшин тортиб келади. Давлат аркони уни Андижонга ҳоким қилиб юбориб, вазиятни юмшатишга муваффақ бўлади. У Андижонга жўнаб кетгач, аркони давлат хотиржам бўлиб, ўрда ичида қимизхўрлик қилиб роса дам олишади. Сўбатлари тамом бўлиб, ҳамма уй-уйига тарқалади.

Муҳаммадиёр ўз ҳовлисига қайтаётганда, пири Сафохонтўранинг уйига бемаҳалда кириб ўтади. Кеч бўлишига қарамай, дастурхон ёзилиб, турли-туман ноз-неъматлар тортилади.

Халифа Сафо мингбошига бир неча панд-насихат қилиб, биров қаттиқ гапларни ҳам айтади. Сўнг муносиб кийим-кечак ҳадя қилиб, кузатиб қўядилар. Мингбоши уйига келиб, тоби қочиб, қайд қилади. Бир мулозим шаҳарнинг энг машҳур табиби бўлган Мавлавий Жабалийни олиб келади. Табиб «Заҳар берилган» деб ташхис қўйиб, даволашга киришади. Бу аснода мингбоши дарғазаб бўлиб, бир неча қипчоқларни чақириб, жаллодларни шайлаб, халифа Сафони ўлдиришга ҳукм қилади. «Қўқонда эмас, Ўш тоғига олиб бориб, ўлдиришлар», деб кўрсатма беради. Қипчоқ жаллодлари халифа Сафони аравага солиб, кеча-кундуз йўл босиб, Ўшга етиб, сўнгра тоғ орасида қатл этадилар. Халифанинг бир неча муридлари жасадини топиб, Ҳазрати Осаф ибн Барҳиё қабристонига дафн этадилар (Баъзи ривоятга кўра унинг боши Қўқонга — мингбоши ҳузурига олиб келинган). «Ансобус салотин ва таворих ул хавоқин» китоби муаллифи Мирзоолим Мушрифнинг келтиришича, халифа Сафони ўлдирилиши, машҳур қипчоқ қирғинининг бошланишига сабаб бўлган.

Ҳазрати эшоннинг қипчоқлардан ҳам мурид ва мухлислари кўп эди. Бу фожиадан хафа бўлишиб, Мусулмонқулга махфий хат юбордилар. Хатда Қипчоқ катталари бизларни ҳам душман тутиб, касофати бизларга ҳам тегади, тезда етиб келинг, мингбошини жазоланг», дейилган эди.

Қаҳр отига минган Мусулмонқул Қўқонга етиб келиб, хон билан суҳбатлашади. Шу аснода Муҳаммадиёр додхоҳ ўз яқинлари билан Ўрдага бостириб киради. Мусулмонқул ёмон ниятда келмаганини айтиб, уэр сўраб, тавалло қилади. Улар газабдан тушиб, суҳбатлашиб туришади. Шу пайтда Мусулмонқулнинг махсус тайёрланган галаботирлари ҳужум қилиб, барини ушлаб, бир хилватга олиб бориб, ўлдириб ташлайди.

Мусулмонқулнинг бу иши қипчоқлар ўртасида яна адоватни кучайтириб юборди. Охири қипчоқлар қирғини содир бўлиб, Мусулмонқул ҳам қатл этилади.

Қисқаси Муҳаммадиёр додхоҳнинг касал бўлишида халифа Сафонинг ҳеч қандай айби йўқ эди. Бўкиб қолгунча қимиз ичган одам яна зиёфатга келиб, кўп овқат еб ҳазм қила олмай, касал бўлган, қайд қилган. Табиб ташхиси билан халифа Сафо суиқасд қилишда айбланган ва бегуноҳ қатл этилган. Тақдири илоҳий шундай бўлган экан, начора.

Бу воқеалар тафсилоти Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», қирғиз ёзувчиси Тўлаган Қосимбековнинг «Синган қилич», Алишер Ибодиновнинг «Сўнги Темурий» романларида ҳам турли хил муносабатларда акс эттирилган.

Аммо уларда халифа Сафо тақдири бош мавзу қилиб олинмаган, албатта.

Халифа Сафонинг ҳовлиси Қўқон шаҳрининг Ёғбозор маҳалласида ҳозир ҳам бор, авлодлари истиқомат қилади.

Ўттизинчи йилларда бу ҳовли ҳукумат томонидан мусодара қилиниб, турли ташкилотларга қўналга бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик шарофати билан, хусусийлаштириш бошлангач, халифа Сафо ҳовлиси унинг фарзандларига қайтариб берилди. Халифа Сафонинг ўғли Абдулазизхонтўра чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олган даврида яшаган. Унинг ўғли Саид Аҳмадхонтўра 1934 йили уй-жойи мусодара қилингач, Поп, Мингбулоқ атрофидаги қишлоқларда яшаб, 1939 йили Дангара туманидаги Оқтепа қишлоғида вафот этган. Унинг ўғли Саъд Ваққосхон (Яҳёев, 1946 йилда туғилган) узоқ йиллар

Дангара тумани ички ишлар бўлимида ишлаб, истеъфога чиққан.

Айни кунларда у Қўқонда юқорида қайд этилган Халифа Сафо ҳовлисида истиқомат қилади. Ҳозир Қўқон шаҳридаги собиқ Марат кўчаси Халифа Сафо номи билан аталади.

Саъд Ваққосхонтўранинг ҳикоя қилишича, падари бузруквори Яҳёхонтўра Қўқон шаҳридаги Тахтаёвуз маҳалласида яшаб ўтган Улуғхонтўранинг ўғли Мўйдинхонтўранинг қизига уйланган.

Мўйдинхонтўранинг бошқа қизи эса Бувайда туманидаги Оққўрғон қишлоғида яшаган Саид Абдуллахонтўрага турмушга чиққан. Орадан йиллар ўтиб опа-сингил куда бўлиб, Саид Абдуллахонтўранинг катта ўғли Саид Валихон Саид Яҳёхон тўранинг қизига уйланган.

ҚИЛИЧ БУРҲОНИДДИН

Саид Абдуллахонтўранинг отаси Саид Тўраҳон, унинг отаси Қилич Бурҳониддин исмли киши бўлган.

Қилич Бурҳониддин XVIII аср иккинчи ярми, XIX аср биринчи ярмида яшаган тариқат муршидларидан бўлиб, унинг ёшлик йиллари Марғилон шаҳри ва Аввал қишлоғида ўтган. Отаси Қошғар «бузилган йиллари» (1750-1760 йиллар) водийга кўчиб келган. Ўғли эса Қўқонда хеш-ақроболари билан топишиб, Оққўрғонга келиб ўрнашган. Бу зот тўғрисида жуда кўп ривоятлар бор.

Жумладан у киши тиши чиққан ҳолда туғилган экан. «Қилич тўра» лақабларини олишларига сабаб, у зотнинг сўзлари қиличдек кескир бўлган. Шу билан бирга унга зулм қилган кимса тезда бир мусибатга дучор бўлмай қолмаган.

XIV асрда Ўш вилоятида ҳам Қилич Бурҳониддин деган зот яшаган бўлиб, унга ҳавас билан шу ном берилган бўлиши ҳам мумкин.

У кишининг ҳовлисига бирор одам ёмон ниятда келса, ҳавода чанг-тўзон кўтарилиб, одамлар эса қайтиб кетаверар экан. Бирор қавм мужодала учун келса, ҳовлиси ёнидан оқиб ўтадиган ариқдаги сувга «қайт-қайт» деб ишора қилса, сув орқага қайтар экан, «сув қайтди, сизлар ҳам шаштларингдан қайтинглар» дер эканлар. Бундан таъсирланган одамлар қайтиб кетар экан.

Саид авлодларидан бири шундай деган эди: Пайғамбар авлодлари мисоли мушук ёки мусичага ўхшайди. Мушук қаймоқни ялаб кетса, мусича донни чўқиб кетса, уни сўкиб-қарғасангиз ҳам улардан ҳеч зиён келмайди. Аммо тутиб ўлдирсангиз ёки оёғини синдирсангиз, албатта бирор бир мусибат бошингизга тушади. Мушукнинг оёғини синдирганларнинг оёғи сингани, мусичани ўлдирганларнинг қўли қалтироқ бўлиб қолгани ҳаётда кўп кузатилган.

Қилич Бурҳониддин равзаси ўзи яшаб турган ҳовли бурчагида бўлиб, кейинроқ унинг ўғли Абдуллахонтўранинг жасади муборақлари қўйилиб, оилавий хилхонага айлантирилган. Бу иш умумий мазордан ўзларини ихота қилиш учун бўлмаган, албатта. Пайғамбар авлодларининг жасади ўлимидан кейин ҳам чирмаганлиги кўп бор кузатилган. Бу ҳол гўрбонларга қийинчилик туғдирган. Шу боис уларни алоҳида дафн этиш мақбул кўрилган.

Хилхона худуди авваллари очиқ ҳолда бўлгани учун ўт-ўланларини еган қўй ёки эчки равзага бошини қўйиб жон берган, хилхона атрофидаги дарахтларни бегона киши кесиб ёки бутаб олиб кетса, фойда кўрмаган.

Қилич Бурҳониддиннинг ўғли Саид Тўраҳон ҳам илмли, тақводор киши бўлиб, ўтган аср бошида вафот этган.

САИД АБДУЛЛАХОТЎРА

Замондошларининг хотирлашларича, бу киши балеанд бўйли (суратлари бор), келишган, меҳнаткаш инсон бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт орти ишчи қисмларида хизмат қилганлар. У зот 1963 йили вафот этганлар.

Абдуллахонтўранинг ҳол соҳибни бўлгани, ундай кўплаб кароматлар соҳир бўлганлиги замондошлари томонидан ривоят қилинади.

Полнинг Даҳана қишлоғидан бўлмиш бир киши ўз пирига совлик қўй назр қилибди-ю, аммо ўз вақтида келтира олмабди. Қўй туғиб қўзилар кўпайиб беш-олтига етибди. Қўйларни олдига солиб Оққўрғонга равона бўлибди (масофа 35 қақирим). Йўлда пиёз олиб келаётган бошқа бир муридга йўлиқибди. Қўйларидан фахрланган даҳаналик киши «Атай олиб борганда, пиёз олиб борасизми, бизга ўхшаб қўй-қўзи олиб боринг-да» деб ўтиб кетибди. Етиб бориб, пирига ниёзини топ-

ширибди. Йўлдаги суҳбат Абдуллахонтўрага кашф бўлган экан. Шундай деб амр этибдилар: —Худо чорваларингизга, кишти-корингизга барака берсин, назр-ниёзингиз даргоҳида қабул бўлсин, биз бу назрни қабул қиламиз, фақат бир шарт билан — бу қўйларни пиёзчига олиб бориб берасиз, қўйларни ҳайдаб уйига кетади, сиз қўлидаги ниёзни уйингизга олиб кетасиз.

Даҳаналик мурид пирининг амрини бажариб, пиёзчига қўйларни топшириб, уйига пиёз кўтариб қайтган экан.

Абдуллахонтўранинг Саид Валихон, Саид Султонхон (Рашидхонтўра) исмли ўғиллари ва икки қизи бўлган.

Тожибой Тошматов ва Эркинжон Хўжаевларнинг «Биби Убайда ва Бувайдаликлар» («Фарғона» нашриёти, 1997) китобида шундай сатрларни ўқиймиз: «Валихон тақсир» дейишса, бу номни фақат Бувайда туманидагина эмас, бутун вилоятда ҳам кўпчилик яхши биларди. Мутахассислиги ҳисобчи-иқтисодчи бўлган Саид Валихон ака узоқ йиллар колхозларда ҳисобчи, Бувайда тумани Агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, туман молия бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган. Агар вилоятнинг бошқа бир ҳудудига бориб, «Бувайдаликмая» десангиз «Э, шундайми, Валихон тақсир яхши юрибдими?» деб сўрашар эди.

Саид Валихон ака ғайрат-шижоатли, тўғри сўз, очиқ юзли, бадий, илмий китобларни яхшисини топиб ўқийдиган, ҳазил-мутойибага мойил инсон эди. У киши машҳур сўз устаси Муҳиддин Дарвиш ўғли билан бир маҳаллада ўсган, иккови яқин дўст эди.

Оққўрғонлик Ғуломжон ота Абдуназар ўғли (1936 йилда туғилган) шундай ҳикоя қилади:

— Узоқ йиллар колхозда тракторчилик қилдим, чўлларда сувсўргич техникасини ишлатиб, сув чиқардим. Шу билан бирга иккала тақсиримнинг хизматларида бўлишни ҳам ёшлигимдан қанда қилмайман. Хилхонанинг шикаст-реҳтини тузатиш, супириш-сидириш, қуриган ўт-ўланлардан тозалаш менинг зиммамда. Йигирма йил давомида бу маскан билан боғлиқ кўп сир-синоатнинг гувоҳи бўлдим. Бир тун ажойиб туш кўрдим. Тўрамлар ҳовлисида ишқом остига гилам-шолчалар ёзилган, дастурхонда ноз-неъматлар муҳайё қилинган. Малла чопон кийган нуроний отахонлар суҳбатлашиб ўтирибди.

Улар мени ҳам давраларига таклиф этдилар. Улардан бири «Дин қандай нарса?» деб савол берди. Мен «Дин яхши нарса, уни қаттиқ ушлаш керак» деб жавоб бердим. Ўтирганлар бари «Тўғри» деб маъқуллашди. Сўнг улардан бири хилхона томонни кўрсатиб «Мана шу жойларга сиз подшоҳсиз» деб амр қилди. Кейин улардан бири «Дастурхонни йиғиштиринглар, бу ерда биз рақс-самоъ қиламиз» — деди. Кейин улардан бири дутор чертди. Шундай мусиқа чалиндики, мен рақсга тушдим. Бутун баданим симоб бўлиб эриб кетди. Шундан кейин улардан яна бири «энди ташқарига кенгроқ жой қилинглари, рақсни ўша жойда давом эттирамиз, сиз кетмон топиб, текисланг», деди. Мен ичимда, «Ер ўзи текис бўлса, яна текислаш шартми-кан?» деб кетмон излаб кетдим. Кетмон олиб келсам, ҳалиги одамлар кетиб қолибди. Уйғониб кетдим. Мен бу тушни шу хилхонага қўйилган одамларнинг руҳлари билан мулоқотим бўлса керак, деб ўйлайман.

Хўжаназар Хувайдонинг

Хоки пойи яхшилар бўл, хок бўлмасдан бурун,

Бу қаро ер қўйни сенга чоҳ бўлмасдан бурун.

байтларига амал қилиб яшаётган Фуломжон ота яхшиларга хизматни айни Оллоҳга, унинг расулига бўлган хизмат деб тушунади.

* * *

Фуломжон ота ҳикоя қилади:

— Бир кун яна хилхонани тушимда кўрдим. Хилхона атрофидаги дарахтга икки қуш қўниб туриб, «чийқ-чийқ» деб нола қилади. Яқин бориб, назар солсам иккала қушнинг оёғига симдан занжир солинган. Секин бориб, уларга ўзимча «гапирдим»: «Эй, жониворлар, оёқларингга ким занжир солди, кўп қийналиб кетибсизлар-ку, бай-бай!». Сўнг симларни олиб ташладим. Икки қуш севиниб парвоз қилиб, бирин-кетин учиб кетди. Мен то кўздан ғойиб бўлгунча уларни кузатиб қолдим. Орадан 3 ой ўтиб аввал Рашидхонтўра, кейин Валихонтўра оламдан рихлат қилди (Худо раҳмат қилсин). Тушимда кўринган икки қуш улар руҳининг белгиларимикан?

ТАВАЖЖУХ ҲАҚИДА

Худон таоло инсонга бошқа махлуқотларга нисбатан кўпроқ таважжуҳ қилиб, уни азиз ва мукаррам этиб яратди. Унга ақл, дил, тил, гўзал жусса, йиғламоқ, кулмоқ, яратмоқ салоҳиятини ато қилиб, ўзининг ердаги халифаси қилди. Оллоҳ ўз таважжуҳ хазинасидан бир зарра одам боласига ато қилди. Бу таважжуҳ қуввати инсоннинг ўзига ва бошқа махлуқотларга меҳр-шафқат қилиши, хайрихоҳ бўлиши учун кифоя қилди.

Таважжуҳ ва дастгирликнинг моёси меҳр-шафқат, хайрихоҳлик, покдиллик ва художўйликдир. «Таважжуҳ» сўзи «важҳ» сўзи билан ўзакдош бўлиб, «юзланиш», «ҳурматлаш» маъноларини билдиради. Буни янада соддароқ қилиб меҳр қўйиш, ийиш, қўллаш деб аташ мумкин.

Киши таважжуҳга сазовор бўлиши учун таважжуҳ берувчининг ишончини оқлаган бўлиши, қай бир соҳада бўлсин ўз ҳимматини изҳор қилган бўлмоғи керак. Баъзан бир кўришдаёқ киши кишига таважжуҳ эта бошлаши мумкин, бунинг учун ундан бирор наф кўрган бўлиши шарт эмас. Таважжуҳнинг энг ибтидон кўриниши кишининг кишига салом бериши, ундан каттароғи дуо қилишидир. Ундан каттароғи у ҳақида ўйлаш, унинг учун офият сўраш, унинг учун ўз вақти ва рудий қувватини сарфлашдир. Парвардигор инсонларни бир-бирининг таважжуҳига муҳтож қилиб яратган.

Инсон ўзи эккан дарахтга таважжуҳ қилса — парвариш қилса, у яхши ўсади, яхши ҳосил беради.

Агар у ҳайвонга (фил, от, эшак, ит, мушук, парранда ва ҳоказо) таважжуҳ қилса, ундан албатта вафо кўради. Ниҳоят инсон инсонга таважжуҳ қилса, бемор бўлса, шифо топади. Одам боласи аввало ўз ота-онаси таважжуҳи билан униб-ўсади, ҳар хил бало-қазолардан эмин бўлиб, эл қаторига киради.

Вақтики ота-она ўзидаги бор таважжуҳни фарзандига сарф этиб бўлса, (асли у туганмас манба) ўзгалар таважжуҳига эҳтиёж сезади. Фарзандини ўзидан-да солиҳ деб билган одам ҳузурига бормоғини орзу қилади. Пирга қўл беришга бўлган интилиш ҳам, назаримда ана шу таважжуҳга ташналик эҳтиёжидан келиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Меҳр-шафқат, хайрихоҳлик инсон вужудида сақланувчи қувват бўлса, таважжух ана шу қувватнинг амалдаги сарфи деса бўлади. Таважжух учун қувватни инсон жигаридан олади, юраги ёки миясидан эмас. Мия фикр қувватининг қароргоҳи, юрак эса ғазаб қувватининг қароргоҳи!

Ҳа, таважжух инсонларни инсонларга боғлаб турган, уларнинг яшашга бўлган интилишларига куч-мадор берган илоҳий қудратдир. Инсон бошқалардан «мадад қилинг» деб илтижо қилганда, унга сифинмайди, балки ундан таважжух сўрайди. Бу таважжух Оллоҳнинг бандага ато этган фарали-карами олдидан зарранинг мингдан бир бўлаги миқдорича қувватга эга эмас, аммо ожиз инсон кўнгли шунга ҳам зор!

Таважжух учун масофанинг аҳамияти йўқ. Олис сафарга кетган фарзанд ёки биродар учун қилинган таважжух етиб боради. Ўтганлар руҳи ҳам таважжух бера олади. Бунинг учун уларнинг руҳини ёд этиб туриш, улар руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилиш, уларнинг яхши ишларини эслаб, бошқаларга эслатиб, зикр этиб туриш кифоя.

Таважжух асари, аломатлари тушларда аён бўлади. Пайғамбарлар қиссаси, авлиёлар маноқабларида мўъжиза ва кароматлар таважжух маҳсули ўлароқ воқе бўлганини кўп бор ўқиб билганмиз. Инсоният яшар экан қиёматгача таважжух давом этади. Бировда оз, бировда кўп. Кимнинг жигарида ишқ ўти кучли бўлса, таважжух қуввати ҳам кучли бўлади. Худон таоло ҳеч бандани ўзга бандаларнинг қаҳрига гирифтор қилмасин, балки ўзгалар меҳри ва таважжухига ноил айласин.

Юқорида зикр этилган Абдуллахонтўранинг икки фарзанди диний илм ва тариқат тарбиясини махсус ўрганиш имкониятига эга бўлишмаган. Аммо ота-боболари қонидан ўтган тугма хислатлар уларнинг таважжухли инсон бўлиб яшашларига кифоя қилди. Зеро файз-футух, жазба, таважжух соҳиби бўлиш учун илмнинг ўзи етарли эмас, балки у Худонинг ладуний иноятидир.

Айни кунларда Валихон аканинг ўғли Саид Умархон, Рашидхон аканинг фарзандлари Аббосхон, Авазхон, Аъзамхон ва Орифхонлар ҳам ота-боболари йўлидан бориб, яхши амаллар қилиб яшаб келмоқдалар.

ЭШОНИ ХЎҚАНДИЙ

Ўз вақтида Хусайн халифа даргоҳи «Корхонаи хонақоҳ» яъни муршидлар етиштириб берувчи хонақоҳ деб ном олган экан. Бу даргоҳдан иршод олиб чиққан муршидлар Туркистоннинг турли гушаларига тарқалиб, тариқат муҳибларига пирлик қилиб, маънавий муҳитнинг файзли ва хосиятли бўлиши учун хизмат қилар эдилар.

Халифанинг Фарғона водийсида ҳам мурид-халифалари кўп бўлган, Мажзуб Намангоний, Азимхўжа эшон, Сўфи Бадал Эшон, Ҳожи Қобил, Муҳаммад Саид Сафохонтўра, Шоҳ Салим Турвоқий, Муҳаммад Солиҳ эшони Хўқандий каби азизлар шулар жумласидандир.

Бу ўринда «Эшони Хўқандий», «Пири Калон» лақаблари билан машҳур бўлган Муҳаммад Солиҳ халифа ҳаёти ва фаолиятини келтириб ўтиш жоиз. Гарчи у зот халифа Хусайн даргоҳида ёшлик чоғидан бошлаб, тарбия кўрган бўлсалар-да, шайхнинг ўғли Абдусаттор халифадан иршод олганлиги силсилаларда қайд этилган. Демак, Муҳаммад Солиҳ халифа Хусайн таважжухига кўп бор лойиқ бўлган бўлсалар-да, кўпроқ Абдусаттор халифа тарбияси остида бўлганлар.

Ривоят қилишларича кўқонлик Сўфи Бадал эшон, Ҳожи Қобил ҳамда Муҳаммад Солиҳ уювлари бир вақтда иршод олишган бўлиб, мазкур икки эшон Муҳаммад Солиҳни ўзлари билан бирга Қўқонга олиб кетишга қарор қилиб, пирларидан ижозат сўрайдилар. Муҳаммад Солиҳ рози бўлиб, Қўқонга келади. Тез орада уч муршид шаҳарда халқ муҳаббатига сазовор бўлиб, мурид-мухлислари кўпаяди.

Муҳаммад Солиҳ икки дўстига рақиб бўлиб қолишдан истиҳола қилиб, Бухорога қайтишга қарор қилади. Муридларига «Бизни ким изласа энди Бухородан топади» деб хайрлашади.

Муҳаммад Солиҳ бир каромат билан Бухоро амирига манзур бўлиб қолади. Амир унга «Жаъфархўжа» мадрасаси ёнидан ўрин беради. Бухорода у киши «Эшони Хўқандий» лақаби билан машҳур бўлади.

Муҳаммад Солиҳнинг муридларидан бири Тўрақули бинни Холиқназар домла кейинчалик етук шайх бўлиб, Қўқонда нашъу намо топади.

ХОЛИҚНАЗАР ДОМЛА

Холиқназар домла асли Сирдарё бўйига яқин Турк қишлоғида (ҳозирги Дангара тумани ҳудудида) таваллуд топган бўлиб, йигит ёшига етиб, Қўқонга келиб, яхши инсонлар назарига тушиб, уйланиб, ҳовли-жой қилиб, ўрнашиб қолган зиёлилардан бўлган экан.

Қўқонлик тарихчи олим, шаҳар тарихининг билимдони Яҳёхон Дадабоевнинг маълумотига кўра, домла Холиқназарнинг шажараси Хожа Аҳрор валий ҳамда Ҳидоятulloҳ Офoқхўжа авлодларига бориб туташади. Хонлар бу кишига имтиёз тариқасида чек ер берган. Кейинроқ Фиштли Масжид (аввал «Ичкари Ғозиёғли») ундан кейин «Хўжаид дарвоза» маҳалласи номи билан атаб келинган) маҳалласидан ер сотиб олганлар (Ўша даврларда Буюк ипак йўлининг бир тармоғи ушбу ердан ўтган). Илмдор бўлишларига қарамай бўз тўқиш касби билан ҳам шугулланганлар.

У киши «Қадамжой» мазорига дафн этилган.

ТЎРАҚУЛИ ХАЛИФА

Холиқназар домланинг ўғли Тўрақули 18 ёшида Муҳаммад Солиҳга мурид бўлади. Пири Бухорога қайтгач, зиёратга боришни қанда қилмайдилар.

Қўқон шаҳрида яшовчи, шаҳарнинг «Фиштлиқ масжид» жомеъ масжиди имоми, Тўрақули халифанинг авлодларидан бири, айни кунларда ушбу хонадонда нақшбандия тариқатини давом эттираётган Пиримқул маҳдум Муҳаммадқул ўғли шундай ҳикоя қилади:

— Бобокалонимиз Тўрақули халифа раҳматуллоҳ Бухорога қирқ йил мобайнида қатнаб турганлар. Ўн олти марта пиёда борган эканлар. Темир йўл қурилгач, поездда бориш имконига эга бўлган эканлар. Бухорога пиёда борганларида кесак ёки туз олиб елкаларига кўтариб борар эканлар. Агар юксиз борсалар 12 кунда, юкли бўлсалар 16 кунда Бухорога кириб борар эканлар. Хонақоҳга етиб боришларига бир кун қолганда пири Муҳаммад Солиҳ раҳматуллоҳ каромат билан билиб, муридларини кутиб олишга чиқарар «Елкаларидан юкларини олинг-

лар» дер эканлар. Бироқ улар кўнмай, хонақоҳгача ўзлари кўтариб кирар эканлар. Баъзан эса шаҳарга яқинлашганларида пирлари истиқболга чиқиб, бирга олиб кетар эканлар.

Хизматлари, одоб-ахлоқи, забт этган мақомлари пирларига манзур бўлиб, иршод олишга ноил бўлган эканлар. Муҳаммад Солиҳ у кишига «Халифа Хокий» деб лақаб берган эканлар.

Халифа Хокий муршидлик мақомида турган пайтлар бутун Ўрта Осиёдан, ҳатто бошқа эллардан ҳам муридлари бўлган экан. Тарикатда тақводор, риёзатлик устоз даргоҳи дарсхона, қорихона ва суҳбатхона бўлиб доимо толиби илмлар ва толиби амаллар билан файзиёб бўлган.

Шундай нақл этадиларки, Муҳаммад Солиҳ Тўрақули ва унинг ҳамюрти Риштон яқинидаги Зодиён (ёки Зоҳидон) қишлоғидан бўлган яна бир муридига бир кунда иршод берган эканлар.

Эшони Ҳўқандий бир янги чопонни қўлларига олиб, уларни кутиб олибдилар. Мақсадлари янги чопонни Тўрақулига, устидарида кийиб юрган эски чопонларини эса зодиёнлик халифасига бериш экан. Зодиёнлик мурид «янги чопонни менга берсалар эди» деб ният қилибди, Тўрақули бўлса «Эгниларидаги эски чопонни менга берсалар яхши бўлар эди» деб кўнглидан ўтказибдилар. Пир бу икки андишани фиросат билан билиб, янги чопонни зодиёнлик муридига бериб, устидаги эски чопонни Тўрақулига табаррук қилиб тақдим этибдилар.

Иккиси Фарғонага қайтиб, сулук тебратишга машғул бўлибди. Тўрақули халифанинг ҳузурига муридлар кўп йиғилибди, ammo Зодиёнлик эшон ҳузурига ҳеч ким келмабди. Шунда у киши Қўқонга келиб, дўстига кўнгил очибди, «Ўшанда янги чопонни орзу қилиб, омадни қўлдан берган эканман, сиз ҳазратнинг эски чопонини тилаб, иноятни қўлга киритган экансиз, деб ҳаваас қилибди. Шундан сўнг Риштон томондан келувчи ўз муридларини Зодиёнга боришга амр этган эканлар.

Тўрақули халифа Хокий (Хок-тупроқ) тахаллуси билан туркий ва форсий тилда шеърлар яратган бўлиб, мероси авлодлари қўлида сақланади. Қўқонда у киши «Хокий домла» номи билан танилганлар.

Хокийнинг бухоролик пири Муҳаммад Солиҳга мурожаат қилиб ёзган шеъри диққатга сазовордир. Фанофиш-шайх мақомида турганларида бу киши шундай ёзган эканлар:

*Салом, эй сайиди Султони мавло,
Ёзилмиш исмиңгиз чун абди мавло,
Солниг мифтоҳи дилни суйи расво
Ки шояд қилса кўнғил қулфини во,*

*Жаҳон муришларини сарвари — сиз,
Саховатпешалар сардафтари — сиз,
Бизингдек мис вужуда кимёгаре — сиз,
Тариқат баҳри ичра дурри якто.*

*Карам бирла боқинг мен хастага бир,
Вужудим зар этинг, эй пири дастгир
Ки шояд нотавон дил бўлса чун шер
Кудурат қолмагай тан ичра асло.*

*Таважжух ҳоли бирла дилни хушланг,
Адашган Хокиённи сиз йўлга бошланг,
Ки Нажмиддин каби бир кўзни ташланг,
Ўшал сурмасо янглиг бўлаё масту шайдо.*

Тўрақули халифадан бир ўғил қолган бўлиб, уларнинг мубо-
рак исмлари Мавлоқули эди.

Мавлоқули ўз падари бузруквори таълимини ҳамда иршо дини
олиш бахтига муяссар бўлган. Шу боис оталарининг муридлари
ва мухлислари бу хонадонга доимо келиб турган, муридларининг
фарзандлари ҳам бу хонадонни азиз деб билар эдилар.

Мавлоқули халифа 1947 йили, 74 ёшида оламдан рихлат қил-
ганлар. Бу киши илми зоҳирий ва илми ботинийда мукаммал
бўлганлар. Таъби назмлари ҳам бор бўлиб, Харобий таҳаллуси
билан байтлар ёзганлар. Ўз вақтининг қутби бўлган бу зот то-
талятар тузумнинг барча текширув ва синовларидан омон ўтган.
Ундан бир ноҳўя сўз ёки амал воқе бўлмаган.

Бу зотнинг уч ўғли бўлиб, тўнғичлари Субҳонқули халифа,
ўртанчаси мулло Муҳаммадқули халифа, кенжалари мулло Ту-
робқули халифа. Уч оға-ини доимо бир-бирларига меҳрибон,
мушфиқ бўлиб, оталари ёққан чироқни ёқиб, муриду мухлисла-
рини тўғри йўлга бошлаб, Нақшбандия сулукини юргизиб келди-
лар. Субҳонқули жаноблари 90 ёшида, Мулло Муҳаммадқули

74 ёшида, мулло Туробқули халифа 89 ёшида рихлат қилдилар. Оллоҳ барчаларини раҳмат қилсин.

Муҳаммадқули халифанинг фарзанди аржуманлари Пиримқул махдум ота-боболари ўрнида қойиммақом бўлиб, тариқат таълимини давом эттириб келмоқдалар.

«ҚАДАМЖОЙ» ХОНАҚОҲИ

Тўрақули халифа яшаган ҳовли «Қадамжой» деб номланган. Бунинг боиси бу ердаги ҳовлига Ҳазрат хожа Убайдуллоҳ валий қаддасаллоҳи сирраҳу Шоҳимардон зиёратига боришда кўниб, муборак қадамларини кўйган эканлар. Халқ тилида бу жой «Қадамжой» дейилади, мазорида Тўрақули халифа равзаси ва унинг авлодлари қабрлари бўлиб, зиёратгоҳ бир маскан ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати билан равзаи шайх Тўрақули халифа ҳамда хонақоҳ қайта таъмирланиб, меъморий ёдгорлик даражасига етказилди.

Пиримқул махдум саъй-ҳаракати, муриду мухлисларининг моддий кўмаги билан 2001 йили таъмирланиб битказилган бу биёлар тарихий ёдгорлик сифатида давлат рўйхатидан ўтказишга лойиқдир.

Ҳа, инсон азиз, унинг хотираси, руҳи ундан-да азиз, оталари номини эъозлаб, уларга муносиб фарзанд бўлиб яшаб келаётган бу хонадон вакилларида эл-юрт ҳам миннатдор.

Мажзуби Намангонийнинг

*Набизодалар ҳам валийзодалар,
Саҳо боғи сабр ичинда озодалар*

мисралари гўё Тўрақули, Мавлоқули авлодлари ҳақида айтилгандек.

«ОШИҚ МАНАМ, МАЖЗУБ МАНАМ»

АБДУЛАЗИЗ МАЖЗУБ

Яссавий, Машраб, Ҳувайдо сингари халқчил ва халқона услубда шеърлар ёзган авлиё шоирларимиздан бири мажзуби Намангонийдир.

Улзотнинг исми Абдулазиз бўлиб, отасининг исми Ҳасанхожа. Ҳасанхожа Наманган шаҳрида туғилиб, шу жойда вафот этган. Наманганнинг Писакат қишлоғида яшаган Мансурхожанинг муриди бўлган. Абдулазиз Бухорога бориб Ҳусайн халифа қўлида таълим-тарбия олиб, мукаммал устоэлик мақомига етади.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир кун пири муридлар далада зикр тушиб кетаётганларида ариқча дуч келадилар. Ариқдан хатлашда Абдулазиз «ҳув» деб юборади. Халифа Ҳусайн: «Халқумни бўшатиб, Абдулазиз!» деб хитоб қиладилар. Абдулазиз жаҳрий «Ҳув Оллоҳ, ҳув Оллоҳ» деб зикрни давом эттиради. Асҳоблар халифадан «Нега жаҳрий зикрга рухсат бердингиз?» деб сўраганларида «Агар рухсат бермаганимда дили куйиб, ҳалок бўларди», деб айтган эканлар. Орадани бир қанча вақт ўтиб Абдулазиз иршод хати олиб Наманганга қайтади. У ўзининг муридларига Қуръон, ҳадис ва тасаввуфдан сабоқ беради. Аввало у хуфия зикрни ўргатади. Агар муриднинг хуфия зикрга сабри етмаса жаҳрийга рухсат беради. Албатта, Оллоҳ зикрининг махфийсини, садақанинг ва яхшилик қилишнинг ҳам махфийсини яхши кўради ва унинг ажрини ҳам кўпроқ беради. Аммо забони гўё билан булбул каби Оллоҳ ишқини куйласа, унга ҳамду сано айтса, пайғамбарга наът айтиб барчанинг кўнглини мумдек эрита билса, пир бундай муридига жаҳрий зикр ва ҳамду сано ва наъти набийга изн беради. Аксарият тасаввуф шоирлари ва ҳофизлари шу тариқа пирларидан ижозат олган оташзабон ва манзурнафас солиқлар эдилар. Абдулазизда ҳам ана шундай жазба бор эди. Профессор Н. Комилов жазба тўғрисида шундай ёзган эди:

«Сўфийлик ҳам истеъдоддир. Бу истеъдодни тасаввуфда жазба деб атайдилар. Жазба — бу инсондаги алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий - шуурий бир таважжуҳдир. Демак, жазба — тортиш, Ҳақнинг бандаларига ва бандаларнинг Ҳаққа интилиши, иродани Илоҳга боғлайдиган дард. У кўнглини бето-

қат этиб, фақру фано йўлига етаклайверади. Жазба қанча кучли бўлса, солиқ шунча тез тариқат одобини ўзлаштириб, қалб кўзи очилади, ҳолга киради». Бу фикрларини давом эттириб муаллиф Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳот ул - унс» асарида «мажзублар» ҳақида алоҳида фикрлар айтилганини келтириб ўтади.

Туғма фақирлиги кўринган солиқни «мажзуби солиқ», сулук давомида жазба пайдо қилган солиқни «солиқи мажзуб» деб номлаганлар. Мажзуб дарвишлар эл орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлганлар, каромат ва ғайриоддий ишларнинг кўпи ана шу мажзублар томонидан содир этилган. Жазбалик кишиларни оддий халқ «демонахон» деб атайдди. Ортиқча гап-сўз қилиб, кўнглига озор беришдан қўрқадди. Кўпгина шайхлар жазбалик кишиларни ҳам солиқликка тортиб тарбиялаш лозим, акс ҳолда улардан шайтоний ишлар ҳам содир бўлиши мумкин деб ҳисоблаганлар». Менимча, тариқат пирлари бунга бугун ҳам амал қилиб келмоқдалар. Боқий Муҳаммад Бухорийнинг «Жазоботу-л ошқиқин» (1818 йилда кўчирилган қўлёзмаси мавжуд) асарида шарт-шароит мавжуд бўлган тақдирда тариқат аҳлига мусиқа тинглаш, зикр жазба ҳолатларига руҳсат берилиши исботлаб берилган.

Халифа Хусайн ҳам ўз шогирди Абдулазиздаги жазбани тўғри пайқаб, унинг покиза истеъдодини тўғри йўлга солди. У «Мажзуб» тахаллуси билан байтлар битди. Бу жозибали байтларни солиқлар руҳоний анжуманларда жўр бўлиб куйлаганлар, ҳатми Қуръон, «Мавлудун-Набий» каби маракаларда минглаб одамлар тинглаб файз-тараб, маънавий озиқ олганлар. Абдулазиз Мажзуб шеърлари қўлёзма ва тошбосма нусхаларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг ғазалларига бирор шоир мухаммас боғлашга журъат эта олмаган. Мажзуб туркий ва форсий тилда ижод қилган.

Унинг шеърлари соф Фарғона шеvasида, содда ва равон тилда ёзилган. Мантиқий жиҳатдан бир-бирини тўлдириб боровчи қуйма ғазаллар ёд олишга жуда ҳам ўнғай. Ҳар бир ғазал бир савт билан ўқилади. Қуйланиши ҳам турлича. Афсуски, ёзиб ифодалаш мушкул, фақат тинглаб хулоса чиқариш мумкин. Мажзуб бандани доимо Оллоҳ ёдидан ғофил бўлмасликка даъват этади. Манманлик ва ғофилликни қоралайди:

Толибо, сўзлар эсанг, албатта Оллоҳдин гапир,

Оламинга ҳақ юборган ҳадятуллодин гапир.

Яхши сўзла, яхши сўзла, яхши кўзла яхшиға,

Яхшиларни мадҳ этиб шавқи Оллоҳдин гапир.

Киши савобли ишларни кўп қилса мақтанмаслиги керак, аксинча аввал қилган гуноҳларини ёдига олиб тавба қилмоғи даркор:

Кўп савоб этгим деюб кўнгил қувонса, эй биров,

Журминги ёд айлаю астағфируллодин гапир.

Чиройлига кўзинг тушса, ҳирс билан боқма, софлик билан боқиб, Оллоҳнинг санъатига тасанно айт:

Дилрабо кокилни ташлар, нозанинлар руҳ узра

Соф боқиб анга, сўнгра санъатуллодин гапир.

Оллоҳ таоло бу дунёда яхшиларни ҳам, ёмон одамларни ҳам бино қилди, бунинг ҳикматини банд тўла англаб етолмайди. Шу боис:

Яхшиларни қилди пайдо, ҳам ёмонларни бино

Дема: «муңдоғ нега қилди?» ҳикматуллодин гапир.

Пир - шоирнинг «Машғул этиб ўзинга» деб бошланувчи ғазали куйидаги зикр йўлида айтилади: Соликлар халқа бўлиб ўтиради, пир зикрни бошлайди:

Машғул этиб ўзинга-ё, ё дўст (икки марта)

Айла мени қаландар-о, ё дўст (икки марта)

Ул Нақшбанд валийга-ё, ё дўст, (икки марта)

Айла ғулому чокар-о, ё дўст. (икки марта)

Ла илаҳа иллоллоҳа-а, ё дўст (икки марта)

Ғазал ниҳоясига етгач «Ла илаҳа иллоллоҳ» калимаси 100 марта жўр бўлиб айтилади. Сўнг «ил-лаллоҳ» ибораси 100 марта такрорланади. Сўнг «ҳув Оллоҳ» ибораси 100 марта айтилади. Барча жимиб қолгач, ўзини йўқотмаган, ҳушёр солиқ Қуръондан бирон сура тиловат қилади. Ҳамма файз ва ором сукунатида Қуръонга сомъ бўлади, сўнгра пир дуо қилади. Бу зикр одатда хуфтон намозидан олдин бажарилади. Ғазалнинг тўлиқ матни куйидагича бўлиб, жорий ўзбек алифбосида илк марта берилмоқда.

Машғул этиб ўзинга, айла мени қаландар,

Ул Нақшбанд валийга айла ғулому чокар.

Олдим асо қўлимға, тушдим сани йўлингга,

Толибинга мухлис қил, этма мани мукаддар.

Сайъ айла ҳақ йўлига жону дил ила, Толиб,

Ким айтсаки, «қайрил» деб этма сўзини бовар.

Сарф эттилар ҳамма умр бу йилда роҳи равлар

Онлар муҳиблариман, қўйма муҳибни музтар,

Боби каримға келмиш бир муфлиси хатокаш.
 Роббим куруқ қайирма ким ул гадони бебар
 Сонсиз салом саловот Маҳбубингга юборгил
 Ва олиға, соҳбиға ҳам беқатъ то бамаҳшар.
 Бу Бакр улуг, Умар сўнг, Усмон кейин, Али сўнг,
 Бу тартиб ила тут дўст, забт айла эй биродар.
 Даргоҳингга келибмиз ҳадсиз гуноҳ бирла
 Авф айла журмимизни батуфайли ушбу хўблар.
 Озодадур қаландар, умри висолин истар
 Ҳеч нарсаға илинмай, айтур: «Оллоҳу Акбар»
 Аҳмад Замжий қаландар ҳам Нақшбанд Бухорий,
 Бу иккисига мухлис Мажзубни эт қаландар.

Мажзуб Намангонийнинг ўз таржимаи ҳоллари ёзилган
 форс тилидаги қўлёзма асари мавжуд. Унда аждодлари, ус-
 тозлари, сулук тебратиш усуллари баён этилган. Жумладан,
 ўзининг тасаввуфда катта мартаба қозониши аён бўлганляги-
 ни ҳам келтириб ўтади. Бир куни тушида ажойиб боғда сайр
 этиб юрган эмиш. Дарахтлари мевага кирган. Атрофида гул-
 лар очилган, хушҳаво, соя-салқинли. Боғбондан, «Бу боғ ким-
 нинг боғи?» деб сўрайди. Боғбон: «Бу боғ - сизнинг боғингиз.
 Отангиздан қолган эди, аввал ниҳоллар кичик эди, вақт етиб
 боғдаги мевалар ҳосилга кирди, гуллар чаман бўлиб очилди»,
 деб жавоб беради. Унинг кашф-кароматлари халифалари то-
 монидан кўп нақл этилган. Унинг қабри аввал Наманган шаҳ-
 ри ичида экан. Бир қанча вақт ўтиб, қабристонда ўзгариш
 бўлиб, Мажзуб қабри ҳам бошқа жойга кўчиртирилган экан.
 У жой шаҳар четида бўлиб, баҳор фаслида қип-қизил лолазор-
 га бурканаркан. Бунни кўрган муридлари пирининг ушбу мис-
 раларини ўқиб, ҳайратда қолишган экан:

*Улимдан сўнг вафодоши кўнгишдан қўйма эй хоким,
 Тикан ўрнига андог лолалар унгай мазоримдин.*

Мажзуб Намангоний махсус девон қилишни мақсад қилиб
 ғазал ёзмаган. Ўзи илҳоми келганда ёддан байт тўқиган. Мурид-
 лари ёзиб, девон шаклига келтирган. «Девон» муқаддимасида
 Нақшбандия силсиласи пирларининг муборак исмлари, ажойиб
 хислатлари шеърга солинган. Мажзуб уларни васила қилиб
 Оллоҳга илтижо қилади. Бу муножотнинг биз учун икки жиҳат-

дан аҳамияти бор: биринчидан, силсила тартибидан воқиф бўламиз, иккинчидан, ҳар бир пирнинг маҳом ва мартабасидан огоҳ бўламиз. Бундай муножот шаклини бошқа манбаларда учратмаймиз.

Валий шоирнинг муридларидан Махмур тахаллусли шоир «Дар баъни эшони Мажзуби Намангоний» сарлавҳали 20 бандлик мураббаъ битиб, Абдулазиз Мажзубнинг инсоний фазилатларини, кашфу кароматларини, пирлик салоҳиятини эҳтирос билан баён этган. Мураббаънинг энг муҳим ўринларини келтириб ўтайлик:

*Маъно дурриниң кони -
Мажзуби Намангоний.
Ошиқ элиниң жони -
Мажзуби Намангоний.
Олим элига сарвар,
Ҳам муришид, ҳам раҳбар
Бешак валий эдилар
Мажзуби Намангоний
Дунёга келиб кетди
Билганлар қўлин тутди,
Қупи ўзини беркитди,
Мажзуби Намангоний.
Тариқат сўзин очган
Маърифат донин сочган,
Ҳақиқат майин ичган
Мажзуби Намангоний.
Олам кўзига Мажнун,
Ҳам Шибтий, ҳам Зуннун.
Ўт лағчасидек гулгун
Мажзуби Намангоний
Чин толиби ҳақ эрди,
Ишиқ гавҳаридин терди.
Бир «ҳув» деди жон берди,
Мажзуби Намангоний.*

Мажзуби Намангоний Аҳмад Яссавий, Навоий, Машраб, Ҳувайдо каби буюк шоирларимиз каби халқ қалбидан чуқур жой олган оташин сўз устаси, Оллоҳни ағ ошиғи, пири комил инсон эди. Унинг стук халифалари ўз замондошларини пирлари юрган

покиза йўлдан бошлаб, Расулulloҳ суннатининг давомдорлиги-га ўз ҳиссаларини қўшганлар. Мажзуб ҳазратлари бир ғазалларида шундай деган эди:

*Гуруҳи қилур муғбача хизматин,
Тутар пос пири Муғон ҳурматин
Ки излар художўй киши суҳбатин,
Вафодорлардир, вафодорлар.*

Пири муғон - Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг тасаввуфдаги сифатларидан бири бўлиб, зоҳирий маъноси «май қуюб узатувчи» демакдир. Ул зот ишқи илоҳий майини хос саҳобаи киромларга бўлишиб узатдилар. Улар ўзларидан кейинги хос қулларга узатдилар. Пирлик мақомидаги хос қуллар-муғбачалар — халифалардир. Кимки аҳли тариқат гуруҳига кириб муғбача - пир хизматини қилса муродига етади. Аммо бу билан пирнинг шахсига сиғинган бўлмайди. Чунки у «Пири муғон» — Расулulloҳ (с.а.в.) ҳурматини пос тутади — ёдидан чиқармайди. Оллоҳ ишига вафодорлар донмо художўй кишилар суҳбатини излаб яшайди. Ана шундай муғбача - пир хизматини қилиб, вафодорлик кўрсатиб, ўзи ҳам иршод бериш даражасига етган, атрофига минглаб художўй кишиларни тўплаган зотлардан бири Мажзуб Намангонийнинг халифаси Абдулҳаким мулла Баҳоуддин ўғлидир — У киши Ҳазинийнинг пири бўлган.

ФАРҒОНА ТОНГИДА БЎЗЛАГАН БУЛБУЛ

ЗИЁВУДДИН ҲАЗИНИЙ

(Ушбу рисола Кенагис қишлоғида яшовчи Насрулло ота
Раҳматуллоҳ ўғлига бағишланади)

Ўтган аср иккинчи ярми ҳамда асримиз бошлари ўзбек тасаввуфий адабиётининг атоқли вакили, ўз даврининг нуктадони, созианда ва ҳофизи Зиёвуддинхон Каттахўжа ўғли Ҳазиний 1867 йили Қўқон яқинидаги Кенагас қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келди (Зиёвуддинхон — пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси машҳур ислом ровийси Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анҳунинг йигирма олтинчи авлоди эдилар).

*Маконидир Кенагасда, ўзи аҳли Фарғона,
Ҳазиний қаряда жойи, Қўқон эрур шаҳари.*

У 1923 йили, 56 ёшида вафот этди, Оллоҳ раҳмат қилсин.

Ҳазиний илму урфон, шеърят ва санъат оламига Қўқон ва Тошкент адабий муҳити доялигида кириб келди. Муқимий, Муҳйи, Фурқат, Завқий, Камий, Хислат, Алмаий каби шоирлар билан басма-бас ижод этиб, Тўйчи ҳофиз, Содирхон ҳофиз сингари санъаткорлар билан ҳамкорлик қилди.

Айрим маълумотларга кўра, Зиёвуддинхон балоғат ёшига етгунча ҳам диний илмлар ва адабиёт билан жиддий машғул бўлмаган, асосан деҳқончилик билан шуғулланган. Ўттиз ёшга етганда, қўқонлик Ҳаким хожа халифанинг стук муриди сифатида мустақил суҳбат қуришга ижозат олади, тасаввуф йўлида ғазал ва мухаммаслар битади. Содда тилда, равон вазнларда ёзилган шеърларини ўзи куйга солиб, халқ орасида тез танилади. Унинг ижоди билан яхшироқ танишган киши Ҳазиний ўз даврининг Аҳмад Яссавийси, Машраби, Ҳувайдоси бўлганлигига имон келтиради. Шоир ғазалларида Қуръонда зикр этилган шахслар, ислом оламида чуқур из қолдирган тарихий сиймослар номи, адабий асар қаҳрамонлари тез-тез тилга олинади.

Талмиҳ санъатидан яхши хабардор суҳандон шоир ўз ниятини асослироқ тушунтириш учун замондошларига аввалдан таниш бўлган китобий воқеаларга эътиборни қаратади. Шу боис ҳам шоир ғазалиётини пухта тушунмоқ учун Қуръон ва Ҳадис

анбиёлар ва авлиёлар ҳаётига доир илмий, тарихий ва маърифий асарларни, хусусан «Қиссас ул-анбийе», «Тазкиратул авлие» каби диний-тасаввуфий китоблардан воқиф бўлиш керак, албатта.

Маълумки, назарий ва амалий тасаввуфнинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаш, бани одамни салбий феъл-атвордан халос бўлиб, яхши ишлар ила умргузаронлик қилишга чорлашдир. Ҳазиний шеъриятининг ҳассос қаҳрамони ҳам тасаввуф йўлига кирган, аммо бу соҳада кўп вақтини беҳуда ўтказган, имони суст замондошларининг ярамас иллатларидан афсус-надомат чекувчи, давр номаъқулчиликларидан кўнгли зада орифдил инсондир. Бунинг бош омили шоир яшаган даврнинг ғоят алғов-далғов, нотинчликларга тўла бўлгани, Туркистон халқининг гуноҳу маъсиятга ботгани туфайли чоризм асоратига тушиб қолгани, миллатдош зиёли қатламнинг маънавий таназзули экани шубҳасиздир.

Бўлажак шоир эсини таниб оламга боқса, ҳайҳот, бир пайтлар эмин-эркин яшаган, кишилик жамиятига улуг ақл эгаларини ҳадя этган, илм-фан, маърифат, маданияти юксак бўлган она Ватани ўзга ҳукмдор қўлига асир тушган, лашкарбошию ағниёси, раҳнамо уламози йўқ қилинган, мол-мулки, боғ-роғи, бойликка кон тоғлари таланган ва таланаётган бир омадсиз халқнинг фарзанди экан. Шу боис ҳам дастлаб илм эгаллашга етарли фурсату имкон тополмади. Йигитлик даври оила тебратиш, тирикчилик ўтказиш билан ўтди. Дукчи Эшон қўзғолони билан боғлиқ кўргуликларни ўз бошидан кечирди. Отилган, осилган, сургун қилинган, камситилган миллатдошларининг ғами юрак-бағрини эзди. У нажот тилаб исломий билимларни ўрганмоққа киришди, тасаввуф дунёсига берилди. Ҳақиқат илмларини чуқур ўзлаштириш, ҳис этиш туфайли ўз халқининг ожиз ва нотавонлиги сабабларини англаб етди: Куръони карим тафсириларида уқдирилишича, қай бир қавм ҳаромни ҳалол деса, аҳиллиги йўқолиб бузғунчилик қилса, динини вайрон қилиб, фиқҳ-фужурга берилса, Оллоҳ таоло улар устига бошқа бир қавмдан ҳукмдор қўяди. Бу зулмдан қутилиш ғоят оғир ва узоқ муддатли курашни талаб этар, мазлум қавмнинг ёш авлоди бу жазонинг ҳамма машаққатларини чекишга маҳкум эди. Зиёвуддинхон ҳам ўз халқини ғафлат уйқусидан уйғотишга бел боғлаганлар сафига қўшилди. Халқ дардини куйлашни дилига тугиб, Ҳазиний — ғамгин тахаллусини танлаб, ғазаллар битмакка киришди. Ўзи куй басталаб, гоҳ мақом йўлида, гоҳ сўфиёна зикр йўлида қўшиқ қилиб айтди. Қўшиқларида истило туфайли халқи-

мизнинг азалий турмуш тарзи бутунлай издан чиққани, динимиз йўли тор сўқмоққа айланиб қолгани, тангликда қолган эл ўртасида одамгарчилик ришталари узилиб, маънавий тушкунлик авж олганини дард билан куйлади:

*Бу замонларда зино бирлан гано тонди ривож,
Яхшиларга сабр қилмоқдан бўлак йўқдир илож.
Бу на мушкулдир — мусулмонлар берар мушрикка бож?
Турмайин Фарғона ичра эмди Байтуллога қоч,
Журм этиб қилмай надомат, динимиз бўлди гариб.*

Чор амалдорлари, корхона бойлари туркистонлик мардикорларни аёвсиз ишлатиб, ҳашаматли саройлар, кўшкун равоқлар солдириб, роҳат-фароғатда яшаётганини кўриб нафратланади, иккинчи томондан, ўз юртида сиғинди бўлиб, ўқиб умр кечиратган юртдошларини кўриб ачинади.

*Бу ўтар дунёга дўстлар, боғу бўстониң галат,
Барчани ташлаб кетарсан, кўшкун айвониң галат.*

У пайғамбаримизнинг улуг ҳадисларидан бирини шеърга сингдириб, замондошларига панд-насиҳат қилади:

*Истаса ҳар ким Худони кўнгли вайрондин топар,
Тун-сахарларда ва ё ул чашми гирёндиң топар.*

Ҳадис: Тангри қиёмат куни айтади: «Эй инсон фарзанди, бетоб бўлдим, мени келиб кўрмадинг». У одам айтади: «Эй раббим, сен бутун оламнинг Парвардигори бўла туриб, мен сени қандай кўришим мумкин». Тангри айтади: «Фалон вақтда фалон бандам касал бўлиб қолганда, уни кўргани бормадинг, агар борганинда эди, мени ўша жойдан топган бўлур эдинг».

Тўғри, Ҳазиний яшаган даврни тамоман зулмат-кулфатдан иборат эди, дейиш ҳам адолатдан эмас. Чоризм Туркистонни қон тўкиб, қирғин қилиб босиб олганидан кейин, хусусан, XIX аср 90-йиллари, XX аср 10-йиллари бироз иқтисодий тикланиш юзага келган, чунончи, қандай мақсаддалигидан қатъи назар темир йўллар қурилди, корхоналар бунёд этилиб, саноат ривожлантирилди, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари тури кўпайди. Босмахоналар ишга

туширилиб, арабий алифбода кўплаб китоблар чоп этилди. Тўй-ҳашам, гап-гаштак ҳам кўнгилга сиғадиган бўлди. Чоризм амалдорлари билан тил топишиб, ўзини қайта ўнглаб олган кўпчилик маҳаллий бойлар қўлларидан келганича халққа кўмак беришга ҳаракат қилдилар. Лекин кўп ўтмай чор амалдорлари: «Маҳаллий миллатлар оқпошшо соясида тинч-тўқ яшаб, динини ривожлантириб, кўпайгандан-кўпайиб бораяпти. Биз эса берган нонимизга яраша улардан фойдалана олмаяпмиз», дея маҳаллий миллатларни кўпроқ ишлатиш режасини туздилар. Биринчи Жаҳон уруши кулфатларига туркистонликларни ҳам шерик қилдилар. Мардикор олишни амалга ошириб, энг йирик ишларни бажартирдилар. Ундан кейин эса октябрь тўнтариши, дашноқлар қирғини, очарчилик...

У бир ғазалида:

Сулуким — қодирия, раҳбаримдир пир-пироним,

Саҳарлар «Зикри «Оллоҳу»ни энди одат қилмасам бўлмас,
— деб ёзади.

Қодирия сулуки тариқат силсилаларидан бири бўлиб, унинг асосчиси Ҳазрати Имом Ғавсул Аъзам Саййид Абдулқодир Гилонийдир. Ул зот тўғрисида «Авлиёлар султони»да кенг маълумотга эга бўлдингиз. Шу сабабли бу ўринда махсус тўхталиб ўтирмадик.

Ҳазиний ҳам Ғавсул Аъзамга — буюк дастирга мутобаъат қилиб, касб-кор, деҳқончилик билан шуғулланган. Қиш кунларида эл-юртнинг гап-гаштак, тўйларида эзгу қўшиқлар куйлаб, дилларга илоҳий таскин бахш этган.

Айтишларича, Бағдод тумани ҳудудига қарашли Қоровултепа чўлини дўст-ёр, қўни-қўшнилар билан ўзлаштириб, қирқ таноб ер очишган. У ерда экинзор, боғ барпо этиб, масжид қурдириб, ҳовуз кавлатганлар. Шоир баҳор, ёз ва куз фаслини аксарият шу ерда ўтказган. Ҳовуз яқинида катта қум бархани бўлиб, Ҳазиний уни «регистон» деб атаган дейишади.

*Мисли ул Вайс-ул Қаран чўлларида тутмишсан ватан,
Истаса ҳар ким Ҳазинийни регистондан топар, —*

байтидаги «регистон» сўзи ўша қум барханига ишора.

Вайс-ул Қаран — (яманлик Увайс Қараний) илк сўфилардан бўлиб, дашт-саҳроларда фақирона кун кечирган, қўй боққан. Му-

ҳаммад Сиддиқ Рущдийнинг «Тазкиратул авлиси туркий» асари Увайс Қараний зикри билан бошланади.

Ҳазиний ижоди ҳақида ўқувчига маълум тасаввур берувчи «Баёзи Ҳазиний» Тошкентда уч марта чоп этилган. Дастлаб ҳижрий 1328 йили (милодий 1910) Тошкент шаҳрида «Матбааи Фуломий»да нашр этилган шеърий мажмуасининг унвон варағида шундай дейилган: «Шоирн оташзабон, айни Ҳазиний тура эшонн Хўқандийнинг абётлари Фарғона ва Тошқанд ва ғайри ерларга мақбул ва марғубдур».

Баёзи Ҳазиний ҳижрий 1329 (милодий 1911) йили шоирнинг янги шеърлари билан бойитилиб, иккинчи марта нашр этилди. Учинчи марта мазкур баёз ҳижрий 1331 (милодий 1913) йил Тошкентда, О.А.Порцев матбаасида босилди. Аммо унинг девони ҳалигача топилган эмас.

Шоирнинг кенжа фарзанди Сотволдихон ҳофиз Зиёвуддинхон ўғлининг ҳикоя қилишича (1922 йили туғилган, барҳаёт), 1939 йили шоирнинг катта ўғли Амакихон Даштмозор масжиди имоми бўлиб турган пайтда қамоққа олинади. Шу куйи бедарак кетади. Ҳазинийнинг олтин суви билан ёзилган ва зийнат берилган ягона девони Амакихон қўлида сақланар эди. Ҳукумат вакили ўша девонни олиб кетганича қайтариб бермайди. Девон йўқолиб кетмаган бўлса, ажаб эмас.

1992 йилда жумҳуриятимизда Ҳазинийнинг 125 йиллик таваллуди тантанали ўтказилди. «Тасаддуқ, ё расулаллоҳ» номли китоби чоп этилди. Ҳазиний меросини тўплаш ва ўрганишда филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мадаминнов, шоирнинг ҳамқишлоғи, меҳнат фахрийси Насруллоҳ ота Раҳматуллоҳ ўғлининг жонбозлиги катта. Насрулло ота Ҳазиний ҳаётига доир нақлларни тўплади, ҳазинийхонлик кунларини ўтказиш ишига бошқош бўлиб, жамоатчилик эътиборини бу қутлуғ ишга биринчилар қаторида қаратди. Аҳмаджон ака Ҳазинийнинг китобини нашрга тайёрлаб, гўзал сўзбоши ёзди. Тантана кунлари адиблар ва олимлар Ҳазиний ҳақида мақолалар битишди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум адиб Иброҳим Раҳим шундай хотирлайди:

«Ҳазинийни севмаган ким бор?! Кўплар қатори мен ҳам унчинин юракдан севман. Унинг муборак номи болалигимдаёқ хотирамга ўрнашиб қолган. Раҳматли онам Тўхтабиби отин қиш кечаларида биз, отасиз жужуқларини сандал атрофига ўтқизиб олиб, ёз пайтларида ўрик тағидаги супачага жамлаб, китоб ўқиб берардилар. Махсус қутичада сақланадиган «азиз баёзлар» (онамнинг

иборалари) орасида «Баёзи Ҳазиний» ҳам сақланар эди. Онам унга айрича эътиқод қилар, ҳурмат билан тилга олар эди.

Волидам Ҳазиний байтларини ўқиб, кўз ёш тўкканлари ҳали-ҳали ёдимда:

*То етим бўлмай киши билмас отани қадрини,
Жону дилдан тарбият қилгон онани қадрини,
Билмагай ҳеч ким ака бирлан уканинг қадрини,
Бир неча хешу табору ақрабои қадрини,
Ажрагай-билгай тога бирла оғони қадрини.*

Буларни эшитгач, биз етимлар ҳўнграб йиғлар эдик».

Истеъдодли ёзувчиларимиздан бири устоз Йўлдош Сулаймон «Назм ипидаги жавоҳирлар» мақоласида шундай ёзади:

«Унинг томга чиқадиган кўнларини Кенагас ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳли мўмин яхши биларди. У субҳидамда том тепасида қиблага қараб, Оллоҳ ҳамдини бошларди. Унга ҳар доим янги бир илтижосини баён этарди. У меҳрибон ва раҳмдил Парвардигор даргоҳининг кенглигидан сўз очиб, ўзи ва бандалар номидан ёлвориб, гуноҳларидан кечишни, амалдору бойларнинг кўнгилларига инсоф ва диёнат нурини сочишни сўрарди.

Катта-кичик қишлоқлардан тўнини елкасига ташлаб, муҳаббат ва соғинч билан йўлга чиққан одамлар унинг уйи атрофига йиғилиб, катта тўлқинга айланиб кетарди. Унинг баланд ва ширали овози узоқда турган одамларга ҳам том оша етиб борар, тингловчилар ўша ҳузурбахш дақиқаларда унинг қўлидаги сайраётган танбурга, айтаётган қўшиғига ҳамоҳанг тебранишар, гоҳ ичлари нимадандир тўлиб-тошиб, йиғлаб-йиғлаб енгил тортишар, кўнгиллари дарддан фориғ бўларди...

Оқподшонинг темир панжасида инграётган Фарғона халқи учун ул зоти киром сўнги умидларнинг биридек эди. У худди тунда милтиллаб турган чироқдек, саҳро ўртасида ғайбдан бино бўлган булоқдек кўринарди».

Ривоят қилишларича, Ҳазинийнинг отаси Каттахўжа эшон ҳам шоир бўлган. Қўлёмалари сақланмаган бўлса ҳам, шоирнинг жияни марҳум Валихўжа Мастонхўжа ўғли кўп байтларни ёддан биларди. Ўқувчиларда таассурот ҳосил қилиш учун бир ғазални келтириб ўтайлик:

Гул очилур — тобистон, хазон бўлур — зимистон,
 Ер юзин шоҳи бўлсанг — ётар еринг гўристон.
 Омонатсан дунёга, оқил эрсанг амал қил,
 Беамалга у дунё билсанг ётган чўлистон.
 Вафоси йўқ дунё деб, умринг зое этмагил,
 Ота-онанг ётган жой, бориб кўргин — қабристон.
 Бунда гофил юрганлар магрур бўлиб дунёга,
 Тор лаҳадга борганда, фарёд этарлар чандон.
 Нега ибрат олмайсан, ўлмай ҳаргиз қолмайсан,
 Яна қайтиб келмайсан, гофил юрма, эй нодон,
 Ибрат олган қулининг кўзда ёши қуримас,
 Йиғлаб борган қулига беҳиштда — боғу бўстон.
 Дурри ноёб умрини шаллоҳга сарф этса,
 Беҳиштда ҳурлар билан ҳамиша шоду хандон.
 Шайхлик қилса бенисбат, қўлин олса толибнинг
 Маҳшар куни бўлганда иккиси бўлур сарсон.
 На таианадур, на соқий, ҳеч ким қолмайдур боқий
 Неча йиллик рўзгоринг бир кеч айламас меҳмон.
 Тирикликка ишонма, дунё учун қувонма,
 Ажал келса ногаҳон ер бирла қилур яксон.
 Қиёмат кун бўлганда, барча халқ тирилганда
 Торози қурилганда, ким яхшидур — ким ёмон.
 Каттахўжа, тавба қил, ҳоло фурсат ганимат,
 Охиратга ҳаммадин тавбасиз кетган ёмон.

ФИРОСАТ — ВАЛИЙЛИК НИШОНИ

Ҳазиний тўғрисидаги жуда кўп нақллар ҳамон халқ оғзидан тушмай келади. Уларни эшитганда илгари замонларда яшаб ўтган авлиёлар, машойихлар ҳақидаги ривоятларга ўхшашликни кўриб ҳайратланасиз. Хаёлингизга гоҳ Иброҳим Адҳам, гоҳ Боязид Бастомий, гоҳ Фавсул Аъзам, гоҳ Машраб ҳаётига доир нақллар келади. Узоқ йиллик беҳабарлик, безътиборликдан сўнг, ниҳоят Ҳазинийни қайта кашф этдик. Шунга амин бўлдикки, авлиёлар, ноёб хулқ соҳиблари фақат узоқ ўтмишдагина яшамаган экан. Оллоҳ таоло биз бандаларни ноумид қўймай ўз ичимиздан авлиёсифат кишиларни ҳувайдо этиб турар экан. Бунга ўзин-

гиз ҳам ишонч ҳосил қиларсиз, деган мақсадда ушбу нақлларни келтирмоқдамиз.

(Нақлларни тўлароқ тушунмоқ учун, ўша воқеа юз берган жой ҳақида бир қадар тушунчага эга бўлиш муҳимдир. Кенагас Қўқон шаҳрининг маҳриқ тарафида, етти чақирим узоқликда жойлашган қишлоқ. Янгиқўрғон эса Қўқон шаҳридан ўн беш чақирим (шарқда) йироқда жойлашгандир. Янгиқўрғонда хонлик замонидан бери катта бозор бўлади. Шунингдек, мол бозори ҳам азалдан машҳур. Пошшопирим қишлоғи бўлса Янгиқўрғондан ўн чақирим (шарқда) узоқликда жойлашган. Бу ерга Фарғона водийсига илк бор исломни олиб келган Шоҳ Жарир раҳматуллоҳи алайҳининг набираси Муҳаммад Жарир дафн этилган. Халқ у кишини Пошшопирим деб атайдди. Шу сабабли қишлоқ номи ҳам Пошшопирим дейилади. Бу зиёратгоҳда ҳар йил ёз ойларида катта сайллар бўларди.)

* * *

Қуйидаги нақл янгиқўрғонлик марҳум уста Жалолиддин бувадан ёзиб олинган.

Ҳазиний Бозорбоши маҳалласидаги уста Жалолиддин хонадонига тез-тез келиб, меҳмон бўлиб кетар эканлар. Халойиқ «Зиёвуддин эшон келибди» деган гапни эшитиб, хонадонга йиғилишар экан. Азбарои ихлос юзасидан кўп одамлар мол-қўй ҳады этганда, Ҳазиний буларни ўзи учун олмай, Пошшопирим мазорига юбортирар экан.

Ўша жойда жониворлар сўйилиб катта қозонга ташланар экан-да, егим-есир, бева, ночор, эҳтиёжмандларга егизишар эканлар.

Ҳазиний Пошшопирим зиёратига ҳар сафар келганда, мискин ғариблар шодланиб кетаркан.

Шоир Пошшопирим ҳақида қуйидаги байтларни айтган, бу мураббаъ катта ашула йўлида ҳануз куйлаб келинади.

*Умид билан келибдирмиз остонага,
Назар қилинг бағри куйган девонага.
Хонумону малу эшондин бегонага,
Шоҳ Жарир — Пошшопирим, мадад қилинг.
Фарғонанинг тарбияти сиздан эрмиш,
Ҳар ҳоҷатманд муродини тилаб келмиш,*

*Зиёратга келиб мунда йиглаб турмиш,
Шоҳ Жарир — Пошшотирим, мадад қилинг.*

Изоҳ: Мадад сўраш — Худонинг яқин бандасини васила қилиб, Оллоҳга илтижо қилишнинг бир навидир. Адабиётда эса буни тафвиз санъати дейилади.

* * *

Қуйидаги нақлнинг ровийси ҳам уста Жалолиддин бува бўлади.

Уста Жалолиддиннинг отаси Ҳазиний билан яқин дўст эди. Бир куни шоир катта ўғли Амакихонга ўн уч червон пул бериб, дўстининг уйига юборади. Ўзи эса касал бўлиб ётган эди. Амакихон:

— Дадам ўн уч червон пул бериб юбордилар. Шу пулга беш яшар, ҳали туғмаган, қора рангли ғунажин (шевада — хунажин) сотиб олиб берар экансиз, — дейди.

Янгиқўрғоннинг молбозорига чиқадилар.

Чиндан ҳам беш яшар қора ғунажин бор экан. Шунга харидор бўлишибди. Эгаси ўн беш червонга сотаман, дебди. Устанинг отаси ўз ёнидан икки червон қўшиб, молни олишибди. Арқон алмаштириш пайтида: «Бу молни эшонбувага олдик», дебди. Шунда мол эгаси:

— Ундай бўлса, икки червонидан кечдим, — деб, қайтариб берибди. Амакихон ғунажинни олиб, стаклаб Катта Кенагасга олиб келибди. Хаста ётган шоир: «Молни сўйиб, маҳаллага тарқатинглар», деб амр қилибди.

Орадан анча вақт ўтгач, бир киши шоир ҳузурига кириб: «Гўштни тарқатиб бўлдик», — деб хабар берибди.

Шоир ҳалиги кишига қарамай туриб дебди:

— Хонақоҳда осиб қўйилган гўштни ҳам тарқатинглар.

Ҳалиги киши хижолат бўлиб, тезда яшириб қўйган гўштни ҳам тарқатибди.

Тасаввуфда кўрмасдан туриб, содир бўлган ишни айтиб бериш, руҳан, ғойибона сезиш фиросат дейилади. Фиросат — валийлик нишони.

* * *

Шоирнинг кенжа ўғли Сотволдихон ота шундай ҳикоя қилади:
— Мен бу гапларни Кумрихон аядан — уз онамдан эшитганман.
Дадам Мавлоно Муқимий билан яқин дўст бўлишган экан.
Шоир баъзи йиллари ёз бўйи Қўқонга бормасдан бизнинг уйда
яшаган экан. Дадам ҳам Қўқонга — Муқимий ҳужрасига тез-тез
бориб ижодий мулоқот қилар экан. Муқимий дадамнинг кўмаги
билан Тошкентга саёҳат қилган экан. Тошкентда замондош шоир
ва ҳофизлар йиғилишиб, ғазалхонлик мушоираларини ўтказар
эканлар. Турли баёзларга янги-янги шеърлар жамлашар экан-
лар. Йиғилишларда Мулла Тўйчи ҳофиз, Шожалил ҳофиз, сай-
рамлик Сўфихон ҳофиз ва бошқалар Муқимий, Мискин, Ҳазин-
ний каби шоирларнинг янги ғазалларига куй басталаб ижро этар
эканлар. Ҳар йили бир мартаба Самарқандга бориб, аждодлари
Шоҳи Зиндани зиёрат қилишар экан.

* * *

Ҳазиний нозик дидли созанда сифатида ҳам замондошлари
хотирасида қолган экан. Ҳамқишлоқ қариндоши Маҳмудхон
тўранинг айтишича, бир куни шоир уларнинг уйига кириб суҳ-
батлашиб ўтиради. Ҳазиний иккита чинни косани олдига қўйиб
олиб, чўпақда «Насруллои», «Наврўзи ажам», «Гулёр» муси-
қаларини чалиб берган эканлар.

* * *

Ушбу нақлни Катта Кенагасга яқин Оққўрғон қишлоғида яшов-
чи Муҳаммадхон қори Баҳодирхон тўра ўғли айтиб берган эди.

Айни пишиқчилик пайти. Бир куни Ҳазиний жўралари билан
бир қишлоққа айланиб боришибди. Улар қўқонаравада бориш-
ган экан, манзилга етиб келишганда, барча бир-бир пастга сак-
раб туша бошлабди. Жўралардан «оёғи калтароғи» тушгани қий-
налиб, аравада туриб қолибди. Шунда Ҳазиний ҳалиги кишини
кўтариб тушириб қўйибди. Бу иш бошқаларга эриш туюлибди.
Кимдир: «Кап-катта обрўли одам ўзингиздан кичик одамни кўта-
риб нима қилардингиз, бу иш сизга муносибми?» — деб дашном
берибди.

Шунда шоир:

— Маломат қилсангиз, қилаверинг, маломатда саломат, — дейдилар дебди.

*Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса,
Балки иймони хатарлик, анда гайрат бўлмаса.
Халқ аро расво бўлибман деб, Ҳазиний, гам ема,
Етмагай ҳеч ким саломатга маломат бўлмаса.*

ҲАММАМИЗ МУСОФИРМИЗ

Шоир меросининг анчагина қисми ҳофизлар қўлида эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Унинг ҳаётига доир яна бир муҳим ғазали Сотволдихон отада — унинг хотирасида сақланади. Бу ғазал ҳали ҳеч бир жойда эълон қилинмаган. Ғазал тўла бўлса ҳам, бир мисраси, «Эгам юборди...» байтининг давоми афсуски, йўқ. Отаҳон уни ҳарчанд тиришса-да, эслай олмади. Ушбу ғазални ҳам эътиборингизга ҳавола этамиз.

*Қўлингга кўзгу олиб, юзингга сол назаре,
Сақолу сочинг оқарса, ўлимдин ул хабаре.
Олурга қабз-ул арвоҳ тикилса жонингга
Нафасни муддати битса, демас у ёшу қари.
Работи кўҳнага қўнган ҳама мусофирмиз,
Йўловчимиз — кетамиз, жаҳон — чорроҳ гузари.
Буроқни уқбаси кўп, рағзани — шайтон
Ки қолма қофиладин бу йўлнинг кўп хатари.
Қароқчи молин олур кўринса ёлғиз ани,
Қўлингда гавҳари имон эмасму у зафаре.
Эгам юборди сени дунёга ибодатга...
Мақонидир Кенагасда, ўзи аҳли Фаргона
Ҳазиний қаряда жойи, Қўқон эрур шаҳари.*

ИЙМОНИДАН АЙРИЛМАСИН

*Кимки Ҳаққа бандадур фармонидин айрилмасин,
Кеча-кундуз тоати субҳонидин айрилмасин.*

*Барча мўмин раҳмати раҳмонидин айрилмасин,
Пайрави Аҳмад шафоат конидин айрилмасин,
Жон берарда завҳари шўмонидин айрилмасин.*

Ҳазинийнинг ушбу байтлар билан бошланувчи мухаммаси шоир ижодининг энг бақувват, энг ҳаётий асарларидан биридир. Агар менга қолса, шоир буюклигининг мезонини ушбу асар билан ўлчашни истар эдим.

Мухаммаснинг ҳар бир байти мазмундор ва мушоҳада талаблиги билан кишини мафтун этади. Айниқса, «фармонидин айрилмасин» ибораси киши ҳаёлини ўзига тортади. Бейхтиёр: «Оллоҳ фармони қайсилар бўлдийкин?» — деган ўйга борасиз. Хўш, нима учун банда Худонинг фармонидан айрилмаслиги, доим унинг фармонига мувофиқ умр кечириши лозимлиги биринчи галда таъкидланмоқда?

Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қисас-ур Рабғузий» асарида шундай ривоят бор:

«Оллоҳ таоло айтар экан: «Эй бандаларим, менинг тақдирим, қазом ва жазом пинҳондир. Буйруғим, фармоним ошкордир». Яъни киши охиратда нима бўлишини, қандай жазо ёки мукофотга эга бўлишини, умри дунёда қандай кечишини билмайди. Уни Худо билади. Буйруғи ва фармони эса очиқ, Қуръонда нозил қилингандир.

Дарҳақиқат, шу китобда Худонинг фармони, яъни ношоиста фълдан қайтариқлари аниқ кўрсатиб қўйилгандай туюлди. Бунгача ҳам кичик бир ривоят борки, келтирмасак, сизга тушунар-сиз бўлиб қолиши мумкин.

Қобил ўз иниси Ҳобилни (хотин талашиб) тош билан уриб ўлдириб қўяди. Сўнг падари Одам алайҳиссаломдан кўрқиб, бошқа жойга кўчиб кетади. У ерда бола-чақали бўлади. Қобилнинг кўр ўғли бор эди. Унинг ҳам бир кўзи сўқир ўғли бор эди (яъни Қобилнинг невараси).

Иккала ожиз стаклашиб кетаётганда, Қобилга йўлиқиб қолишади. Бола отасига:

— Ана, кўларим хира бўлса-да, танидим — Ҳобил амакимни ўлдирган Қобил келаяпти, — дейди. Кўр ота тош билан Қобилни уради — у ўлади.

Ҳалиги бола: «Нега ўз отангни ўлдирдинг», — дея бировга ўлдирганимни айтиб қўймасин, деб ўз боласини ҳам тош билан уриб ўлдиради.

Бу ишни осмондан фаришталар кузатиб турган эканлар. Улар: «Илоҳо, биз Одамни яратма дегандик, яратдинг, мана у қон тўқувчи, фисқ-фасод қилувчи бўлди», — дейдилар.

Нидо келади: «Эй фаришталар, Одамни (одам болаларини) айб қилманг. Сиз Ер юзида яшасангиз, улар хулқида бор нарса сизда бўлса, сиз ҳам шундоқ ишлар қилишингиз мумкин».

Фаришталар айтишади: «Йўқ, йўқ, бизлар асло ундай қилмаймиз».

Нидо келади: «Эй фаришталар, ичларингизда олим, зоҳидлардан бўлса келтиринг». Фаришталар уч фариштани танлаб келтирадилар.

Оллоҳ уларнинг иккисига шаҳват ва нафсни маркаб қилади ва Ерга одам қиёфасида юборишга қарор қилади. Фаришталарни қозилик иши билан шуғулланишга бужоради. Ерга туширишдан аввал шундай фармон беради:

«Дунёга боринг;

Менга тоат қилинг (намоз ўқинг);

Маъсиятдан йиғилинг (ғийбат, ёлғон, алдов, масхаралаш каби гуноҳ ишдан сақланинг);

Халқ орасида тўғри ҳукм қилинг (нотўғри ишни тўғри деманг, тўғри ишни нотўғри деманг);

Куч қилманг (зўравонлик, босқинчилик қилманг);

Зино қилманг (никоҳсиз қўшилманг);

Қон тўкманг;

Хамр ичманг (маст этувчи ҳар қандай ичимлик ичманг);

Хиёнат қилманг (омонатга).

Фаришталарга қилинган ушбу саккиз фармон аввало Ерда инсонларнинг қилмишларини кўриб туриб айтилган эди.

Кимки ушбу саккиз фармондан айрилса, унинг у дунёси ва бу дунёси куйиб кетади. Агар унинг биттасидан айрилса ҳам албатта ўзига ўзи зулм қилган бўлади, адашган кимсалардан бўлади.

Ҳазиний Оллоҳ фармони деганда, юқорида саналганларни кўзда тутган десак, янглишмаймиз. Энди азият ўқувчи, юқоридаги фармонларни кўз олдингизга келтириб, Ҳазиний сатрини такорланг:

Кимки Ҳаққа бандадур фармонидин айрилмасин.

Оллоҳ фармони ёдингизда яхши сақлансин, деб уни назмга солдим:

Сизни, бизни этди инсон Раббимиз,
Бандасига қилди фармон Раббимиз:
Менга чин тоат этингиз доимо,
Маъсиятдан қўл йиғингиз мутлақо.
Элга тўғри ҳукм этинг тенглик билан,
Зўравон бўлманг, бўлинг кенглик билан.
Беҳаёлик бирла ҳеч қилманг зино,
Қон тўкишни ўйламанг ҳам мутлақо.
Хамр ичиб бўлманг яна шайтонсифат
Ҳам хиёнат қилмангиз — кечмас Аҳад.

ҲАЗИНИЙ ҲИММАТИ

(Ушбу ожизона мақола олиҳиммат дўстиямиз Раҳматуллоҳ Носировга бағишланади)

Ардоқли шоир Зиёвуддин Ҳазиний (1867-1923) ғазаллари халқимиз томонидан севиб ўқилади, ҳофизлар томонидан меҳр билан куйланади. Бу ғазаллар қаторида «Сиз ани одам деманг кўнглида ҳиммат бўлмаса» мисраси билан бошланувчи асар, айниқса ўз шуҳратига эга.

Ҳазалнинг ҳар бир байти олам-олам мазмунга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида шарҳу баён ҳамда изоҳлар беришга лойиқдир.

Сиртдан қараганда ғазал алоҳида мавзудан баҳс юритувчи байтлардан тузилгандек туюлади, аммо синчиклаб ўқилса, уларда мустаҳкам маънавий боғлиқлик борлигини топиб олиш мумкин.

Ушбу ғазални чуқурроқ тушуниш учун ўқувчи, аввало Қуръон тафсири, ҳадислар шарҳи, тасаввуф илми сирлари, қолаверса, мумтоз адабиётимизнинг услубий анъаналарини яхши билмоғи лозим бўлади.

Шоир ўзи мурожаат қилаётган кишиларга «Сиз кўнглида ҳиммати бўлмаган кишини одам деб ҳисобламанг» деган қатъий ҳукми олға сураб экан, кейинги байтларда бу фикрни кенгроқ маънода шарҳлаган.

Сиз ани одам деманг кўнглида ҳиммат бўлмаса,

Балки имони ҳатарлик анда ғайрат бўлмаса.

Таълим-тарбияга оид китобларимизда ҳеч кимнинг зўрловисиз, ихтиёрий, беғараз бошқаларга яхшилик қилиш, ёрдам бериш, ўз кучини сарфлаш ҳиммат дейилади. Киши амалда бу ишларни қилишга имкон топа олмаса ҳам шу ишларни қилишга дилида мойиллиги бўлиши керак. Шоирнинг маслак-ақидасича кўнглида ҳиммат ҳисси тарбия топмаган кишини одам деб бўлмайди. Унга бирор ишни топшириш, ишонил, шу билан бирга ундан бирор яхшилик умид қилишнинг ҳам ҳожати йўқ. У худбин, беғам, бедард, қизғанчиқ, тебса тебранмас бир кишидир. Инсон савобли, амалий иш қилишга қодир бўлсин, бўлмасин нафсида ҳиммат қилиш ғайрати жўш уриб турмоғи керак. Одамни бирор нарсага зўрлаб, мажбурлаб даъват қилишса-ю, унинг

дилида шу ишга рағбат, аҳд бўлмаса, ҳеч бир ижобий натижа чиқмайди.

Дунёдаги энг буюк кашфиётлар, ўлмас илмий, бадий асарлар, ажойиб шаҳарлар, боғ-роғлар, масжиду ибодатхоналар, мактаб-мадрасалар, йўллару кўприклар, қўйингки, инсонлар ҳожа-тига бакор келувчи, одамлар доимо дуо қилиб фойдаланадиган воситалар қалбида охиратдан умиди бўлган, юрагида меҳр ўти жўшган, ғайрат-шижоатли кишилар ҳиммати туфайли вужудга келади. Ҳаётда яшашга шижоати бўлмаган одамнинг нафсида имони барқарор эканлигига ҳам ишонини қийин. Чунки, сушт, бўшанг, ҳар ишга иккиланаверадиган киши имонини шайтон қўлига топшириб қўйиши осондир. Бундай кишига бирор ишни ишониб топшириш ҳам хатарли, дейди шоир.

КОҲИЛЛИК КУЛФАТИ

**Кимки коҳил бўлса, ул ҳар ду сарода хордур,
Мўминни содиқ эмас, то анда журъат бўлмаса.**

Шарқ халқларида «коҳил» сўзи сушт, бўш, лапшанг, илимлиқ одамларга нисбатан ишлатилади.

Ҳазиний ота-боболаримиз панд-насиҳатларидан келиб чиқиб, дунё ишида ҳам, ибодат ишида ҳам сушт одам икки дунёда хор бўлади деб ҳисоблайди, аҳдига содиқ мўмин бўлиб яшаш учун киши юрагида журъат бўлиши керак, деб хулоса чиқаради.

Агар киши эзгу иш қилишга журъат қилмай қўрқоқлик қилса, ўзини аяб тураверса, ундай кишини одамлар содиқ хислатли мўмин – мусулмон деб ҳисобламайди.

Ахлоқ китобларида, хусусан Жалолиддин Даввонийнинг «Ахлоқий Жалолий» рисоласида инсоннинг ғазаб қуввати юрагида бўлиши айтилган. Олимнинг таърифича, бу қувват уч кайфиятда бўлади: истелоъ, эътидол, нуқсон. Агар киши ғазаб қувватини истелоъ сарфласа, ундан ҳовур, яъни ёмонлик содир бўлади. Киши бу қувватни эътидолда, яъни ўртача ҳолатда сарф этса, одилона, шижоат даражасида иш қилган ҳисобланади. Агар бу қувватни нуқсонда сарф этса, ҳузн, яъни ёниб турган ўтни ўчиришдек иш қилган бўлади. Демак, инсон ҳар бир амалини Худо томонидан берилган қувватлардан эътидолда фойдаланиб бажарса, дуруст ва адолатли бўлар экан. Ҳовлиқмачи

одамнинг хатти- ҳаракатидан одамлар эҳтиёт бўлади, аксинча оқилона шижоатли одамлар иши бошқаларда самимий таассурот қолдиради. Суст, ландавур одамларнинг ҳолати эса нафрат қўзғайди. «Бундай одамдан бир яхшилик чиқмайди», деб унга паст назар билан қарайдилар. Ҳазал байтида баён этилган фикрлар Даввоний фикри билан уйғун эканлиги ҳайратга сазовордир.

ҚАНОАТ СИРЛАРИ

**Қонёв бўлса қатра найсонга садаф, дур бўлғуси,
Бадниҳоде қолғуси, анда қаноат бўлмаса.**

Шоир айтмоқчики, садаф агар найсонда (апрелда), баҳор пайтларида ёғадиган ёмғир қатрасига қонёв бўлсагина, дурга айланади. Агар ёмғир сувига қонмаса у бадниҳод, яъни кўримсиз бўлиб қолади. Натихада у арзон баҳога сотилувчи бир тошлигича қолади.

Садаф денгиз тубида яшовчи чиганоқнинг тош қобиғи бўлиб, халқ тилида «чиганоқ» сўзининг синоними ўрнида ҳам ишлатилади. Ўзи юмшоқ танали бўлса-да, қаттиқ садаф- қобиқ ичида жон асрайди. Чиганоқлар қадимдан Араб яримороли ҳудудларида, шунингдек Ҳинд океани соҳилларида дурчинлар томонидан териб олинади. Ёмғирга тўйинган хиллари дур, гавҳар деб ҳам аталади. Одамлар уларни қайта ишлаб, тақинчоқ ва бошқа буюм сифатида сотишади.

Садаф қобиғи найсон, яъни баҳор ёмғири ёққандан сўнг ўзига керакли моддаларга тўйиниб, дур ҳолига келар экан, агар эрта олиб кетилса, у дурлик қиёмига етмай, бадбуруш тошлигича қолаверар экан. Дур терувчилар (Шарқ адабиётида «дурчин» дейилади) шу сабабли баҳор ёмғирлари ёғиб ўтишини сабрсизлик билан кутсалар керак.

Халқимизда «Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас» деган мақол бор. Демак, дур терувчилар, яъни гаввослар ишида ҳамиша дурли ва дурсиз садафни ажратиш муаммоси бўлади. Дурчин аралаш-қуралаш ётган садаф ичидан дурлисини ажратиш олиш учун кўп машаққат чекади. Бу иш кишидан сабр-бардош, қаноат талаб қилади. Инсон ҳам ўз мақсадига етишиш учун дурчин каби сабр-бардошли, қаноатли

бўлмоғи керак. Қийинчилик ва етишмовчиликка чидаган, ҳар бир ишнинг ўз вақт-соати борлигига кўника борган кишигина халқ ўртасида бирор қадр-қимматга арзийдиган иш қила олиши мумкин. Шоирнинг ташбиҳлари кўнглимизда мана шундай мушоҳадаларни уйғотади.

САХОВАТ САОДАТИ

**Хотами Той кофир эрди, куймади дўзахда, бил,
Куйдирур эрди Эгам анда саховат бўлмаса.**

Ислом ақидасида кофир ҳолида ўлиб кетган киши дўзахга тушиб, мангу азобга гирифтор бўлади, деб эътиқод қилинади. Аммо кофир бўлса ҳам қўли очиқ, меҳмондўст, сахий бўлгани учун Ҳотами Той дўзах ўтида куймаган, дейди шоир. Бу хулоса унинг шахсий фикри эмас, чунки Ҳотами Той Қуръони каримда сахийлик намунаси сифатида зикр этилган. Қуръон ҳукми бўйича Ҳотами Той аҳли жаннатдир. Шоир сахийлик Оллоҳ қошида шунчалик қадрли бўлишини таъкидлаш учун сахийлиги билан танилган Ҳотами Тойни мисол қилиб келтирмоқда.

«Танбиҳул ғофилийн»да келтирилган ҳадисда ўқиймиз:

«Ойиша онамиз (разияллоҳу анҳо) Пайғамбардан (с. а. в.) ривоят қиладилар. У зот айтадилар:

«Сахийлик бир дарахтдир, унинг илдизи жаннатда ва шохлари дунёга тушган, ким унинг шохларидан ушласа, жаннатга етказади» (Ал- фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий. Танбиҳул ғофилийн. Т.: Мовароуннаҳр. 2001. Иккинчи китоб, 88-бет.).

Инсон сахий бўлмоғи учун аввало қўлидаги мол-дунёси ўзига омонат эканлигини чуқур англаб етган бўлмоғи керак. Ҳаззолий айтганидек, киши ўз мол-дунёсини охирагга савоб топиш воситаси деб билса, сахийлик қила олувчи бўлади. Аксинча бўлса, бахил бўлади.

Ҳазиний сахийлик бобида байтлар битар экан, оят-ҳадислардан ва исломий адабий манбалардан яхши хабардор бўлгани учун, уларни ҳаёт ҳодисалари билан қиёслаб, сахийлик фазилатини энг олий мақомда васф этади. Ҳар бир бандани сахийликка даъват этади. Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб»да саховат ва ҳиммат тўғрисида шундай пурмаъно сўзларни битган эди:

«Ҳимматлиларнинг ихтисоси саҳийликдир. Бу икки шарофатли сифат покиза кишиларга хосдир. Саҳийлик одамнинг баданидир, ҳиммат унинг жони, ҳимматлилардан дунёга юз минг кучшойиш келур. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, жонсиз баданни киши тирик демас» (Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 13-том, 215-бет).

Ҳазиний улуғ устозга пайравлик қилиб ўз замондошлари қалбида саҳийлик ва олиҳимматлиликка меҳр уйғотишга эҳтимом кўрғазган эди.

ИБОДАТ - ТУҲФА

**Фоний дунёдин лаҳадга дастхолий бормагил,
Найласия Холиқ сени туҳфанг-ибодат бўлмаса.**

Байтда учрайдиган «дастхолий» сўзи изоҳталаб бўлиб, форсча «даст» ва «холий» сўзларининг бирикувидан ташкил топган иборадир. Ўзбек тилида «қуруққўл» деган маънони билдиради. Ҳазиний «амалсиз бормагин» дейиш ўрнига халқ иборасидан фойдаланган. Инсон фоний дунёда яшар экан, амал дафтарини яхши, савобли ишлар билан тўлдириб, тоат-ибодатларни ҳам ўз вақтида бажариб, охирагга туҳфа тайёрлаб бориши керак. Бу туҳфа тоат ва ибодатлар жамланмасидир. Шоир лутфига кўра, жаннат мўмин банда учун мангу тўйдир. Банда жаннатда Оллоҳнинг меҳмони сифатида, тўйга тўсна билан бормоғи керак экан. Худо қошида энг чиройли туҳфа — банданинг ибодати бўлар экан, буни бажариш қийин эмас, аммо гофил бандалар шуни ҳам бажаришга эринамиз. Шайтон йўлига юриб, умримизни беҳуда ишларга сарфлаймиз. Шоир ўз авлодларини шу боис ҳам фоний дунёдин охирагга эшиги — лаҳадга қуруқ боришдан кўра бахтсизлик йўқ деб огоҳлантиради.

ЖОН ВА ИМОН

**Жон берар вақтида шайтондин ўзинг қил эҳтиёт,
Бандалик номинг ғалат — имон саломат бўлмаса.**

«Мишкот-ул масобиҳ» китобида келтирилишича, банда дунёдан кўз юмганда унинг бисотидаги нарсалар бешга тақсим қилиниб, ҳар тоифа ўзига тегишли нарсани олиб қолар экан.

Аввало, унинг омонатга берилган жонини Азроил алайҳиссалом олиб кетар экан.

Ҳовли-жойи ва мол-мулкни фарзандлари олар экан.

Жасадини қабристондаги қуртлар еб ризқланар экан.

Руҳини «Қобиз ул арвоҳ» номли фаришта олиб кетар экан.

Одамнинг имонигина ўзида қолар экан.

Шайтон эса одамнинг ёлғиз имонини тортиб олиш пайида бўлар экан. Китоб муаллифи айтадики, жон-омонат, уни эгасига топширишимиз аниқ, мол-мулк бола-чақага қолса бу ҳам дуруст, жисмимизни қуртлар еб ризқланса, бу ҳам дуруст, ammo ёлғиз имонини Шайтон тортиб олса, ҳайҳот инсонга нима қолади? Шайтон инсонни жон таслим қилгунча пойлар экан, мободо жон аччиғида тавҳид калимасини айтолмай қолса, имонини тортиб оламан, деб васваса қилар экан. Шу сабаб ҳам Ҳазиний жон берар вақтида ҳам инсон Оллоҳнинг бандаси эканлигини унутмаслиги, имонига шайтон чанг солишидан эҳтиёт бўлмоғи кераклигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган.

Ҳазилнинг кейинги байти инсонга берилган Оллоҳ ишқининг нақадар бебаҳо неъмат эканлигидан баҳс юритади.

МУҲАББАТ ҚУДРАТИ

Ишқ бирла ким тариқ этса ҳақиқатга етар.

Маърифат ҳосил этолмасдир, муҳаббат бўлмаса.

Кўнглида ҳиммати бўлган, жисмида ғайрати жўшган, Худога таваккул қилишда қаноатли бўлган, Худо берган молидан бошқаларга сахийлик қилувчи инсонни ҳақиқий яхшилик ошиғи, Оллоҳ ишқида юраги ловуллаб ёнган одам деса бўлади.

Ўз нафсини риёзат билан комиллик даражасига етказиш тасаввуфда шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтиш орқали рўёбга чиқарилади.

Нафси комиллик даражасига қадам кўйган одамдан фақат эзгулик, яхшилик, қут-барака кутиш мумкин. Бундай инсон аввало ота-онасини қадрлайди. Эл-юрт, Ватан хизматига камарбаста бўлади. Одамларга фойдаси тегаётганидан севиниб яшайди. Ҳаётда эса ҳимматли, сахий кишиларни кўра олмайдиган, уларнинг обрў-эътиборини пастга урувчи, пашшадан фил ясашга уринувчи маломатгўйлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда инсон қандай йўл тутгани маъкул?

МАЛОМАТДА - САЛОМАТ

**«Халқаро расво бўлибман», деб Ҳазиний, ҳам ема
Етмагай ҳеч ким саломатга маломат бўлмаса.**

Ўтмиш меросимизга назар солсак, одамларнинг маломати-
дан юраги зада бўлмаган бирор шоирни топиш мушкул.

**Бизнинг шайдо кўнгил бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш,
деб зорланади Алишер Навоий.**

**Ҳосилим барқи ҳаводисдин малолат доғидур,
Маснадим кўйи маломатда фано тупроғидур,
дея фиғон чекади Муҳаммад Фузулий.**

Ҳаётда ҳосилим йиққан, терган нарсам кўнгилсиз ҳодисалар
чақмоғидан пайдо бўлган малолат тоғи бўлади. Маснадим-жо-
йим маломат кўчасида ётган йўқлик тупроғи бўлади, дейди у.

Машраб «Бошима тушиб неча мени санги маломат» деб одам-
лардан эшитган таъна- дашном, ғийбату гап-сўзлардан зада
бўлганини баён этган эди.

Абдулла Орипов ҳам маломат ўқларига кўп дучор бўлганини
таъкидлаб, бу ишларни сира ҳам тўхтатиб бўлмаслигини алам
билан шундай ифодалаган эди:

**Хушёр боқ, то фоний бу умринг кечар,
Тегрангда маломат тошлари учар.**

«Маломат» сўзи арабча бўлиб, ўзбек тилида таъна, дашном,
тергов, таъқиб каби маъно қаторига эга.

Чунончи, маломат қилинган одамга нисбатан «таъна эшитди»,
«дашном еди», «гапга қолди», «расво бўлди», «расвоси чиқди»,
«обрўси тўкилди», «беобрў бўлди», «обрўси бир пул бўлди» каби
сўз ва иборалар ишлатилади. Бировни маломат қилиш икки қисм
бўлади:

1. Адолатли маломат.
2. Адолатсиз маломат.

Биз аввал ўзгалар томонидан ўзгалар феъл-атвори, сўзи ва
амалини маломат қилиниши хусусида тўхталамиз. Адолатли
маломат шуки, бир одам оғир гуноҳ қилган бўлса, одамлар буни
юзига солса, кўпчиликка ёйса, буни ҳамма тўғри танқид қилин-
ган деб ҳисобласа, бу иш адолатли маломат деб ҳисобланади.
Золим, қотил, бузуқ, фосиқ одамлар кирдикорларини ахлоқ ме-
зонига кўра маломат қилиш жоиз. Токи одамлар бундайлардан

нафратланиб, ёмон иш қилмаслик кераклигини англаб етсинлар, ибратлансинлар, кўрқсинлар.

Мисол учун, Имом Ҳусайнни ноҳақ ўлдирган Язидни одамлар қотилликда айблайдилар. Бу маломат адолатли. Бухоро амири мубтади Насрулло Қўқонга лашкар тортиб келиб кўплаб беғуноҳ одамларни ўлдирди, юртни ўғриларга талон-тарож қилдирди, Қўқон хони Мадалихонни, унинг онаси Нодирабегимни ва яқинларини ваҳшийларча қатл эттирди (Бу воқеалар тарихий манбаларда кўп зикр этилган). Насруллонинг бу зулмидан газабланган шоир Ҳозиқ (Аввал Қўқонда яшаган эди) унга қарата:

Буриди бар қади худ аз маломат,

Либоси то ба домони қиёмат.

Яъни, ўз қаддинга маломатдан шундай бир либос тикиб кийдингки, у либос устингда қиёматгача қолади, деб одамлар бу ёмон ишни қиёматгача маломат қилиб, гапириб юришини башорат этган эди.

Бу сўздан газабланган амир бечора Ҳозиқни ҳам пинҳона йўл билан қатл эттириб юбортирган эди. Шоир ҳақ эди — Амир Насруллонинг бу ёвузлигини бугунги авлод ҳам маломат қилиб турибмиз. Бу адолатли маломат, чунки бу ишни ҳеч ким оқлаб гапирмайди.

Ҳаётда адолатсиз маломат ҳам кўп содир бўлади. Чунки Ҳасан Басрий (р.а) айтганларидек, «Дарёни боғласа бўлур, одамларнинг оғзини боғлаб бўлмас». Ҳазинийнинг «Маломатда-саломат» иборасида асосан адолатсиз маломат қилганда унга эътибор бермаслик, ўта куйиниб кетмаслик кераклиги кўзда тутилган.

Одатда истеъдодли, омадли, ҳар томонлама иши юришган киши фаолияти бошқаларнинг эътиборини тортади, айримлар мақтаса, айримлар пастга уради. Айрим ишлари тан олиниб, айрим ишлари маломат қилинади. Бу нарса маломат қилинувчига оғир ботади. У маломат нотўғри эканлигини исботлашга уриниб, руҳий изтиробга тушади. Иззат-нафси уни ўз ҳолига қўймайди. «Ўзингни оқлаб ол», «бўш келма», «сен ҳам маломатгўйларнинг айбини қидир, топ, ўчингни ол» деб васвасага солади.

Ана шундай пайтда инсонга тасаввуф тарбияси ёрдамга келади.

Маломат қилинган кишига нисбатан пирлар, шайхлар «Мевали дарахтга тош отилади, ўзингни қўлга ол, ҳақ йўлда юриб-

санми, одамларнинг маломатига парво қилма, иззат-нафсингдан воз кеч, камтарин, тавозели бўл, айбингни одамлар айтганига хурсанд бўл, гуноҳнинг бу дунёда тўкилаётганидан шодлан, обрў тўкилиши умр тамом бўлгани эмас, ундан кўра янада яхшироқ ишларни қилишга, ўзингни оқлашга ҳаракат қил», деб насиҳат қиладилар.

Аввало, маломатга дучор бўлишга кишининг ўзи сабабчи бўлади. Ўз кучига ортиқча ишониш, ўзгалар билан ҳисоблашмаслик, бепарволик, манманлик кишининг маломат қилинишига сабаб бўлади.

Агар маломат тўғри бўлса уни дашном деб қабул қилиш керак.

Маломат қилинувчи ўз айбини бўйнига олиб, буни тўғри таъна деб қабул қилмоғи керак.

Адолатсиз, ғаразли, ўринсиз, жоҳилона маломатлар кўпроқ инсонни руҳий изтиробга солади.

Ана шунда инсон «элро расво бўлдим, обрўим тўкилди, амалимдан ажраладиган бўлдим» деб ғам чекмаслиги, аксинча соқинлик билан яшашда давом этиши, маломат туфайли саломат қилганига шукр қилиши керак.

Тасаввуф китобларида ёзилишича, «Маломатда-саломат» иборасининг сўфиёна талқини ҳам мавжуд. Яъни киши ўз нафсини ўзи маломат қилса, саломат юради, яъни имони саломат бўлади, агар ўз нафсини ўзи маломат қилиб турмаса, туғёнга берилса, гуноҳ устига гуноҳ қилади, натижада имон саломатлигига путур етади, деб таълим берадилар.

Бу маломатийларга хос тарбия усулидир. Маломатийлар ўзларининг мавжуд ҳолларидан қониқмайдилар, Худо йўли ва Пайғамбар суннатига пайровлик қилишда нуқсонимиз кўп деб изтироб чекадилар. «Тазкиратул авлиёи туркий»да келтирилишича, маломатийлар сардори Ҳамдун Қуссор (р.а) ҳисобланади. Ҳамдун Қуссорнинг ўз нафсини маломат қилиб айтган сўзлари машҳур. Аҳмад Яссавий, Хувайдо, Рожий Марғилоний, Ҳазиний каби шоирлар ижодида маломатийлар фалсафаси ўз аксини топган. Айниқса, Рожийнинг «Нечук жонман, паришонман, Сару по айбу нуқсонман» деб бошланувчи ғазали маломатиянинг яхши намунаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳазиний ўзининг «Бўлмаса» радифли ғазали орқали инсонни аввало, ҳимматли бўлишга чақиради.

Оллоҳ ризоси ва эзгу ишларда ғайрат-шижоатли бўлиш энг улуг имон белгиси эканлигига ургу беради.

Бўшанг, сует, худбин, текинтомоқ одам эса икки дунёда хор бўлиши муқаррарлигини ёдимизга солади. Шунинг учун касб-кор, илм-фазилат, одоб-ахлоқ ўрганишда сабр-қаноатли бўлиш зарурлигини таъкидлайди. Шоирнинг хулосасича, сахийлик кишининг бошқа айб-нуқсонларини ювиб кетади. Ўткинчи дунёдан боқий дунёга тоат-ибодат қилиб, муносиб туҳфа билан бориш мўмин бақданинг доимо фикри-зикрида бўлиши кераклигини уқтиради. Инсон комилликка интилиши учун шарият, тариқат, маърифат босқичи мақомларини пирлар кўмагида босиб ўтишга интилиб яшаши даркорлигини Нақшбандия пири сифатида таъкидлаб кўрсатади.

Инсон учун охиратда бақор келувчи энг буюк неъмат унинг имони эканлигига эътибор қаратган шоир, шайтон васвасасига дунёга берилиш туфайли тушиб қолмаслик зарурлигини айтиб ўтар экан, инсон охирги нафасигача имон ҳимоясига ўз нафсини йўналтириб яшаши керак, деб ўгит беради. Ҳазал сўнгида эса шоир тариқат йўлидаги солиқни камтар, кечиримли, иззат-нафсидан кечувчи тамкин хулқ соҳиби бўлишга даъват этади. Мало-матта бардош бериш ҳақиқий инсонларга пайғамбарлар, авлиёлар ва солиҳ умматлардан мерос бир фазилат эканлигини ҳис этишга илҳомлантиради. Ҳазинийнинг ҳиммат қаламидан тўкилган мазкур ғазал тарбиявий қиммати юксак асар сифатида адабиётимиз ва маънавиятимиз бисотидан мустаҳкам ўрин олганлиги сири ҳам назаримизда ана шу бўлса керак.

Умуман Ҳазиний ғазалларини кўплаб хонадаларимиз севиб куйлаб келади. Ана шундай хонадалардан бири кўқон шаҳридаги Узумзор маҳалласида яшовчи Турғунбой ота Мирзаевдир. Турғунбой ота Ҳазиний изидан бориб, мумтоз меросимизни халқимизга тарғиб этишга бор меҳрини бериб келмоқда. «Сиз ани одам деманг» кўшиғи оқинимизнинг сеvimли ашулаларидан биридир.

Алҳамду лиллаҳил лазий биҳикматиҳи ва қудратиҳи татиммус солиҳат — Ҳар бир яхшилик Оллоҳ таолога хосдир, ҳар бир яхши якун топган иш унинг ҳикмати ва қудрати бирла ҳосил бўлур.

МОТУРУДИЙ САБОҒИ

*Кўпчиликни ҳақ билгил доим,
Дуосини нақд билгил доим,
Ибодат қил жамоат билан.*

*Сев Расулни, саҳобаларни,
Авлиёлар — озодаларни
Тилга олма қабоҳат билан.*

*Султон бўлмақ ишдир қисматий,
Эмас касбий, эмас хислатий.
Ғийбат қилма маломат билан.*

*Оллоҳ ҳақдир, қиёмат ҳақдир,
Бор деб билгил торози, тақдир
Имон келтир шаҳодат билан.*

*Яхши-ёмон ишлар — Худодан,
Цема уни «шоҳу гадодан»
Ғамгин юрма надомат билан.*

*Кўп қилсангу тоат — ибодат,
Ҳаёт сенга бермаса роҳат,
Ҳақни сўкма хусумат билан.*

*Аҳли тавҳид гарчи гуноҳкор,
«Кофирани» деб ҳукм этма зинҳор,
Насиҳат қил фаросат билан.*

*Бир саодат сиррини айтай —
Жанозани тарк этма атай.
Элга қўшил ишжоат билан.*

*Дунё иши билан машгул бўл,
Дунёпараст бўлма, эй ўғил.
Соқин яша диёнат билан.*

*Бермиш Тақдир яшашга имкон,
Бермиш Ватан — гул Ўзбекистон.
Хизматин қил муҳаббат билан.*

КҮНГИЛ ИЗҲОРИ

Биҳамдиллоҳ сано айтай Тангримизга,
Юракка завқ, нусрат берди илкимизга.
Ҳақ таоло элчилари — анбиёлар.
Мустафонинг меросхўри авлиёлар.
Валийларга ихлосларим баланд эди,
Кўнглим улар зикри билан пайванд эди.
Китоб ёздим — Рабгузидан эрди ишим,
Рушдий ўқиб кечди неча ёзу қишим.
Ғавсул Аъзам — буюк дастгир, улуғ инсон,
Маноқиб и менга ҳамроҳ эрди, ҳар он.
Ҳазинийга билдим Ҳазрат пирлигини,
Қалби мангу бизлар учун сирлигини.
Сабаб бўлиб Ҳақ йўлининг тантанаси,
Давом этсин деб боболар анъанаси
Меҳр қўйиб, устозлардан руҳсат олиб,
Машойихлар рисоласин этдим таълиф.
Илҳом берди Оллоҳ ўзи туни-кун,
Руҳан қўллаб Фаргонанинг тўрт устуни —
Кўрмай мени, билиб туриб кўнгили сирим,
Бастом бува бирла азиз Вали пирим,
Шоҳи Жарир — Пошиопирим қилди имдод,
Кушойишин берди руҳи Бандикушод.
Ўқиб чиқиб, ислоҳ қилинг нуқсонини —
Ҳақ кечирсин мендек осий инсонини.
Бўлсин дедим замондошим йўлдоши ул,
Катта бўлса ўғил-қизим қўлдоши ул.
Ким ўқиса ёри бўлсин Парвардигор.
Ўқигандан дуо сўраш умидим бор.

МУНДАРИЖА

Муҳаддима 3

I қисм

«Авлиёлар султони» рисоласи ва
унинг муаллифи ҳақида сўз 6

МУҲАММАД СИДДИҚ РУШДИЙ

Авлиёлар султони 10

Мирмаҳмуд Қорий 94

Ғавсул Аъзам авлодлари 96

Рожий Марғилоний. «Сенга
бўйнимни сунганман»... 102

II қисм

ВАЛИЙЛАР ТАЗКИРАСИ

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва
унинг «Тазкиратул авлиёи
туркий» асари ҳақида 106

«Ҳувайдо қилди ишқ» (Шайх
Ҳусайн Мансур Ҳаллож) 118

Ҳақойиқ хазинаси (Шайх
Абубакар Воситий) 142

Элда ситойишлиғ авлиё
(Муҳаммад ат-Термизий) 155

Қутби замон (Шайх Абу Туроб
Нахшабий) 166

III қисм

ТУРОНЛИК ВАЛИЙЛАР

Безабонлар таржимони (Ҳазрат
Занги Ота) 176

Турку тожик суянчи (Ҳазрати
Хожа Баҳоуддин Муҳаммад
Нақшбанд ал-Бухорий) 179

Етмиш икки миллат халқи
бирла опино (Ҳўжаназар
Ҳувайдо) 190

«Маъмулоти Соқибий»дан
танланган саҳифалар 198

Нақшбандия тариқати пирлари
силсиласи 207

Кўнгилларга сафо улашиб
(Халифа Сафохонтўра) 209

Эшони Ҳўқандий 218

«Ошиқ манам, мажзуб манам»
(Абдулазиз Мажзуб) 223

Фаргона тонгида бўзлаган
булбул (Зиёвуддин Ҳазиний) 229

Икромиддин Остонақулов

Мотурудий сабоги 253

Кўнгил изҳори 254

«Эътиқод сабоқлари»

Адабий-бадий нашр

АВЛИЁЛАР СУЛТОНИ

ТУРОНЛИК ВАЛИЙЛАР

(Тўплам)

Муҳаррир *Гаҳар МИРЗАЕВА*

Бадий муҳаррир *Баҳриддин БОЗОРОВ*

Тех.редактор *Вера ДЕМЧЕНКО*

Мусаҳҳиҳ *Мақсуда ХУДОЁРОВА*

Компьютерда саҳифаловчи *Нодир РАҲИМОВ*

Муҳова «Artlob» дизайн марказида тайёрланди

ИБ 3891

Босишга рухсат этилди 23.03.04 й. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 8,0. Шартли босма тобоғи 13,44.

Адади 3000. Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма № 13

«Yangi asr avlodi» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Yoshlar matbuoti» босмаҳонасида чоп этилди.

700113 Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.